




Пауло  
Коэльо

# Иблис ва Прим хоним



ЯНГИ АСР АВЛОДИ  
ТОШКЕНТ  
2017

**УЎК: 821.512.133-3**  
**КБК: 84(Рос=Рус)4**  
**К-75**

**Коэльо, Пауло**

Иблис ва Прим хоним: романлар / Пауло Коэльо. Рус тилидан Азиз Саид, Улуғбек Долиевлар таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 352 бет.

ISBN 978-9943-20-240-5

Жаҳон адабиётининг етук намояндаларидан бири Пауло Коэльо асарларида инсон руҳиятининг эврилишлари маҳорат билан очиб берилади. «Алкимёгар»да ҳам, «Иблис ва Прим хоним»да ҳам бетакрор тақдир эгаларининг қисматини тасвирлаш асносида эзгулик ва ёвузлик, сабр ва нафс, муҳаббат ва нафрат, иймон ва гуноҳ сингари умуминсоний мавзулар борасида баҳс кетади. Асарлар мутолааси давомида ўқувчи қаҳрамон ўрнида ўзини кўради. Тақдир, меҳнат ва мақсад асносидаги умр йўли китобхонни мушоҳадага ундайди. Айни пайтда атрофимиздаги воқеалар тақдир йўриғими ёки битикни ўзгартириш учун имконият? Балки биз билан рўй бераётган тасодифлар тасодиф эмасдир?

Пауло Коэльо асарларининг яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, ўқувчининг асар ҳақидаги фикри китобнинг илк саҳифасида бошқа бўлгани ҳолда, сўнгги саҳифада мутлақо ўзгариши мумкин. Бу ўзгариш эса китобни яна қайта ўқишга ундайди...

**УЎК: 821.512.133-3**  
**КБК: 84(Рос=Рус)4**

*Рус тилидан*  
**Азиз САИД ва Улуғбек ДОЛИЕВлар**  
*таржимаси*

ISBN 978-9943-20-240-5

© Пауло Коэльо, «Иблис ва Прим хоним». «Янги аср авлоди», 2017 йил.

## «ТАҚДИРИМИЗ» ҰЗ ҚҰЛИМИЗДА\*

Чўпон йигит Сантягонинг саёҳатлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Алкимёгар» асари замиридаги асосий тушунча – «Тақдирим» тушунчасидир. Тақдир – нима ўзи? Бу – ҳаётимизнинг олий моҳияти – рўйи заминдаги умргузаронлигимиз учун Тангримиз тайёрлаб қўйган Йўл. Бироқ энг муқаддас орзулари истиқболига ана шу Йўлдан боришга журъат топиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

Нега ҳамманинг ҳам орзу-умидлари рўёбга чиқавермайди?

Бунга йўлдаги тўртта ғов халақит беради. Биринчиси шуки – *одамзотга гўдаклигидаёқ ҳаётдаги энг катта орзулари – амалга ошмайдиган орзулар* деб сингдирилади. У ана шу тушунча билан улғаяди, йиллар ўта борган сайин унинг қалби беҳисоб истиқолалар ва қўрқувдан қурум боғлаб боради, гуноҳқорлик ҳиссига тўлиб қолади. Бир қуни шундай лаҳза келадикки, Тақдири Йўлидан бориш истаги ана шу чиркин юк туфайли унга ўлимдан ҳам қўрқинчлироқ бўлиб туйилади ва ўшанда инсон ўзини бу дунёга нима учун келганлигини англаш туйғусидан маҳрум бўлиб қолгандай ҳис қилади. Аслида ўшанда ҳам ўзининг олий моҳияти борасидаги тушунча ҳали қалбида жон сақлаб турган бўлади.

Мабодо инсонга ўз қалбининг туб-тубига чўккан орзуларини қутқариб олишга журъати етса ва уни рўёбга

---

\* Ушбу сўзбоши романнинг рус тилидаги нашрига ёзилган бўлиб, баъзи қисқартиришлар билан берилмоқда (*Таржимон*).

чиқармоқ учун курашдан воз кечмасликка аҳд қилса, у одамни янги бир синов кутиб туради: *Муҳаббат! У ҳаётнинг қандай неъматига рўбарў келганини, қандай ҳиссиётларни бошдан кечириши мумкинлигини* билади, аммо ҳамма нарсадан воз кечиб, орзуларимга эргашиб кетсам, яқинларимни азоб ва изтиробга қўяман, деб қўрқади. Бу эса ўша одам муҳаббат тўсиқ эмаслигини, у халақит бермаслигини, аксинча, олға интилишга мадад беришини англамайди деган гап. Аммо, ўша инсонга кимки эзгулик соғинса, унга қўлини чўзади, тушунишга ва бу йўлда уни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади.

Қачонки инсон муҳаббат тўсиқ эмаслигини, йўлдаги йўлдош, кўмакчи эканлигини англаб етган чоғ уни тўртинчи ғов қарши олади: *омадсизлик ва маглубият қўрқуви!* Ўз орзуси учун курашаётган инсон бошқаларга нисбатан кўпроқ азоб чекади, қайсидир амали айтганидай чиқмай қолса: «Садқаи сар, ўзим ҳам ўлиб турганим йўқ эди», қабилида қўл силташга ҳам ҳақи йўқ. Чунки бу фақат ўзининг хоҳиши эканлигини ва бу йўлда борини тикканлигини ҳам яхши билади. У яна Ўз Тақдири белгилаган йўл бошқа йўллар сингари машаққатли эканлигини, бу йўлда «қалби ўзи билан бирга» эканлигини ҳам яхши англайди. Шунинг учун ҳам Олам Жангчиси ҳаётнинг энг мушкул дамларида асқатадиган сабр-бардошга эга бўлмоғи ва унинг орзуси ақл бовар қилмас тарзда бўлса ҳам ушалмоғига бутун Олам ёрдам беришига ишониши лозим.


Сиз, «Мағлубиятлар ҳам шунчалик зарурми?» деб сўрашингиз мумкин. Зарурми, йўқми – улар юз беради. Инсон ўз орзу-умидлари учун эндигина курашга кирган чоғида тажрибасизлиги туфайли жуда кўп хатоларга йўл қўяди. Ҳаётнинг моҳияти ҳам аслида шу – етти марта йиқилиб, саккиз марта оёққа туриб кета олишда.

Сиз яна: «Агар шундай экан, Ўз Тақдиримизга эргашганлигимиз туфайли бошқаларга нисбатан кўпроқ азоб чекар эканмиз, нима кераги бор эргашишнинг?» деб сўрашингиз мумкин.

Шунинг учунки, омадсизликлар ва мағлубиятлар ортда қолган кун – бир куни, албатта, ортда қолади, биз ўзимизни бутунлай бахтли ҳис қиламиз ва ўзимизга кўпроқ ишона бошлаймиз. Чунки қалбимизнинг туб-тубида биз ўзимизни ғайриоддий ҳодисалар юз беришига лойиқ одам, деб ҳисоблаймиз. Ҳаётимизнинг ҳар бир куни, ҳар бир соати бу – Шарафли Жангнинг лаҳзаларидир. Секин-аста биз умримизнинг ҳар бир дақиқасидан завқу шавқ олишга, ҳар бир дақиқасидан роҳатланишга ўргана борамиз. Кутилмаганда бошимизга тушадиган балои қазодан тортадиган азобимиз нақадар кучли бўлмасин, тезда ўтиб кетади, унутилади. Лекин чидаса бўладигандек, унчалик катта фожиа эмасдек туйиладиган бошқа азоб бор: бундай азоб йиллаб давом этади, билинтирмасдан, муттасил равишда қалбимизни емира боради ва ҳеч қачон чора топиб бўлмайдиган ғам бўлиб қалбимизда батамом ўрнашади, ҳаётимизни эса сўнгги кунигача қора қайғуга айлантиради.

Шундай қилиб, инсон, ўз қалбининг тубига чўкиб бораётган олий орзусини қутқариб олиб, беқиёс меҳр ва муҳаббат билан парвариш қилади, уни рўёбга чиқариш йўлида орттирган юрагидаги жароҳатлар ва чандиқларга ҳам парво қилмайди, дафъатан у шунча узоқ интилган орзуси ушалаётганини, ҳатто эрта-индин рўёбга чиқиши мумкинлигини сезиб қолади. Айни шу дамда уни сўнгги ғов, сўнгги синов кутиб туради: *ҳаётининг энг олий орзуси ушалиши олдидаги қўрқув.*

Оскар Уайлд: «Одамзот доимо ҳаётидаги энг севган нарсасини барбод қилади», деб ёзган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Инсон умр бўйи интилган орзуси амалга



---


ошаётганлигини англаган дақиқада қалби гуноҳкорлик туйғусига тўлади. Атрофга қараб орзу-умидларига эришолмаган кўплаб одамларни кўради ва «мен ҳам бу бахтга муносиб эмасман», деб ўйлай бошлайди. Инсон шу орзусини деб чеккан изтиробларини, азобларини, берган қурбонликларини унутади. Мен шундай одамларни биламанки, Тақдири йўлидан бориб, бутун қалби ва вужуди билан интилган олий орзуларига қўл чўзса етадиган даражада яқин қолганларида, сўнгги лаҳзада шундай тентакликлар қилишганки, натижада орзулари яна орзулигича қолиб кетаверган.

Ана шу тўртта говдан энг доғулиси, номаълум бир муқаддаслик, илоҳийлик либосига буркангандек туйиладигани – *музаффарлик нашидаси ва қувончидан воз кечиш туйғусидир!* Агар қачонки инсон, ўзи жидду жаҳд билан курашган орзусига ўзини муносиб ҳисобласа, у гўёки Худонинг қўлидаги қуролга айланади, мана шу оламга, Курраи Заминга ташрифининг асл моҳияти унга аён бўлади.

«Алкимёгар» романи ана шулар ҳақида рамзий бир шаклда ҳикоя қилади.

*Пауло Коэльо,  
2000 йил, июл*

# АЛКИМЁГАР



## СЎЗБОШИ

«Алкимёгар» – рамзий роман эканлигини, бирорта ҳам сўзи тўқиб ёзилмаган «Сеҳргарнинг кундалиги» асаридан шуниси билан ҳам фарқ қилишини ўқувчиларга айтиб қўйишни ўз бурчим, деб биламан.

Мен ҳаётимнинг ўн бир йилини алкимёни ўрганишга бағишладим. Сеҳргарлик дунёсига илк қадам қўйган одам учун биргина хоҳлаган маъдани олтинга айлантира олиш ёки Боқийлик ал-Иксирини\* топиш орзусининг ўзигина нақадар жозибали. Тўғриси айтишим керак, ал-Иксир фикру хаёлимни бутунлай эгаллаб олган эди, чунки мен ҳали Худонинг мавжудлигини тўла ҳис қилмас эдим, қачондир ҳамма нарса бутунлай интиҳосига етиши мумкинлигини ҳам ақлимга сиғдирилмасдим. Шу аснода мен ердаги умргузаронликни узоқ йилларга чўза оладиган суюқлик тайёрлаш мумкинлиги ҳақида эшитиб қолдим ва ўшани тайёрлашга ўзимни бутунлай бағишлашга қарор қилдим.

Бу етмишинчи йилларнинг бошидаги, ҳали ғайриилмий фанлар борасида жиддий ишлар қилинмаган, аммо катта ўзгаришлар арафасидаги гап. Ушбу китобдаги қаҳрамонларнинг бирига ўхшаб, мен ҳам алкимё ҳақида бутун дунёда ҳозирга қадар ёзилган китобларни сотиб олишга бор-будимни сарфладим, мақсадим уларнинг мураккаб, рамзий тилини ўрганиш эди. Рио де-Жанейрода Буюк Яратувчилик билан жиддий

---

\* Адабиётларда «Элексир», «Оби ҳаёт», «Тириклик суви» деб ҳам юритилади (*Тарж.*).



шуғулланаётган бир неча олимларни излаб топдим, аммо улар мен билан учрашишни истамадилар. Ўзларини алхимёгар деб эълон қилган, махсус тажрибахоналари (лабораториялари) бўлган ва хоҳлаганларга афсонавий пуллар эвазига сирларини очишга тайёр турган «халқ» билан ҳам танишдим; ўзларини билимдон деб биладиган соҳаларида уларнинг ғирт саводсиз эканликлари бугун менга кундай равшан.

Менинг саъй-ҳаракатларим, интилишларим ҳавога соврилди. Алхимё китобларининг қуёш, ой, шер ва аждарҳоларга тўлиб тошган рамзий тилида баён қилинган бирорта амални бажара олмадим. Доим ўзим-ўзимга тўғри йўналишдан кетмаётгандек туйилаверардим: маълумки, рамзий тил нотўғри талқинлар учун беҳисоб имкониятлар қолдиради. Астойдил уринишларим давомида бир баҳия ҳам олға силжий олмаганимдан умидсизликка тушиб, 1973 йилда ўта бир бемаъни иш қилиб қўйдим. Ўша вақтда Май-Гросс штати Таълим Бошқармаси мени театр санъати бўйича машғулотлар олиб боришга таклиф қилди, мен эса талабалар театр-студиясида Зумрад-Лавҳ мавзусида спектакл қўйишга қарор қилдим. Бу ишим менга қимматга тушди. Сеҳргарликнинг омонат пойдеворига мустаҳкамроқ ўрнашиб олиш учун қилган саъй-ҳаракатларим, ўтказган тажрибаларим оқибати шу бўлдики, бир йилдан сўнг «Қалава қанча чувалмасин, бари бир ниҳояси бўлади» мақолини ўзимда синаб кўрдим.

Кейинги олти йил ичида ғайб илмига оид ҳар бир нарса кулгимни қистатадиган бўлиб қолди. Ана шу руҳий бадарғалик давомида ўзимга бир қанча муҳим хулосалар чиқариб олдим:

*– биз у ёки бу ҳақиқатни аввал бошда уни бутун қалбимиз билан рад қилганимиздан сўнг қабул қиламиз;*

– ўз тақдирингдан қочишининг ҳеч ҳождати йўқ – бари бир қочиб қутулолмайсан;

– Худонинг қаҳри қаттиқ, аммо Унинг марҳамати ҳам чек-чегарасиз.

1981 йилда ҳаётимга устозим – Рама кириб келди, унга мени аввалги йўлимга қайтариш тақдир қилинган экан. Рамадан олаётган билимларимга қўшимча равишда, таваккал қилиб яна алкимёни ўрганишга киришдим. Бир куни кечқурун, тинкани қуритадиган узоқ телепатик амалдан сўнг, устоздан: «Нега алкимёгарлар бунчалик мураккаб ва ноаниқ ёзадилар», – деб сўрадим.

– Алкимёгарларнинг уч тоифаси бор, – деб жавоб берди у. – Биринчиси, фақат мавҳумлик томон судралади, чунки ўз фанини ўзи билмайди. Кейингиси билади, лекин уларнинг алкимё тили қалбга эмас, ақлга йўл излайди.

– Учинчи тоифаси-чи? – сўрадим мен.

– Учинчиси – алкимё ҳақида умуман эшитмаган, аммо ўз ҳаётлари билан Ҳикмат Тошини ярата олганлардир.

Ана шундан кейин иккинчи тоифага мансуб бўлган Устозим менга алкимёдан сабоқ беришга киришди. Тез орада алкимёнинг шу пайтгача мени адаштириб ва ғашимга тегиб келган рамзий тили – Олам Руҳини англашнинг ягона йўли эканлигини тушундим. Юнг Олам Руҳини «оммавий онгсизлик»\* деб номлаган эди. Мен Ўз Йўлимни ва Тангри Аломатларини кашф этдим – булар ниҳоятда оддий бўлгани боис менинг тафаккур даражам қабул қилмай келган ҳақиқат аломатлари эди. Буюк Яратувчиликка эришиш вазифаси эса бир

---


\* Карл Густав Юнг (1875–1961) швецариялик руҳшунос, файласуф. Бизнингча, «оммавий онгдан ташқари» бўлса керак. (Тарж.)

ҳовуч ноёб одамларнинг эмас, балки ушбу сайёрадаги бутун инсониятнинг қисмати эканлигини ҳам билиб олдим. Тўғри, Буюк Яратувчилик ҳамма вақт ҳам қаршимизда битта тухум ва бир шиша суюқлик шаклида намоён бўлавермайди, лекин ҳар битта инсон Олам Руҳини кашф этишга ва унга уйғунлашиб кетишга қодир. Мана, «Алкимёгар» нима учун рамзий китоб бўлди, унинг саҳифаларида мен нафақат алкимё ҳақида билганларимни тасвирлаганман, балки Умумбашарий Тилни эгаллаган буюк ёзувчиларнинг: Хемингуэй, Блейк, Борхес (менинг китобим унинг бир ҳикоясидаги ўрта асрларда Эронда бўлиб ўтадиган воқеага ўхшаб кетади), Малба Тагана ва бошқаларнинг улуф хизматларини эътироф этишга ҳаракат қилганман.

Ҳаддан зиёд кенгайиб кетган сўзбошим ниҳоясида Устозим учинчи тоифага қайси алкимёгарларни киритганлигини ойдинлаштириш учун, у зот бир куни тажрибахонада айтиб берган воқеани баён қилмоқчиман:

Кунлардан бир куни Биби Марям қўлидаги чақалоғи Исо билан ер юзига тушибди ва роҳибларнинг ибодатхонасига кирибди. Ташрифдан фахру ғурурга тўлган роҳиблар саф тортишибди ва Биби Марям шарафига ҳар бири ўз маҳоратини намоён қила бошлабди: бирови ўз шеърларидан ўқиб берибди, бошқаси Тавротни нақадар мукамал билишини намоён қилибди, яна бири эса жамики авлиёларнинг номини санаб берибди. Шундай қилиб, роҳибларнинг ҳар бири ўз кучи ва иқтидорига қараб Биби Марям ва чақалоқ Исони шарафлабди.

Охирида ғарибу бечора бир роҳиб бола қолибди, у ҳатто Муқаддас Китоб дуоларини ҳам ёдлаб айтолмас экан. Унинг ота-онаси ҳам саводсиз бўлиб сайёр масҳарабозлар экан, шу сабаб ўғилларини ҳам фақат шарларни отиб ўйнашга ва ҳар хил содда кўзбойловчилик ўйинларини кўрсатишга ўргатишган экан.



Роҳиб боланинг навбати етганда бари бир Биби Марямга ҳеч вақо айтиб ҳам беролмайди, устига-устак ибодатхонани шарманда қилиши ҳам мумкин деб роҳиблар тантанани яқунлаб қўя қолишмоқчи бўлишибди. Лекин у Биби Марям ва гўдак Исога ўзини бир лаҳза бўлса ҳам бахшида этиш заруратини юрак-юракдан ҳис этибди.

Ниҳоят, роҳибларнинг таънали нигоҳларидан хи-жолат ҳолда чўнтагидан бир неча пўртаҳол\* олибди ва ҳаётида ўрганган ягона ҳунарини намоийш қилибди – уларни чаққонлик билан осмонга отиб илиб ола бошлабди.

Фақат ана шу лаҳзалардагина Исонинг лабларида табассум пайдо бўлибди ва у чапак чалиб юборибди. Биби Марям эса фақат ана шу бечора қизиқчига ўғлини қўлда кўтаришни ишонибди ва Исони унга узатибди.

*Муаллиф*

---

\* апельсин.

*Яратиш сирини кашф  
этган алкимёгарга*

Улар узоқ йўл босдилар. Исо бир қишлоққа келди; бу ердаги Марфа исмли аёл Уни ўз уйига қабул қилди.

Унинг Марям исмли синглиси бор эди, у Исонинг пойида ўтирар ва Унинг сўзларини тинглар эди.

Марфа катта меҳмондорчилик тадоригини кўрарди ва яқин келиб деди:

– Ҳазратим! Синглим хизмат қилишни менинг бир ўзимга қолдирди. Сенинг бунга муҳтожлигинг йўқми? Унга айт, менга ёрдам берсин.

Исо унга жавобан шундай деди:

– Марфа! Марфа! Сен кўп нарсаларнинг ғамини еяпсан ва куйиб-пишяпсан, аслида битта нарса керак; Марям эса хайрли улушни танлади, у бундан маҳрум қилинмайди.

## МУҚАДДИМА

Алкимёгар қайсидир сайёҳ келтирган китобни қўлига олди. Китоб муқовасиз эди, аммо муаллифнинг номини топди – Оскар Уайлд – уни варақлаётиб, ўз-ўзига ошиқ бўлган гул – Наргиз ҳақидаги ривоятга кўзи тушди.

Кунларини булоқдаги ўз аксига маҳлиё бўлиб ўтказадиган гўзал йигитча ҳақидаги афсона Алкимёгарга таниш эди: Наргиз ўз-ўзига шунчалик узоқ термулиб ўтирадики, охир-оқибатда сувга қулаб чўкиб кетади, қирғоқда эса бир гул униб чиқади, унга Наргиз деб ном берадилар.

Лекин бу ривоятни Оскар Уайлд ўзгача ҳикоя қилади:

«Наргиз ҳалок бўлгандан сўнг, ўрмон илоҳалари – нимфалар булоқнинг суви кўз ёшлардан шўр бўлиб қолганлигини пайқадилар.

– Нега йиғлаётирсан? – деб сўрадилар ўрмон илоҳалари.

– Наргизга мотам тутяпман, – деб жавоб берди булоқ.

– Ажабланмаса ҳам бўлади, – дейишди ўрмон илоҳалари. – У ўрмондан ўтганда, биз унинг изидан югурар эдик, фақат сен унинг жамолини яқиндан кўргансан.

– У чиройли эдими? – деб сўради булоқ.

– Буни сендан яхшироқ биладиган бормикан? – ҳайрон қолди ўрмон илоҳалари. – Ахир, у субҳи содиқдан кун ботгунга қадар сенинг қирғоқларингда сувларингдан кўз узмай ўтирмасмиди?



Булоқ узоқ жим қолди ва ниҳоят жавоб қилди:

– Мен Наргизнинг гўзаллигини пайқамаган бўлсам ҳам, унга мотам тутяпман, у ҳар гал қирғоқларимга келиб бош кўтаролмай сувларимга термулганида, унинг кўзлари тубида менинг гўзаллигим акс этар эди, ана шунинг учун кўз ёшларимни тиёлмай йиғлаяпман».

«Нақадар гўзал ривоят», – деб ўйлади Алкимёгар.

## БИРИНЧИ ҚИСМ



*Худо бу дунёдаги ҳар бир банданинг йўлини аломатлар билан белгилаб қўйган, хазинага йўлни ўша аломатлар орқали топиб борасан. Фақат аломатларнинг сен учун ёзилганларини ўқий олмогинг даркор.*





Иигитчани Сантяго деб аташарди. У қўйларини яримвайрона, ташландиқ черковга олиб кираётганда дунё ҳокимлигини тун ўз қўлига олаётган эди. Черков гумбази аллақачонлар чўкиб афтода ҳолга келган, қачонлардир ибодат ашёлари сақланган жойни баҳайбат чинор эгаллаган эди.


Сантяго шу ерда тунашга қарор қилди ва сурув чиқиб кетмаслиги учун эшикни тахталар билан тўсиб қўйди. Бу атрофда-ку бўрилар йўқ, лекин баъзан қўйлар тентираб кетиб қолишарди, кейин адашган битта қўзичоқни топаман деб кун бўйи сарсон бўласан киши.

Сантяго камзулини ерга тўшади, яқиндагина ўқиб тугатган китобини боши остига қўйди ва чўзилди. Уйқуга кетишдан олдин, китобларнинг қалинроғидан олиш керак экан, ҳам узоқ ўқийсан, ҳам қулайроқ ёстиқ бўларди, – деб хаёлидан ўтказди. У уйғонганида ҳали қоронғу эди, гумбаз ёриқлари ва қолдиқлари аро чарақлаган юлдузлар Сантягони жимгина кузатишарди.

«Яна бироз ухласам бўлар», – деб ўйлади Сантяго.

Тушида ўтган ҳафта кўрган туши яна такрорланди, яна ниҳоясига етмай узилди.

У туриб ўтирди, бир қултум шароб ичди. Чўпонтаёғини олиб ухлаб ётган қўйларни турта бошлади. Аммо қўйларнинг кўпчилиги Сантяго кўзини очган лаҳзадаёқ уйғонган эди, улар емиш ва сув излаб икки йилдан буён биргаликда кезишар, ўрталарида сирли, илоҳий бир вобасталик пайдо бўлган эди. «Улар менга шунчалик боғланиб қолишибдики, феълимни, ҳамма одатларимни ўрганиб олишибди, – дея Сантяго ўзига-ўзи минғирлади. – Ҳатто кун тартибимни ҳам билишади».



Ана шулар ҳақда бироз хаёл сургач, ўйлаб қолди – балки тескарисидир, балки Сантяго қўйларнинг табиатини ўрганиб олган ва уларнинг ҳаёт тарзи билан яшашга одатлангандир.

Аммо айрим қўйлар, Сантяго таёғининг учи билан турткиласа ҳам, отини айтиб чақирса ҳам ўрнидан қўзғалишга шошилмасди. Умуман, Сантяго нимаики демасин, қўйлар жуда яхши тушунишига ишончи комил эди, шунинг учун ҳам баъзан китобидаги ўзига маъқул тушган жойларни қўйларига овозини чиқариб ўқиб берар ёки чўпоннинг ёлғизлиги, қувончли кунлари камлиги ҳақида гапириб ўтирар ёки бўлмаса ўзи ўтиб келган шаҳару қишлоқларда эшитган янгиликларни уларга айтиб берарди.

Йигитча кейинги пайтларда уларга фақат бир қиз ҳақида гапирарди – у шаҳарлик савдогарнинг қизи бўлиб, Сантягонинг ўша шаҳарга етиб боришига тўрт кунлик йўл қолган эди. Сантяго қизни ўтган йили, фақат бир маротаба кўрган эди, холос.

Мовут ва жун билан савдо қилувчи дўкондор қўйларнинг жунини кўз олдида қирқтириб сотиб олишни ёқтирарди – шундай қилса ҳеч ким уни алдаёлмасди. Сантягонинг танишларидан бири унга ана шу савдогарни тавсия қилган ва у қўйларни шу дўкон ёнига ҳайдаб келган эди.



«Жун сотмоқчиман», – деганди ўшанда у савдогарга.

Пештахта ёнида одам тирбанд бўлгани учун хўжайин чўпондан тушгача кутиб туришини сўради. Сантяго рози бўлди ва йўлакка ўтириб, елкасидаги қопчиғидан китобини чиқариб ўқишга тутинди.

– Вой, чўпонлар ҳам ўқишни билади, деб сира ўйламаган эканман, – ногаҳон ёнгинасидан қиз боланинг овози жаранглади.

Сантяго бошини кўтариб қизни кўрди – у ҳақиқий андалисиялик эди: қоп-қора, майин сочлари тақимига тушган, кўзлари бир замонлар Испанияни забт этган маврларники каби чарос кўзлар эди.

– Чўпонлар ўқишни билишларининг ҳожати йўқ: қўйлар уларга ҳар қандай китобдан кўра кўпроқ нарсани ўргата олади, – деб жавоб қилди Сантяго.

Шу алпоз гапдан гап чиқиб, улар роппа-роса икки соат суҳбатлашишди.

Қиз шу дўкондорнинг қизи эканлигини ва ҳаёти ниҳоятда зерикарлилигини, кунлари гўё икки томчи сувдай бир-бирига ўхшашлигини айтиб ҳасрат қилди. Сантяго эса унга Андалусия водийлари ҳақида, йўли тушиб келган катта шаҳарларда эшитганларини ҳикоя қилиб берди. У суҳбатдошидан ниҳоятда мамнун эди – қўйлар билан гаплашиш қаёқда-ю, бу суҳбат қаёқда.

– Ўқишни қаерда ўргангансан? – деб сўради қиз.

– Ҳамма қаерда ўрганса, мен ҳам ўша ерда – мактабда, – деди Сантяго.

– Хат-саводинг бор экан, нега қўй боқиб юрибсан?

Сантяго жавоб бериш ўрнига гапни бошқа ёққа бурди: қиз уни тушунмаслигига ишончи комил эди. У ўз

саёҳатлари, саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилар, қиз мавританча шахло кўзларини ҳайратдан гоҳ қисиб, гоҳ катта-катта очиб тингларди. Вақт буларнинг суҳбатларига қулоқ тутиб сездирмай ўтиб борар ва Сантяго бу кун ҳеч қачон тугамаслигини, дўкондор харидорлардан сира қутулмаслигини ва жун қирқишни уч кунлаб кутишни жуда-жуда хоҳларди. У ҳеч қачон ана шу лаҳзалардагидай фараҳбахш ҳолни ҳис қилмаган, шу ерда бутунлай қолиб кетгиси келаётганди. Қорасоч қиз билан ўтказадиган кунлари ҳеч қачон икки томчи сувдай ўхшаш бўлмас эди.

Шу пайт дўкондан қизнинг отаси чиқиб келди ва сурувдан тўртта қўйни жунини қирқиш учун танлаб олди. Сўнгра ҳақини тўлади ва:

– Бир йилдан кейин келсанг, яна оламан, – деди.

Мана, белгиланган муддатга бор-йўғи тўрт кун қолди.

Йигитча бўлғуси учрашувни кўз ўнгига келтириб қувонар, шу билан бирга юрагида хавотир ҳам бор эди: қиз уни эсдан чиқариб юборган бўлса-чи? Оз мунча чўпонлар уларнинг шаҳридан қўйларини ҳайдаб ўтадимиз?!

– Унутса унутар, – деди у қўйларига. – Шуям қайғу бўптими. Қизлар бошқа шаҳарларда ҳам тўлиб ётибди.

Лекин Сантяго, бу – ҳақиқатан ҳам қайғу эканлигини юрак-юрақдан ҳис этиб турарди. Чўпонларнинг ҳам, денгизчиларнинг ҳам ва дунё кезадиган савдогарларнинг ҳам битта азиз, қадрдон шаҳри бўлади – у ерда маҳбубалари яшайди, улар учун эркинлик ва озодликни ҳам қувонч билан қурбон қилиш мумкин.



Монг олам бозорига аллақачон зебу зийнатларини ёйган, савдо қилиш учун чиққан дўкондор – қуёш ўз ўрнида эди, Сантяго сурувини унинг истиқболи томон бошлади.

«Қўйларга маза-да, – деб ўйлади у, – бирор нарса ҳақида бош қотиришларининг ҳожати йўқ. Балки шунинг учун менга интилишар, менинг атрофимда ғуж бўлиб юришар».

Умуман, уларга ҳеч нарсанинг керагиям йўқ – оёқлари остида ўт-ўлан бўлса, ичгани сув бўлса кифоя, Сантяго токи Андалусиянинг сара яйловларини билар экан, қўйлар унинг қадрдон дўсти бўлиб қолаверадилар. Кунлари бир зайлда кечаверса ҳам майли, тонгдан шомгача бўлган фурсатнинг ўтиши мангуликдай чўзилса ҳам майли, қисқагина умрлари давомида бирорта китоб ўқимаган бўлсалар ҳам майли, дунё ғаму шодликларини бир-бирларига ҳикоя қиладиган одамзот тилини билмасалар ҳам майли – сув ва ўт-ўлан етарли экан, улар ўзларини бахтиёр ҳис қилаверадилар. Бунинг эвазига эса ўз юнгларини, ўз дўстликларини, вақти-вақти билан ўз гўштларини одамзотга туҳфа этаверадилар.

«Мабодо мен ёввойи ҳайвонга айланиб қўйларни бирма-бир бўғизлай бошлаганимда ҳам, сурув қарийб қирилиб битгандагина улар нима гап бўлаётганини англашлари мумкин, холос, – деб ўйлади Сантяго. – Қўйларни егулик топиладиган жойларга бошлаб бора олганим туфайли ва фақат ана шунинг учун, улар ўз савқи табиийлари – сезгиларидан ҳам кўра менга кўпроқ ишонадилар».

Миясига «ташриф буюраётган» бундай фикрлардан Сантягонинг ўзи ҳам ҳайратда эди. Балки бу кеч тунаб

қолган жойи – меҳробида тутанжир чирмовиқлари ўсиб ётган черков бало-қазолар маконидир. Аввалига, илгари кўрган тушини қайта кўрди, энди эса ўзининг содиқ ҳамроҳларидан аччиқланыпти. У кечадан қолган шаробдан ҳўплади ва камзулига яхшироқ ўраниб олди. Бор-йўғи бир неча соатдан сўнг қуёш тиккага келиб шунақанги жазирама бошланадики, қўйларни тақир яйловдан ҳайдаб ўтиш ҳам амри маҳол бўлиб қолади, Сантяго буни яхши биларди. Ҳозир бутун Испания уйқуда. Жазирама кечга томон ҳовуридан тушади, унғача зил-замбил камзулни эғнида кўтариб юриши лозим. Нимаям қиларди: тонг изғиринидан ҳам уни ана шу камзул асрайди.

«Яхшиси, об-ҳавонинг қутилмаган совғаларига тайёр турганим маъқул», – деб ўйлади Сантяго иссиқ ва оғиргина камзулига миннатдорлик туйғуси билан. Умуман олганда, камзул ҳам ўз қисматига битилган вазифани бажаради, Сантяго ҳам. Сантягонинг қисмати – дунё кезиш, мана, икки йил давомида Андалусия тоғликлари ва текисликларини кезиб, унинг ҳамма шаҳару қишлоқларида бўлди. Бу сафар Сантяго мовутчининг қизига қандай қилиб оддий чўпон хат-саводли бўлганини тушунтириш учун йўлга отланган.

Хуллас, саводхонлигининг сабаби шунда эдики, у ўн олти ёшгача семинарияда ўқиди.

Сантягонинг ота-онаси унинг руҳоний бўлишини орзу қилишарди, бу – оддий қишлоқ оиласи учун фахр эди. Ота-онаси худди қўйларга ўхшаб фақат егулик топиш илинжида оғир меҳнат қилишарди.

Сантяго семинарияда лотин, испан тиллари ва илоҳиётдан сабоқ олди. Аммо уни болалигиданоқ тинч қўймаган – дунёни билишга қизиқиши, Худони ва одамзот қавмининг гуноҳларини ўрганишга бўлган интилишларидан устун чиқди. Ва бир куни ота-онасини кўришга келганда руҳоний бўлишга майли йўқлигини айтишга журъат қилди. Сантяго саёҳат қилишни хоҳларди.



Отаси бу гапни эшитиб:

– Ўғлим, – деди, – бизнинг қишлоғимизга кимлар келиб кетмаган. Бу ерга бутун дунёдан одамлар нимадир янги нарса топаман деб келишади, лекин азалдан қандай яратилган бўлсалар шундайликларича қайтиб кетадилар. Улар қадимий қасрни кўриш учун тоққа кўтариладилар ва ўтмиш бугундан кўра афзалроқ эканлигига шоҳид бўладилар. Улар сариқ сочли ёки қора танли бўлсалар ҳам, қишлоғимиздагилардан ҳеч бир фарқлари йўқ.

– Лекин мен уларнинг юртида қанақа қасрлар борлигини билмайман-ку, – деб эътироз билдирди Сантяго.

– У одамлар бизнинг ерларимизни, бизнинг аёлларимизни кўришгач, шу жойда умрбод қолишни хоҳлашларини айтишади, – деб давом этди отаси.


– Мен эса бошқа ерларни, бошқа аёлларни кўришни хоҳлайман. Улар шундай дегани билан ҳеч қачон қишлоғимизда қолиб кетишмайди-ку.

– Саёҳат учун катта пул керак. Бизнинг қавмимиздан эса фақат чўпонларгина уйда ўтиришмайди, холос.

– На илож, унда чўпон бўламан, – деди Сантяго.

Отаси ҳеч нарса деб жавоб қилмади. Эрталаб Сантягонинг қўлига бир ҳамён тутқазди, унда учта эски тилла танга бор эди.

– Бир қуни даладан топиб олгандим. Осмондан тушган деб ҳисоблайвер. Бунга бир сурув қўй сотиб ол-да, токи бизнинг қасримиз дунёдаги қасрларнинг энг асосийси эканлигини ва бизнинг аёлларимиздан гўзалроқ аёллар ҳеч қаерда йўқлигини англагунингча оламини кезавер.



---

Отаси фотиҳа бераркан, Сантяго унинг кўзларига қараб бир нарсани англаб етди – ёши ўтиб қолганига қарамасдан дунё кезиш иштиёқи отасини ҳам беқиёс бир куч билан ўзига тортиб турарди. Бу иштиёқни ўтроқ ҳаётнинг неъматлари бўлмиш бошпана-ю қорин тўқлиги каби юпанчлар билан енгишга қанчалар ҳаракат қилмасин, нигоҳларида қачонлардир ёқилган, аммо ўчмайдиган олов янглиғ яшаётган эди.






Уфқ осмонига тортилган мато қип-қизил рангга бўялди, сўнгра мусаввир – қуёшнинг ўзи чиқиб келди. Отасининг гапларини эсларкан, Сантягонинг завқи келди: у шу пайтгача жуда кўп қасрларни ҳам, соҳибжамолларни ҳам кўрди, лекин икки кундан сўнг висолига мушарраф бўладиган қизга ҳеч бири тенглашолмайди. Унинг қўйлари ҳам, камзули ҳам бор, хоҳлаган пайтда бошқасига алмаштириб олиши мумкин бўлган китоби ҳам бор. Энг асосийси – юрагидаги муқаддас орзусига эришяпти: у дунё кезяпти. Мабодо Андалусиянинг қир-адирлари жонига тегса, истаган пайтда қўйларини сотиши ва денгизчиликка кетиши мумкин. Агар қачондир денгизда сузишдан ҳам безор бўлса – у вақтгача бошқа шаҳарларни кўради, бошқа аёллар билан танишади – бахтли яшашнинг бошқа йўлларини ўрганади.

«Семинарияда Худони топиш қўлимдан келармиди, йўқми, билмасдим», – деб ўйлади Сантяго осмон матосига янги ранглар билан зеб бераётган қуёшни кузатаркан.

Сантяго ўз саёҳатлари давомида доимо номаълум, ҳали синалмаган йўллардан юришни хуш кўрарди. Ушбу ўлкаларга тез-тез келиб туришига қарамасдан, бу черковда ҳали бирор марта ҳам тунамаган эди. Дунё кенг ва беқиёс экан, йўл танлашни бир муддат қўйларнинг ўз ихтиёрига қўйса кифоя, бу йўлда, албатта, ғаройиб бир нарса учрайди. Ҳар кун янги бир йўл топиб юраётганликларини, яйловлар ҳам, йил фасллари ҳам ўзгариб турганлигини қўйларнинг ўзи тушунмайди, холос: уларнинг калласида емиш топишдан ўзга хаёл йўқ.



«Балки биз ҳам шундайдирмиз, – деб ўйлади чўпон йигитча. – Ахир, мен ҳам мовутчининг қизи билан танишганимдан буён бошқа аёлларни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ-ку».

Сантяго осмонга тикиларкан, тахмин қилди – Тариф шахрига пешингача етиб борса бўлади. У ерда китобни бошқасига, қалинроғига алмаштириб олиши, сувдонига шароб тўлдириши лозим, мовутчининг қизи билан учрашувга тайёр бўлиш учун соқолини олиши, сочини текислатиши керак. Бошқа бир чўпоннинг ундан олғирроқ чиқиб қолиши ҳақида эса ўйламасликка тиришарди.

«Ҳаёт шуниси билан қизиқки, тушлар ўнгидан келиши ҳам мумкин», – деб ўйлади Сантяго осмонга қараб-қараб қадамани тезлатаркан.

У Тарифда тушларни таъбирлай оладиган кампир яшашини эслади. Мана, марҳамат қилиб айтсин-чи, икки марта кўрган бир хил туши нимани билдирар экан.



Кампир меҳмонни орқа томондаги хонага бошлади, бу хона билан ошхонани рангли пластмасс мунчоқлардан қилинган парда тўсиб турарди. Хонада иккита курси ва стол бор эди, деворга эса Исонинг Юраги тасвирланган сурат осиглиқ эди.

Уй соҳибаси Сантягони ўтиришга таклиф қилди ва ўзи ҳам қаршисига чўкиб, унинг икки қўлидан ушлади, аввалига паст овозда бир дуо ўқиди.

Лўлиларнинг дуоси бўлса керак. Чўпонга лўлилар тез-тез рўбарў келишарди – улар ҳам гарчи қўй боқмасалар-да, дунё кезиб юришарди. Одамлар уларни – фирибгарлик билан яшашади, қалбларини иблисга сотган, болаларни ўғирлашади, сўнгра уларни ўз тўдаларида қул қилиб олиб юришади, деб гапиришарди. Сантяго ҳам болалигида ўзини лўлилар ўғирлаб кетишидан ўлгудай қўрқарди, ҳозир мана шу кампир қўлларидан ушлагач, ўша қўрқув яна уйғонди.

«Ахир, бу ерда муқаддас Исо Юраги бор-ку», – деб ўйлади ўзига бўйсунмаётган титроғини босиб хотиржам бўлишга уринаркан. Сантяго бу ҳолатини кампир сезиб қолишини истамас эди. Дадиллик учун «Отамизга ҳамду санолар» дуосини ўқий бошлади.

– Жуда қизиқ, – деб гўлдиради кампир унинг кафтларидаги чизиқлардан кўз узмай, сўнгра яна сукутга чўмди.

Йигитча баттарроқ безовта бўлди. Қўллари ҳам титрай бошлаган эди, дарров тортиб олди.

– Кафтимга қараб фол кўришинг учун келганим йўқ, – деди у шу остонадан ўтганига ҳам афсусланиб, яхшиси, сўраган пулини бериб бу ердан тезроқ жўнаб қолсаммикан. Икки марта қўрилган қандайдир туш ҳақида ҳар балони ўйласа бўлади.

– Биламан. Сен бу ерга тушингни таъбирлашим учун келгансан, – деб жавоб қилди лўли кампир. – Тушлар бу – Худонинг биз билан гаплашадиган тили. Худо дунё тилларидан бирида гапирган пайтда уни таржима қилишга қурбим етар. Лекин, агар Худо сенинг қалбингни тилида сенга мурожаат қилса, Унинг айтганлари фақат сенгагина тушунарли бўлади. Пул масаласига келсак, тушингни таъбирини билмоқчимисан, пулини ҳам тўлайсан.

«Балога қолдим шекилли», – деб ўйлади Сантяго, лекин энди ортга йўл йўқ эди. Чўпонлар хавфу хатарга ўрганиб қолишган: ҳали бўрилар сурувга ҳужум қилди, ҳали қурғоқчилик юз беради. Тўғриси, ҳаётнинг мазмуни ҳам ана шу хавфу хатарлар билан.

– Мен икки бора бир хил туш кўрдим, – деди у. – Гўё қўйларимни ўтлоқда боқиб юрган эмишман, кейин битта болакай кўринди, қўйларим билан ўйнамоқчи бўлди. Мен бировнинг қўйларимга яқинлашишини ёқтирмайман, чунки улар бегоналардан қўрқишади. Билмайман нима учун, фақат болаларнигина чўчимасдан яқинларига йўлатишади. Одамнинг ёшини қўйлар қандай фарқлайди – ҳеч тушунолмайман.

– Тушингни гапир, – унинг сўзини бўлди кампир. – Тез бўл, ёғим куйиб кетяпти. Сенинг пулинг кам, менинг вақтим эса қиммат туради.

– Болакай қўйлар билан роса ўйнади, – Сантяго бироз уялинқираб давом этди, – кейин тўсатдан мени қўлига кўтарди-да, Миср эҳромлари ёнига олиб келди.

Лўли кампир эҳромларнинг нималигини биладими-йўқми, деб Сантяго иккиланиб тўхтаб қолди. Кампир жим эди.

– Миср эҳромларига олиб келди, – деб Сантяго секин, аниқ-аниқ қилиб такрорлади, – ўша ерда менга: «Агар яна шу жойларга йўлинг тушса кўмилган хазинани топасан», деди. Эндигина хазина яширилган

жойни кўрсатмоқчи эди, уйғониб кетдим. Иккинчи тушимда ҳам худди шу воқеа такрорланди.

Кампир узоқ сукут сақлади, кейин яна Сантягонинг икки қўлидан тутиб, кафтларига диққат билан тикилди.

– Ҳозир сендан бир чақа ҳам олмайман, – деди у ниҳоят. – Аммо хазинани топсанг, ўндан бири – меники.

Йигитча қувонганидан кулиб юборди – тушидаги хазина арзимаган танга-чақаларини асраб қоляпти. Кампиршо ҳақиқатан ҳам лўлига ўхшайди: лўлиларни ўзи, сал жиннироқ бўлади, дейишади.

– Бўпти, тушимнинг таъбирини айтсанг-чи энди, – деди Сантяго.

– Аввал қасам ич. Хазинанинг ўндан бирини бераман деб қасам ич, таъбирини кейин айтаман.

Қасам ичишга тўғри келди. Аммо кампир қасамни Муқаддас Исо Юраги тасвирига қараб такрорлашни талаб қилди.

– Худо сен билан Умумбашар Тилида гаплашибди, – деди кампир. – Таъбирлашга ҳаракат қиламан, лекин бу жуда машаққатли меҳнат. Ана шунинг учун ҳам сендан хазинанинг ўндан бирини сўраяпман-да. Бўлмаса қулоқ сол: сен Мисрга бориб, ўша эҳромларингни топишинг керак. Мен бунақа нарсани эшитмаганман, модомики болакай уларни сенга кўрсатибдими, демак, ҳақиқатан ҳам мавжуд. Хуллас, эҳромларни қидириб йўлга туш – ўша ердан ўз хазинангни топасан ва бойиб кетасан.

Сантягонинг кўзларига аввал ҳайрат, сўнгра пуншаймонлик қумлари сепилгандай бўлди. Кампиршони шундан шунга бўлмағур икки оғиз гапи учун излаб келдими? Яхшиям пул олмади.

– Сени деб шунча вақтим бекор кетди, – деди Сантяго.

– Тушингни таъбирлаш қийин, деб огоҳлантирдим. Бирор нарса қанчалик ғайритабий бўлса, кўзингга

шунчалик оддий кўринади, уларнинг асл маъноси-ни англаш эса фақат донишмандларнинг қўлидан келади. Кўриб турибсан, менинг донишмандлигим ўзимга яраша, шунинг учун бошқа ҳунарни кафтга қараб фол очишни ўрганишга тўғри келди.

– Мисрга қандай қилиб бораман?

– Бу энди-и менинг бошоғригим эмас. Мен тушларни таъбирлайман холос, рўёбга чиқариш қўлимдан келмайди.

Бўлмаса кўрардинг, ўз қизларимдан тиланиб, гадойга ўхшаб яшаб юрармидим.

– Агар Мисргача етиб боролмасам-чи?

– Боролмасанг – кўрган таъбиримга тўлайдиган пулингдан қуруқ қоламан, тамом. Бунақаси кўп бўлган. Энди туёғингни шиқиллат, гаплашадиган бошқа гапимиз қолмади.

Сантяго лўлининг олдидан ҳафсаласи пир бўлиб чиқди, энди туш деган нарсага ўлса ҳам ишонмайди. Бирданига эсига тушди – энди ўз ишларини ҳал қилса ҳам бўлар: дўконга кириб у-бу егулик олди, китобини қалинроқ китобга айирбош қилди, янги шаробни синаб кўриш учун бозормайдондаги ўриндиққа чўкди. Иссиқ айни забтига олган пайтда бу шароб мўъжизанинг ўзи бўлди-да – йигитчанинг ичидаги ўтни ўчириб, муздай қилди.

Сантяго қўйларини шаҳар ташқарисидаги янги ўртоғининг қўтонида қолдирган эди, унинг бутун музофотда дўстлари кўп эди – шунинг учун ҳам сайру саёҳат деса жон дерди. Янги дўст топдингми, бўлди – у билан ҳар куни кўришишинг шарт эмас. Худди диний семинариядагидай атрофингда доим бир хил одамлар бўлса – улар ўз-ўзидан сенинг ҳаётингга кириб қолади. Ҳаётингга кирдим, бироз вақт ўтгандан сўнг уни ўзгартирмоқчи бўлишади. Агар сен ўзгармасанг, улар хоҳлагандай одамга айланмасанг – хафа бўлишади.



Бу дунёда қандай яшаш лозимлигини гўё уларнинг ҳар биттаси аниқ билади.

Лекин негадир ҳеч ким ўз ҳаётини изга солиб ололмайди. Бу лўли кампирнинг ишига ўхшаган гап – тушни таъбирлай олади, уни рўёбга чиқариш эса қўлидан келмайди.

Сантяго қўйларини ўтлатишга олиб чиқиш учун офтобнинг қайтишини кутадиган бўлди. Мовутчининг қизи билан учрашувга ҳали яна уч кун бор. Сантяго шаҳардаги руҳонийдан алмаштириб олган янги китобни ўқишга тушди. Бу қалин китобнинг биринчи саҳифасида кимнидир кўмиш маросими тасвирланган эди, бунинг устига қаҳрамонларининг номларига тилинг ҳам айланмайди. «Мабодо мен қачондир китоб ёзсам, – деб ўйлади йигитча, – китобимнинг ҳар бир саҳифасида янги-янги қаҳрамонларни қатнаштирардим, токи ўқувчиларга уларнинг номини эслаб ўтиришнинг ҳожати ҳам қолмасин».

Эндигина мутолаага жиддийроқ шўнғиган ҳам эдики, қандайдир бир чол ёнига келиб ўтирди. Китобда эса қорни кавлаб бир марҳумни кўмишаётгани тасвирланган эди, қуёш забтига олиб қиздираётганига қарамасдан Сантягони қалтироқ босди. Шу пайт қария гап ташлаб қолди:

– Улар нима қилишяпти? – деб сўради у бозормайдондаги одамларни кўрсатиб.

– Ишлашяпти, – қуруққина жавоб қилди йигитча ўзини мутолаага машғул кўрсатиб.

Аслида эса Сантяго мовутчининг қизи олдида ўзини нимага қодирлигини кўрсатиб қўйиш учун тўртта қўйнинг жунини қандай эпчиллик билан қирқиш ҳақида ўйлаётган эди. У, бу манзарани бот-бот тасаввур қилиб кўрар, ҳар сафар қўй жунини думидан бошига қараб қирқиш лозимлигини ҳайратланиб турган қизга фикран тушунтирар эди. Қирқим пайтида қизнинг ди-

лини хуш қилиб туриш учун ҳар турли ғаройиб воқеаларни хотирасида саралар эди. Бу саргузаштларни у китобларда ўқиган бўлса ҳам, қизга худди ўзи бошидан кечиргандай қилиб айтиб бермоқчи эди. Қиз буни икки дунёдаям билолмайди: ахир, у ўқий олмайди-ку. Қария жуда ўжар чиқиб қолди. Чанқаб кетдим деб, бир қултум шароб сўради. Сантяго сувдонини узатар экан, шу билан қутулсам керак, деб ўйлади.

Қаерда дейсиз – қариянинг гурунглашгиси келаетгани. Сувдонини қайтараётиб, йигитчадан қанақа китоб ўқиётганлигини сўради. Сантягонинг шартта ўрнидан туриб бошқа ўриндиққа бориб ўтиргиси келди, лекин отаси уни катталарни иззат қилишга ўргатган эди, шунинг учун китобни қарияга жимгина узатиб қўя қолди: ажаб эмас китобнинг номи қандай ўқилишини билса. Мабодо қария саводсиз бўлса, нур устига нур, уялганидан ўзи жўнаб қолади.

– Ҳм-м... – деди у бунақа нарсага биринчи бор дуч келгандай китобни у ёқ-бу ёғини айлантириб кўриб. – Яхши китоб, муҳим нарсалар ёзилган, лекин жуда зерикарли.

Сантяго ҳайратланди: чоли тушмагур, саводли бўлиш нари турсин, айнан шу китобни ўқиб ҳам чиққан экан-у. На илож, агар китоб ҳақиқатан ҳам зерикарли бўлса, ҳалиям кеч эмас, бошқасига алмаштириб олади.

– Бу китобнинг мавзуси ҳамма китобларнинг мавзуси билан бир хил, – деб давом этди қария. – Яъни одамзот ўз тақдирини ўзи танлай олмаслиги ҳақида. Бу китоб, инсонлар оламдаги энг буюк ёлғонга ишониб яшашлари учун яратилган.

– Оламдаги энг буюк ёлғон нима ўзи? – ҳайрон бўлди Сантяго.

– Шундай лаҳзалар бўладики, ҳаётимиз бизнинг хоҳишимизга бўйсунмай қўяди, уни тақдир бошқара бошлайди. Ана шу – энг буюк ёлғон.



– Буни тушунишим қийинга ўхшайди, – деди Сантьяго. – Мана, масалан, мени руҳоний қилишмоқчи эди, чўпонликка кетиб қолдим.

– Жуда соз, – деб маъқуллади қария. – Ахир, сен дунё кезишни яхши кўрасан-ку.

«Худди фикрларимни ўқийётганга ўхшайди-я», деб хаёлидан ўтказди йигитча.

Қария эса қалин китобни шошилмай варақларди, гўё китобни қайтариб беришни умуман хаёлига келтирмаётгандай эди. Қариянинг эғнида араблар яктаги борлигини Сантьяго энди пайқайди – умуман олганда, у ажабланарли ҳол эмасди: Тарифни Африка соҳилларидан бир неча соатда кечиб ўтиш мумкин бўлган торгина бир бўғоз ажратиб турарди. Араблар бу шаҳарга тез-тез келишар – майда-чуйдалар сотиб олишар ва бир кунда бир неча бор ғалати ибодат билан машғул бўлишарди.

– Сиз қаердансиз? – деб сўради Сантьяго қариядан.

– Ҳамма жойдан.

– Бунақаси бўлмайди, – деди йигитча. – Ҳеч ким ҳамма жойдан бўлолмайди. Масалан, мана мен чўпонман, дунёни кезиб юраман, лекин мен ҳам битта жойдан – тоғида қадимий қалъаси бор шаҳарданман, ўша жойда дунёга келганман.

– Ундай бўлса, мен Салим шаҳрида туғилганман.

Сантьяго Салимнинг қаердалигини билмасди, уялиб қолмаслик учун сўраб ўтирмади. У бозормайдонга кўз ташлар экан, у ёқдан-бу ёққа зир югуриб ўтаётган одамларнинг ташвишли қиёфалари эътиборини тортди.

– Хўш, Салим тинчми, нима янгиликлар?

– Ҳар доимгидай.

Сантьяго шаҳар ҳақида ҳеч вақо билолмади. Лекин бир нарса аниқ, бу шаҳар Андалусияда эмас, бўлмаса Сантьяго албатта биларди.

– Хўш, сиз у ёқда нима иш қиласиз?

– Нима иш қиламан? – Қария хахолаб кулиб юборди.

– Уларга ҳукмронлик қиламан. Мен – Салимнинг шоҳиман.

«Баъзан одамлар нималарни валдирашмайди, – деб ўйлади йигитча. – Тўғриси, ейиш-ичишдан бошқа нарсани хаёлига келтирмайдиган гунг қўйлар билан гаплашган минг марта афзал. Ёки китоб ўқиш керак, улар ғаройиб ривоятларни айтиб беради, унияма сен хоҳлаган пайтингда, холос. Одамлар билан сўзлашсанг, тамом, расвои радди: томдан тараша тушгандай бир гап айтади, кейин аҳмоқ қилинган хўсадай ўтираман – нима деб жавоб беришингни билмай».

– Менинг исмиМ Маликсиддиқ, – деди қария. – Қанча қўйнинг бор?

– Етарли, – Сантяго ҳам аниқ жавоб қилмади.

– Ростданми? Қўйларингни етарли деб ҳисобласанг, демак, менинг ёрдамим керак эмас экан-да.

Йигитчанинг астойдил аччиғи чиқди. У ёрдам-пордам сўрамаган бўлса. Қариянинг ўзи аввалига шароб сўради, сўнгра китобини сўради, яна у билан валақлашиб ўтиришга мажбур қиляпти-ю, гапини қаранг.

– Китобимни беринг, – деди Сантяго. – Йўлга тушадиган пайтим бўлди.

– Сурувингдаги қўйларнинг ўндан бирини менга берсанг, хазинага қандай етиб боришни ўргатаман.

Йигитчага ҳамма нарса оп-ойдин бўлди: лўли кампир бир чақа ҳам олмади, бу қария унинг эри бўлса керак, гап билан бошини айлантириб, чўнтагини қоқлаб кетиш учун атайлаб юборилган.

Аммо Сантяго ҳали оғзини гапга жуфтлагани ҳам йўқ эдики, қария чўп билан қумга нимадир чиза бошлади. У энгашган вақтда кўкрагига осилган бир нарса шундай ярқираб кетдики, йигитчанинг кўзи бир муддат ҳеч вақони кўрмай қолди. Лекин қария ёшига



хос бўлмаган чаққонлик билан яктагига ўраниб олди, Сантягога кўриш қобилияти қайтганда оёқлари остида қария чизган ёзувларни кўрди.

Бу мўъжаз шаҳарнинг бош майдонини қоплаб ётган қумда у ота-онасининг исми-шарифини ва ўз ҳаётининг то шу лаҳзагача бўлган тарихини ўқиди, болаликдаги ўйинларини ўқиди ва диний семинариядаги совуқ тунлари тафсилотини ўқиди. Мовутчининг қизи исмини илк бора ана шу қумда ўқиди. У ҳаётидаги ҳеч қачон, ҳеч кимга айтиб бермаган воқеаларни ўқиди: бир сафар буғу овлайман, деб отасининг милтиғини сўрамасдан олганини ўқиди ва ҳаётида илк ва сўнгги бора аёл билан бирга бўлганини ўқиди.

Қариянинг, «Мен – Салимнинг шоҳиман», дегани ёдига тушди.

– Нега шоҳ чўпон билан гаплашяпти? – Сантяго бироз ҳадик ва тортинчоқлик билан сўради.

– Бунинг сабаблари кўп, лекин энг асосийси – сенинг Тақдиринг йўлидан бора олишга қодирлигинг.

– Тақдир дегани нима ўзи? – сўради йигитча.

– Жамики одамлар ёшлик пайтларида ўз Тақдирларини биладилар. Ана шу умр баҳорида ҳамма нарса оддий ва ҳамма йўллар очиқ бўлади. Улар орзу қилишдан қўрқмайдилар ва нимаики истаклари бўлса, ўшани рўёбга чиқариш учун интиладилар. Аммо фурсат ўтиши билан сирли бир қудрат уларни ўз Тақдирларини рўёбга чиқариш мумкин эмаслигига ишонтира боради.

Сантяго қариянинг гапларидан унчалик таъсирланмади, лекин «сирли қудрат»га қизиқиб қолди – бу сўзларни эшитса, мовутчи қизининг оғзи очилиб қолиши аниқ.

– Бу сирли қудрат одамзотга ғанимдай туйилади, аслида эса ўз тақдирини рўёбга чиқариш Йўлини худди ана шу қудрат кўрсатиб беради. Инсоннинг руҳини ва эркини ўша буюк вазифага тайёрлайди. Бу курраи заминда олий бир ҳақиқат мавжуд: *сен ким бўлишингдан ва нима билан шугулланишингдан қатъи назар, бирор нарсани чин дилдан истасанг, ўшанга албатта эришасан, чунки бундай истак Оламнинг Руҳида дунёга келган бўлади. Сен Ер юзидан худди ана шунинг учун яратилгансан.*

– Менинг бор-йўқ истагим дунё кезиш ёки мовутчининг қизига уйланиш бўлса-чи?



– Ёки дейлик, хазинани топишни истарсан. Олам Руҳи одамзотнинг бахтидан қувват олади. Шу билан бирга қайғусидан ҳам, ҳасадидан ҳам, рашкидан ҳам. Инсоннинг яккаю ягона вазифаси бор: ўз Тақдири йўлидан охиригача бориш. Ҳамма гап ана шунда. Ёдингда сақла, бирор нарсани астойдил истасанг, бутун Олам шу истагингни рўёбга чиқариш учун ёрдам беради.

Улар бир муддат майдонга ва ўткинчиларга жимгина термулиб қолишди. Сукунатни биринчи бўлиб қария бузди:

– Шундай қилиб, нима учун чўпонликни танладинг?

– Дунё кезишни яхши кўраман.

Қария майдон бурчагида қизил аравачаси билан ўрнашиб олган маккабодроқ сотувчига ишора қилди.

– Ёшлигида у ҳам сайру саёҳатларга орзуманд эди. Аммо, кейинчалик бодроқ сотиш ва пул йиғишни афзал билди. Қариб-қартайганидан сўнг бир ойга Африкага бориб келади, холос. Инсон ўз орзусини рўёбга чиқариш учун доимо имкониятга эга эканлигини англаш унга nasib қилмаган.

– Яхшиси, унинг қўй боққани маъқул эди, – деди Сантяго.

– Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўрган. Лекин, кейин савдо билан шуғулланишга қарор қилган. Чўпон яланг ерда, осмон остида ухлайди, савдогарнинг эса бошпанаси бор. Қизларнинг ота-оналари ҳам чўпондан кўра савдогар кўевни афзал кўришади.

Сантяго мовутчининг қизини эслади ва юрагига бир нарса санчилгандай бўлди. Балки қиз яшайдиган шаҳарчада ҳам кимдир қизил аравачасини судраб юргандир.

Қария ҳамон китобни варақлар, афтидан ўқишга жуда берилиб кетганди. Сантяго узоқ кутди, охир-оқи-

бат қарияни безовта қилишга қарор қилди – ахир, у ҳам боягина Сантягони ўқишдан чалғитган эди-ку:


– Нега энди айнан шу ҳақда гап қўзғаб қолдингиз?

– Чунки сен ўз Тақдиринг йўлидан боришга уриниб келаётгандинг. Ҳозир эса бу йўлдан чекинишга тайёр турибсан.

– Ҳамма вақт ҳам шундай лаҳзаларда пайдо бўла-сизми?

– Ҳамма вақт. Керак бўлса бутунлай ўзгача шаклу шамоийлда ҳам ҳозир бўлишим мумкин. Баъзан тўғри бир азму қарор, баъзан ноёб бир фикру хаёл бўламан. Гоҳо ҳал қилувчи лаҳзаларда мушкул бир ҳолатдан чиқиш учун йўл кўрсатиб юбораман. Ҳаммасини санаб чиқиш қийин. Аммо одатда одамлар менинг ҳозир у нозир бўлганимни англамайдилар.

Сўнгра қария ўтган ҳафта бир жавоҳир изловчининг қаршисида тош қиёфасида пайдо бўлганини айтиб берди. У одам бир пайтлар ҳамма нарчасидан воз кечиб, зумрад излашга киришган экан. Дарё бўйида заҳмат чекиб, беш йиллик умрини сарфлабди ва ҳеч қурса бир дона қимматбаҳо тош топиш умидида 999999 та тошни бўлаклаб чиқибди. Ниҳоят, сабру тоқати тугабди ва ўз орзусидан воз кечишга қарор қилибди, ҳолбуки қаршисида биттагина тош қолган экан, ўшани ҳам бўлакласа ўзи излаган зумрадни топар экан. Шунда қария бу ишга аралашишга, қатъият билан ўз йўлидан бораётган жавоҳир изловчига ёрдам беришга қарор қилибди. Қария тошга айланибди ва унинг оёқлари остига юмалаб борибди, лекин беш йиллик меҳнатлари зое кетганидан умидсизликка тушган, дарғазаб жавоҳир изловчи тошни тегиб юборибди. Лекин шундай шиддат билан тегибдики, тош учиб бориб бошқа бир тошга зарб билан урилибди ва уни бўлаклаб юборибди. Унинг ичидан дунёдаги энг чиройли зумрад чиқибди ва қуёш нурларида ярақлаб кетибди.



– Инсонлар ўз ҳаётларининг маъносини жуда эрта англайдилар, тўғрироғи, уларга шундай туйилади, – деди қария, Сантяго унинг кўзларида беадад бир ғам сузиб юрганини илғади. – Балки шунинг учун ҳам одамзот ўз ҳаётининг асл маъносидан бу қадар эрта воз кечар. Начора, дунё шундай яралган экан.

Суҳбат хазинадан бошланганлиги йигитчанинг ёдига тушиб қолди.

– Хазиналарни жилғалар ва дарёлар ер юзига олиб чиқади ва ана шу жилға ва дарёларнинг ўзи уларни замин қаърига дафн этади, – деди қария. – Ўз хазинанг ҳақида батафсил билиб олишни истасанг, сурувингдаги қўйларнинг ҳар ўнтасидан биттасини менга берсан.

– Балки ўша топадиган хазинамнинг ўндан бирини берганим маъқулроқдир?

– Ўзинг эга бўлмаган нарсани ваъда қилиш, ўшанга эгалик ҳуқуқингни бой бериш, демакдир, – деб таънаомуз гапирди қария.

Шундан сўнг Сантяго хазинанинг ўндан бирини лўли кампирга ваъда қилганини айтди.

– Лўлилар ҳақини қандай ундириб олишни билади, – деб хўрсинди қария. – Сен шу нарсани билиб қўй, дунёдаги ҳамма нарсанинг ўз баҳоси бор. Олам Сарбозлари одамзотга худди ана шуни таълим беришга ҳаракат қилади. – У Сантягога китобни узатди. – Эртага, худди шу пайтда қўйларингни ўндан бирини олдинга солиб келсан. Хазинани топиш йўлини ўшанда айтиб бераман.

Қария майдон бурчида ғойиб бўлди.

Сантяго яна китобга кўз тикди, аммо сўзлар бўйсунмади – у фикру ёдини жамлай олмасди. Қария билан суҳбатдан сўнг ҳали ўзига келмаган, ҳаяжонда эди, чунки қария ҳақиқатни айтганлигини ҳис қилиб турарди. Йигитча маккабодроқчининг араваси ёнига борди ва бодроқ сотиб олди, бир хаёли сотувчига қария у ҳақда нима деганини айтсамми деб ўйлади-ю, «бари бир фойдаси йўқ», деб фикридан қайтди.

«Баъзан ҳаммасини ўз ҳолича қолдирган маъқул», – деб ўйлади у. Айтсанг тамом, қизил аравачасига кўникиб қолган сотувчи шу ишимни ташласаммикан, деб уч кеча-ю уч кундуз ухламай чиқади. «Шу азобдан уни халос қилиб қўя қолай».

Сантяго хаёлларга ғарқ бўлиб, боши оққан томонга қараб йўл олди, бир пайт ўзига келиб қараса бандаргоҳда, мўъжазгина деразаси бор кичкина уйчанинг ёнида турибди. Бу ерда Африкага борадиган кемаларга чипта сотилар экан. Дарвоқе, Миср деганлари Африкада-ку.

– Нима хизмат? – деб сўради чипта сотувчи.

– Балки эртага сизлардан чипта сотиб оларман, – деб жавоб қилди Сантяго ва нари кетди.

Бор-йўғи битта қўйни сотсанг, олам гулистон – ўзингни Африкадаман деб ҳисоблайвер. Бу фикр уни довдиратиб қўйди. Паттачи эса ёрдамчисига ҳасрат қилди:

– Хаёлпарастлардан яна биттаси. Чўнтакда ҳемири йўқ, яна саёҳатга чиқмоқчилар.

Чиптахона деразаси ёнида тураркан, Сантягонинг ёдига қўйлари тушиб кетди ва бирданига уларнинг ёнига қайтиш истаги вужудини қамраб олди. У роп-



па-роса икки йил давомида чўпонлик санъатини мукамал эгаллади – энди жун қирқишда ҳам, қўзилатишда ҳам, қўйларни бўрилардан ҳимоя қилишда ҳам унинг олдига тушадигани йўқ эди. Андалусия яйловларини беш бармоғидай билар, ҳар бир қўйнинг баҳосини эса кўзини юмиб айтиб бера оларди.

Суруви кутиб турган қўтонга қайтаркан, Сантяго энг узоқ йўлни танлади. Бу шаҳарнинг ҳам ўз қасри бор эди, йигитча қияликдан кўтарилиб қалъа деворига чиқиб, бироз ўтиришга аҳд қилди. Бу ердан Африка кўриниб турарди. Аллазамонлар худди ана шу Африкадан маврлар сузиб келишиб, қарийб бутун Испанияни забт этишганини кимдир унга ҳикоя қилиб берганди. Сантягонинг маврларни кўрарга кўзи йўқ эди: лўлиларни ҳам ўшалар олиб келган бўлса керак.

Қалъа деворидан яқиндагина улар қария билан суҳбат қурган бозормайдони кафтдагидек кўриниб турарди.

«Уни менга дуч қилган лаҳзаларга лаънатлар бўлсин», – деб хаёлан қарганди йигитча. Ахир, бор-йўғи лўли кампир тушни таъбирласа кифоя эди. Қизиқ, на лўли, на қария унинг касби чўпонлигига эътибор ҳам қилишмади. Кўриниб турибди, булар ҳеч кими йўқ, дунёдаги ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлган одамлар, шунинг учун ҳам чўпонлар қўйларига бутун қалблари билан боғланиб қолишини тушунмайдилар. Сантяго ҳар битта қўйининг қанақалигини миридан сиригача айтиб бера оларди: мана буниси – қисир, униси эса икки ойдан сўнг қўзилайди, анавилари – энг ялқовлари. Агар лўлининг гапига лаққа тушиб, кетишга қарор қилса борми, улар Сантягони қўм-сашлари ва бу қўрқинчли дунёда йўқолиб қолгандай ҳолга тушишлари аниқ.

Шамол қўзғалди. Сантяго бу шамолни яхши биларди – одамлар уни «левантин шамоли» деб аташар,

чунки маврлар кемалари елканларига худди ана шу шамол куч-қудрат билан уфуриб, уларни Ўрта Ер денгизи шарқидаги Левантдан олиб келган эди. Йигитча илгари Тариф шаҳрида бўлмаган ва Африка қирғоқлари бу қадар яқинлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Хатарли қўшничилик – маврлар яна ёпирилиб келиб қолиши мумкин. «Ўзимни икки пора қилиб қўйларим ва хазинага бағишлолмайман-ку, ахир», – деб ўйлади Сантяго. Кўникиб қолган ҳаёт бир томон, оҳанрабодай ўзига тортаётган хазина бир томон – танлаш керак. Ҳа, яна мовутчининг қизи ҳам бор-ку, лекин қўйлар муҳимроқ, чунки уларнинг тақдири Сантягога боғлиқ, қиз эса Сантягосиз ҳам яшай олади. Дарвоқе, қиз уни эслай олармикан? Мабодо у икки кундан сўнг қизнинг ҳузурига боролмай қолса ҳам қиз буни сезмаслигига Сантягонинг ишончи комил эди. Чунки ўтаётган барча кунлар қизга икки томчи сувдай бир хил туйиларди, агар кунлар бир-бирига ўхшаса одамлар ҳар куни қуёш чиққанидан бошлаб, ўз ҳаётларида юз берадиган гўзал ҳодисаларни илғамай қўядилар.

«Мен отамни ҳам, онамни ҳам, қишлоғимдаги қасрни ҳам ташлаб келдим, – деб ўйлади у. – Улар айрилиқда яшашга кўникдилар, мен ҳам кўникдим. Демак, менинг йўқлигимга қўйлар ҳам кўникса керак».

У баландликдан бозормайдонига яна кўз ташлади. Маккабодроқ савдоси авжида эди, у қария билан суҳбат қурган ўриндиқда энди ошиқ-маъшуқлар ўпишаётган эди.

«Сотувчи...» – деб ўйлади Сантяго, аммо фикрини яқунлашга улгурмади – «левантин шамоли»нинг янги бир шиддатли тўлқини юзига урилди.

Бу шамолнинг хизмати нафақат босқинчи маврлар кемалари елканларини тўлдириб уфуриш бўлган, у юракларга қутқу солгувчи саҳро ҳидларини ҳам, чодра ёпинган аёллар бўйларини ҳам, номаълум хазиналар

излаб, олтин ва саргузаштлар излаб йўлга чиққан саргашталарнинг орзу-умидлари ва тўккан терлари ҳидини ҳам, ўша мафтункор эҳромлар ҳидини ҳам кўринмас қанотлари қатида олиб келарди. Йигитчанинг бу ҳур ва эркин шамолга ҳасади келди ва унга менгзай олиши мумкинлигини ҳис қилди. Ўзидан бошқа ҳеч ким унинг йўлига тўғаноқ бўлаётгани йўқ. Қўйлари, мовутчининг қизи, Андалусия яйловлари – буларнинг барчаси ўз Йўлига қадам-бақадам яқинлашишдир.

Эртаси кунни тушга яқин олтига қўйни олдига солиб, бозор майдонига келди.

– Ғалати иш бўлди, – деди у қарияга. – Менинг дўстим сурувимдаги ҳамма қўйларни индамай сотиб олди ва бир умр чўпон бўлишни орзу қилардим, деб айтди. Хайрли аломат.

– Доим шундай бўлади, – жавоб қилди қария. – Бунинг номи Хайрли Ибтидо. Масалан, сен умрингда биринчи бор қўлингга қарта ушлаганинда ҳам албатта ютган бўлардинг, менимча. Омад – бошловчиларга келади.

– Нега бундай бўлади?

– Чунки ўз тақдиринг йўлидан боришингни ҳаётнинг ўзи хоҳлайди ва ғолиблик нашидаси ила сенинг иштаҳангни қўзғайди.

Сўнгра қария қўйларни кўздан кечира бошлади ва биттаси оқсоқланаётганини сизди. Йигитча бунинг аҳамияти йўқлигини, қолаверса, сурувдаги энг ақлли қўй эканлигини ва энг кўп жун беришини тушунтирди.

– Хўш, хазинани қаердан излаш керак энди?

– Мисрдан, эҳромлар ёнидан.

Сантяго эсанкираб қолди. Лўли кампир ҳам худди шу гапни айтган, лекин эвазига ҳеч нарса олмаган эди.

– Худо бу дунёдаги ҳар бир банданинг йўлини аломатлар билан белгилаб қўйган, хазинага йўлни ўша аломатлар орқали топиб борасан. Аломатларнинг фақат сен учун ёзилганларини ўқий олмоғинг даркор.

Сантяго жавоб қилишга улгурмади, у билан қария ўртасида капалак чарх уриб айлана бошлади. У ёшлигида бобосидан капалаклар омад келтириши ҳақида эшитган эди. Қора чигиртка, калтакесак ва беданинг тўрт парракли япроғи ҳам омад элчилари экан.

– Худди шундай, – деди қария Сантягонинг хаёлларига жавоб тарзида. – Бобонг ҳақ. Сен йўлдан адашиб кетмаслигинг учун яратилган аломатлар – ана шулар.

Шундай деб қария яктагининг ёқасини сермаб, кўксини очди, ҳайратда қолган Сантяго кеча ярқираб кўзини олган нарсани эслади. Қариянинг қимматбаҳо тошлар билан безатилган, қуйма олтиндан қилинган нишонни бўйнига тақиб юриши бежиз эмас. У ҳақиқатан ҳам шоҳ бўлса керак, қароқчилар ҳужум қилмаслиги учун кийимини ўзгартириб юрибди чоғи.

Қария олтин нишондаги оқ ва қора тошни кўчириб олиб, Сантягога узатди:

– Мана, ол. Бу тошлар Урим ва Туммим дейилади. Оқ тош – «ҳа» дегани, қора тош – «йўқ» деган маънони билдиради. Аломатларни англашда иккилансанг, улар сенга ёрдам беради. Сўрасанг бас – жавоб беришади. Умуман олганда, – давом этди қария, – ўзинг қарор қабул қилишга ҳаракат қил. Энди хазина эҳромлар ёнида эканлигини биласан, олтига қўйингни эса сенинг қарор қабул қилишингга ёрдам берганим учун оламан.

Йигитча тошларни қопчиғига солди. Бундан бу ёғига таваккални Худога қилиб, фақат ўзи қарор қабул қилади.

– Ёдингда сақла, Оламда ҳамма нарса бир бутун. Ёдингда сақла, аломатлар гапиради. Ёдингда сақла, энг асосийси, сен ўз Тақдиринг йўлидан охиригача боришинг лозим. Энди эса сенга қисқагина бир ривоятни айтиб бераман:



Бир савдогар бахтнинг сир-асрорини билиб келиш учун ўғлини энг улуғ донишманднинг ҳузурига юборибди. Йигитча қирқ кеча-ю қирқ кундуз саҳрода юрибди, ниҳоят бир тоғнинг тепасидаги қасрни кўрибди. У қидириб юрган Донишманд ўша ерда яшар экан.

Йигитча кутилмаган манзарага дуч келибди, қаср узлатга чекинган тақводорнинг кимсасиз даргоҳига ўхшамас, одамларга тўла экан: савдогарлар ўз молларини мақтаб, у ёқдан-бу ёққа зир югуришар, бурчак-бурчакларда тўда-тўда одамлар гаплашиб туришар, машшоқлар созидан майин қуйлар таралар, меҳмонхона ўртасида эса энг танқис ноз-неъматларга тўла дастурхон тузалган экан.

Донишманд меҳмонлари билан шопилмасдан салом-алик қилиб юрган экан. Йигитча навбати келишини икки соатча кутибди.

Ниҳоят, Донишманд йигитчанинг не мақсадда келганини эшитибди, аммо бахтнинг сир-асроридан воқиф қилишга ҳозир фурсати йўқлигини айтибди. Йигитча қасрни айланиб, сайр қилиб чиқишни ва икки соатлардан сўнг шу меҳмонхонага қайтиб келишни таклиф қилибди.

– Сенга яна бир илтимосим бор, – дебди у йигитчага икки томчи ёғ томизилган чойқошиқни узатиб. – Бу қошиқчани ўзинг билан олиб юр, фақат эҳтиёт бўл, ёғи тўкилмасин.

Йигитча қошиқдан кўз узмай икки соат давомида қасрнинг зиналаридан чиқибди, тушибди, ниҳоят Донишманднинг ёнига қайтиб келибди.

– Хўш, – дебди у, – емакхонадаги эроний гиламлар сенга ёқдим, моҳир боғбонлар ўнлаб йиллар давомида парвариш қилган боғдаги дарахтлар ва гуллар маъқулми? Менинг кутубхонадаги қадимий қўлёзмалар, терига битилган китоблар-чи?

Уялиб қолган йигитча бу ажойиботларнинг ҳеч бирини кўролмаганини, бутун эътибори ишониб топширилган икки томчи ёгда бўлганини тан олибди.

– Орқанга қайт ва менинг уйимдаги барча мўъжизаларни кўздан кечир, – дебди Донишманд. – Одамнинг қаерда ва қандай яшаётганини билмай туриб, унга ишониш мумкин эмас.

Йигитча қўлида чойқошиқ билан яна даҳлизлар ва хоналар бўйлаб қаср сайрига йўл олибди. Бу сафар у ўзини эркин тутиб, хоналарни безаб турган осори-атиқаларни, санъат асарларини томоша қилибди. Боғларга ва қасрни ўраб турган тоғларга маҳлиё бўлибди, гулларнинг гўзаллигига, суратлар ва ҳайкалларнинг моҳирона жойлаштирилганига қойил қолибди. Донишманднинг ёнига қайтиб, кўрганларини батафсил сўзлаб берибди.

– Хўш, энди айт-чи, мен тўкмасдан қайтариб олиб кел, деб илтимос қилганим – икки томчи ёғ қани? – деб сўрабди Донишманд.

Йигитча қараса, қўлидаги қошиқда ёгдан асар ҳам қолмабди.

– Сенга берадиган битта-ю битта маслаҳатим худди ана шу эди, – дебди йигитчага донолар доноси. – *Бахтнинг бутун сир у асрори – дунёнинг мўъжизалари ва гўзаллигини бус-бутун кўриш, ва кўрар экансан, чой қошиқдаги икки томчи ёғни ҳеч қачон унутиб қўймасликда.*

Сантяго ривоятни эшитиб, узоқ жим қолди. Қария унга нима демоқчи эканлигини англаб етди. Чўпон дунё кезишни яхши кўради, лекин ҳеч қачон ўз қўйларини унутиб қўймайди.

Шоҳ Маликсиддиқ Сантягога диққат билан тикилиб турди-да, қўлларини бирлаштириб, унинг боши узра ҳавода сирли бир шаклда айлантирди. Сўнгра қўйларни олдига солиб, ўз йўлига равона бўлди.



Аллазамонлар маврлар қуриб кетган қадимий қалъа мўъжазгина Тариф шаҳрига салобат бахш этиб турарди. Агар минорага чиқиб назар ташланса, маккабодроқ сотувчининг кўчма дўкони жойлашган майдон кафтда тургандек намоён бўлади, ҳатто уфқдан Африка соҳиллари ҳам элас-элас кўзга ташланади. Ўша куни Салим шоҳи Маликсиддиқ юзини кунчиқар шамолига тутганча, қалъа девори устида ўтирарди. Қўйлар эса тақдирларида бирваракайига юз берган шунча ўзгарилардан безовталаниб, янги хўжайинидан узоқроқда тўдалашиб туришар, уларни ҳар доимгидек бир нарса – емиш қизиқтирарди.

Сафарга шай турган кичкина кемага тикиларкан, Маликсиддиқ бу йигитчани энди ҳеч қачон қайта кўрмаслиги ҳақида ўйларди, Иброҳим билан ҳам худди шундай бўлган эди. Ўндан бирини бериб кетгач, уни қайта учратмади.

Умрбоқийларда орзу-ҳавас бўлмаслиги керак, чунки уларнинг бу фоний дунёда ўз йўллари йўқ. Шунга қарамай, Маликсиддиқ Сантяго исмли бу йигитчага омад ёр бўлишига қалбининг туб-тубидан, пинҳона хайрихоҳ эди.

«Афсуски, у ҳозироқ менинг номимни ҳам унутиб юборди, – деб ўйлади у. – Исминни яна бир бор эслатиш керак эди. У мени – номаълум қарияни «Салим шоҳи, Маликсиддиқ», деб хотирлаши лозим.

У кўзларини осмонга тикди ва бироз хижолат бўлиб пичирлади:

– Эй, Тангрим, биламан, Сенинг наздинда буларнинг бари ўткинчи, беҳуда. Лекин баъзан бу қартайган шоҳнинг ҳам ўзидан гурурлангиси келиб қолади.

«Сирли жой экан бу Африка», – деб хаёлидан ўтказди Сантяго.

У кичкина тамаддихонада ўтирарди – бундай ошхоналар ушбу шаҳарнинг тор кўчаларида ҳар қадамда учрарди. Бир неча одам катта чилимни қўлма-қўл қилиб навбат билан чекишарди. Бу пайтгача у жуда кўп нарсаларни кўришга улгурди: қўл ушлашиб юрадиган эркакларни ҳам, юзлари ёпилган аёлларни ҳам, баланд мезанага чиқиб, бор овози билан азон айтадиган сўфиларни ҳам, уларнинг овози чиқиши билан атрофдаги одамларнинг тиз чўкканини ва пешоналарини ерга қадашганини ҳам.

«Мусулмонлар ўлкаси. Уларнинг урф-одатлари», – дерди у ўз-ўзига. У болалигида қишлоғидаги черковда Муқаддас Ёқуб сувратини кўрган эди – маврлар устидан галаба қозонган ғолиб қўлида қилич, оқ отнинг устида эди, унинг қаршисида эса юзтубан тушган, дарғазаб қиёфали, ҳозир Сантяго билан тамаддихонада ўтирганларга жуда ўхшаб кетадиган одамлар тасвирланган эди. Йигитчанинг жуда кайфияти тушиб кетди – у ўзини дунёда якка-ёлғиз қолгандай ҳис қиларди.

Бунинг устига, сафарга жўнаш талотўпида бир нарсани умуман назардан қочирган экан, бу эса хазинага йўлни узоқ вақтлар боғлаб қўйиши мумкин эди. Бу мамлакатда ҳамма араб тилида гапирарди.

Тамаддихона хўжайини унинг ёнига келди ва Сантяго қўшни столдагилар ичаётган нарсадан олиб келишини имо-ишора билан тушунтирди. У эса аччиқ дамланган чой бўлиб чиқди. Йигитчага бундан кўра шароб маъқулроқ эди.



Тўғриси айтганда, майда-чуйдалар унчалик аҳамиятга эга эмас – асосийси, хазина ва унга қандай етиб бориш ҳақида ўйлаш лозим эди. Қўйларни сотиб мўмайгина пул қилди, мана, чўнтагида турибди. Пул – пул-да, сеҳрли кучини кўрсатишга ҳам улгурди – пул бўлса одамга ёлғизлик ҳам унча билинмайди. Тез орада, бор-йўғи бир неча кундан сўнг у эҳромлар ёнида бўлади. Соф олтиндан қуйилган лавҳа осиб олган оқсоқол бир тўда қўй деб, уни лақиллатмагандир.

У йигитчага аломатлар ҳақида гапирганди ва Сантяго ҳам бўғозни кечиб ўтаркан, фақат шуларни ўйларди. Гап нима ҳақдалигини у англари: Андалусияни кезиб юрганда, ер ва осмондаги аломатлар нималардан огоҳ этишини йигитча ўрганиб олган эди. Қуш қаердадир пусиб ётган илондан хабар беради; буталар эса яқин орада булоқ ёки дарё борлигини билдириб туради. Буларнинг ҳаммасига уни қўйлари ўргатган.

«Агар ҳаммасига Худо раҳнамолик қилаётган бўлса, у менинг ҳам адашишимга йўл қўймайди», – деб ўйлади Сантяго ва бироз тинчланди. Ҳатто чой ҳам аввалгидай аччиқ туйилмади.

– Сен кимсан, оғайни? – ногаҳон испанча савол янгради.


Сантяго бирданига енгил тортди: у аломатлар ҳақида ўйлаётган эди, мана, аломат ҳам билдирилди. Мурожаат қилувчи оврўпоча кийинган, қарийб ўзининг тенгдоши экан. Фақат терисининг ранги унинг шу ерлик эканлигини билдириб турарди.

– Испанчани сен қаердан биласан? – сўради Сантяго.

– Бу ердагиларнинг деярли ҳаммаси билади. Испания икки соатлик йўл.

– Ўтир, сени меҳмон қилмоқчиман. Ўзинга ҳам, менга ҳам шароб буюр. Чой менга ёқмайди.

– Бу мамлакатда шароб ичмайдилар, – жавоб берди у. – Дин тақиқлайди.



Сўнгра Сантьяго унга эҳромларга етиб бориши лозимлигини маълум қилди. Хазина ҳақида ҳам лақиллаб қўйишига сал қолди, лекин вақтида тилини тишлади: ким билади, ёрдамлашгани учун ҳақ сифатида хазинанинг бир қисмини талаб қилса-чи, у қариянинг сўзларини эслади: *ўзинга тегишли бўлмаган нарсани ваъда бермаслик керак.*

– Мени эҳромларгача олиб бороласанми? Ҳақингни тўлар эдим.

– Сен уларнинг қаерда эканлигини ҳеч бўлмаса тасаввур қилоласанми ўзи?

Сантьяго тамаддихона хўжайини уларга яқинроқ келганини ва суҳбатларига диққат билан қулоқ тутаётганлигини сезиб қолди.

Унинг олдида гапиргиси келмади, лекин тезда топила қолган бу йўлбошчини қўлдан чиқариб юборишдан чўчирди.

– Бутун бошли Саҳрои Кабирни кесиб ўтишинг керак, – деди йўлбошловчи. – Бунинг учун эса пул керак бўлади. Пулинг борми ўзи?

Сантьяғони бу савол ҳайрон қолдирди. Лекин у қариянинг сўзларини эслади: «Агар сен бирор нарсани чин дилдан хоҳласанг, ниятинг амалга ошиши учун бутун Олам мададкор бўлади». Сўнгра чўнтагидан пулларини олиб, арабга кўрсатди. Тамаддихона хўжайини янада яқинроқ келиб, уларга бақрайиб туриб олди, сўнгра ҳалиги йигитга арабчалаб бир неча сўз айтди. Сантьягога хўжайиннинг недандир жаҳли чиқаётгандай туйилди.

– Кетдик бу ердан, – деди ҳалиги йигит. – У бизнинг бу ерда ўтиришимизни хоҳламаяпти.

Сантьяго хурсанд бўлиб ўрнидан турди ва чойнинг ҳақини тўламоқчи бўлди, лекин хўжайин унинг қўлига маҳкам ёпишиб, нималарнидир гапира бошлади. Сантьягонинг унинг қўлидан халос бўлишга кучи етар-

ди, аммо у ўзга мамлакатда эди ва бундай ҳолларда ўзини қандай тутиш кераклигини билмасди. Бахтига янги таниши хўжайинни итариб юборди ва Сантягони тамаддихонадан кўчага етаклаб чиқди.

– У сенинг пулларингни тортиб олмоқчи эди. Танжер Африкадаги бошқа шаҳарларга ўхшамайди. Бу ер бандаргоҳ, бандаргоҳ эса фирибгарлар макони дегани.


Бу йигитга ишонса бўлади. Шундай қалтис пайтда ёрдам берди. Сантяго яна чўнтагидан пулларини олди ва қайта санади.

– Эртагаёқ эҳромлар томон жўнашимиз мумкин, – деди араб. – Лекин, аввал иккита туя сотиб олишимиз керак.

У ҳамённи Сантягонинг қўлидан олди.

Улар Танжернинг ҳар хил нарсалар билан савдо қилувчи дўкону пештахталар тиқилиб ётган тор кўчалари билан илгарилаб, бозор майдонидан чиқиб қолишди, бозор кўп минг кишилик издиҳом билан тўлган эди – одамлар сотишар, олишар, савдолашар, жанжаллашар эдилар. Кўкату мевалар ханжарлар билан, гиламлар турли хил чилимлар билан аралаш-қуралаш ёйиб ташланган. Сантяго пулларининг ҳаммасини олиб қўйган йўлдошидан кўзини узмасди. Пулни қайтиб олмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин беҳурматлик бўлмасин, деб андиша қилди. Бу мамлакатнинг одоб қоидалари ва урф-одатлари унга номаълум эди. «Ҳечқиси йўқ, – деб ўйлади у, – уни диққат билан кузатиб бораяшман-ку, шунинг ўзи етарли, ундан устун эканлигимни билдиради».

Ногаҳон турли-туман буюмлар уюми ичидаги бир қиличга кўзи тушиб қолди, бундай гўзал қилични ҳали умрида кўрмаган эди: қини кумушдан, дастаси қимматбаҳо тошлар билан безалган ва сирланган. Сантяго Мисрдан қайтиб келгач, албатта, шунақасидан битта сотиб олишга қарор қилди.



– Сўра-чи, мана шу қанча тураркан, – деди у ўғирилмасдан ўз йўлдошига. Шу лаҳза у қиличга қарайман, деб икки дақиқага чалғиганини англади. Юраги шув этиб кетди. У орқага қарашга қўрқарди, чунки кўз ўнгида қандай манзара намоён бўлишини сезиб турарди. Яна бир неча лаҳза қиличдан нигоҳини узмай турди. Сўнгра журъатини жамлади ва орқага ўгирилди.

Атрофда бозор қайнаб-тошар, одамлар у ёқдан-бу ёққа зир югурар ва овозлари борича бақирар, ёнғоқлар, мис идишлару кўкатлар аралаш-қуралаш ёйилиб ётар, қўлтиқлашган эркаклар ва чодра ёпинган аёллар ўтар, чор атрофни номаълум таомларнинг ҳиди тутган – фақат унинг бояги ҳамроҳи ҳавога сингиб кетгандек эди.

Сантяго даставвал издиҳомда бир-биримизни йўқотиб қўйдик, деб ўзини ишонтирди ва жойидан қимирламай туришга қарор қилди – балки у қайтиб келиб қолар, бирмунча фурсат ўтди: баланд минорага бир одам чиқди ва бор овози билан нимадир, деб қичқирди – шу заҳотиёқ ҳамма тиз чўкди, пешоналарини ерга қадашди ва улар ҳам куйлай бошлашди. Сўнгра, худди тиришқоқ чумолиллардай бирданига буюмларини йиғиштиришди, дўкон ва пештахталарини ёпишди. Бозор бўм-бўш бўлиб қолди.

Ва қуёш ҳам осмонни тарк эта бошлади; Сантяго қуёшни узоқ кузатди – майдонни қуршаб турган оқ уйларнинг томлари ортига беркингунича ундан кўз узмади. Сантяго эслади: бугун қуёш ётоғидан бош кўтараётганда, у ҳали бошқа қитъада эди, чўпон эди; олтмишта қўйнинг эгаси эди, мовутчининг қизи билан учрашувни кутаётган эди. Ҳали тонгдаёқ қўйларини яйловга олиб киргач, унга нималар содир бўлиши олдиндан маълум эди.

Энди эса, худди шу куннинг оқшомида у бошқа мамлакатда – бегона юртдаги бегона одам, ҳатто бу

ерликларнинг тилини ҳам билмайди. У энди чўпон ҳам эмас, у бор нарсасидан мосуво бўлди – аввало пулларида, демак, энди ҳаммасини қайтадан бошлаш учун ортига ҳам қайтолмайди.

«Бу кўргуликларнинг барчаси қуёш чиқиб ботгунича рўй берди-я», – деб ўйлади йигитча. Ўз ҳолига ачиниб кетди ва ҳаёти кутилмаганда бу қадар ўзгариб кетганидан қаттиқ қайғурди.

Йиғлай деса, уят бўлади. У ҳатто ўз қўйларининг ёнида ҳам йиғлашдан уяларди. Лекин нима қилсин, бозор майдони аллақачон бўшаган, у эса ёп-ёлғиз ва ватанидан ҳам олисда.

Сантяго йиғлаб юборди. Наҳотки, бор-йўғи ўз тушига ишонадиганларга Худо шунчалик бешафқат бўлса!

«Мен ўз қўйларимни боқаётганда бахтли эдим ва атрофимга ҳам бахт таратардим. Мен ҳузурларига борсам, одамлар қувонарди ва азиз меҳмонларидай қабул қилишарди.

Энди эса мен ғамзада ва бахтсизман. Ва энди нима қилишимни ҳам билмайман. Битта одам мени алдагани учун, энди ҳаммага шубҳа билан қарайман, ёвуз ва бадгумон кимса бўламан. Кимки хазинани топса, мен улардан нафратланаман, чунки бу менга насиб қилмади. Мен ўзимдаги арзимас нарсага ёпишиб олам, чунки бутун дунёни англамоқ учун энди ожиз ва нотавонман».

У бирор бир егулик – ҳеч бўлмаса ёғ билан бир бурда нон қолмаганмикин, деб қопчигини очди – лекин ундан қалин китоби, камзули ва қария берган иккита тош чиқди.

Буларни кўриб Сантяго беқиёс бир енгиллик туйди. Ахир, қария совға қилган бу иккита қимматбаҳо тош эвазига олтига қўйини берган эди. Уларни сотса, олам – гулистон: чипта харид қилади-да, ортига қайтади.

«Лекин бу сафар эсимни йўқотмайман», – ўйларди у, – қопчиғидан тошларини олиб чўнтагига яшираркан. Бу ахир бандаргоҳ шаҳар, бандаргоҳ эса – ўзини тунаб кетган йигит айтгандай – фирибгарлар макони.

Тамаддихона хўжайини нега бу қадар қизишганини Сантяго мана энди англади – у ҳалиги шерикка ишонмаслик кераклигини йигитчага тушунтириш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилган экан.

«Мен бошқалар қандай бўлса, худди шундайман: орзуларимни ҳақиқат ўрнида қабул қиламан ва дунёни ҳам ўзи қандай бўлса шундайлигича эмас, мен қандай кўришни хоҳласам шундай кўраман».

У яна тошларни кўздан кечира бошлади. Уларни авайлабгина силади – ушлаб кўрса, иссиққина эди. Мана бу – ҳозирча ўзида бўлган ҳақиқий хазина, уларга тегинсанг, бас, руҳинг енгил тортади. Тошлар Сантягога қарияни эслатди. Унинг юрагида яна қариянинг сўзлари акс садо берди: «Агар сен бирор нарсани чин дилдан хоҳласанг, ниятинг амалга ошиши учун бутун Олам мададкор бўлади».

Бунинг ҳақиқат эканлигини Сантягонинг тушунгиси келарди. У чўнтагида бирор чақаси ҳам йўқ, бозор майдонининг ўртасида лол қотган ва қўйларини қаерда тунатиш ҳақида ўйлашнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Лекин қимматбаҳо тошлар у яқинда шоҳ билан учрашганини қатъият билан исботлаб турарди, қария унинг ҳаёти ҳақидаги ҳамма нарсани биларди: ҳатто отасининг милтиғини сўрамасдан олганини ҳам, ҳаётидаги биринчи аёл ҳақида ҳам...

«Тошлар сенга аломатлар маъносини уқолмай қолганингда ёрдам беради. Булар – Урим ва Туммим дейилади», – эслади йигитча.

Сантяго уларни яна чўнтагидан чиқарди, тўрвасига солди ва синаб кўрмоқчи бўлди. Қария, саволларни

аниқ бериш керак, тошлар ўзи истаётган нарсани аниқ биладиганларгагина ёрдам беради, деган эди. У, қариянинг оқ фотиҳаси ҳалиям ўзига ҳамроҳми эканлигини сўради ва қўлини қопчиғидан чиқарди.

– Ҳа, – деб жавоб берди тош.

– Мен хазинани топаманми? – сўради Сантяго.


У қўлини яна қопчиғига тиқди ва тошларни ара-лаштириб жавобни олиб кўрмоқчи эди, иккала тош ҳам тешиқдан тушиб кетди. У эса негадир қопчиғининг тешигини олдинроқ сезмаган ҳам экан. Сантяго ердан тошларни териб олиш учун эгилган ҳам эдики, калласига бир янги фикр келиб қолди: «Аломатларни англашга ва уларга эргашишга ўрган», – деганди қария. Аломат! Сантяго кулиб юборди. Сўнгра ердан тошларни олиб, қопчиғига солди. У тешиқни ямашни хаёлига ҳам келтирмади – агар тошлар хоҳласа истаган вақтда ташқарига чиқиб кетиши мумкин. У, шундай нарсалар борки, ўз тақдирингдан қочишга уринмаслик учун улар ҳақда яхшиси сўрамаган маъқулроқ эканлигини тушунди.

«Ахир, мен қарорни ўзим қабул қиламан деб қарияга сўз бергандим-ку», – деди у ўз-ўзига.

Лекин тошлар, қария ҳамон у билан бирга эканлигидан хабар бердилар ва бу Сантягонинг ишончини янада мустаҳкамлади. У бўм-бўш майдонни яна бир бор кўздан кечирди, лекин энди аввалгидай умидсизлик билан эмас. Умуман, унинг қаршисидаги дунё ҳам бегона эмасди – шунчаки янги дунё эди.

Ахир, унинг азалий истаги шу эди-ку – янги дунёларни англаш. Мабодо унинг тақдирида эҳромларгача бориш битилмаган бўлса ҳам, хоҳлаган бир чўпондан кўра кўпроқ нарсани кўришга эришди.

«Бор-йўғи икки соатлик йўлдан сўнг бутунлай бошқа олам борлигини билишганда эди», – деб ўйлади у.



---

Янги дунё унинг қаршисида бозорнинг ўлик майдонни қиёфасида ястаниб ётарди. Лекин у бу майдон ҳаёт билан қайнаганини ҳам кўришга улгурди ва буни ҳеч қачон унутмайди. У қилични ҳам эслади: албатта, икки дақиқалик маҳлиёликка жуда қиммат ҳақ тўлади, лекин бунақа қилични илгари кўрмаган эди. Сантьяго дафъатан англади – дунёга фирибгарнинг бахтсиз қурбони ва ёвуз одамнинг кўзи билан ҳам, хазиналар ва саргузаштларнинг жасур изловчиси кўзи билан ҳам қарай олиши мумкин экан.

– Мен – хазиналар ва саргузаштларнинг жасур изловчисиман, – дея гўлдиради у уйқуга чўмар экан.





Кимдир унинг биқинига туртгач, уйғониб кетди. Сантяго қоқ ўртасида тунаган бозорга яна жон кирган эди.

Одатича қўйларини излаб атрофга аланглаган Сантягонинг уйқуси батамом ўчди ва ўзининг янги дунёда эканлигини эслади, лекин бундан ғамгин бўлмади, у бахтли эди. Энди қорин тўйдираман, деб сандироқламайди – у хазиналар томон йўл олади! Чўнтагида бир чақа ҳам йўқ, аммо бунинг ўрнига ҳаётга ишонч бор. Кеча тунда у ўзига саргузаштлар изловчиси тақдирини танлади: у китобларда ўқиган қаҳрамонларга ўхшаган бўлади.


Йигитча сокин қадамлар билан майдонни айланиб ўта бошлади. Сотувчилар дўконлари ва пештахталарини очишарди, у ширинликлар сотувчисига пештахтасини қўйиш ва молларни ёйишга ёрдамлашди.

Ширинликлар сотувчиси жилмайди: у мамнун эди, чунки нима учун яшаётганлигини яхши биларди, шунинг учун ҳам янги меҳнат кунига қувонч билан тайёргарлик кўрарди. Унинг табассуми йигитчага қариянинг – сирли шоҳ Маликсиддиқнинг табассумини эслатди.

«У ширинликларни дунё кезиш учун ёки мовутчининг қизига уйланиш учун пишираётгани йўқ. Унга ўз машғулотни ёқади», – деб ўйлади йигитча ва ўша қарияга ўхшаб бир қарашдаёқ одамнинг ўз йўлига нақадар яқин ёки узоқ эканлигини аниқлаш мумкинлигини ҳам англади.

«Бу шунчалик оддийки, илгарилари мен буни нега тушунмаган эканман?»

Соябонни тортиб ўрнатишгач, қандолатчи унга биринчи пиширилган бўғирсоқдан тутди. Сантяго



уни иштаҳа билан еди, миннатдорчилик билдирди ва йўлига равона бўлди. Шу пайт, ногаҳон англаб қолди, ахир, улар соябонни ўрнатаётганда қандолатчи арабча гапирди-ку, у эса – испанча, лекин икковлари ҳам бир-бирларини тушунишди.

«Демак, шундай бир тил борки, у сўзларга боғлиқ эмас, – деб ўйлади у. – Мен шу тилда қўйларим билан гаплашардим, мана энди одамда ҳам синаб кўрдим».

«Борлиқ бир бутунликдир», – қария шундай деган эди. Сантяго аломатларни назардан қочирмаслик учун Танжер кўчаларини шошилмасдан айланиб чиқишга аҳд қилди. Бу сабру тоқатни талаб қиларди, сабру тоқат ҳар бир чўпоннинг энг биринчи ўрганадиган хайрли амалидир. Ва яна йигитча қўйлардан ўрганганлари ҳам, бу янги дунёда унга, албатта, асқатиши ҳақида ўйлади.

«Борлиқ бир бутунликдир», – Маликсиддиқнинг сўзлари яна эсига тушди.



Чинниворлар сотувчиси ҳар тонг уни қамраб оладиган маҳзунлик ила яна бир янги куннинг оламга ёйилишини кузатиб ўтирарди. Ана шу тору танг кўчадаги, харидор камдан-кам бош суқадиган дўкончада ўтирганига ҳам, мана, ўттиз йил бўлибди. Энди ҳаётида бирор бир нарсани ўзгартиришнинг ҳам мавриди ўтди, унинг бутун билган касби-кори шу – биллур идишлар (чинниворлар) сотиш. Вақти замонида бу дўкончадан пулдор араб савдогарлари, инглиз ва француз кончилари, олмон аскарларининг қадами узилмасди. Ўша пайтларда чинниворлар билан савдо қилиш энг сердаромад иш эди. У бойиб кетишни, ёши бир жойга етганда, гўзал хотинлари атрофида парвона бўлиб, ҳаётини безашини орзу қиларди.

Лекин замонлар ўзгарди, шаҳар ҳам аввалги шаҳар эмас. Танжер яқинидаги Сеута шаҳри жуда тез ривожланди ва савдо маркази ҳам ўша ёққа кўчди. Ҳамсоя савдогарлар кўчиб кетишди, фақат қуйироқда бир неча дўконча қолди, холос, харидорлар эса бу дўконларга кириш учун тоққа чиқишдан эринишарди.

Аммо чинниворлар сотувчисининг шу ерда қолишдан ўзга чораси йўқ эди. Ўттиз йил чиннивор олиб сотиш билан шуғулланди, энди ҳаётини ўзгартиришга вақт ўтган эди.

Эрталабки фурсати яккам-дуккам йўловчиларни кузатиб ўтириш билан ўтди. Унга бу манзара ҳам, бу кўчадан ўтувчиларнинг ҳаёти ҳам кўп йиллардан буён беш қўлдай маълум эди. Тушликка яқин дўкон ойнаси ёнида яхши кийинган ёшгина бир йигитча тўхтади. Унинг бу ерлик эмаслиги кўриниб турарди. Чинниворлар сотувчисининг бунақаларни кўравериб кўзи пишиб кетган, бир қарашдаёқ йигитчанинг пули йўқлигини билди. Шунга қарамаздан, йигитча кетгунча тушликка

сабр қилиб туришга қарор қилди. Дўкон эшигига бу ерда чет тилларда ҳам гапиравериш мумкинлиги ҳақида ёзиб қўйилган эди. Сантяго дўкон хўжайини пештахта ёнига келганини кўрди.

– Мана бу пиёлаларни ювиб беришимни хоҳлайсизми? – деб сўради йигитча. – Бундай аҳволда уни ҳеч ким сотиб олмайди.

Хўжайин жавоб бермади.

– Эвазига менга бирор бир егулик берарсиз.

Хўжайин миқ этмай йигитчага тикилиб тураверди. Сантяго қатъий ҳаракат қилмаса бўлмаслигини тушунди. Унинг қопчиғида камзули бор эди – бари бир саҳрода кераги бўлмайди. Камзулини олиб пиёлаларни артишга киришди. Ярим соатдан сўнг ярқираб-яшнаб кетди, худди шу пайт икки киши кирди-да, биллур буюмлардан харид қилди.

Сантяго ишини тугатиб, хўжайиндан егулик сўради.

– Қани, юрақол мен билан, – деди у.

Сўнгра эшикка «Тушлик вақти» деган қоғозни осиб, Сантягони кўчанинг юқорисидаги кичкина ошхонага бошлади. Улар тамаддихонадаги яккаю ягона ўриндиқни эгаллашди.

Чинниворлар сотувчиси кулди:

– Идишларни тозалашингнинг ҳам ҳожати йўқ эди.

Қуръони каримда оч одамни тўйдириш буюрилган.

– Унда нега мени тўхтатмадингиз?

– Чунки пиёлалар кир бўлиб кетганди. Иккаламиз ҳам миямизни ифлос нарсалардан поклашимиз лозим эди.

Овқатланиб бўлишгач:

– Дўконимда ишлашингни истар эдим. Бугун сен биллур пиёлаларни тозалаётганингда иккита харидор келди – бу яхши аломат, – деди у.

«Одамлар аломатлар ҳақида кўп гапиришади, – деб ўйлади чўпон, – аммо нима ҳақда гапиришаётганларини ўзлари англашмайди. Ўзим ҳам ҳеч нарсадан хабарим йўқ, шунча йил қўйларим билан сўзсиз тилда гаплашдим-ку».



– Хўш, нима қилдинг? – сотувчи айтганидан қолмасди.  
– Меникида ишлашга розимисан?

– Тонггача бутун молингизни ювиб бераман, – деб жавоб қилди йигитча. – Сиз эса бунинг эвазига Мисрга етиб боришим учун пул берасиз.

Қария яна кулди.

– Эҳ-э, бунақа йўлга... Мабодо сен йил бўйи дўконимдаги чинниворларни ювганингда ҳам ва сотилган ҳар бир идишдан ўз улушингни олганингда ҳам, бари бир, қарз кўтаришга мажбур бўласан. Танжер билан Мисрнинг ораси – минг-минг чақирим саҳро.

Бир лаҳза шундай сукунат чўкдики, гўё бутун шаҳар уйқуга чўмгандай эди. Бозорлар, молини мақтаётган савдогарлар, минорага чиқиб ибодатга чорлаётган одамлар, ўймакор дастали шамширлар ғойиб бўлди. Орзу-умидлар ва саргузаштлар, нуроний шоҳ ва танланган Йўл, хазина ва эҳромлар қаёққадир изсиз сингиб кетди. Бутун дунёга сукунат ҳоким эди, чунки Сантягонинг қалби тилдан қолган, гўё руҳи уни тарк этган эди. У на офриқни, на азобни, на умидсизликни ҳис этар, маънисиз қотиб қолган нигоҳларини тамаддихонанинг эшикларига тиккан кўйи ҳамма нарса батамом тугашини ва шу лаҳзада ўлиб қолишнигина истарди, холос. Сотувчи қошларини кўтариб, унга ҳайрон тикилди – ҳалигина, эрталаб бу бола бахтиёр эди, шекилли. Энди эса юзида ғамангиз булутлар: шодликдан асар ҳам қолмаган.

– Ўғлим, ватанингга қайтишинг учун сенга пул беришим мумкин, – деди сотувчи.

Йигитча жавоб қайтармади. Сўнгра ўрнидан турди, эгнидаги кийимини тўғрилаб, қопчиғини қўлтиғига қисди-да:

– Мен сизникида ишлашга қоламан, – деди.

Бироз жимликдан сўнг қўшиб қўйди:

– Менга пул керак, уч-тўртта бўлса ҳам қўй сотиб олмоқчиман.

## *ИККИНЧИ ҚИСМ*



*Ёвузлик инсон оғзига кираётган  
нарсадан эмас, чиқаётган нарсадан  
туғилади.*

*Ўзганинг тақдирига аралашганлар  
ўз Тақдирдан мосуво бўлади.*

*Одамзот руҳининг қуввати  
нигоҳида бўлади.*

*Хазина қаерда бўлса, қалбинг ҳам  
ўша ерда.*



Сантяго дўконда қарийб бир ой ишлади, лекин бу янги юмуш унга жуда ёқиб тушди, деб бўлмайди. Чинниворлар сотувчиси ҳар кун пештахта ортида ўтирар, йигитчага буюмларга эҳтиёт бўлишни таъкидлаб минғирлагани-минғирлаган эди.

Аммо ишни ташлаб кетишга ҳожат йўқ эди, чунки сотувчи эзма бўлса ҳам, ҳалол, гапида турадиганлардан экан: Сантяго сотилган ҳар бир буюмдан ўз улушини мунтазам олиб турди, ҳатто уч-тўрт танга йиғиб ҳам қўйди. Лекин бир куни ўз жамғармасини сарҳисоб қилса, мўлжаллаган қўйини сотиб олиш учун яна шунча йиғиши ва бунинг учун яна бир йил ишлашига тўғри келар экан.

– Кўчма пештахта ясаб, устига буюмлардан намуналар териб қўйсак нима қилади? – деди у хўжайинга. – Йўловчиларнинг эътиборини тортиш учун уни дўконга кираверишга қўйиб қўярдик.

– Биз шу пайтгача ҳеч қанақа кўчма пештахтасиз яшадик, – деди у. – Ўткинчилардан бирортаси туртиб юборади-да, кейин чинниворларим чилшарчин бўлади.

– Мен қўйларимни яйловга олиб тушганимда, улар ҳам бирорта илонни босиб олиши ва илон чақиб, ҳаром ўлиши мумкин эди. Лекин чўпон билан қўйларнинг ҳаёти шу – таваккал.

Сотувчи бу вақтда учта қадаҳ сотиб олмоқчи бўлаётган харидорлар билан овора эди. Кейинги пайтларда савдо авжига чиққан, худди бутун Танжердан харидорлар оқиб келган замонлар қайтгандай эди.

– Ишлар ёмонмас, – деди у харидорлар кетгач. – Етарлича даромад қиляшман, ҳадемай сенга янги бир сурув сотиб олишга етадиган пул бераман. Сенга нима

етишмаяпти? Ҳаётдан ортиқча нарса талаб қилишнинг нима кераги бор?

– Шунинг учунки, аломатларнинг изидан бориш керак, бу сўз йигитчанинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетди ва дарҳол айтганига пушаймон бўлди: ахир, Сотувчи шоҳга ҳеч қачон дуч келмаган-ку.

«Бу Хайрли Ибтидо дейилади, – қариянинг сўзлари ёдига тушди. – Бошловчиларнинг омади келади. Ҳаёт ҳар доим, инсон ўз Тақдирининг йўлидан боришини хоҳлайди».

Хўжайин эса бу вақтда Сантяго айтган гапнинг мағзини чақиш билан овора эди. Йигитчанинг дўконга келишининг ўзи бир яхшилик аломати бўлганлиги кундай равшан – пул дарёдай оқиб келарди, бу испан йигитчани ёллаганига ҳеч қачон афсусланмайди. Тўғри, у меҳнатига кўра кўпроқ пул олапти, ҳечқиси йўқ – чиннivorлар сотувчиси савдонинг бундай юришиб кетиши мумкинлигини ўйламай, каттароқ улуш белгилаб қўйганди. Сотувчига йигитчанинг ўз қўйлари ёнига қайтадиган фурсати яқин қолгандай туйиларди.

– Эҳромлар сенга нимага керак бўлиб қолганди ўзи? – мавзуни ўзгартириш учун сўради у.


– Менга улар ҳақида кўп гапириб беришган, шунинг учун... – деб жавоб берди Сантяго.

Хазина унинг учун аламли хотирага айланиб қолганди ва улар ҳақида ўйламасликка ҳаракат қиларди, шунинг учун ҳам кўрган тушини хўжайинга айтиб ўтирмади.

– Бор-йўғи, эҳромларга бир қараш учун саҳрони кесиб ўтишни хоҳлаётган одамни умримда биринчи кўришим. Эҳромлар дегани, бу – бир уюм тош-да. Унақасини сен ўзинг ҳам ҳовлида қуриб олишинг мумкин.

– Узоқ сафарлар, саргузаштлар ҳеч қачон тушингизга кирмагани шундоқ кўриниб турибди, – деб жавоб





берди Сантьяго ва навбатдаги харидорни кутиб олгани чиқди.

Орадан икки кун ўтиб, кўчма пештахта ҳақидаги гапни хўжайиннинг ўзи қўзғаб қолди.

– Мен янгиликни хуш кўрмайман, – деди у. – Мен Ҳасанга ўхшаган бой эмасман, у хато қилиб қўйишдан қўрқмайди – бунақа ишда у кўп нарса йўқотмайди. Сен билан менга ўхшаган одамлар эса ўз хатолари учун бир умр товон тўлайдилар.

«Тўғри», – деб ўйлади йигитча.

– Мана энди гапир, сенга нима зарурати бор бу пештахтанинг? – деди хўжайин ўз гапидан қолмай.

– Мен иложи борича тезроқ ўз қўйларим ёнига қайтмоқчиман. Модомики, омад ҳозир бизга кулиб боқаётган экан, этагидан маҳкам тутиб қолиш керак, омад бизга қандай ёрдам бераётган бўлса, унга ҳам шундай ёрдам қилиш учун қўлдан нимаики келса қилиш лозим. Буни Хайрли Ибтидо, деб бежиз айтишмаган, ахир. Доим бошловчиларнинг омади келишини унутманг.

Қария бир зум сукут сақлагач, жавоб қилди:

– Пайғамбаримиз Қуръони каримга ва ҳаётимиз давомида мусулмончиликнинг беш фарзига амал қилмоққа даъват этганлар. Энг асосийси, Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига имон келтириш. Кейингилари – бир кунда беш вақт намоз ўқиш, Рамазон ойида рўза тутиш, муҳтожларга шафқатли бўлиш ва закот бериш...

У яна жим бўлиб қолди. Пайғамбарни ёдга олиши билан кўзларига ёш келди. Гарчи у жонсарақ, қизиққон ва бесабр одам бўлса-да, Муҳаммад алайҳиссалом буйруқларини ўринлатган ҳолда умргузаронлик қиларди.

– Бешинчи фарзни айтмадингиз, униси нима? – сўради Сантьяго.

– Ўтган куни сен менга, узоқ сафарлар ҳақида ҳеч қачон туш кўрмагандирсиз, дединг. Бўлмаса эшит, бешинчи фарз – ҳар бир мўмин мусулмоннинг ҳаж зиёратини амалга ошириши.

Ҳар биримиз ҳаётимиз давомида ҳеч бўлмаганда бир марта муқаддас Макка шаҳрига ҳажга боришимиз лозим. У шаҳар сенинг эҳромларингдан анча олисда. Ёшлигимда, қўлимга уч-тўрт танга пул тушганда, ҳажга жўнашдан кўра мана шу дўконни сотиб олишни афзал кўрдим. Бойиб мол-дунё орттираман-да, ана ундан сўнг Маккага жўнайман, деб хаёл қилдим. Пулим ҳам кўпайди, лекин энди мен ҳеч кимга савдони ишониб тошпиrolмасдим, чунки молларим нозик эди. Ва ҳар куни дўконим ёнидан ўтаётган, ҳажга кетаётган зиёратчиларни кузатардим: уларнинг орасида бой-бадавлатлари ҳам бор эди – изидан ўнлаб хизматкорлар, бутун бошли туялар карвони борарди – лекин асосий қисми мендан кўра камбағалроқ одамлар эди.

Сўнгра уларнинг бениҳоя бахтиёр ва мамнун ҳолда ҳаждан қайтишларини, эшикларига ҳожилик белгисини ўрнатиб қўйишларини ҳам кўрардим. Ўшалардан биттаси – эски калишларни ямаб кун кўрадиган ямоқчи айтиб берди: саҳронинг ўртасидан қарийб бир йил юрибди, лекин сира чарчамабди, ўзимизнинг Танжердаги қўшни маҳалладан тери олиб келишга борганда, ана шундан кўпроқ чарчар экан.

Энди сенга келсак, мана, эҳромларни кўришни ният қилиб юрибсан, ўз орзуинг амалга ошишини иштиёқ билан кутаяпсан, мени ўзингга қиёслама.

Мен фақат Макка ҳақида орзу қилишнинггина истаيمان. Саҳрони пою пиёда босиб ўтишимни, муқаддас тош турган майдонга кириб боришимни, унинг атрофидан етти бор зиёрат қилиб айланишимни ва ана шундан кейин қўлларимни теккизишимни минглаб



маротаба кўз олдимга келтирганман. Атрофимда қанча одамзот бўлишини ва менинг овозим ҳам умумий зикру сано садоларига сингиб кетишини ҳар сафар ҳузурланиб тасаввур қиламан. Лекин мен тасаввуримдагидан ўзгача бўлган бирор бир нарсадан ҳафсалам пир бўлишидан қўрқаман ва шунинг учун ҳам фақат орзу қилишни афзал кўраман.

Ўша куни у Сантягога кўчма пештахта яшашга рухсат берди. Ҳар кимнинг орзуси бошқа, кўрадиган туши бошқа.

Орадан яна икки ой ўтди – кўчма пештахтанинг шарофати билан дўкончага харидорлар ёғилиб кетди. Сантьяго хомчўт қилиб кўрди: агар иш шу зайлда кетаверса, ярим йилдан сўнг Испанияга қайтиши ва олтмиш бош эмас, икки ҳисса кўпроқ қўй сотиб олиши мумкин бўлар экан. Қарабсизки, бир йил ўтмай сурувини яна икки баробар кўпайтиради, ана ундан кейин араблар билан бемалол савдо-сотиқ қилаверади, уларнинг тилини ҳам оз-моз ўрганиб олди. У бозорда юз берган ўша воқеадан буён ҳозиржавоб тошлар – Урим ва Туммим учун қопчиғига қўл суқмай қўйган эди, чунки Миср энди унинг учун ушалмайдиган орзуга айланганди, худди Маккаи мукаррама хўжайинининг армони бўлгани каби. У ўзининг ишларидан хурсанд, доим Тариф бандаргоҳига кемадан ғолибона тушиб келишини тасаввур қилгани-қилган эди.

«Ёдингда тут, нимани хоҳлаганингни доим аниқ билишинг керак», – деганди Маликсиддиқ.

Йигитча эса энди буни биларди. Ана шу мақсадига эришиш учун ҳам тинимсиз ишларди. Балки бегона юртга бориб қолиш, у ерда фирибгарга дучор бўлиш, алаалоқибат бир чақа ҳам сарфламай сурувини икки ҳисса кўпайтириб олиш тақдири азалига битиб қўйилгандир?

Сантьяго ўзидан мамнун, кўкси ғурурга тўла эди. У кўп нарсани ўрганди: чинниворлар билан савдо қилишнинг ҳадисини олди, сўзсиз тилда гаплаша олади ва ҳар қандай аломатнинг сирини билади. Бир куни у қандайдир харидорнинг: «Шунча баландликка чиқиб келдик, бу ерда на бир ўтирадиган жой, на бир чанқоғингни қондирадиган нарса бор», – деб зорлана-

ётганини эшитиб қолди. Сантяго бу аломат эканлигини дарҳол пайқади ва хўжайинга:

– Тоққа чиқиб келаётганларга чой сотсак қандай бўлади? – деди.

– Катта янгилик, ўйлаб кўрса бўлади, – жавоб берди у.

– Чойни эса биллур пиёлаларга қўйиб берамиз. Одамлар ҳузур қилади, қарабсизки, чинниворлардан сотиб олишни ҳам хоҳлаб қолишади. Одамлар кўпинча чиройли нарсаларга ўч бўлишади.

Хўжайин жавоб қилмади, лекин Сантягога мамнуният билан узоқ тикилиб қолди. У кечга яқин навбатдаги ибодатини адо этгач, дўконни ёпди ва тошйўлкада Сантягога рўбарў ўтириб олиб, унга чилим узатди. Деярли ҳамма араблар ажойиб, узун найчали чилим чекарди.

– Менга тушунтир, сен ўзи нимага эришмоқчисан? – сўради у йигитчадан.

– Биласиз-ку, уйимга қайтмоқчиман, кўп қўй сотиб олмоқчиман. Бунинг учун менга пул керак.

Қария чилимнинг қўрхонасидаги чўғларни қўзғаб қўйди ва тутунни ичига чуқур тортди.

– Ана шу дўконни очганимга ўттиз йил бўлди. Асл биллурни ёмонидан ажрата оламан, савдо-сотиқнинг нозик томонларини беш қўлдай биламан. Ишимнинг маромидан хурсандман ва уни кенгайтиришни ҳам хоҳламайман. Харидорларга биллур пиёлаларда чой тутмоқчисан, биламан, ҳақиқатан ҳам даромадимиз ошади; ҳамма нарсани ўзгартиришга тўғри келади.

– Бунинг нимаси ёмон?

– Мен қандай яшаётган бўлсам, шундай яшашга кўникканман. Сен келмасингдан аввал тез-тез шундай хаёлларга борардим: умр ўтиб борапти, мен бир жойда ўтириб қолдим, атрофимдаги дўстларим қаёқларгадир кетишяпти, яна қайтиб келишяпти, касодга

учрашяпти, яна бойиб кетишяпти. Ана шулар ҳақида чуқур бир ҳасрат билан ўйлардим. Энди тушуниб қолдим, менинг дўконим менинг эҳтиёжимга, менинг хоҳишимга яраша экан. Мен янгилик изламайман ва бу қандай қилинишини ҳам билмайман. Мен ўз ҳолимга, ўзлигимга жудаям кўникканман.

Йигитча жавоб беришга сўз тополмай қолди. Қария давом этди:

– Сени эса Худойим менга атайлаб юборгандай бўлди. Мен бугун бошқа нарсани тушундим: агар Аллоҳнинг марҳаматини қабул қилмасанг, у лаънатга айланар экан. Менинг ҳаётдан бошқа умидворлигим йўқ, сен эса мени мен учун мавҳум бир келажак сари юришга мажбур қиляпсан. Мен эса номаълум кенгликларга, ўзимнинг келажакдаги беқиёс имкониятларимга қараяпман, англаяпман ва ўзимни аввалгидан ҳам ожизроқ, ёмонроқ ҳис қиляпман. Ҳолбуки, энди мен жуда кўп нарсага эришишим мумкинлигини биламан, лекин менга бунинг кераги йўқ.

«Яхшиямки, маккабодроқ сотувчисига ҳам бирор нарса демаган эканман», – деб ўйлади Сантяго.

Яна анча фурсат улар чилим чекиб ўтиришди. Қуёш ётоғига бош қўйди. Хўжайин ва Сантяго арабча гаплашиб ўтиришарди – йигитча бу тилни ўрганиб олганидан мамнун эди. Илгарилари, у бутунлай бошқача ҳаёт кечириб юрганида, унга қўйлар оламдаги ҳамма сир-синоатларни билиб олишга қодирдай туйилар эди. Лекин, мана бу араб тилини ҳеч қачон ўрганишолмади.


«Улар ўрганишдан ожиз бўлган яна нималардир бўлиши керак, – хўжайинга жимгина тикилганча ўйлади у. – Ҳолбуки, улар емиш ва сув излаб топишни билишади, холос. Қолаверса, биладиганларини ҳам ўзлари ўрганишмаган – уларни мен ўргатганман».

– Мактуб, – деди узоқ жимликдан сўнг чинниворлар сотувчиси.



- Бу нима дегани?
- Бунинг асл маъносини билиш учун араб бўлиб туғилиш керак, – жавоб қилди у. – Лекин тахминий маъноси – «шундай битилган».

Сўнгра чилимнинг қўрхонасидаги чўғларни ўчирар экан, Сантяго эртадан бошлаб биллур пиёлаларда чой сотиши мумкинлигини айтиб қўйди. Ҳаёт дарёсини тўхтатиш мумкин эмас.



Одамлар тоққа тикка кўтарилиб келишар ва энг тепада ушбу дўконча, чиройли биллур пиёлаларда яхна ва оромбахш чой уларни кутиб турарди. Қандай қилиб дўконга кирмаслик, хушбўй чойдан ичмаслик мумкин?!

Бир харидор биллур пиёлалардан бир нечтасини сотиб олар экан: «Бунақа нарсалар хотинимнинг хаёлига ҳам келмайди!» – деди. Шу кеча уникига келадиган меҳмонларни ажойиб пиёлалар билан тонг қолдирмоқчи экан.

Бошқаси эса биллур пиёладан ичганда чой янада хуштаъм бўлишини, хушбўйлигини ҳам кўпроқ сақлашини уқтирарди.

Учинчиси эса Шарқда қадим-қадимдан чойни биллур пиёлаларда ичишганини, чунки унинг сеҳрли кучи борлигини эсларди.

Кўп ўтмай ушбу кашфиётдан ҳамма хабар топди ва бу баландликка одам оқиб кела бошлади, уларнинг чиннифурушликдай эски ҳунарга яна нима янгилик қўшиш мумкин эканлигини ўз кўзлари билан кўргилари келарди. Харидорларга биллур пиёлаларда чой тутадиган бошқа дўконлар ҳам пайдо бўлди, лекин улар бўм-бўш эди, чунки уларга машаққат билан чиқиб борилмасди.

Кўп ўтмай дўконга яна иккита ёрдамчи олишга тўғри келди. Энди бу ерда фақат чинниворлар савдосигина бўлмасди, балки ҳар куни юзлаб келадиган янгиликка ташна мижозларга ҳадсиз-ҳисобсиз чой ҳам сотиларди.

Ана шу тахлит ярим йил ўтди.





Иигитча уйғонганда ҳали қуёш чиқмаган эди. Бу тун унинг Африка заминига қадам босганига ўн бир ой-у тўққиз кун бўлди.

У атайлаб ана шу кун учун олиб қўйилган арабча оқ яктасни кийди, бошига рўмол ташлаб, уни туя терисидан қилинган ҳалқа билан маҳкамлади, шиппагини оёғига илиб, овоз чиқармай пастга тушди.

Шаҳар ҳали уйқуда эди. Сантяго мураббо билан бир бурда нон еди, биллур пиёлада қайноқ чой ичди, сўнгра дўкон бўсағасида ўтириб, чилим чекди.

У бутунлай ёлғизликда, хаёл ва фикрдан ҳам холи, саҳро ҳидини олиб келаётган шамолнинг бир маромда гувиллашига қулоқ тутиб, чекиб ўтирарди.

Унинг бармоқлари бир даста пулни бетиним ғижимлар – бу пуллар ўз юртига қайтиб кетиш учун чипта олишга ҳам, юз йигирмата қўйга ҳам, ўзи келиб қолган мамлакат билан Испания ўртасида савдо қилишга рухсатнома сотиб олишга ҳам етарди.

Сантяго хўжайиннинг уйғонишини ва дўконни очишини сабр-тоқат билан кутди. Сўнгра улар биргаликда яна чой ичишди.


– Бугун мен кетаман, – деди йигитча. – Менинг қўй сотиб олишимга ҳам, сизнинг Маккага жўнашингизга ҳам энди маблағ етарли.

Хўжайиндан садо чиқмади.

– Мени дуо қилинг, – деди Сантяго қатъийроқ қилиб. – Сиздан кўп яхшилиқ кўрдим.

Қария бир сўз демасдан чойни шопиришда давом етарди. Ниҳоят у йигитчага ўтирилди.

– Сен билан фахрланаман. Дўконимга янги ҳаёт олиб кирдинг. Лекин билиб қўй: мен Маккаи мукар-



---

рамага бормайман. Яна шуни ҳам билиб қўйки, сен ҳам ҳеч қачон қўй сотиб олмайсан.

– Ким айтди сизга буларни? – ҳайратланиб сўради Сантяго.

– Мактуб, – чинниворлар сотувчи қария бошқа сўз айтмади.

Ва йигитчага оқ фотиҳа берди.



Сўнгра Сантьяго хонасига кўтарилди ва нарсаларни йиғиштириб, учта қопга жойлади. Чиқиб кетиш учун эшикка яқинлашганда, бирдан бурчакда ётган чўпонлик қопчиғига кўзи тушди. Уни кўпдан буён қўлга олмаганидан ҳатто борлигини ҳам унутиб юборган эди. Қопчиқда камзули ва китоби бор эди. У кўчадаги болалардан биронтасига совға қилиш ниятида камзулни олди, шу пайт иккита тош – Урим ва Туммим полга тушиб, юмалаб кетди.

Ана шу лаҳзада йигитча қартайган шоҳни эслади ва шунча пайт уни ёдига ҳам олмаганидан ўзи ҳайратланди. Тинимсиз меҳнат билан ўтган бир йилини фақат бир мақсад – пул йиғиш учун сарфлади – у Испанияга икки қўлини бурнига тиқиб қайтмоқчи эмасди.

«Ҳеч қачон ўз орзуингдан воз кечма, – деганди унга Маликсиддиқ. – Аломатлар кўрсатган йўлдан юр».

Йигитча тошларни ердан олди ва шу пайт уни яна ўша ғалати туйғу қамраб олди, қария шу ерда, ёнида тургандек эди.

Бир йил машаққатли меҳнат билан ўтди, энди эса аломатлар кетиш фурсати етганини кўрсатмоқда.

«Мен яна илгари қандай бўлсам, ўша асл ҳолимга қайтаман, – деб ўйлади у, – қўйларим эса менга арабча гапиришни бари бир ўргатишолмайди».

Лекин қўйлар унга арабчадан кўра муҳимроқ нарсани – дунёда ҳамма тушуна оладиган тил борлигини ўргатган эди. У бир йил давомида савдо бароридан келиши учун жон-жаҳди билан ҳаракат қиларкан, ана шу – ҳаммага тушунарли бўлган тилда гапирди. Бу тил илҳом ва руҳиятнинг тили эди, бу тил муҳаббат ва завқшавқ билан, ишонч ва меҳр билан дунёга келадиган

нарсаларнинг, ҳодисаларнинг тили эди. Танжер энди Сантяго учун бегона эмасди, йигитча бутун дунё ҳам худди ана шу шаҳар бўйсунганидек, унга бўйсунishi мумкинлигини англади.

«Қачонки бирон нарсани астойдил орзу қилсанг, шу орзуинг рўёбга чиқиши учун бутун олам ёрдам беради», – нуроний Маликсиддиқ шундай деган эди.

Лекин қария қароқчилар ҳақида ҳам, поёнсиз саҳролар ҳақида ҳам орзу қилсалар-да, уни амалга оширишни истамайдиган одамлар ҳақида ҳам ломим демаган эди. У яна, аҳромлар бу – бир уюм тош эканлигини ва кимнинг хаёлига келса, ўз боғида ҳам шунақасини қуриб олиши мумкинлигини ҳам айтмаган эди. Яна, йигитчанинг қўй олиш учун пул топганда, албатта, ўша қўйларни сотиб олиши лозимлигини айтишни ҳам қария унутган эди.

Сантяго қопчиғини ҳам бошқа буюмларига қўшиб қўйди. Зинадан пастга тушди. Хўжайин эру хотин хорижликларга хизмат қилар, яна икки мижоз биллур пиёлаларда чой ичиб, дўконда у ёқдан-бу ёққа юрарди. Саҳар-мардондан харидорларнинг бундай кўп бўлиши одатий ҳол эмасди. Сантяго дафъатан хўжайиннинг сочлари Маликсиддиқнинг сочларига жуда ўхшашлигини сезиб қолди. Танжердаги биринчи тонг ҳам ёдига тушди, қаерга боришни билмагани, ейишга ҳеч вақоси бўлмагани, қандолатчининг унга жилмайгани ва бу жилмайиш Маликсиддиқнинг жилмайишига жуда ўхшагани ҳам ёдига тушди.

«Худди Маликсиддиқ бу ерлардан ўтгандай ва ҳар бир нарсада, ҳар бир одамда ўз изини, муҳрини қолдиргандек, – деб ўйлади йигитча. – Гўё бу одамларнинг ҳаммаси ҳаётларининг қайсидир бир лаҳзасида у билан учрашгандек. Ахир У, ўз тақдири йўлидан бораётганлар билан, албатта, бирга бўлиши ҳақида гапирган эди-ку».



Сантьяго хайрлашмасдан йўлга тушди – бегоналар олдида йиғлашни истамасди. Лекин у бу ердаги ҳар бир буюмни, ўрганган ажойиб одатларни, одамларни соғинишини англаб турар эди. Унда ўз-ўзига ва дунёни забт этишга ишонч пайдо бўлди.


«Ахир, мен қадрдон ерларимга, қадрдон қўйларимни боқиш учун қайтыпман-ку», – деб ўйларди у, аммо бу қарорини ўзига ҳеч сингдирилмасди. Ана шу орзусига етишиш учун бир йил ишлади, энди эса бу орзу лаҳза сайин ўз қимматини йўқотиб борарди. Балки бу нарсалар – умуман орзу ҳам эмасдир?

«Балки чинниворлар сотувчисидай бўлганим яхшироқдир? Худди унга ўхшаб умр бўйи Маккаи мукаррамани орзу қилсам-у, бари бир йўлга отланмасам?» – деб ўйлади у. Аммо қўлидаги тошлар гўё унга қари шоҳнинг қудрати ва қатъийлигини бахш этаётгандек эди.

Ғалати тасодифни қаранг – ёки бу аломатмикан? – у Танжерга келганида биринчи куни бош суққан тамаддихонага кирди. Албатта, ўшандаги фирибгар энди йўқ. Хўжайин бир пиёла чой олиб келди.

«Хоҳлаган пайтда чўпонликка қайтишим мумкин, – деб ўйлади Сантьяго. – Мен қўй боқа оламан, жунини қирқишни биламан, бу ҳунар билан доим нон топиб ейишим мумкин. Аммо, эҳромларга бориш имконияти эса балким қайтиб келмас. Олтин лавҳ осиб олган қария менинг бутун тарихимни айтиб берган эди. Мен ҳақиқий шоҳни, бунинг устига донишмандни учратган эдим».

Сантьягони Андалусия водийларидан бор-йўғи икки соатлик йўл ажратиб турарди, эҳромлар билан унинг ўртасида эса бепоён саҳро ястаниб ётарди. Аммо у буни бошқача талқин қилиш мумкинлигини ҳам – гарчи бир йилни ҳавога совурган бўлса-да, хазина томон йўл икки соатга қисқарганлигини тушунарди.



«Қўйларим ёнига қайтишни соғинганимни тушунса бўлади – чунки уларни яхши кўраман, феъл-атворини биламан, ташвиши ҳам камроқ. Аммо бийдай саҳронинг нимасини севиш, соғиниш мумкин? Лекин мен излаган хазинани ўз бағрида яшириб турган худди ана шу саҳро бўлса, нима қилай. Хазинани тополмасам уйга қайтаман. Модомики, ҳозир пулим бор экан, вақтим бор экан, нега энди бир таваккал қилиб кўрмайман?»

Шу лаҳзада унинг қалби беқиёс бир қувончга тўлди. Қачон хоҳласа қўйчивонликка йўли очиқ. Қолаверса, чинниворлар билан савдо қилишнинг ҳам ҳадисини олган. Бу дунёда яширилган хазиналар кўп, лекин айнан у икки марта бир хил туш кўрди-ку, боз устига қари шоҳ ҳам айнан унга учради-ку. Сантяго ўзидан мамнун ҳолда тамаддихонадан чиқди. У хўжайинини мол билан таъминлайдиганлардан бири доим саҳродан ўтадиган карвонлар билан келишини эслади. Сантяго Урим ва Туммимни қўлларида маҳкам сиқиб турарди – ана шу тошларнинг шарофати билан у яна ўз хазинаси томон йўл олишга қарор қилди.

«Мен доимо Ўз Тақдири йўлидан борувчилар билан биргаман», – Маликсиддиқнинг сўзларини эслади.

Энг осони: карвонсаройга бориш ва ваҳима қилишганидек, эҳромлар жуда олисдалиги ростми, деб сўраш.



Инглиз қўнган карвонсаройнинг молхонадан фарқи йўқ эди, тер, чанг, туя ва отларнинг бадбўй ҳидига чидашнинг ўзи бўлмасди. У кимёга доир журнални паришонхотирлик билан варақлар экан, ўйларди: «Мана шу дўзахга тушиш учун ўн йил ўқидимми-а?»

Аммо энди чекинишга имкон йўқ. Аломатлар кўрсатган томон йўл олиш лозим. У бутун Олам гаплаша оладиган ягона тилни ўрганишга бор умрини бахшида этди – фақат шунинг учунгина ўқиди. Аввалига эсперанто билан машғул бўлди, кейин дунё динларига қизиқди ва ниҳоят алкимёга муккасидан кетди. Ҳозир эсперантони сувдай билади, жамики диний таълимотлар тарихи миридан-сиригача унга маълум, аммо ҳали алкимёгар мақомига эришолгани йўқ. Тўғри, дастлаб баъзи бир сир-асрорлар ўз пардасини кўтаргандай эди, ҳозир эса тадқиқотлари бир қадам ҳам силжимаяпти, тошдай қотди-қолди. Бирор бир алкимёгардан ёрдам олиш учун астойдил ҳаракат қилди – улардан на кўмак, на маслаҳат умид қилишнинг ҳожати йўқ экан. Ҳаммаси ўзи билан ўзи овора, ичимдагини топ, ўзимбўлай хилидан экан, боз устига ғалати-ғалати қилиқлари бор. Эҳтимол, Ҳикмат Тошининг сирларини кашф этолмаганликлари учун улар шундай бўлиб қолишгандир.

Инглиз, отасидан қолган мероснинг ҳам каттагина қисмини бесамар изланишлари йўлида сарфлаб бўлди. У дунёдаги энг зўр кутубхоналарнинг ҳаммасини кезиб чиқди, алкимё бўйича энг нодир, энг қимматбаҳо китобларни сотиб олди. Ана шу китоблардан бирида машҳур араб алкимёгари ҳақида ўқиб қолди, у кўп йиллар муқаддам Оврупода ҳам бўлган экан, ёши икки юздан ҳам ошган экан, Ҳикмат Тошини топган ва Абадий Ҳаёт ал-Иликсирини кашф этган экан –

бу гаплар ҳайратланарли бир афсона сифатидагина инглизнинг ёдида қолиши мумкин эди холос, лекин саҳрога қилинган археологик сафардан қайтган бир оғайниси у ерда ғайритабиий кароматлар соҳиби бўлган бир арабни кўрганлиги, у Ал-Фаюм воҳасида яшаши ва миш-мишларга қараганда ёши икки юздан ошганлиги ва хоҳлаган маъданни олтинга айлантира олиши ҳақида гапириб қолди-ю, унинг тинчи бузилди.

Инглиз ўша лаҳзадаёқ ҳамма ишлари ва учрашувларини бекор қилган, кутубхонасидаги энг зарур китобларни саралаб олган ва йўлга отланган эди – мана энди офилхонага ўхшаган тахта бинода бўғилиб ўтирибди, девор ортида эса катта бир карвон сафарга ҳозирланаяпти, у Саҳройи Кабирни кесиб ўтади, Ал-Фаюм воҳаси ҳам ана шу йўл устида.

Инглиз: «Ўша лаънати алкимёгарни ўз кўзларим билан кўришим керак», – деб ўйларкан, шу дақиқаларда туяларнинг бадбўй ҳиди ҳам унчалик ёқимсиз туйилмади.

Шу пайт орқасига йўл қопчиғи осиб олган ёшгина араб йигити кириб келди ва унга салом берди.

– Қаёққа йўл олаяпсизлар? – сўради у.

– Саҳрога, – деб жавоб берди инглиз ва яна журналига бош эгди.

Суҳбатлашишга ҳозир унинг фурсати йўқ эди: ўн йил мобайнида ўрганган бутун илму амалини хотирасида қайта тикламоғи лозим эди; алкимёгар унинг билимини синаб кўриши ҳам мумкин.

Бу орада йигитча ҳам ерга чўкди ва қопчиғидан китоб олиб ўқишга тушди. Инглиз кўз қирини ташлаб, китоб испан тилида эканлигини кўрди.

«Ёмон эмас», – деди ичида, чунки у арабчадан кўра испан тилида яхшироқ гапирарди.

Агар бу йигитча ҳам Ал-Фаюмга борса, бўш пайтларида у билан суҳбатлашиши мумкин.





«**Ғ**алати ҳол, – деб ўйлади Сантяго кўмиш маросими ҳақидаги лавҳа билан бошланадиган биринчи бетни яна қайта ўқир экан. – Мана, қарийб икки йилдан буён шу китобни ўқийман, худди биринчи бетга кишанлаб қўйилгандай нарига ўтолмайман».

Бу сафар унинг ёнида шоҳ Маликсиддиқ бўлмаса ҳам фикрларини ҳеч жамлай олмасди. «Тўғри қарор қабул қилдимми?» – деган савол ҳам уни мудом фикрларидан чалғитарди. Аммо Сантягога энг муҳими аён эди: ҳар қандай ишда қарор қабул қилиш – бу ўша ишнинг фақат бошланиши. Қачонки одамзот бир қарорга келиб нимагадир киришса, билингки, у асов бир оқимга ўзини ташлабди, оқим эса унинг хаёлига ҳам келмаган бошқа бир манзилга олиб кетиши мумкин.

«Ҳазиналарни излаб йўлга чиққанимда, чинниворлар сотувчисининг дўконида ишлашни тасаввур ҳам қилмаган эдим. Худди шу янглиғ балки мана бу карвон ҳам менинг қароримдир, мен танлаган мақсаддир, лекин карвоннинг ўз йўли ҳам сирлилигича қолаверади».

Ёнидаги овруполик ҳамон журнал ўқирди. У Сантягога сўхтаси совуқ одамдай туйилди, чунки йигитча бинога кирганда инглиз хушламайгина қабул қилган эди. Ҳечқиси йўқ – агар у суҳбатни узиб қўймаганда, танишиб ҳам олган бўларди.

Йигитча китобни ёпди – у бирор бир қилиғи, ҳатто китоб ўқиши билан ҳам бу хорижликка ўхшашни истамади – сўнгра чўнтагидаги тошларни олди-да, ўйнай бошлади.

– Урим ва Туммим, – ҳайратини яширолмади овруполик.

Сантяго шошиб тошларини беркитди.

– Сотилмайди, – деди у.

– Э-э-э қўйсанг-чи, буларинг арзон-гаров тошлар-ку, – жавоб қилди инглиз. – Ҳеч бир ноёб жойи йўқ, оддий кристаллар. Ер юзида бунақа тошлардан миллион-миллион, лекин тушунадиган одам Урим ва Туммимни бир кўришдаёқ танийди. Аммо улар шу юртларда учрайди деб хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

– Менга уни шоҳ совға қилган, – жавоб қилди йигитча.

Хорижлик гўё сўзлаш неъматидан маҳрум бўлгандай сўзсиз қолди, сўнгра шалвираган қўлини чўнтагига тиқди ва худди Сантягоникига ўхшаш иккита тош чиқарди.

– Сен шоҳ билан гаплашдингми? – инглизнинг оғзидан чиқиб кетди.

– Бўлмасам-чи, шоҳларнинг чўпонлар билан гаплашишини тасаввур қилишинг қийин, – деди Сантяго, энди уни суҳбатни давом эттириш иштиёқи тарк этган эди.

– Йўқ, нега энди? Ҳали Уни дунёда ҳеч ким билмаган пайтда, илк бор чўпонлар Шоҳни тан олишган. Шоҳларнинг чўпонлар билан гаплашиши ҳеч бир ғайритабиий ҳол эмас. – Инглиз бу йигитча тушунмади, деган ўйда қўшиб қўйди: – Бу ҳақда Инжилда ҳам, мен

Урим ва Туммим ҳақида ўқиган китобда ҳам ёзилган. Худо фақат ана шу тошлар орқали башорат қилишга изн берган. Қоҳинлар уларни олтин қутиларга солиб, кўкракларига тақиб юришган.

Сантяго ана энди бу омборхонага келганидан аф-сусланмай қўйди.

– Балки бу аломат ҳам бўлиши мумкин, – гўё овоз чиқариб фикрлаётгандек гапириб юборди инглиз.

– Аломатлар ҳақида сенга ким айтган? – лаҳза са-йин Сантягонинг қизиқиши ортиб борарди.

– Оламдаги жамики унсурлар – аломатлар, – деди инглиз қўлидаги журнални четга қўяр экан. – Қадимул айёмда одамзот фақат бир тилда сўзлашган, сўнгра у тилни унутишган. Мен худди ана шу Умумбашарий Тилни излаб юрибман. Менинг бу ердалигим боиси ҳам шу. Умумбашарий Тилни биладиган одамни – Алкимёгарни топишим лозим.

Уларнинг суҳбати омборхона эгаси – бақалоқ араб-нинг ташрифи билан узилди.

– Омадингиз бор экан, – деди араб инглизга. – Бугун тушдан сўнг карвон Ал-Фаюмга йўл олади.


– Мен эса Мисрда боришим керак, – ҳайқирди Сан-тяго.

– Ал-Фаюм ўша Мисрда жойлашган-да. Сен ўзинг қаерликсан?

Сантяго Испаниядан эканлигини айтди. Инглиз бениҳоя хурсанд бўлди: арабча кийинган бўлса ҳам овруполик экан.

– Анави одам аломатларни омад, деб атайди, – деди инглиз хўжайин ташқарига чиққач. – Мабодо «омад» ва «тасодиф» сўзлари ҳақида китоб ёзишга кириш-ганимда борми, ёстиқдай бир қомус пайдо бўларди. Умумбашарият Тили ана шу сўзлардан иборат, холос.

Қўлида Урим ва Туммим тошлари бўлган Сантяго билан ўзининг учрашуви ҳам шунчаки тасодиф бўл-маса керак, деб қўшиб қўйди инглиз. Сўнгра йигитча



---

ҳам Алкимёгарни излаб юргани йўқми ўзи, деб қизиқсинди.

– Мен хазинани излаяпман, – деб жавоб қилди Сантяго ва бирдан хатосини англаб, тилини тишлади.

Аммо инглиз Сантягонинг жавобига унчалик эътибор қилмагандек туйилди, фақат қўшиб қўйди:

– Қайсидир маънода мен ҳам хазина излаяпман.

– Алкимёнинг нималигини, тўғрисини айтсам, унчалик билмайман, – деди Сантяго, шу пайт омборхона хўжайинининг уларни чорлаётган овози эшитилди.



Карвонсарой ҳовлисида узун соқолли, кўзлари қоп-қора киши уларга:

– Карвонни мен бошқариб бораман. Менга ҳамроҳ бўлганларнинг ҳаёти ҳам, ажали ҳам менинг қўлимда, чунки саҳро – маккора аёлдай гап, одамларни ақл-ҳушидан тез-тез бегона қилиб туради, – деди.

Йўлга чиқишга икки юз чоғли одам ҳозирланарди, жониворлар эса – туялар, отлар, эшаклар – йўловчилардан икки баравар кўп эди. Инглизнинг китоб тўлдирилган бир неча жомадони бор экан. Ҳовли аёллар, болалар ва белига қилич, елкасига узун милтиқларни осиб олган эркакларга тўлиб кетганди. Шунчалик олағовур бўлиб кетдики, карвонбоши гапини бир неча бор такрорлашга мажбур бўлди:

– Бу ерга турли миллат вакиллари йиғилган ва улар турли худоларга сиғинадилар. Мен қудрат ва ҳикмат соҳиби бўлган яккаю ягона Аллоҳга сиғинаман ва Унинг номи билан қасам ичаманки, саҳро устидан яна бир бор ғалаба қозониш учун Аллоҳ имкон берган ҳамма ишни қиламан. Энди эса ҳар бир одам ўзи топинадиган Тангриси номи билан қасам ичсин, токи йўлда эканмиз, қандай вазият бўлмасин, фақат менинг амру фармонимга бўйсунди. Саҳрода карвонбошига бўйсунмаслик – ҳалокат демакдир.

Жамоанинг бўғиқ гувиллаган овози янгради – уларнинг ҳар бири ўз Худосининг номини тилга олди. Сантяго Исо алайҳиссалом номи билан қасам ичди. Инглиз сукут сақлади. Бу маросим қасам ичишга зарур бўлганидан кўра кўпроқ давом этди – одамлар ўз Тангриларидан меҳрибончилик қилишини, ҳифзу ҳимоятига олишини илтижо этардилар.

Сўнгра йўлга тушилаётганидан хабар бериб, карнайнинг чўзиқ садоси янгради ва ҳамма эгарларга ўтирди. Сантяго ва инглиз сотиб олган туяларига машаққат билан миниб олишди. Йўлдоши ўз туясига жомадон-жомадон китобларни ортмоқлаб олганини кўриб йигитчанинг бечора жониворга раҳми келди.

– Аслида дунёда ҳеч қандай тасодиф мавжуд эмас, – инглиз узилиб қолган суҳбатни давом эттирмоқчи бўлди. – Менинг бу ерларга келишимнинг сабаби, бир дўстимнинг фаройиб араб ҳақида...

Аммо унинг сўзлари ўрнидан қўзғалган карвоннинг шовқин-суронига кўмилиб кетди. Сантяго эса инглиз нима демоқчи бўлганини жуда яхши биларди: дунёдаги барча ҳодисотлар сирли, илоҳий бир занжир билан бир-бирига боғланган. Уни чўпон бўлишга мажбур қилган ҳам, битта тушни икки бора кўрсатган ҳам, Африка қирғоқларига келтириб ташлаган ҳам, бу шаҳарда унга шоҳни дуч қилган ҳам, фирибгар тузоғига илинтирган ҳам ва чинниворлар дўконида хизмат қилдирган ҳам ана шу илоҳий занжир бўлади...

«Танлаган Йўлингда қанчалик олға кетсанг, у сенинг ҳаётингни шунчалик кучли бошқаради», – деб ўйлади йигитча.

Карвон Шарққа томон кетиб борарди. Қуёш уфққа бош қўйғач, дам олиш учун қўнишар, тонг саҳарда йўлга тушишар, пешиннинг жазирамасида бир нафас ростлаб олиб яна қўзғалишар эди. Сантяго инглиз билан онда-сонда суҳбатлашарди, чунки инглиз деярли китобдан бош кўтармасди.

Йигитча карвондаги ҳамма йўлдошларини эринмай, жимгина назардан ўтказарди. Энди улар сафар олдидан кўрган одамларига сира ўхшамасди. Ўшанда бетартиб бир жонсарақлик ҳукмрон эди: доду вой, болалар йиғиси ва отларнинг кишнаши билан савдогарлар ва туякашларнинг ҳаяжонли бақир-чақирлари қори-



шиб кетганди. Бу ерда – саҳрода эса ҳукмронликни сукунат ўз қўлига олган, жимжитликни фақат саҳродаги абадий шамолнинг чийиллаши ва жониворлар туёқлари остидан чиқаётган қумнинг ингроғи бузарди, холос. Ҳатто туякашлар ҳам сукут сақлардилар.

– Мен бу саҳрони кўп маротаба кесиб ўтганман, – деди кунларнинг бирида туякашлардан бирови шеригига. – Саҳро шу қадар чексиз ва кўз илғамас даражада бепоёнки, ўзингни ҳам беихтиёр қум зарраси, деб ҳис қиласан. Қум зарраси эса тилсиз ва сассиздир.

Сантяго саҳрони биринчи бор кесиб ўтаётган бўлса-да, Туякашнинг нима ҳақида гапираётганини тушунди. Унинг ўзи ҳам денгизга ёки оловга тикилганида тилига на бир сўз, онгига на бир ўй келмай табиатнинг мислсиз қудратига сингиб кетгандай соатлаб ўтирарди.

«Мен қўйлардан сабоқ олдим, биллурдан сабоқ олдим, – деб ўйлади у. – Энди менга саҳро сабоқ беради. Мен илғари нимаики кўрган бўлсам, ҳаммасидан саҳро донишмандроқ, саҳро қадимийроқ туйилмоқда».

Бу ерларда шамол бир лаҳза ҳам ором олмасди, Сантяго Тарифдаги минора тепасида унинг шиддати ни ҳис қилганини эслади. Балки худди ана шу шамол бир пайтлар Андалусия ерларида емиш ва сув излаб кезган қўйларининг юнглари энгилгина ҳилпира-тиб ўтгандир.

«Энди у қўйлар меники эмас, – ўйлади у унчалик оғринмай. – Балки мени унутишгандир, янги чўпонга ўрганиб ҳам қолишгандир. Нима ҳам қилардим, майли. Қўйлар барча кўчиб юрувчилар сингари айрилиқлар муқаррар эканлигини ҳам билишади».

Шу тобда мовутчининг қизи ёдига тушди – аллақачон турмушга ҳам чиққандир. Кимга тегди экан? Балки бодроқ сотувчигадир? Балки ўқишни ҳам биладиган, фаройиб воқеаларни ҳикоя қиладиган чўпонга

теккандир – бунақаси битта Сантяго эмас-ку. Бу ўй-ловлар ҳақиқатлигига ишончи комил эканлигидан йигитчанинг ўзи таъсирланиб кетди: эҳтимол, энди у Умумбашарий Тилни эгаллагандир ва дунёнинг ўтмиш ва келажакка доир ҳамма сирини билар? «Кўнгил сезиши» – Худонинг бу неъматини онаси шундай деб атарди. Энди Сантяго шуни яхши англардики, ушбу ҳол – жамики инсонлар тақдири ўзаро боғлиқ бўлган бутунолам ҳаёт оқимига руҳнинг чўмиб, қўшилиб кетишидир. Бизга ҳаммасини билиш каромати ато қилинган, ҳаммаси эса аллақачон ёзиб қўйилган.

– Мактуб, – деб юборди йигитча, чинниворлар сотувчисини эслаб.

Баъзан қумли саҳро тошлоқ саҳрога айланиб қоларди. Агар карвон харсанг тошларга рўпара келса ёки бутун бошли тошлоқ майдон олдиларидан чиқиб қолса, уларни айланиб ўтишарди. Мабодо, туяларнинг туёқлари ботиб қоладиган даражада юмшоқ ва майда қум бошланса бошқа йўл излашарди. Баъзан оёқ ости шўрхок тупроққа айланиб қоларди – демак, бу жойларда қачонлардир кўл бўлган – юк ортилган жониворлар эса зорланиб пишқирар, кишнарди. Суворийлар зудлик билан ерга тушар, уларни силаб-сийпаб тинчлантирар, юкларнинг бир қисмини елкаларига олар ва йўлнинг панд берган қисмидан ўтиб олгач, юкларни яна туя ва отларга ортишарди. Агар туякашлардан бири хасталаниб қолса ёхуд вафот этса ўртоқлари унинг туясини ким етаклашини ўзаро қуръа ташлаб ҳал қилишарди.

Карвон қанчалик айланишлар қилмасин, неча бор йўналишини ўзгартирмасин, мақсад сари оғишмай илгариларди. Тўсиқлардан ошиб ўтиб, яна ўша – воҳага йўл кўрсатаётган юлдузга қараб йўлнинг танобини олишарди. Тонгги осмонда унинг чарақлаб турганини кўрган одамлар комил ишонч ила англардилар: йўлчи



юлдуз бошлаётган томонда уларни соя-салқинлар, сув, хурмозорлар ва ором кутмоқда. Фақатгина инглиз гўё ҳеч нарсани илғамаётгандай эди, у ўзининг навбатдаги китобига мук тушган кўйи кетиб борарди.

Сантяго ҳам сафарнинг дастлабки кунлари ўқишга ҳаракат қилди. Сўнгра шуни тушундики, атроф-жавонибни томоша қилиш ва шамолнинг ғувиллашига қулоқ тутиб кетиш китобдан кўра қизиқарлироқ экан. У ўз туясининг феълени ўрганди, унга боғланиб қолди, шундан сўнг китобни умуман ташлаб қўйди. Аммо китобни очиши билан, албатта, қизиқарли бирор нарсага дуч келишини ҳам яхши биларди.

Сантяго ёнма-ён бораётган Туякаш билан секин-аста танишиб олди. Карвон дам олиш учун тўхтаган кечаларда гулхан ёқишар ва Сантяго унга чўпонлик ҳаётидаги қизиқарли воқеаларни айтиб берарди. Бир кунни эса Туякаш унга ўз ҳаёти ҳақида гапириб берди:

*– Мен Эл-Қайрум яқинидаги бир қишлоқда яшардим. Уйим, боғим, фарзандларим бор эди, умримнинг охиригача ана шундай дориламон кун кечиршим мумкин эди. Бир сафар ҳосил жуда мўл бўлди, орттирган пулимга бутун оиламиз билан Маккага бордик – ҳаж қилиб мусулмонлик фарзини адо этдим ва энди пок иймон билан ўлсам бўларди. Мен ҳаётимдан мамнун эдим.*

*Аммо, бир кун кутилмаганда ер титради, Нил қиргоқларидан тошиб чиқди. Бу офат тинчимизни бузди. Қўшиллар зайтун дарахтларини тошиқин ювиб кетишидан қўрқишар, хотиним эса болалари учун қўрқарди. Бутун яратилган молу мулкни ҳалокат ўз комига тортаётганини кўриб, даҳшатга тушардим.*

*Ана шу воқеадан кейин ер ҳам ҳосил бермай қўйди – энди бошқа йўл билан нон топишга мажбур эдим. Мана, шундай қилиб туякаш бўлиб қолдим. Ва шундагина Аллоҳ марҳамат қилган қуйидаги сўзларнинг*

*маъноси менга аён бўлди: «Сирлардан қўрқманг, зеро, ҳар бир банда нимани хоҳласа шунга эга бўлади, ни-  
мага муҳтож бўлса унга ўша нарса берилади».*

Хаммамиз ўзимиз эга бўлган нарсани – у экин-  
мизми ёки ҳаётимизми – йўқотиб қўйишдан қўрқамиз.  
Аммо бизнинг тақдиримизни ҳам, олам тарихини ҳам  
азал дафтарига битта Қўл битганини тушунсак, бу  
қўрқув йўқолади.

Баъзан уммонда икки кема учрашиб қолгандай,  
сахрода ҳам иккита карвон рўбарў келиб қоларди. Бун-  
дай ҳолларда карвонларнинг биридаги йўловчилар  
муҳтож бўлган нарса иккинчисидагиларда, албатта,  
муҳайё бўларди. Бамисли оламнинг ишлари ҳақиқа-  
тан ҳам битта Қўл билан битилгандай. Туякашлар эса  
гулхан атрофига тўпланиб, бир-бирларига қум бўрон-  
лари ҳақида ҳикоя қилишар, сахронинг феъл-атвори  
ҳақидаги ўз кузатишларини ўртоқлашар эдилар.

Баъзан кутилмаганда гулхан ёнида карвон йўлла-  
рининг ҳар қаричини беш қўлдай биладиган сирли  
сахройилар пайдо бўларди. Улар қаерларда қароқ-  
чилар ва ёввойи қабилалар ҳужумидан эҳтиёт бўлиш  
кераклиги ҳақида огоҳлантиришар, сўнгра қандай  
сассиз пайдо бўлишган бўлса, яна шундай жимгина  
қоронғулик қўйнига сингиб кетишарди.

Шундай тунларнинг бирида туякаш Сантяго ва  
инглиз ўтирган гулхан ёнига келди.

– Қабилалар ўртасида уруш бораётгани ҳақида  
гаплар юрибди, – деди у.

Ногаҳон ҳамма нарса тилдан қолди, бу жимлик  
салтанатида Сантяго бир нарсани аниқ ҳис қилди –  
ҳавода қандайдир хавотир муаллақ турарди. Шунда  
сас-садосиз Бутунолам Тилини тушунишига Сантяго-  
нинг яна бир карра имони комил бўлди.

Жимликни инглиз бузди, у карвон учун уруш не-  
чоғлик хавфли бўлиши мумкинлигини суриштирди.

– Сахрога қадам босган одам учун ортга йўл йўқ, – жавоб қилди Туякаш. – Демак, фақат олға юриш керак. Қолгани Аллоҳнинг қўлида, хоҳласа биздан балои қазони ўзи даф қилади. Мактуб, – деб гапини сирли оҳангда якунлади-да, нари кетди.

– Карвоннинг юришига эътибор қилишни хоҳламай бекор қилиясан, – деди Сантяго инглизга. – Қара, у қанча адашиб-улоқиб, айланиб бораётган бўлмасин, мақсаддан оғишмай илгариламоқда.

– Сен эса китоб ўқимай хато қилиясан ва дунё нима, дунёда нималар бўляпти баридан беҳабар қоляпсан, – деб жавоб берди у. – Ана шу маънода китоблар ҳам худди карвонларга ўхшайди.

Одамлар ҳам, жониворлар ҳам энди илдамроқ одимлай бошлади. Илгарилар кундузлари жимгина йўл боссалар-да, тунлари гулхан атрофида суҳбатлар қурган бўлсалар, энди суҳбатлар ҳам барҳам топди, тунлар жим-жит бўлиб қолди. Кейинроқ Карвонбоши гулхан ёқишни ҳам ман қилди: қароқчиларнинг диққатини тортиши мумкин.

Карвон аҳли совуқдан нажот топиш учун туя ва отларни доира қилиб жойлаштиришар, сўнгра ўзлари шу доиранинг ичида қаторлашиб ётишарди. Карвонбоши соқчилар тайинлайдиган бўлди, улар қўлларида милтиқ билан ушбу қўрни тун бўйи қўриқлаб чиқишарди.

Тунларнинг бирида инглизнинг уйқуси қочди, у Сантягони чақирди ва улар манзилгоҳ атрофини айланиб юришди. Тўлин Ой ҳамма ёқни сувдай ёритар эди. Сантяго бутун бошидан кечирганларини негадир инглизга айтиб бергиси келди.

Сантягонинг чинниворлар дўконида хизмат қилган пайтидаги муваффақиятлари инглизга, айниқса, ёқиб тушди.

– Мана, оламни нима ҳаракатлантиради, – деди у. – Алкимёда бу Олам Руҳи дейилади. Қачонки бутун

қалбинг билан бирор нарсани орзу қилсанг, Олам Руҳига қўшилиб кетасан. Унда эса буюк қудрат бор.

Бу фақат инсонларгагина хос хусусият эмаслигини дунёдаги жамики унсурда: тошда ҳам, ўсимликларда ҳам, жониворда ҳам, ҳатто фикрда ҳам руҳ борлигини таъкидлаб қўйди.

– Курраи заминда нимаики бўлса, ҳаммаси мудом ўзгариб туради, чунки ернинг ўзи ҳам тирик ва унда ҳам руҳ бор. Биз эса ўша Руҳнинг зарраларимиз, шунинг учун ҳам бизнинг иқболимиз учун унинг доим меҳрибонлик қилишини англаб етавермаймиз. Аммо сен дўконда ишлаганингда ҳатто биллурнинг сенга, муваффақиятларингга сабабкор бўлганини тушунишинг керак эди.

Сантяго гоҳ тўлин Ойга, гоҳ оппоқ қумга тикилган кўйи жимгина тинглар эди.

– Бу саҳрода карвонимиз қандай илгарилаб бораётганини кўрдим, – деди у ниҳоят. – У саҳро билан битта тилда гаплашяпти, шунинг учун саҳро ўз йўллариини карвонга очиб беряпти. Саҳро унинг ҳар бир қадамини синовдан ўтказди ва назорат қилади, агар карвоннинг ҳам у билан бир оҳангда куйлаётганига, бир бутун эканлигига имони комил бўлсагина воҳага қўяди. Агарки бошқа бирортаси минг карра жасурроқ бўлса-ю, бу тилни билмаса, ҳолига вой, йўлнинг биринчи куниеқ ҳалокатга учрайди.

Иккалалари ҳам нигоҳларини Ойга тикдилар.

– Бу аломатларнинг сеҳру синоати, – давом этди Сантяго. – Туякашларнинг саҳро аломатларини қандай ўқишларини кўриб боряпман – бу карвон руҳининг саҳро руҳи билан мулоқоти.

Узоқ жимликдан сўнг ниҳоят инглиз ҳам садо берди:

– Ҳа, карвонга бир диққат қилиб назар ташлашимга тўғри келади.

– Мен эса китобларингни ўқиб чиқишим лозимга ўхшайди, – деб жавоб қилди йигитча.



Бу китоблар ғалати эди.

Уларда симоб ва тузлар, шоҳлар ва аждарҳолар ҳақида гап борарди, аммо Сантяго нечоғлик уринмасин, ҳеч нарсани тушунмасди. Аммо-лекин барча китобларда мудом такрорлангувчи бир фикр унга аён бўлди: оламдаги жамики нимарсалар – якка-ю ягона нарсанинг турфа кўринишлари экан.

Китобларнинг биридан у шуни билиб олдики – алкимё ҳақидаги энг асосий маълумот – Зумрад Тошнинг юзига ўйилган бор-йўғи бир неча сатр ёзувда экан.

– Бу «Зумрад Лавҳ» деб аталади, – деди унга инглиз ўз йўлдошига ниманидир ўргата олишидан мағрур ҳолда.

– У ҳолда шунча китобга не ҳожат?

– Бу китоблар ўша бир неча сатрнинг нима эканлигини англаш учун, – деди инглиз ишончсизроқ оҳангда.

Машҳур алкимёгарлар ҳақидаги китоб Сантягони ҳаммасидан ҳам кўпроқ қизиқтириб қолди. Алкимёгарлар бутун умрларини ўз тажрибахоналарида маъданларни тозалашга бағишлаган одамлар экан: улар бирор бир маъданга узоқ йиллар бетиним ишлов берилаверса, охир-оқибат фақат ўзигагина хос бўлган хусусиятни йўқотиб, Олам Руҳига қўшилиб кетишига қаттиқ ишонар эди. Ана шундан сўнг олимлар ер юзидаги жамики нарсаларнинг ўзаро гаплаша оладиган умумий тили – Олам Руҳини англашар, асл моҳиятига етишар эканлар. Улар ушбу кашфиётни – икки хил: қаттиқ ва суяқ унсурдан иборат – Буюк Яратувчилик, деб аташар экан.

– Бу тилни эгаллаш учун одамларни ва аломатларни ўрганишнинг ўзи кифоя қилмайдими? – сўради Сантяго.

– Сенга қолса ҳамма нарса оддийгина бита қолса! – англизнинг аччиғи келди. – Алкимё бу ўта жиддий фан. Бу фан қўйиладиган ҳар битта қадамнинг донишмандлар таълимотига мос бўлишини талаб қилади.

Йигитча Буюк Яратувчиликнинг ўша суюқ унсури – Боқийлик ал-Иксири деб аталишини ва у барча касалликларга даво эканлигини ҳамда Алкимёгарнинг умрини узайтиришини билиб олди. Қаттиқ унсур эса – Ҳикмат Тоши экан.

– Унга етишиш осон эмас, – деди англиз. – Алкимёгарлар маъданнинг қандай тозаланишини кузатиб, ўз тажрибахоналарида йиллаб қадалиб ўтирадилар. Улар умрларида оловга шунчалик кўп ва узоқ тикиладиларки ва бир муборак кунда англайдиларки, маъданни тозалаш жараёнида ўзларини ҳам тозалабдилар – қалблари покланибди.

Сантяго чинниворлар сотувчисининг: «Биллур идишларни юваётиб қалбинг ҳам кирлардан тозаланади», деган гапини эслади. Кундалик ҳаётнинг ўзидан ҳам алкимёни ўрганиш мумкинлигига тобора йигитчанинг ишончи комил бўлиб борарди.

– Бундан ташқари, – деб давом этди англиз, – Ҳикмат Тоши шундай мўъжизавий қудратга эгаки, унинг кичкина бир ушоғи олам-олам маъданни олтинга айлантира олади.

Бу гапни эшитгандан сўнг Сантягонинг алкимёга бўлган қизиқиши анча ортди. Озгина сабру тоқат бўлса, бас – хоҳлаган нарсани олтинга айлантириб олиш мумкин экан, деб ўйлади. Чунки у бу мўъжизани амалга ошира олган Гелвеций, Элиас, Фулканелли, Ҳебер сингари алломаларнинг ҳаётлари ҳақида ўқиган, ҳайратларга тушган эди. Бу алкимёгарларнинг ҳаммаси



Ўзлари танлаган йўлнинг охиригача бора олишган эди. Улар оламни бетиним кезишган, пурҳикмат до-нишмандлар билан учрашишган, шубҳаланганларни шарманда қилиш учун мўъжизалар кўрсатишган, чунки алал-оқибат Ҳикмат Тоши ва Боқийлик ал-Ик-сирини қўлга киритишган эди.

Аммо Буюк Яратувчиликнинг асли ўзи нима экан-лигини китоблардан билиб олишга уринган Сантяго боши берк кўчага кириб қолди, бир гала алмойи-алжойи суратларни ҳисобга олмаганда, уларда бемаъ-ни валдирашлардан бошқа гап йўқ эди.

– Нега алкимёгарларнинг китобларини тушуниб бўлмайди, ҳаммаси чалкаш-чулкаш? – деб сўради у бир куни китобсиз зерикиб ўтирган инглиздан.

– Чунки ёзилганларнинг маъзини чақиш қобилияти фақат алкимё ҳикматларининг масъулиятини ҳис эта оладиганларгагина ато этилган. Тасаввур қилиб кўр, эринмаган ҳар банда қўрғошинни олтинга айлантисан, раверса нима бўлади? Олтин нимаю, қўрғошин нима – бари бир бўлиб қолмайдими? Фақат сабру тоқатлиларга, донишмандларгагина Буюк Яратувчилик ўз сирларини ошкор қилади. Мана, бугун саҳронинг ўртасида юрганимнинг боиси нима? Мен ана шу сирли битикларда яширинган ҳикматларни кашф этишимга ёрдам берадиган улуг Алкимёгарни топишим керак.

– Ўзи-и, бу китоблар қачон ёзилган?

– Жуда кўп асрлар муқаддам.

– Ана, у вақтларда босмаҳоналар бўлмаган-ку, тўғрими? Қолаверса, илгариям, ҳозирам алкимё билан фақат хос одамлар шуғулланган. Нега энди китоблар шунчалик сирли тилда битилган, расмлари ҳам жумбоқнамо?

Инглиз ҳеч нарса деб жавоб бермади. Фақат бироз фурсатдан сўнг карвонни бир неча кундан буён кузатаётганини, лекин ҳеч бир янгилик кўрмаётганини айтди. Фақат, саҳродаги қабилалар ўртасидаги уруш ҳақида тез-тез гапирадиган бўлиб қолишди, холос.

Орадан бир неча кун ўтгач, Сантяго инглизга китобларини қайтариб берди.

– Хўш, бу китобларни ўқиб, нималарни тушундилар энди? – кинояли савол қилган инглизнинг суҳбатдан ҳам умиди йўқ эмасди: хавотирли хаёллар-





дан қутулиш учун унинг ким биландир гаплашгиси келаётганди.

– Тушунганим шу бўлдики, бу оламнинг руҳи бор экан ва бу руҳни англаб етган бандаси барча мавжудотнинг тилини тушунар экан. Яна – кўпгина алкимёгарлар ўз йўлларини топганларини ва Олам Руҳини, Ҳикмат Тошини ва Умрбоқийлик ал-Иксирини кашф этганларини билиб олдим, – деди йигитча ва бироздан сўнг қўшиб қўйди: – Тушунганларимнинг энг асосийси эса – бу илмлар шунчалик оддий эканки, ҳаммасини ёзса, Зумрад Тошнинг бир қиррасига жо бўлар экан.


Инглизнинг ҳафсаласи пир бўлди. У шунча йиллар мук тушиб ўқиган илмлар ҳам, сеҳрли рамзлар ҳам, пурҳикмат сўзлар ҳам, алкимёгарларнинг шиша найчалари-ю, ғалати идишлари ҳам – ҳеч қайси Сантягода зиғирча таассурот қолдирмабди.

«Буларни тушуниш учун бу чўпон бола жудаям соддалик қилади», – деб ўйлади инглиз, сўнгра китобларини йиғиштириб, туяга ортилган жомадонларига жойлади.

– Унда карвонингни ўрганавер, – деди у. – Китобларимнинг сен учун қизиғи бўлмаганидай, карвоннинг ҳам менга бир чақалик нафи теккани йўқ.

Сантяго яна саҳро жимлигини тинглашга ва одимлаётган туяларнинг оёқларига сапчиётган қумларни кузатишга машғул бўлди.

«Ҳамманинг дунёни ўрганадиган ўз услуби бор, – ўйлади йигитча. – Уники менга, меники унга тўғри келмайди. Фақат шунинг учунгина уни ҳурмат қилмаслигим инсофдан эмас».



Энди карвон тунлари ҳам йўл босар эди. Ҳар замонда саҳройи араблар пайдо бўлар, Карвонбошига нималарнидир хабар қилиб, ғойиб бўлишарди. Сантьяго билан дўстлашиб қолган туякаш қабилалар ўртасидаги кутилаётган уруш ниҳоят бошланганини айтди. Агар карвон воҳага эсон-омон етиб олса, омаднинг келгани шу.

Туялар ва отлар ҳолдан кетиб зўрға қадам ташлар, одамлар тобора камгап бўлиб борар, тунда отларнинг кишнаши ва туяларнинг пишқириши ҳам гўё душман яқинлашиб келаётганидан мужда бераётгандек юракларга қўрқув соларди...

Туякаш эса яқингинасида турган бу хавфга парво ҳам қилмасди.

– Мен ҳозир тирикманми, тирикман, – ойсиз ва гулханлар ёқилмаган бир тунда у Сантьягога тушунтира бошлади. – Мана, ҳозир хурмо еб ўтирибман, бошқа ҳеч нарса билан банд эмасман. Агар жанг қилишга тўғри келса, демак, ўлим учун гўзал кун бўлади, худди бошқа кунлардай. Мен ўтмиш хаёллари билан ёхуд келажак орзулари билан яшамайман, бугунги куним билан нафас оламан, мени фақат ҳозирги лаҳзалар қизиқтиради, холос. Агар сен ҳам доимо бугунги кунинг билан яшаганинга эди, Худонинг энг бахтли бандаси бўлардинг. Ана шунда саҳро ҳам ўлик эмаслигини, самода юлдузлар порлаётганини ва аскарларнинг жанг қилишларини – уларнинг одамзот наслидан эканликлари тақозо этаётганини англай эдинг. Ҳаётинг эса абадий ва сўнгсиз байрамларга айланар, чунки унда ҳозирги лаҳзадан ўзга ҳеч нарса бўлмасди.




Орадан икки кеча ўтиб, карвондагилар яна ухлагани бош қўйишганда Сантяго воҳага йўл кўрсатаётган юлдузларга синчиклаб назар ташлади. Унга осмон яқин келиб қолгандай туйилди: саҳро тепасида юзлаб юлдузлар ҳар доимгидан кўра ёруғроқ порлаб турарди.

– Мана, воҳа шундоқ рўпарамизда турибди, – деди Туякаш.

– Бўлмаса нега ўша ёққа бормаяпмиз?

Чунки биз ухлаб олишимиз керак.



---

**К**уёш уфқдан мўралай бошлаганда Сантяго кўзини очди. Тунда Туякаш кўрсатган, юлдузлар порлаб турган жойда ҳад-ҳисобсиз хурмо дарахтлари гўё бутун саҳрони эгаллаб олгандай саф тортиб туришарди.

– Етиб келдик! – эндигина уйғонган инглиз ҳаяжонланиб қичқириб юборди.

Сантяго сукут сақлади. Сукутни саҳродан ўрганган, энди унга дарахтларга шунчаки назар ташлашнинг ўзигина кифоя. Эҳромларгача ҳали узоқ эди. Қачонлардир ушбу тонг ҳам хотирага айланади. Аммо у Туякаш ўргатгандай ҳозирги лаҳзалар билан яшаётган ва қувонаётган, ўтмишдаги хотиралар ва келгусидаги орзуларни ушбу бахтиёрлиги билан боғлаётган эди. Ҳа, бир кун келиб бу минглаб хурмо дарахтлари хотирага айланар, лекин улар ҳозир салқинлик, оби-ҳаёт ва хавфсизлик ваъда қилаётган эди. Туяларнинг тунги пишқириғи душман ёвуқлигини қандай англаган бўлса, хурмозор халоскорлик мўъжизасидан шундай дарак бериб турарди.

«Олам ҳамма тилларда гапира олади», – деб ўйлади Сантяго.



Юзлаб одамлар ва жониворларнинг воҳага кириб келишини кузатаркан, Алкимёгар шу сўзларни хаёлидан кечирди: «Вақт қанчалик тез ўта бошласа, карвонлар ҳам қадамларини шунчалик тезлатадилар».


Воҳа одамларию янги келганларнинг бақириқ-чақириқлари эшитилар, чанг-тўзон осмонга парда тутган, болалар эса қийқириб-сакраб келгиндиларни томоша қилишарди. Алкимёгар қабила сардорларининг Карвонбоши ёнига келгани ва узоқ музокара олиб борганларини кузатиб турди.

Аммо буларнинг унга қизиғи йўқ эди. Бу маконга кўп одамлар келиб кетган. Лекин воҳа ва сахро ўзгаргани йўқ, боқийлигича, собитлигича қолаверган. У, бу қумларга қадам ранжида қилган подшоларни ҳам, гадоларни ҳам кўп кўрган, аммо шамолларнинг амри ила ўз шаклу шамойилини мудом ўзгартириб турадиган қум барханлари ўша-ўша – Алкимёгарнинг болалик хотираларида қандай суратланган бўлса, шундайлигича турибди. Шунга қарамай, ҳар сафар кўм-кўк осмону, сап-сариқ қумлик ўз ўрнини ям-яшил хурмозорга бўшатиб берганини кўрган ҳар бир сайёҳнинг қалбида жўш урган қувонч унинг қалбига ҳам беихтиёр оқиб ўтарди.

«Балки Худо инсон дарахтларга ҳам жилмайиб боқиши учун саҳрони бино қилгандир?» – деб ўйлади у.

Сўнгра бўлаётган воқеаларга диққатини қаратишга жазм қилди. Алкимёгар ўз илму асрорини ўргатиши, топшириши лозим бўлган одам ушбу карвон билан келишини биларди – аломатларнинг ишораси шундай эди.

Алкимёгар гарчи у одамни танимаса-да, тажрибали нигоҳлари ила издиҳом ичидан топа олишига ва



---

унинг олдингисидан ноқобилроқ бўлиб чиқмаслигига имони комил эди.

«Нега энди ўз билимларимни унга бошқалардан сир тутиб, махфий ҳолда ўргатишим керак, – деб ўйлади у. – Ахир, буларнинг нимаси сир, Аллоҳ ўз мўъжизаларини жамики мавжудотга очиқ-ойдин ошкор қилиб қўйган-ку?»

Алкимёгар ўз саволларига жавоб изларкан, шундай тўхтама келди: берилиши лозим бўлган илм бу – ҳосил, Асл Ҳаёт Ҳосиласи, уни сўзларга кўчиришнинг ёхуд сувратларга муҳрлашнинг имкони йўқ. Зеро, одамзот сўз ва сураатларга маҳлиё бўлиб, охир-оқибатда Умумбашар Тилини унутишга мойил бўлади.



Сайёҳларни зудлик билан қабила бошлиқлари ёнига олиб келишди. Сантьяго кўзларига ишонмасди: воҳа тарих китобларида битилганидай – битта қудуғу икки-уч хурмо дарахтидан иборат эмас экан, у баъзи бир испан қишлоқларидан ҳам каттароқ экан. Қудуқлари уч юзта, хурмо дарахтлари эса нақ эллик мингта экан, уларнинг ораларидаги ранго-ранг чодирларнинг эса саноғига етиб бўлмайдди.

– «Минг бир кеча»нинг худди ўзи, – деди Алкимёгарни кўришга сабри чидамаётган инглиз.

Меҳмонларни дарҳол болалар ўраб олди, улар отлар, туялар ва одамларни ҳайрат билан томоша қилишарди. Эркаклар сайёҳлардан йўлдаги жангларни, кўрган-кечирганларини сўраб-суриштиришар, аёллар эса савдогарлар қандай матолар ва тақинчоқлар олиб келишганини билишга қизиқардилар. Саҳро сукунати энди худди қачонлардир кўрилган тушга ўхшарди – воҳа жоми вағир-вуғур сўзлашувлар, кулги ва бақир-чақирлар билан тўлиб тошди, сайёҳлар эса гўё илгари вужудсиз руҳ бўлганлар-у, энди эту суяк пайдо қилган одамларга эврилиб борардилар. Улар бениҳоят мамнун ва бахтли эдилар.

Туякаш Сантьягога воҳаларда асосан аёллар ва болалар яшаши, шу боис бу ерлар азал-азалдан ҳеч кимники ҳисобланмаслиги ҳақида гапириб берди. Жангчилар аёллар ва болаларни бетараф деб билишар, воҳага эса фақат бошпана, деб қарашар ва ўзаро жангу жадаллар фақат саҳрода бўлиб ўтаркан.

Карвонбоши бир зумда ҳаммани йиғди ва қабила-лар ўртасидаги низолар босилмагунча карвон воҳада қолажagini эълон қилди. Сайёҳлар маҳаллий аҳоли-

нинг ўтовларига жойлашадиган, бу ернинг қонунига кўра уларга меҳмоннавозлик кўрсатиладиган бўлди. Шундан сўнг кимнинг қуроли бўлса, топширишини сўради. Буйруқ карвоннинг тунги қўриқчиларига ҳам тегишли эди.

– Урушнинг қонун-қоидаси шундай, – тушунтирди у. – Аскарлар ва жангчиларни воҳа қабул қилмайди.

Инглиз чўнтагидан ялтироқ тўппонча чиқариб йиғувчига берганини кўрган Сантяго ғоятда ҳайратланди.

– Нега тўппонча олиб юрибсан? – деб сўради йигитча.

– Одамларга ишонишни ўрганиш учун, – деб тагдор жавоб қайтарди инглиз. У сафарга чиқишига сабаб бўлган одамани тезда кўриши мумкинлигидан мамнун эди.

Сантягонинг хаёли эса ўз хазинасида эди. У Орзусини амалга оширишга қанчалик яқинлаша боргани сайин, Йўлидаги қийинчиликлар ҳам шунчалик кучайиб борарди. Кекса шоҳ Маликсиддиқ «бошловчиларнинг доимий ҳамроҳи» деб атаган Омад ҳам келмай қўйган, назарида олға бошлаб бораётган нарса – ўз Йўлини излаётган одамнинг ўжарлиги ва жасоратигина эди. Шу боис Сантягонинг шошилмасликдан ва сабр қилишдан ўзга чораси йўқ эди. Акс ҳолда Тангри унинг Йўлига қўйиб чиққан аломатларини пайқамай қолиши мумкин.

Сантяго ичида «Тангри қўйиб чиққан» деб такрорларкан, ўз фикридан ҳайратга тушди. Худди очлик ва ташналик, муҳаббат изтироби ёки иш қидиришга ўхшаб Аломатлар ҳам ҳозирга қадар унга дунёнинг табиий бир қисми бўлиб туйиларди. Тангри Сантягодан нима истаётганини англатмоқ учун у билан ана шу лисонда – Аломатлар тилида гаплашаётганини у ўйламаган экан.



«Шошилма, – деди у ўз-ўзига. – Туякаш айтганидай, овқат маҳали – овқатлан, сафар маҳали – йўлга туш».

Биринчи кун йўл чарчоғи ҳаммани, ҳатто инглизни ҳам ёстиқдан бош кўтаришга қўймади. Сантяго жойлашган чодирда яна беш ўспирин бор эди. Улар қарийб ўзига тенгдош маҳаллий болалар бўлиб, катта шаҳарларда одамлар қандай яшашига қизиқишарди.

Сантяго уларга чўпонлик пайтлари ҳақида гапириб бўлиб, энди чинниворлар дўкониди ишлаганини ҳикоя қилиб бермоқчи бўлиб турган ҳам эдики, чодирга инглиз шитоб билан кириб келди.

– Саҳардан буён сени излайман, – деди у Сантягони ташқарига олиб чиқиб. – Менга жуда кераксан. Алкимёгарни топишга ёрдам бер.

Улар икки кечаю икки кундуз Алкимёгарни излашди, назарларида Алкимёгар бошқаларга ўхшаб яшамаслиги, чодирда эртаю кеч олов ёқиб, тажрибалар қилаётган бўлиши керак эди. Улар воҳани бошдан-оёқ кезиб чиқишди ва воҳа дастлаб туйилганидан каттароқ эканлигини, бу ерда бир нечта эмас, балки юзлаб чодирлар борлигини кўришди.

– Бугунги кунимиз ҳам бекор кетди, – деди инглиз қудуқлардан бирининг ёнига ҳорғин чўкиб.

– Сўраб-суриштирсак тезроқ топилармиди, – деди Сантяго.

Инглиз иккиланиб қолди – у ўзини билдириб қўймоқчи эмасди. Ўйлай-ўйлай ниҳоят рози бўлди ва арабчани яхши биладиган Сантягодан Алкимёгарни суриштиришини илтимос қилди. Шу пайт мешини сувга тўлатиш учун қудуқ ёнига бир аёл келди. Йигитча ундан сўради:

– Ассалому алайкум, хоним. Алкимёгарни қандай топса бўлади, айтиб беролмайсизми?

Аёл аввало бу ернинг одатларини ҳурмат қилиши лозимлигини, қора чодрада юрадиган боши боғлиқ аёл-

ларга гапириш мумкин эмаслигини айтиб, Сантягони огоҳлантирди. Сўнгра, бунақа одам ҳақида ҳеч қачон эшитмаганман, дея тезгина жўнаб қолди.

Инглизнинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Шунча йўл босиб келса-ю, умидлари саробга айланса. Инглиз учун йигитчанинг ҳам қайғуси зиёда бўлди, ахир, ҳамроҳи ҳам ўз Йўлини излаётган эди-да. Маликсиддиқнинг гапларига қараганда, бундай пайтларда инсонни ўз ниятига етказиш учун бутун Олам ёрдамга келиши керак эди. Наҳотки, кекса шоҳ ҳам адашган бўлса?

– Тўғрисини айтсам, алкимёгарларнинг борлиги ҳақида мен ҳам эшитмаганман, – деди Сантяго. – Эшитганимда сенга албатта ёрдам қилардим.

Ногаҳон инглизнинг кўзлари чақнаб кетди.

– Топдим! – деб бақариб юборди у. – Унинг Алкимёгар эканлигини бу ерда ҳеч ким билмайди! Ҳамма хасталикларни даволай оладиган одамни сўраш керак!

Қора чодра ёпинган бир неча аёл қудуқ ёнига келди, инглиз қанчалик қистамасин, Сантяго улардан ҳеч нарса сўрамади. Мана, ниҳоят, эркак зоти ҳам пайдо бўлди.

– Воҳада ҳамма касалликларни даволай оладиган одам борми? – деб сўради йигитча.

– Ҳамма дардга фақат Аллоҳ шифо бера олади, – деди у бегона одамларни чўчиброқ назардан кечираркан. – Сизлар сеҳргарларни қидиряпсизлар чоғи?

У Қуръондан бир неча сура ўқигач, ўз йўлига равона бўлди.

Бир оздан сўнг челақ кўтарган бошқа бири пайдо бўлди, у кексароқ эди. Сантяго саволини такрорлади.

– Бунақа одамлар сизларга нима учун керак? – ўсмоқчилаб сўради у.

– Менинг дўстим уни топиш учун жуда узоқ йўл босиб келган.

– Агар воҳамизда шунақа одам бўлса, у беқиёс куч-қудрат соҳиби бўлиши лозим, – деди қария бир оз

ўйлаб туриб. – Ҳатто қабила бошлиқлари ҳам истаган пайтларида уни кўролмайдилар. Мабодо у одамнинг ўзи хоҳласагина учрашиши мумкин. Уруш тугаши билан бу ердан кетинглар. Воҳамизнинг ҳаётига аралашманглар, – сўзини яқунлаб, қария ҳам жўнади.

Аммо инглиз шернинг изини топган овчидай хурсанд эди.

Ниҳоят қудуқ ёнида қора чодра ёпинган, боши боғлиқ аёл эмас, елкасига кўза кўтарган бир қиз пайдо бўлди. У бошига сарандоз ташлаб олган, юзи очиқ эди. Сантяго Алкимёгарни сўраш учун қизнинг истиқболига юрди.

Ва шунда – гўё вақт олдингами, орқагами юришини билмай тўхтади ва Олам Руҳи бор қудрати ва каромати ила ўзини намоён қилди. Қизнинг тун паноҳ топган қоп-қора кўзларига ва ғунчадай юмуқ турсамми ё гулдай табассум қилсамми, дея иккиланаётган лабларига маҳлиё тикиларкан, Сантяго – оламлар ва одамлар қалбининг забонсиз ва сўзсиз изҳори бўлмиш илоҳий тилнинг қудратини, ҳикматини англаб етгандай бўлди. Бунинг номини *Муҳаббат* дейдилар, у инсон зотидан-да, ушбу саҳролардан-да қадимийроқдир. У худди ана шу қудуқ ёнида чақнаб пайдо бўлгандай – эркак ва аёлнинг бир-бирига аталган тоза ва бокира нигоҳлари қовушганда мўъжиза янглиғ дунёга келади. Қизнинг гул лаблари ниҳоят жилмайишга қарор қилди ва бу – Сантяго ўзи ҳам билмаган ҳолда жуда узоқ фурсат кутган, ўз қўйларидан ва китобларидан, биллур идишлардан ва саҳро сукунатидан излаган – Аломат эди.

Абадийлик сари абадий сафарга йўл олган бу Олам каби Муҳаббат ҳам беғубор ва тушунарли, изоҳларга ва таржимага муҳтож эмас эди. Сантяго Тақдир қалами пешонасига ёзган қиз шу эканлигини худди ана шу лаҳзадагина англаб етди. Қиз ҳам қайлиғи

қаршисида турганлигини сўзсиз тушунган бўлиши керак. Азалнинг шу ҳукми муқаррар эканлигига Сантягонинг имони комил эди. Ҳатто бу ишонч – унинг ўз ота-онасининг фарзанди эканлигига бўлган ишончидан ҳам кучлироқ эди. Аммо ота-онаси бу масалада аввал қизни яхши кўриш лозим, сўнгра совчи юбориб сўраб-суриштириш, пул йиғиш керак, ундан кейин уйланса бўлади, дейиши тайин эди.

Умумбашар Тилини англашдан маҳрум бўлганларгина ана шундай маслаҳат берадилар, ҳолбуки илоҳий мароқбага чўмар экансан, бир сирдан огоҳ бўласан: хоҳ у саҳройи бедие бўлсин, хоҳ у шаҳри азим бўлсин – доимо бир одам иккинчи бир одамни кутаётган, излаётган бўлади. Ушбу иккисининг Йўллари туташган, нигоҳлари учрашган лаҳзада ўтмиш ҳам, келажак ҳам ўз қийматини йўқотади, фақат ўша лаҳза ва дунёдаги жамики бору йўқлик ягона Қўл билан битилганига ишончгина мавжуд бўлади. Ушбу Қўл қалбларда муҳаббатни алангалатади ва меҳнат қилаётганлар ва ором олаётганлар ва хазина излаётганлар учун, ҳамма-ҳамма учун эгизак руҳларини, эгизак жонларини топиб туташтиради. Акс ҳолда, одамзот наслини мудом изтироблар сари етаклаб юргувчи орзуларимизда заррача маъни бўлмасди.

«Мактуб» – йигитчанинг хаёлидан шу сўз кечди.

Инглиз жойидан сапчиб турди ва Сантягонинг елкасидан тутиб силкитди:

– Бўла қолсанг-чи, сўра, сўра у қиздан!

Сантяго қизга яқинроқ борди. Қиз Сантягога табасум билан тикилди, у ҳам жилмайди.

– Исминг нима? – деб сўради Сантяго.

– Фотима, – ерга қараб жавоб қилди қиз.

– Мен туғилиб ўсган ўлкаларда ҳам кўпгина аёлларнинг исми шунақа.

– Бу – Пайғамбаримиз қизларининг исми, – деди Фотима. – Бизнинг жангчиларимиз бу мўътабар исми узоқ-узоқ юртларгача олиб бориб тарқатишган.

Бу нозикниҳол қизнинг овозида фахр туйғулари жўш уриб турарди. Инглиз сабрсизлик билан йигитчани туртди, Сантяго қиздан ҳамма хасталикларни даволайдиган одамни билиш-билмаслигини сўради.

– У одам дунёнинг ҳамма сир-асроридан хабардор, – деди қиз. – У саҳро жинлари билан гаплашади.

Жин бу – иблис дегани. Қиз қўли билан жануб томонга ишора қилди – булар излаётган одам ўша тарафда яшар эди. Сўнгра кўзасига сув тўлдирди-да, йигитчанинг нигоҳларини изидан эргаштирганча уйига равона бўлди.

Инглиз Алкимёгарни излаб йўлга тушди. Сантяго эса қудуқ ёнидан узоқ вақт кетолмай қолди ва хаёл оғушига чўмди: қачонлардир, ҳали у ўз ватанида юрган чоғида Шарқдан эсган еллар шу қизнинг муаттар бўйларини олиб келмаганмиди, дунёнинг қай бир гўшасида мавжудми-йўқми билмаган ҳолда тасаввур кўзгусида гўзал сиймосини яратиб, севиб юргани шу қиз эмасми ва бу Муҳаббати ер юзасидаги жамики хазиналарга баробар эмасми?!

Эртаси куни Сантяго яна қудуқ ёнига келди ва қизни интизорлик билан кута бошлади. Аммо у ерда инглизни биринчи бор саҳрога термулиб ўтирган ҳолда кўриб ҳайратланди.

– Мен қуёш ботиб, қоронғу тушгунча кутдим, – деди инглиз. – Тун илк юлдузларини осмонга сепган маҳали у пайдо бўлди. Алкимёгарга нимани излаб юрганимни тушунтирдим. У эса, қўрғошинни олтинга айлантира олдингми, деб сўради. Мен эса, худди ана шуни ўрганиш учун келганимни айтдим. У яна бир бор ҳаракат қилиб кўришимни буюрди. Худди шундай деди: «Йўлга туш ва ҳаракат қил».

Сантяго жим қолди. Бечора инглиз, шу сўзларни эшитиш учун дунёни шунча кезиб чиқдимми? Бирданига ёдига тушди: ўзи ҳам эвазига қўйларини бериб, Маликсиддиқдан эшитган ҳикматли сўзлари бундан ортиқ эмас эди.

– Шундай экан, ҳаракат қил, – деди йигитча.

– Ўзимам шунга қарор қилдим. Ҳозироқ киришаман.

Инглиз кетиши билан кўзасини кўтариб, Фотима пайдо бўлди.

– Сенга бир нарсани айтгани келдим, – деди унга Сантяго. – Менга турмушга чиқишингни хоҳлайман. Сени севаман.

Қизнинг қўлидан кўзаси тушиб кетди, сув тўкилди.

– Сени ана шу ерда кутаман. Мен хазина топиш учун саҳрони кечиб ўтдим, у эҳромлар томонда, қаердадир бўлиши керак. Аммо мана бу уруш бошланиб қолди. Бошида урушни лаънатлаган эдим. Энди эса унга ҳамду санолар ўқияпман, чунки у мени сен билан учраштирди.

– Бир кунмас бир кун уруш тугайди, – жавоб қилди қиз.

Сантяго хурмо дарахтларига тикилди. Чўпонлик пайтларини эслади, воҳада ҳам қўйлар кўп экан. Фотима эса ҳар қандай хазинадан ҳам азизроқ. Фотима гўё унинг фикрларини ўқиб тургандай гапида давом этди:

– Жангчилар хазиналарни излашади. Саҳро аёллари эса улар билан фахрланадилар.

Сўнгра қиз кўзасини сувга тўлдирди-да, уйига кетди.

Сантяго қудуқ ёнига ҳар куни келарди. У Фотимага чўпонлик қилганини ҳам, Маликсиддиқни қандай учратганини ҳам, чинниворлар билан савдо қилганини ҳам ҳикоя қилиб берди.

Секин-аста улар яқинлашиб, дўстлашиб қолдилар. Агар қиз билан суҳбатда ўтадиган фараҳбахш ўн беш

дақиқани ҳисобга олмаганда, йигитча учун кунлар адоқсиз, судралиб ўтаётгандек эди.

Бир ойдан сўнг Карвонбоши сайёҳларни яна йиғди.

– Урушнинг қачон тугаши номаълум, – деди у. – Сафаримизни давом эттира олмаймиз. Уруш ҳали кўп йилларга чўзилади. Душман қабилаларнинг ҳар иккаласида ҳам марду майдон, паҳлавон жангчилар сероб, ор-номуслари кучли, муҳорабадан қочмайдилар. Бу уруш золимлар ва мазлумлар ўртасидаги уруш эмас, ҳукмронлик учун жанг кетяпти, бундай урушлар жуда узоқ давом этади, Аллоҳ иккала тараф билан ҳам бирга.

Одамлар тарқалди. Сантяго Фотима билан кўришиб, унга Карвонбошининг сўзларини айтди.


– Учрашганимизнинг эртаси куниёқ, – деди қиз, – менга муҳаббат изҳор қилдинг. Сўнг эса гўзал ва ғаройиб нарсалар ҳақида гапирдинг – Умумбашарий Тил, Оламнинг Руҳи ва мен сенинг бир қисмингга айланиб қолаётганим ҳақида.

Сантяго қизнинг овозини тинглар экан, бу овоз унга майин елнинг хурмо япроқларидаги шивиридан ҳам гўзалроқ туйиларди.

– Сени ана шу қудуқ ёнида узоқ йиллардан буён кутаман. Мен ўз ўтмишимни унутдим, қиз бола ўзини қандай тутиши лозимлиги ҳақидаги урф-одатларимизни ҳам эсдан чиқардим. Болалик чоғларимдан – саҳро менга мўъжизавий бир совға юборишини ва бу туҳфанинг дунёда ҳеч ўхшаши бўлмаслигини орзу қилардим. Мана, ўша туҳфани олдим. Бу – сенсан.

Сантяго қизнинг қўлларини ушлагиси келди, аммо Фотиманинг қўллари кўзасига маҳкам чирмашиб турарди.

– Сен менга ўз тушларинг ҳақида, кекса шоҳ Маликсиддиқ ва хазиналар ҳақида, аломатлар ҳақида гапириб бердинг. Энди ҳеч нарсадан қўрқмайман,



---

чунки худди ана ўшалар сени менга туҳфа қилди. Мен эса – сенинг орзуларинг ва тақдирингнинг бир парчасиман.

Ана шу туфайли ҳам сенинг тўхтамаслигингни, излаб юрган нарсангни излашни давом эттиришингни хоҳлайман. Агар уруш тугадини кутишингга тўғри келса, зарари йўқ. Мабодо олдинроқ йўлга тушмоқчи бўлсанг, ўз Тақдирингни изла, йўлга туш. Шамол қум барханлари шаклу шамойилини минг кўйга солади, аммо саҳро саҳролигича қолаверади. Бизнинг муҳаббатимиз ҳам саҳро каби ўзгармайди.

Мактуб.

– Тақдирингнинг бир қисми эканлигим ҳақиқат бўлса, қачондир менга қайтиб келасан.





Ушбу суҳбат Сантягони қаттиқ изтиробга солди. Йигитча ҳамкасб чўпонларнинг узоқ-узоқ яйловларга кетишга мажбур эканликларига хотинларини ишонтириш учун қанчалик қийналганларини эслади. Муҳаббатнинг ўз талаби бор – маъшуқанг қаерда бўлса, сен ҳам ўша ерда бўлишинг лозим.


Эртаси куни у Фотимага ана шулар ҳақида гапирди.

– Сахро эркакларимизни олиб кетади ва ҳамма вақт ҳам қайтариб беравермайди, – деб жавоб қилди қиз. – Биз буни биламиз ва бунга кўникканмиз. Гарчи қайтиб келмасалар ҳам, улар биз билан: улар – ёмғирга айлана олмайдиган булутлар, улар – тошларни паналаб яшириниб юрган жониворлар, улар – замин ўз бағридан бизларга ҳадя қилаётган оби-ҳаёт. Улар Оламнинг бир қисмига айланиб қолишади... Олам Руҳига қўшилиб кетишади.

Баъзиларига қайтиш ҳам насиб қилади. Ўшанда аёлларимизнинг ҳаммаси учун байрам бўлади, чунки қачондир уларнинг ҳам эрлари қайтиб келиши мумкин. Илгари бу аёлларга ҳасад қилардим. Энди менинг ҳам кутадиганим бор.

Мен – сахро аёлиман ва бу билан фахрланаман. Менинг эрим ҳам барханларни кўчириб юргувчи шамолдай эркин бўлишини хоҳлайман. Хоҳлайманки, уни булутлардан, жониворлардан ва сувлардан ажратиб бўлмасин, улар бир бутун бўлсин.

Сантяго инглизни излаб кетди. У Фотиманинг сўзларини айтиб бермоқчи эди, аммо чодирнинг ёнига ўчоқ қуриб, устига шиша идишларни ўрнатиб олган инглизни кўриб ҳайратда қолди. Унинг кўзларида шундай олов чақнар эдики, китобдан бош кўтармай юрган пайтларида бунинг учқуни ҳам йўқ эди.



– Бу – ишнинг дастлабки босқичи, – тушунтирди у Сантягога. – Тозаланмаган олтингугуртни ажратиб ташлаш керак. Энг асосийси – мағлубиятдан қўрқмаслик! Мен эса қўрқардим. Шунинг учун ҳам бугунга қадар Яратувчиликка қўл уролмадим. Ҳозир қилаётган тажрибамни ўн йил муқаддам амалга оширишим мумкин эди. Яхшиям ўн йил кутибман, йигирма йилни ўтказиб юборсам нима бўларди, шуям бахт.

У ўчоққа тез-тез шох-шабба тиқар ва ҳадеб саҳрога аланглаб қарарди. Сантяго қуёш ётоғига бош қўйиб, шафақнинг сўнгги ёлқинлари қумларни олов рангига бўягунга қадар инглизнинг ёнида ўтирди. Шу лаҳзаларда унинг қалбини саҳрога йўл олишдек беқиёс бир истак қамраб олди, балки Сантягони қийнаб келаётган саволларнинг жавобларини саҳро сукунати ўз бағрига яшириб ётгандир?



Сантяго боши оққан тарафга кетиб борар, воҳани кўздан йўқотиб қўймаслик учун ҳар замон ўгирилиб, хурмо дарахтларига қараб қўярди. У шамолнинг нола-сига диққат билан қулоқ тутар, оёқ остидаги тошларни бутун вужуди билан ҳис қилиб борарди. Баъзан кўзи чиганоқларга тушиб қоларди, демак, қачонлардир, қадим-қадим замонларда ушбу саҳро ўрнида денгиз чайқалиб турган. Сўнгра тош устига ўтирди-да, нигоҳини уфққа тиккан кўйи гўё сеҳрлаб қўйилгандай ҳаракатсиз қолди. У маъшуқасига етишолмайдиган, уни ўзиники қилиб ололмайдиган муҳаббатни тасаввур қилолмасди, балки бунга Сантягони саҳро ўргатар, Фотима саҳронинг қизи-ку.

Сантяго ўйлари чувалиб узоқ ўтирди, ногаҳон тепасида ҳавонинг тебранганини, енгил шамолни ҳис қилгандай бўлди. Осмонга тикилиб қаради ва баланддаги иккита қирғийга кўзи тушди.

Қирғийлар қанотлари билан ҳавога жимжимадор нақшлар солиб, гўзал парвоз қилишарди, Сантяго бу манзарани узоқ томоша қилди. Қирғийлар гўё ўз ҳолларича, мақсадсиз чарх уришарди, аммо йигитчага ушбу парвознинг қандайдир маъниси бордай туйилди, аммо нима эканлигини аниқ айтолмасди. Сантяго қушларнинг ҳар бир ҳаракатини синчиклаб кузатишга қарор қилди – балки шунда уларнинг тилига тушуна бошлар, балки шунда маъшуқасига етишолмайдиган муҳаббат нима эканлигини саҳро унга тушунтириб берар.

Кутилмаганда уни уйқу ўз қучоғига торта бошлади. Юраги эса бунга кўнмас, гўё: «Умумбашар Тилини эгаллашингга яқин қолди, бу юртларда жамики ни-

марсалар, ҳатто қирғийларнинг парвози ҳам маънога эга», – деётгандай эди.

Сантяго қалбини муҳаббатга лиммо-лим тўлдирган тақдирига хаёлан миннатдорчилик изҳор этар эди.

«Севиб қолсанг, дунёнинг маъноси янада теранлашар экан», – деб ўйлади йигитча.

Шу пайт қирғийлардан бири иккинчисига тик-касига ташланиб қолди ва бирданига Сантягонинг кўзларига қилич яланғочлаб воҳага кириб келаётган сарбозлар кўриниб кетди. Бу манзара ялт этиб пайдо бўлди-ю, ўзидан ҳаяжон ва хавотир қолдириб, лаҳзада йўқолди. Сантяго турли-туман сароблар ҳақида кўп эшитганди, ўзи ҳам – одам истаётган нарсалар саҳрода кўзига мавжуддай бўлиб кўринишига кўп бора гувоҳ бўлган. Аммо у воҳага сарбозлар киришини сира хоҳламаётган эди.

Сантяго кутилмаган ёғийдек бостириб келган қора хаёлларни миясидан чиқариб ташлагиси, тошлар ва қумларда жилваланаётган шафақ рангларини яна томоша қилгиси келарди. Лекин фикрларини жамлашга нимадир халақит қилар ва қирғийлар қанотидан тўкилган хавотир юрагига азоб берарди.

«Доимо аломатлар ишорасига амал қил», – шоҳ Маликсиддиқ унга шундай ўгит берганди.

Йигитчанинг хаёли Фотимада эди. Ҳозир кўрган ва ҳис қилган нарсаларини эслади: нимадир юз бериши аниқ.

Бир бало қилиб хаёлини жамлади, ўзига келди. Ўрnidан турди-да, орқага – хурмозор томонга йўл олди. Олам унга жуда кўп тилларда гапира олишини яна бир бор исботлади: энди эса саҳро эмас, воҳа хавфу хатар ваъда қилаётган эди.



Туякаш кўзларини кунботар тарафга тиккан кўйи хурмо дарахтига суяниб ўтирарди. Шу вақт бархан ортидан Сантяго пайдо бўлди.

– Бу ёққа сарбозлар келяпти, – деди йигитча. – Кўзимга кўринди.

– Сахро эркакларнинг юрагига жуда кўп нарсаларни аён қилади, – деб жавоб қилди Туякаш.

Йигитча унга қирғийлар ҳақида, уларнинг парвозини қандай кузатгани ҳақида ва дафъатан Олам Руҳига қўшилиб, уйғунлашиб кетгани ҳақида гапириб берди.

Туякаш бу гаплардан ҳайратланмади – у Сантяго нима ҳақда сўзлаётганини тушуниб турарди. У курраи заминдаги ҳар бир мавжудот ернинг ибтидосидан ҳозиргача бўлган тарихини айтиб бериши мумкинлигини яхши биларди. Китобнинг истаган саҳифасини оч, инсоннинг қўлларига нигоҳ ташла, қартани чийлаб ичидан хоҳлаганингни тортиб ол, қирғийлар парвозини кузат – шу лаҳзадаги ҳаётнинг билан бевосита боғлиқликни, албатта, топасан. Ҳикмат – бу нарсаларнинг ўзида эмас, одамлар ушбу нарсаларга қараб, ўзлари учун Олам Руҳига қўшилиш имкониятини кашф этадилар.

Сахрода Олам Руҳига кира оладиган одамлар кўп, улар шу қобилиятлари билан тирикчилик қиладилар. Аёллар ва кексалар бундай кароматгўйлардан қўрқишади. Жангчилар эса деярли уларга мурожаат қилишмайди, чунки ўлдирилишингни кўра-била туриб, жангга кириш оғир. Жангчилар Уруш туҳфа этадиган ноёнлик ва таваккални афзал кўришади. Келажак – то қиёматга қадар бўлгучи воқеалар Худованди каримнинг амри билан битиб қўйилган ва Қодири

Якто азал китобига неки битган бўлса, одамзот учун, одамзотнинг саодати учун хизмат қилади.

Жангчилар фақат бугунги кун билан нафас оладилар, куннинг ҳар бир лаҳзаси эса тасодифларга тўла, шунинг учун минг битга балога кўз-қулоқ бўлиб, шай туриши лозим: ёғийнинг шамшири бошингга қай тарафдан тушяпти, унинг оти қандай тезликда чопяпти, тирик қолиш учун зарбани қандай қайтариш лозим?

Аммо Туякаш жангчи эмас эди, шунинг учун кароматгўйларга кўп бора мурожаат қилган: баъзилари сўраганини бехато айтиб берган, баъзилари бунинг уддасидан чиқолмаган. Бир сафар кароматгўйларнинг энг кексаси (ҳаммадан кўра ўшандан қўрқишарди) келажакни билишнинг сенга нима кераги бор, деб сўраб қолди.

– Келажакда нима қилишим лозим, ана шуни билиб олишим керак, – деб жавоб қилганди Туякаш. – Мен юз беришини хоҳламайдиган ҳодисалар бор, уларнинг олдини олишни, йўналишини ўзгартиришни истайман.

– У ҳолда улар сенинг келажакнинг бўлмамай қолади, – деганди кароматгўй.

– Ҳеч бўлмаса, юз берадиган ҳодисага тайёрланиб тураман.

– Агар яхшилик юз берса, бу – қутилмаган ажойиб совға бўлади. Мабодо ёмонлик юз берадиган бўлса – сен буни юз беришидан анча олдин ҳис қиласан.

– Келажакда менинг тақдирим нима бўлади, ана шуни билишни хоҳлайман, чунки мен бандаман, – деди Туякаш. – Одамларнинг тақдири эса ўз келажакка боғлиқ бўлади.

Кароматгўй узоқ сукут сақлади. У чўпчалар билан ром очарди – бир дастасини ерга ташлаб, қандай тушганига қараб тақдирни башорат қилади. Шу куни ром очмасликка қарор қилди. Чўпчаларни рўмолчага ўраб, чўнтагига солди.



– Мен одамларни келажакда нима кутаётганини айтиб бера оламан, шу билан нон топиб ейман, – деди у ниҳоят. – Шундай бир ғойибона ҳудуд борки, у ерда ҳамма бандалар ҳақида ҳамма нарса ёзилган, ўша ҳудудга кириш учун чўпчаларни қандай ташлашни биламан. У ерга киргач, ўтмишни ўқийман, хотира ойнасидан ўчиб кетган воқеаларни аён қиламан ва бугунги куннинг аломатларини ўқиб чиқаман.


Келажакни эса ўқимайман, чунки келажак Парвардигорнинг ихтиёрида, у ўзи хоҳлаган пайтда, фавқулодда ҳоллардагина сир пардасини кўтаради. Мен-чи, бунга қандай эришаман? Бугунги куннинг аломатлари орқали. Бутун сир-синоат айнан бугунги кунда. Бутун шууринг била эътибор қилсанг – уни гўзал қила оласан. Демак, ҳозирги аҳволингни яхшилаш оласанг – келажакнинг ҳам гўзал қилган бўласан. Келажак ҳақида қайғурма, сен бугунги кун билан яша, майли, ҳар бир кунинг Ёзуғингда қандай битилган бўлса, шундай ўтсин. Имонинг комил бўлсинки, Парвардигор ўз бандаларига меҳрибон. Ҳар бир кунда абадийликнинг бир бўлаги муҳрланган бўлади.

Тангри истаганда келажакнинг сир пардасини кўтариши мумкин бўлган фавқулодда ҳол қандай эканлигини Туякашнинг жуда билгиси келди.

– Сир пардаси фақат Унинг ўзи хоҳласагина очилади. Худо эса келажакни камдан-кам ҳолларда аён қилади. Бу мўъжиза фақат битта сабаб билан юз бериши мумкин: тақдирига битилгани ўзгартирилиши керак бўлса.

«Парвардигор бу йигитчага келажакни аён қилган, – деб хаёлидан ўтказди Туякаш. – Энди у Аллоҳнинг қуроли».

– Қабила бошлиқларининг ёнига бор, – деди у Сантьягога. – Қўшинлар яқинлашиб келаятганини уларга айт.

- 
- 
- Улар устимдан кулишади.
  - Йўқ. Булар саҳро одамлари, белги ва аломатларни эътиборсиз қолдиришга ўрганишмаган.
  - У ҳолда бу ўзларига ҳам аён бўлса керак.
  - Улар бунақа нарсаларни мулоҳаза қилиб ўтиришмайди, Аллоҳнинг иродаси билан бирор нарса аён бўлиши лозим бўлса, кимдир келишига ва хабар беришига қаттиқ ишонишади. Авваллари жуда кўп бора шундай бўлган. Энди эса ўша кимдир сен бўласан.
- Сантягонинг хаёлига Фотима келди ва қабила бошлиқлари олдига боришга қарор қилди.





– Мени қабила бошлиқлари ёнига ўтказиб юбор, – деди у баҳайбат оқ чодирга кираверишда турган соқчига. – Саҳрода аломатларни кўрдим.

Сарбоз индамай ичкарига кирди ва жуда узоқ қолиб кетди. Сўнгра эгнига зарҳал уқали оқ яктак кийган ёш бир араб билан чиқди. Сантяго унга кўзига кўринган нарсалар ҳақида гапириб берди. У кутиб туришни буюриб, чодирга кирди.

Тун чўкди. Араблар ва хорижлик тужжорлар чодирга бетиним кириб-чиқишарди. Кўп ўтмай гулханлар ҳам ўчди, аста-секин воҳани саҳро сукунати қоплади. Фақат баҳайбат ўша чодирдагина чироқ ёниб турарди. Сантягонинг хаёлидан Фотима кетмас эди, яқиндагина ўрталарида бўлиб ўтган суҳбатнинг асл мазмуни ҳали унга қоронғу эди.

Ниҳоят уни чодирга таклиф қилишди.

Сантяго у ердаги манзарани кўриб, донг қотиб қолди. Саҳронинг хоҳ ўртасида ана шунақаси бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Шоҳона гиламларга оёқ ботиб кетаман дейди, хушбўй шамлар териб қўйилган тепадаги қандилларнинг ҳаммаси соф олтиндан. Қабила бошлиқлари ярим доира қуриб, заррин ипағу атлас ёстиқларга кўмилиб ўтиришарди. Хизматкорлар кумуш лалиларда чой ва ширинликлар тутиб, имога маҳтал туришар, бошқалари чилимларнинг қўрхонасида ўт ўчмаслигини ва ҳаводан тамакининг хуш бўйи аримаслигини назорат қилишарди.

Сантягонинг қаршисида саккиз киши ястаниб ўтирарди, лекин уларнинг бошлиғи ўртадаги, оқ яктагига олтин ҳаллар тикилган араб эканлигини у дарров фаҳмлади. Унинг ёнидан ҳалиги араб жой олган эди.

– Аломатлар ҳақида гапириб юрган бегона ерлик ким? – деб сўради қабила бошлиқларидан бири.

– Ўша мен, – деди Сантяго ва ҳамма кўрганларини айтиб берди.

– Нега энди бу саҳро бизнинг авлод-аждодларимиз шу ерда ўтганини кўра-била туриб, сир-асрорларини етти ёт бегонага айтишга қарор қилди? – сўради бошқа қабила бошлиғи.

– Чунки менинг кўзларим ҳали саҳрога кўникиб қолгани йўқ, шунинг учун сизлар илғамай қўйган нарсаларни ҳам кўради, – деди Сантяго, қолган гапини ичида айтди:

«Ва Олам Руҳи ҳам мен учун очиқ».

Бунақа сўзларга араблар ишонмайди – шу сабабли овоз чиқариб айтмади.

– Воҳа – бетараф ҳудуд, ҳеч кимнинг ери эмас. Бу жойга бостириб келишга бирор кимса журъат қилолмайди, – деб қичқирди учинчи қабилабоши.

– Мен фақат кўрганимни гапирдим. Ишонмасаларингиз – ҳаммаси ўз ҳолича қолаверсин.

Чодирда бир муддат асабий жимлик ҳукм сурди, сўнгра қабила бошлиқлари ўзаро қизишиб баҳслаша бошладилар. Улар Сантяго тушунмайдиган лаҳжада гаплашардилар, у чиқиб кетмоқчи бўлганда, соқчи йўлини тўсди. Йигитчани кўрқув босди. Аломатлар хавфдан дарак бермоқда эди, у Туякашга дилини очганидан афсусланди.

Шу пайт ўртада ўтирган қария билинар-билинемас табассум қилди, Сантяго дарҳол хотиржам тортди. Қария шу дамгача бирор оғиз гапирмай, баҳсга ҳам аралашмай ўтирарди. Йигитча чодир титраётганини ҳис қилди ва уруш яқинлашаётганини, бундан Олам Тилида хабар берилаётганини, бу ерга келиб тўғри қилганини англади.

Ҳаммалари жим қолиб, қарияга қулоқ тутишди. У Сантягога ўгирилди, энди унинг юзида, кўзларида бегона ва совуқ ифода қотиб турарди.

– Икки минг йил муқаддам узоқ бир юртда тушларга ишонувчи одамни ташлашганди, сўнгра уни қул қилиб сотишганди, – деб гап бошлади қария. – Бизнинг савдогарлар уни Мисрга олиб келишган. Тушларга ишонувчи одам тушни таъбирлай олишини ҳам биз яхши биламиз.

«Аммо тушни ўнгидан келтиришга ҳамма вақт ҳам қодир бўлавермайди», – деб ўйларкан, Сантяго лўли кампирни эслади.

– Ўша одам Фиръавннинг еттита ориқ ва еттита семиз сигир ҳақидаги тушини таъбирлаб, Мисрни очарчиликдан қутқариб қолган. Унинг номи Юсуф эди. У ҳам сенга ўхшаб бегона ерлик эди ва ёши ҳам деярли сен қатори бўлган.

У жим қолди. Нигоҳлари ҳамон совуқ эди.


– Биз доимо Урф-Одатларимизга амал қиламиз. Урф-Одатлар Мисрни очликдан халос қилган, халқини ҳаммадан бой қилган. Саҳрони қай тарзда кесиб ўтишни ҳам, қизларимизни турмушга қандай узатишни ҳам Урф-Одатларимиз ўргатади. Урф-Одатимизга кўра, воҳа – бетараф ер, жанг қилаётган икки тараф учун ҳам воҳасиз ҳаёт йўқ, усиз ҳалок бўлишади.

Давра аҳли одоб билан сукут сақларди.

– Урф-Одатларимизга кўра, саҳро йўллайдиган хабарларга ҳам ишонамиз. Биз нимаики билсак, ҳаммасини саҳро ўргатган.

Қариянинг ишораси билан қабила бошлиқлари ўринларидан туришди. Йиғин тугаган эди. Чилимларнинг қўрхонасидаги ўтлар сўнди, соқчилар тик қотишди. Сантяго кетишга чоғланганда, қария яна гап қотди:

– Воҳада ҳеч ким қуроли олиб юрмаслиги ҳақидаги қонунни эртага бузамиз. Кун бўйи душманни кутамиз,



қуёш ботиши билан жангчиларим қуролларини менга қайтиб топширишади. Ұлдирилган ёғийнинг ҳар ўн-таси учун сен битта тилло танга оласан. Аммо қўлга олинган қилич шундайлигича қинига солинмаслиги керак – у душман қонининг таъмини тотиб кўриши лозим. Қилич ҳам саҳро сингари ўжар, келгуси жангдан бош тортиши мумкин. Агар эртага қуролларимизга иш топилмаса, уларни сенга қарши йўналтирамиз.

Йигитча чодирдан чиққанда, тўлин Ой воҳани ёп-ёруғ нурларига белаган эди. У ўз чодир томон равона бўлди, етгунича йигирма дақиқалар юриши лозим эди.

Сантяго бўлиб ўтган воқеалардан қаттиқ ҳаяжонда эди. Ахир, Олам Руҳига киришга муваффақ бўлди, балки бунинг учун ўз ҳаёти билан товон тўлар. Жуда қимматга тушмаяптими? Балки Тақдир Йўлидан кетиш учун қўйларини сотиб юборган маҳалидаёқ ҳаётининг баҳоси бичиб бўлингандир? Туякаш айтганидай – бир бошга бир ўлим... Бу эртага юз берадими, бошқа кунми, бари бир эмасми? Ҳар бир кун охиргиси бўлиши мумкин, бўлмаслиги ҳам мумкин. Ҳаммаси «Мактуб»га боғлиқ.



Сантяго жим кетиб борарди.

У бўлган воқеалардан афсусланмас, пушаймон ҳам қилаётгани йўқ. Агар эртага ўлим уни оғушига олса, демак, Тангри унинг тақдирини ўзгартиришни хоҳламаган бўлади. Ўлса нима, деярли армони қолмади: бўғоздан кечиб ўтди, чинниворлар дўконида ишлади, саҳро сукунати ҳикматини англади, Фотиманинг кўзларини кўрди. Уйидан чиққанидан буён бирор куни бекорга, маънисиз ўтмади. Эртага кўзлари мангуга юмилса ҳам, бу кўзлар бошқа чўпонлар кўзларидан кўра кўпроқ нарсаларни кўришга улгурди. Сантяго бундан фахрланиб кетди.

Ногаҳон гумбурлаган овоз атрофни титратиб юборди, мисли кўрилмаган, номаълум бир шамолнинг шиддатли тўлқини Сантягони ерга улоқтириб юборди. Қум тўзони тўлин ой юзини тўсди. Йигитчанинг қаршисида баҳайбат оқ от пайдо бўлди – у икки оёғида тик туриб, қулоқни тешиб юборгудай кишнар эди.

Чанг-тўзон бироз босилгач, Сантяго даҳшатга тушди, у ҳеч қачон бу қадар қўрқувни ҳис қилмаган эди. Оқ отнинг устида саллали чавандоз ўтирарди. У бошдан-оёқ қора кийинган, чап елкасидаги лочин мағрур турарди. Салласи билан юзини тўсиб олганидан фақат кўзларигина кўринарди. Унинг азамат гавдасини демаса, саҳрода гоҳ-гоҳида пайдо бўлиб, карвонни хавф-хатардан огоҳ қилиб кетадиган саҳройи араблардан фарқи йўқ эди.

Чавандоз эгар ёнига осилган қилични қўлига олиб олган, исфаҳоний қилич ой нурида ярқирар эди. Моқалдироқдай овоз билан бақираркан, Эл-Фаюмдаги

эллик минг хурмо дарахти ҳам акс садо бергандай бўлди:

– Қирғийлар парвозидаги ҳикматни ўқишга ким журъат қилди?

– Мен, – деб жавоб қилди Сантяго.

Чавандознинг важоҳатини кўриб, йигитчанинг кўз ўнгига Авлиё Ёқубнинг сувратдаги ҳолати келди: маврлар фотиҳи оппоқ отнинг устида ўтирибди, от эса туёқлари билан ғайридинларни эзфиламоқда. Ҳозир ҳам худди ўша ҳолат-у – фақат ҳаммаси ўрин алмашган эди.

– Мен ўқидим. Энди жуда кўп жонлар омон қолади. Сиз эса Олам Руҳи билан ҳисоблашмаяпсиз, – деди Сантяго ва ҳалокатли зарбани қабул қилиш учун бошини эгди.

Аммо, қилич негадир оҳиста туша бошлади ва ўткир тиг йигитчанинг пешонасига тегиб-тегмай тўхтади. Бир томчи қон чиқди.

Чавандоз қилт этмай турарди. Сантяго ҳам қотиб қолди. У ҳатто қочишга ҳам уринмади. Сантягонинг ич-ичидан ғалати бир қувонч тошиб кела бошлади: у ўз тақдири учун, Фотима учун ҳалок бўлмоқда. Демак, аломатлар алдамабди. Мана, қаршисида Душман турибди, ўлимнинг ҳақлиги ҳам қўрқув солаётгани йўқ, чунки Олам Руҳи мавжуд, бир сониядан сўнг унга қўшилиб кетади. Эртага эса Душман ҳам худди шу қисмат шаробини тотади.

Чавандознинг қиличи ҳамон ўлжасига тикилган илон янглиғ ҳаракатсиз қотиб турарди.

– Нега бу ишни қилдинг?

– Мен бор-йўғи қирғийлар аён қилган нарсани эшитдим ва тушундим, холос. Улар воҳани ҳалокатдан қутқаришимни хоҳладилар. Воҳа ҳимоячилари кўп – сизларни қириб ташлашади.

Тиг ҳамон Сантягонинг пешонасига тегиб турарди.



– Сен кимсанки, Аллоҳнинг ишларига аралашасан?

– Аллоҳ фақат жангчиларни эмас, у қушларни ҳам яратган. Аллоҳ менга уларнинг тилини аён қилди. Дунёдаги жамики ҳодисот битта Қўл билан битилган, – йигитча Туякашнинг сўзлари билан жавоб берди.

Ниҳоят чавандоз қиличини нари олди. Сантяго нафасини ростлади.

– Башорат қилишга эҳтиёт бўл, – деди чавандоз. – Ҳеч ким Ёзифидан қочиб кетолмайди.

– Мен фақат сарбозларни кўрдим, – деди йигитча. – Жангнинг тақдири менга номаълум.

Чавандозга бу жавоб маъқул бўлди. У қилични қинига солишга шошилмасди.

– Хўш, бегона юртлик бу ерларда нима қилиб юрибди?

– Ўз Йўлимни излаяпман. Лекин сен бу гапларни тушунмайсан.

Чавандоз илонни инига қайтаргандай қиличини қинига солди. Елкасидаги лочин маъқуллагандай жони борича чийиллаб юборди. Сантягони хавотир ва гашлик тарк эта бошлади.


– Мен жасурлигингни синаб кўрмоқчи эдим. Олам Тилини излаётган одам учун жасоратдан кўра муҳимроқ нарса йўқ.

Йигитча ҳайратда қолди. Чавандоз камдан-кам одамларгина англайдиган нарсалар ҳақида гапираётган эди.

– Бундан ташқари, ҳатто узоқ йўлни босиб ўтганиндан кейин ҳам бир дақиқага бўлсин ҳушёрликни қўлдан бой бермаслик лозим, – давом этди чавандоз. – Саҳрони ҳам севиш мумкин, аммо унга бутунлай ишониб қўймаслик керак. Сахро бу – инсон учун бир синов: бир лаҳза чалғисанг тамом – ҳалок бўласан.

Унинг гаплари Сантягога Маликсиддиқни эслатди.

– Жангчилар келгандан кейин, мабодо бошинг елканда омон қолса, мени излаб топ, – деди чавандоз.



---

Ҳозиргина қиличнинг дастасидан ушлаб турган қўлида қамчи пайдо бўлди. От туёқлари остидан чанг-тўзон кўтариб, олға ташланди.

– Қаерда яшайсан? – изидан қичқирди Сантяго. Чавандоз йўртиб бораркан, қамчи билан Жануб томонга ишора қилди.

Шундай қилиб, йигитча Алкимёгар билан ҳам учрашди.






Эртаси куни тонгда Ал-Фаюм воҳасидаги хурмо дарахтлари остида икки минг қурулланган жангчи саф тортиб турарди. Қуёш тақдирнинг янги ўйинларини томоша қилмоқ учун эндигина ёстиғидан бош кўтарган маҳал уфқ томонда беш юз сарбоз кўринди. Воҳанинг Шимол тарафидан кириб келган суворийларнинг қиличлари оқ яктаклари остига беркитилган эди. Қабилла бошлиқлари йиғиладиган катта чодирга етиб келишгач, бирданига қўлларида милтиқ ва қайрилма қиличлар пайдо бўлди. Аммо чодир бўм-бўш эди.

Воҳа одамлари саҳро суворийларини қуршаб олишди ва ярим соат ичида тўрт юз тўқсон тўққизта жасадни тупроққа қориб ташлашди. Хурмозорга олиб кетилган болалар ҳам, чодирларида Тангридан эрларининг жонини омон сақлашни сўраб дуо қилаётган аёллар ҳам ҳеч нарсани кўрмадилар. Агар сочилиб ётган жасадларни ҳисобга олмаганда, воҳа ўша воҳа, бирор нарса ўзгармаганди.

Ал-Фаюмга ҳужум қилган суворийларнинг лашкар-бошисигина тирик қолган эди. Уни қабилла бошлиқлари ёнига олиб келишди ва нега Урф-Одатни бузишдек густоҳ ишга қўл урганини сўрашди. У жангчилари адоқсиз урушдан, очлик ва ташналикдан қаттиқ азоб чекишганини, воҳани босиб олиб, нафас ростлагач, яна урушни давом эттирмақчи бўлганларини айтиб берди.

Қабилла бошлиғи жангчиларга раҳми келишини, лекин Урф-одатни бузишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқлигини таъкидлади. Саҳрода шамол туфайли фақат қум барханларигина ўз шаклини ўзгартириши мумкин, бошқа бирор нарса ўзгармайди.



---

Лашкарбошига шармандали ўлим ҳукми ўқилди: милтиқ ўқи ҳам, қилич зарби ҳам ҳайф кўрилиб, қуриган хурмо дарахтига осдилар. Саҳро шамоли уни мазах қилгандек узоқ вақтлар тебратиб ўйнади, сазойи қилди.

Қабила бошлиғи Сантяғони чақиртирди ва эллик тилло танга санаб берди. Сўнгра Юсуф алайҳиссаломнинг тарихини яна бир бор ҳикоя қилгач, йигитчага Бош Маслаҳатчилик лавозимини таклиф қилди.



**Қ**уёш тақдирнинг бугунги ўйинидан зерикиб ўз чодирига кириб кетгач, кўк саҳнида хира чироқларини кўтарганча бирин-кетин юлдузлар пайдо бўлди. Сантьяго жануб томонга йўл олди. Чеккада якка-ёлғиз бир чодир турар, одамлар у ерни жинлар суйган макон, дейишарди. Йигитча чодир ёнига келиб, чордана қуриб ўтирди ва кута бошлади.

Йигитчанинг тақдирига қизиқиб қолган ой томоша учун фалакнинг қоқ тепасига ўрнашиб олгандан сўнг Алкимёгар пайдо бўлди. У жони узилган икки қирғийни елкасига ташлаб олган эди.

– Мен шу ердаман, – деди Сантьяго.

– Бекор қилибсан. Наҳотки Тақдиринг сени менга бошлаб келган бўлса?

– Уруш давом этапти. Саҳрони кесиб ўтолмайман.

Алкимёгар негадир шошаётган эди, имо билан Сантьягони чодирига таклиф этди – чодир ҳамманикига ўхшаган оддий чодир экан, қабила бошлиқларининг эртақлардагидек шоҳона чодир бундан мустасно, албатта. Сантьяго нигоҳлари билан темир ўчоқ ва хос қозонларни, алкимёгарлар ишлатадиган узун-қисқа шиша идишларни излади, аммо уч-тўртта уवादаси чиқиб кетган китобдан ўзга нарса кўзга ташланмади. Ерга эса сирли нақшлар туширилган гиламлар тўшалган эди.

– Ўтир, мен чой қўяман, – деди Алкимёгар. – Мана бу қирғийлардан шомлик овқат тайёрлаймиз.

Йигитча буларни яқинда осмону фалакда кўргани – ўша қушлар, деб хаёлидан ўтказди, лекин мезбонга ҳеч нима демади. Алкимёгар ўчоққа олов ёқди ва тезда чодирни қовурилаётган ёғли ўлжаларнинг ҳиди

тутиб кетди. Бу ҳар ҳолда чилимнинг ҳидидан кўра ёқимлироқ эди.

– Нега мени чақирдинг? – деб сўради Сантяго.

– Ҳамма гап аломатларда. Шамол сенинг келишингни ва сенга менинг ёрдамим зарурлигини айтди.

У мен эмасман, бошқа сайёҳ – у инглиз.

Уни ҳали бошқалар билан кўп учрашувлар кутиб турибди, мени кейинроқ топади. Аммо у тўғри йўлга тушиб олди. У энди фақат китобга термулиб ўтиргани йўқ.

– Мен-чи?

– Агар сен бирон-бир нарсани жуда хоҳласанг, Бутун Олам ўша орзуингнинг амалга ошишига ёрдам беради, – Алкимёгар кекса Маликсиддиқнинг сўзларини такрорлади. Йигитча эса Ўз Тақдири йўлидан боришга кўмаклашадиган яна бир одамни учратганини англади.

– Менга ўргатасанми? – деб сўради Сантяго.

– Йўқ. Билишинг лозим бўлган нарсаларни аллақачон билиб олгансан. Мен фақат хазинага борадиган Йўлни кўрсатаман.

– Саҳрода уруш кетяпти-ку, – деди Сантяго.

– Мен саҳрони биламан.

– Мен эса хазинамни топиб бўлдим. Туям бор, чиниворлар дўконида ишлаб топган пулим, яна олтин тангаларим бор. Ўз ватанимда энди бадавлат киши ҳисобланаман.

– Аммо булар сени эҳромлар томон бир қадам ҳам яқинлаштирамайди, – деб Алкимёгар эҳромларни ҳам эслатиб қўйди.

– Менинг Фотимам бор. Бу хазина ҳаммасидан устун туради.

– У қиз билан эҳромлар орасида жуда катта фарқ бор.

Иккови ҳам жим қолди ва овқатга қўл узатишди. Алкимёгар бир шиша олиб, тиқинини очди ва Сантя-




гонинг пиёласига қандайдир қизил суюқлик қуйди. Бу шароб экан, йигитча бунақасини умрида татиб кўрмаган эди. Аммо Қонун шароб ичишни ман этган.

– Ёвузлик инсон оғзига кираётган нарсадан эмас, чиқаётган нарсадан туғилади, – деди Алкимёгар.

Шаробдан Сантягонинг кайфияти хуш бўлди. Аммо ҳамон мезбондан чўчиб турарди. Улар чодирга кирадиган жойда ёнма-ён ўтиришар ва тўлин ой ёруғида юлдузларнинг хира жимирлашини томоша қилишарди.

– Ол, ич – бу сени чалғитади, – деди Алкимёгар, шароб йигитчага таъсир қилганини кўриб турарди. – Урушга кираётган жангчига ўхшаб куч йиғиб ол. Аммо ёдингда тут – сенинг юрагинг хазиначалар яширинган жойда. Хазинани эса топиш керак, бу Йўлда сен англайдиган ва ҳис қиладиган нарсаларнинг ҳаммасида ҳикмат яширинган бўлади.

Эртага туянгни сот-да, ўрнига от олгин. Туяларнинг ярамас бир феъли бор: чарчаш нима эканлигини билмайди, юраверади, юраверади. Кейин бирданига чўк тушади-да, тапша ўлади-қолади. От эса секин-секин ҳолдан тоя боради. Яна қанча юришини ва қачон йиқилишини билиб турасан.



Орадан бир кун ўтиб, кечга томон Сантьяго битта отнинг жиловидан тутиб, Алкимёгарнинг чодирига келди. Бироздан сўнг Алкимёгар ҳам пайдо бўлди, отига ўтирди, лочин ҳам ўз ўрнини эгаллади – унинг чап елкасидан жой олди.

– Энди менга саҳродаги ҳаётни кўрсатасан, – деди у. – Фақат саҳрода ҳаёт топа олган одамгина хазинани ҳам топишга қодир бўлади.

Улар ойнинг ёруғ пойандози устидан саҳрога от солишди. «Қўлимдан келмаса керак, – деб ўйлади Сантьяго. – Саҳрони бутунлай билмайман, у ердан ҳаёт топа олишим даргумон».

У Алкимёгарга шу гапни айтмоқчи бўлди-ю, аммо қўрқди. Йигитча қирғийлар парвозини кузатган жойга, ўша тошларнинг ёнига етиб келишди.

– Бу ишнинг уддасидан чиқолмайман, деб қўрқаман, – Сантьяго бари бир айтишга журъат қилди. – Саҳрода ҳаёт мавжудлигини биламан, лекин мен уни тополмайман.

– Ҳаёт ҳаётни чорлайди, – деб жавоб қилди Алкимёгар.

Йигитча бу сўзларни тушунди ва отнинг жиловини бўшатди, от қум ва тошлар оралаб, ўзи йўл топиб кета бошлади. Шу тахлит ярим соатча юришди. Кумуш яғринларини ой нурига тоблаб ётган харсанг тошлардан ташқари ҳамма нарса, ҳатто олисдаги хурмозорлар ҳам кўздан ғойиб бўлган эди. Ниҳоят от тўхтади, Сантьяго бу жойларни илгари кўрмаган эди.

– Бу ерда ҳаёт бор, – деди у Алкимёгарга. – Саҳронинг тили менга номаълум, аммо отим ҳаёт тилини билади.



Улар отлардан тушишди. Алкимёгар сукут сақлар, нигоҳлари билан тошларни бир-бир пайпаслаб оҳиста илгариларди. У бирданига тўхтаб қолди ва эҳтиёткорлик билан ерга эгилди. Тошлар орасида бир тешик қорайиб турарди. У аввал бармоғини суқди, сўнгра қўлини елкасигача тиқди.

Ичкарида нимадир типирчилади, Алкимёгарнинг фақат кўзларигина кўришиб турар, Сантяго бу кўзлардан беқиёс бир диққат жамланганини ўқирди: гўё Алкимёгар нима биландир олишаётгандек эди. Сўнгра у шиддат билан қўлини тортиб олди ва оёққа қалқди, Сантяго бу кутилмаган ҳаракатдан сесканиб кетди. Алкимёгар катта илонни думидан кўтариб турарди.

Сантяго ҳам сакраб ўрнидан турди ва ортга тисарилди. Илон Алкимёгарнинг қўлида тўлғанар, вишиллаган овози саҳронинг итоаткор сукунатини яралар эди. Бу – заҳри бир лаҳзада жонни оладиган кўзойнакли илон эди.

«Нега у қўрқмайди?» – хаёлидан ўтказди йигитча. Жонини хатарга қўйиб илоннинг инига қўлини суққанда ҳам Алкимёгарнинг юзида хотиржамлик ҳукмрон эди. «У икки юз ёшда» – Сантяго инглизнинг сўзларини эслади. Саҳродаги илонлар билан қандай муомала қилишни яхши билса керак.

Алкимёгар отининг ёнига келди ва эгарга осилган исфаҳоний қиличинини қинидан чиқарди. Қилич билан қумга доира чизди ва тўсатдан тинчланиб қолган илонни ўртага ташлади.

– Қўрқма, – деди у Сантягога. – У доирадан чиқмайди. Мана, саҳрода ҳам ҳаёт мавжудлигига гувоҳ бўлдинг. Менга шуниси керак эди.

– Шунчалик муҳимми бу?

– Жуда муҳим. Чунки эҳромлар саҳро билан ўралган.

Сантяго эҳромлар хусусида яна суҳбат бошланишини хоҳламаётганди – кечадан буён унинг кўнглига

чироқ ёқса ёришмасди. Хазиналар томон йўл олиш – Фотимани йўқотиш деган гап эди.

– Ўзим сенга йўлбошловчилик қиламан, – деди Алкимёгар.

– Воҳада қолганим яхшироқ эди, – деб жавоб қилди Сантяго. – Ахир, Фотимани топдим, у мен учун дунёдаги барча хазиналардан азизроқ.

– Фотима – саҳро қизи. Эркаклар бир кун қайтиб келиш учун кетишларини у яхши билади. У ҳам ўз хазинасини – сени топди. Энди сен ҳам ўз излаган нарсангни топишингга умид қиляпти.

– Шу ерда қолишга қарор қилсам-чи?

– Унда Қабиллабошининг маслаҳатчиси бўласан. Олтинга кўмиласан, минг-минглаб қўйлар, туялар сотиб олишинг мумкин. Фотимага уйланасан ва биринчи йил у билан бахт-саодат оғушида ҳаёт кечирасан. Саҳрони севишни ўрганасан ва эллик минг хурмо дарахтининг ҳар бирини танийдиган бўласан. Улар кун сайин ўсиб бораётганлигини, бу билан олам доимо ўзгаришда эканлигини исботлашаётганини тушунасан. Аломатларнинг маъносини, моҳиятини кун сайин теранроқ англай бошлайсан, чунки саҳродан кўра аълороқ устоз йўқ.

Орадан бир йил ўтади ва хазина эсингга тушади. Аломатлар ҳам қатъият билан хазинага ишора қилаверади, лекин сен уларга эътибор қилмасликка ҳаракат қиласан. Воҳа учун, воҳа аҳлининг фаровонлиги учун ўз билимингни, ғайратингни аямайсан. Қабилла бошлиқлари сени кафтларига кўтарадилар, туяларинг бойлигингга бойлик қўшади ва мавқеингни мустаҳкамлайди.

Яна бир йил ўтади. Аломатлар аввалгидай қатъият билан сенга хазиналарни ва Ўз Йўлининг эслатаверади. Сен эса тунлари воҳани дарбадар кезадиган одат чиқарасан, Фотима эса уни деб йўлингдан қолганинг-






ни англаб туради ва ғамга ботади. Аммо бир-бирларингизга бўлган оташин муҳаббатингиз ўзгармайди. Эслаб кўрсанг, у бирор марта қол, деб илтимос қилмаган, чунки саҳро аёллари ўз эркакларини кутиб ўрганишган. Табиийки, ундан айб тополмайсан. Саҳрони ва хурмозорларни мақсадсиз кезиб, жуда кўп тунларни ўтказасан. «Фотимага бўлган муҳаббатимга қаттиқ ишонганимда, суянганимда, Йўлга тушишга ҳам қарор қилган бўлармидим», деган фикр хаёлингдан кетмай қолади. Аммо воҳада сени бир қўрқув ушлаб туради – қайтиб келолмаслигиндан чўчийсан. Ана шунда аломатлар хазиналардан абадий жудо бўлганингни маълум қилади.

Тўртинчи йилга келиб, аломатлар ҳам ғойиб бўлади, чунки уларга эътибор беришни ҳам хоҳламай қўясан. Бундан хабар топган қабила бошлиқлари ҳам сендан юз ўтиради, сен эса ҳисобсиз дўконлар ва уюр-уюр туялар соҳиби бўлган савдогарга айланасан. Сўнгра ажал шаробини ичгунингга қадар ўз Йўлингдан жудо бўлганинг ва энди кечлигини билганинг ҳолда саҳро ва хурмозорлар ўртасида тентираб юраверасан.

Шундай қилиб, инсон Ўз Тақдири Йўлидан юришига муҳаббат ҳеч қачон халақит бермаслигини англамасдан ўтиб кетасан. Агар халақит берса, демак, у Умумбашар Тилида гапира оладиган асл муҳаббат эмас экан, – деб Алкимёгар гапини яқунлади.

У қумга чизилган доирани очди, кўзойнакли илон ўрмалаганча тошлар орасида ғойиб бўлди. Сантяго умр бўйи Макка зиёратини орзу қилган чинниворлар сотувчисини, Алкимёгарни излаган инглизни хаёлидан ўтказди. Ва саҳро бир кунмас-бир кун ўз шаҳзодасини олиб келишига илоҳий ишонч билан яшаган қизни эслади.

Улар отларига ўтиришди. Бу сафар Алкимёгар йўл бошлади. Хабаркаш шамол ўз қанотларида воҳа-



---

ликларнинг овозларини олиб келар, йигитча улар орасидан Фотиманинг овозини ажратиб олишга уринарди. Суворийлар ҳужумидан буён уни қудуқ ёнида кўрмаган эди.

Аммо бугунги тун унинг ҳаётида ўчмас из қолдирди: доиранинг чегарасини бузишга журъат қилолмаган кўзойнакли илонни кўрди, елкасига лочин қўндирган сирли чавандознинг сўзларини тинглади, у муҳаббат ва хазиналар ҳақида ҳам, саҳро аёллари ва Сантягонинг Тақдири ҳақида ҳам гапирди.

– Сен билан кетаман, – Сантяго шу сўзларни айтarkan, юрагида беқиёс бир хотиржамлик туйди.

– Эртага йўлга чиқамиз, ҳали кун қоронғу, – деб жавоб қилди Алкимёгар.



Сантяго тун бўйи мижжа қоқмади. Қуёш ташприфидан икки соат олдин чодирдаги ўсмирлардан бирини уйғотди ва Фотиманинг яшаш жойини сўради. Улар ташқарига чиқишди, Сантяго миннатдорчилик тариқасида, қўй сотиб олиш учун ўсмирга пул берди.

Сўнгра, қизни уйғотиб, ўзининг кутаётганлигини айтишини илтимос қилди. Араб йигитча бу илтимосни ҳам бажарди ва яна битта қўйга етарли мукофот олди.

– Энди эса бизларни ёлғиз қолдир, – деди Сантяго, йигитча эса нақ Қабилабошининг маслаҳатчисига ёрдам берганидан ифтихор ва қўйга етадиган пул топганидан қувончга тўлиб, чодирга қайтди ва қайта уйқуга кетди.

Фотима келгач, улар хурмозор томон йўл олишди. Сантяго Урф-Одатни бузаётганлигини билиб турар, зеро, энди бунинг аҳамияти ҳам йўқ эди.

– Йўлга отланыпман, – деди у. – Лекин шуни билиб қўй, мен албатта, қайтиб келаман. Сени севаман, чунки...

– Ҳожати йўқ, тушунтирма, – Фотима унинг гапини бўлди. – Инсон севгани учун севади, вассалом. Муҳаббат изоҳларни тан олмайди.

Лекин Сантяго гапини давом эттирди:

– ... Чунки мен туш кўрдим, шоҳ Маликсиддиққа дуч келдим, чинниворлар билан савдо қилдим, саҳрони кесиб ўтдим, уруш бошланганида воҳага келиб қолдим ва қудуқ ёнида сендан Алкимёгарни сўрадим. Сени топишимга Бутун Олам ёрдам берди – сени севишимнинг сабаби шу.

Уларнинг вужудлари биринчи марта туташди. Сантяго қизни қучди.

– Албатта, қайтаман, – деб такрорлади у.

– Илгарилари сахрога орзу билан кўз тикардим, энди умид кўзларини тикаман. Отам ҳам кўп бора ўша томонга кетган, лекин доим онаминг ҳузурига қайтиб келган.

Ҳамма сўзлар айтиб бўлинди. Хурмозор оралаб бироз юришгач, Сантяго Фотимани чодиргача кузатиб қўйди.

– Худди сенинг отангга ўхшаб, мен ҳам қайтиб келаман.

Сантяго қизнинг кўзларида ёш айланаётганини кўрди.

– Йиғлаяпсанми?

– Мен сахро қизиман, – деди Фотима юзларини яшириб. – Лекин, аввало – мен аёлман.

У чодир дарпардасини кўтариб, ичкари кирди. Тонг ёришиб келаётган эди. Кундуз ҳукмронликни ўз қўлига олиши билан Фотима қайтиб чиқади ва одатий ташвишлар лахтақларини вақт игнаси ила бир-бирига улашда давом этади, йўқ, энди ҳаммаси ўзгача бўлади. Энди Сантяго йўқ, воҳа аввалги малоҳатини, тароватини йўқотгандай. Куни кеча манзара ўзгача эди: воҳа – эллик минг хурмо дарахтининг онаси, узоқ йўлдан тинкаси қуриб келадиган сайёҳларга қувонч ва оби ҳаёт улашадиган уч юз қудуқ соҳиби, ҳаёт қайнаган маскан эди. Қиз учун энди ҳамма ёқ бўм-бўшлиқдан иборат.

Бугундан бошлаб сахронинг маъноси ўзгаради. Сантяго ўз хазиналари томон қайси юлдузларга қараб йўл тортаётганини топиш илинжида Фотима сахро осмонидан кўз узмайди. Шамоллар орқали бўсалар йўллайди – бўсалар унинг юзларини эркаласин, тириклигимдан, уни кутаётганлигимдан муждалар элтсин, деб орзу қилади. Бугундан бошлаб Фотима учун сахро сахро эмас – Сантягони олиб келадиган умидлар йўли бўлиб қолади.



– Ортада қолган нарсалар ҳақида ўйлама, – деди Алкимёгар йўлга тушганларидан сўнг. – Ҳаммаси аллақачон Олам Руҳига абадий муҳрланиб бўлган.

– Одамлар жўнаб кетишдан кўра қайтишлари ҳақида кўпроқ ўйлайдилар, – деб жавоб қилди Сантяго, у саҳро сукунатига яна кўникаётган эди.

– Агар топганинг соф, асл маъдандан ясалган бўлса, унга ҳеч бир завола етмайди. Кўнглингни тўқ қилиб қайтиб келаверишинг мумкин. Мабодо, у думли юлдуз шуъласи янглиғ лаҳзалик чақин бўлган эса, қайтганинда ундан ном-нишон тополмайсан. Энг муҳими, сен кўз олгувчи шуълани кўрдинг. Демак, бекорга азоб чекмабсан.

У гўё алкимё ҳақида гапираётгандай бўлса ҳам Фотимани назарда тутаётганини Сантяго фаҳмлаб турарди.

Ортада қолган хотиралар ҳақида ўйламасликнинг иложи йўқ эди. Чек-чегарасиз саҳронинг такрорланаётган куй янглиғ бир хил манзараси отличларни хаёллар ва орзулар водийси томон ундар эди. Шоҳ қабулига азиз меҳмонлар навбатма-навбат кириб чиққани каби Сантягонинг кўз ўнгида хурмо дарахтлари, қудуқлар ва севгилисининг сиймоси, шиша найчалари ва идишларига алағда инглиз, ўз донишмандлигидан беҳабар улуг файласуф – Туякаш бирин-кетин жонланар эди. «Алкимёгар ҳеч қачон, ҳеч кимни севмаган бўлса керак», – деб ўйлади Сантяго.

Алкимёгар эса елкасида саҳро тилини мукамал биладиган қадрдон лочини билан хиёл олдинда йўртиб борарди. Тўхтаган пайтларида лочин ўлжа излаб,

осмонга кўтариларди. Биринчи куни у панжаларида кўённи чангаллаб қайтди. Кейинги куни эса ўлжаси иккита қуш бўлди.

Фурсат қушлари тўлин ойни чўқилаб яримлатган сайин тунлар тобора қоронғулашиб борарди. Бунинг устига саҳро тунлари совуққина эди, шунга қарамасдан улар гулхан ёқишмас, кечалари юпқа жун наматга ўралиб ётишарди. Улар жуда кам суҳбатлашишар, бир ҳафта мобайнида гаплашган гаплари урушаётган қабилаларга дуч келиб қолмасликнинг чорасини кўриш ҳақида бўлди, холос. Уруш эса давом этар – баъзида шамоллар ҳам нимтатир қон ҳидига беланиб эсиб қоларди. Бу шамоллар қаердадир яқингинада уруш бораётганлигини, кўз кўролмайдиган воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи Аломатлар Тили ҳам мавжудлигини йигитчага эслатиб турарди.

Саккизинчи куни Алкимёгар дам олгани одатдагидан барвақтроқ тўхтади. Лочини осмонга кўтарилди. Алкимёгар Сантьягога сувдонини узатаркан:

– Сафаринг ҳам қариб қолди, – деди у. – Табриклайман. Сен Ўз Йўлингдан адашмай келдинг.

– Сен эса йўл бўйи сукут сақладинг. Билган нарсаларингнинг ҳаммасини менга ўргатасан, деб ўйловдим. Бошқа бир одам билан ҳам саҳрони кесиб ўтганман, унинг алкимёга оид кўп китоблари бор эди. Лекин уларни ўқиб, ҳеч нарсага тушунмаганман.

– Англашнинг фақат битта йўли бор – Ҳаракат қилиш, – деб жавоб қилди Алкимёгар. – Сафарларинг сенга нимаики зарур бўлса – ҳаммасини ўргатди. Билишинг лозим бўлган фақат бир нарса қолди.

Сантьяго ўрганолмай қолган нарсаси нима эканлигини сўради, лекин Алкимёгарнинг нигоҳлари кўкдаги лочини билан бирга парвоз қиларди.

– Нега сени Алкимёгар дейишади?

– Чунки мен Алкимёгарман.



– Умр бўйи олтин излаган ва унга эришолмаган алкимёгарлар ҳам бор, улар қаерда хато қилишган?

– Хатолари шундаки, улар фақат олтин излашган. Улар Йўлда яширинган хазинани излашган. Йўлнинг ўзини эса айланиб ўтишган.

– Билишим лозим бўлган ўша битта нарса нима эди, айтмайсанми? – йигитча саволини яна такрорлади.

Алкимёгар ҳамон осмондан кўз узмасди. Лочин кўп ўтмай ўлжа билан қайтди.

Олов узоқдан кўринмаслиги учун қумни кавлаб чуқурча қилишди ва гулхан ёқишди.

– Мен Алкимёгар бўлганим учун ҳам Алкимёгарман, – деди у. – Бу илмнинг сирлари менга бобомерос, бобомга эса бобосидан ўтган, ушбу силсила дунё яралган кунгача боради. Ўша пайтларда бутун бошли алкимё илми Зумрад Тошнинг битта қиррасига жо бўлган. Аммо одамзот оддий ҳақиқатларга эътибор бермайди, шу боис ҳам фалсафий китоблар ёзишга киришиб кетди. Уларнинг айтишича, гўё инсонлар қаёққа қараб юриши кераклигини фақат улар билади-ю, бошқа ҳамма – бандаи ғофиллар.

Ҳолбуки Зумрад Лавҳ ҳозир ҳам мавжуд.

– Унда нима ёзилган? – йигитча қизиқиб сўради.

Алкимёгар қумга нималарнидир чиза бошлади, орадан ўтган беш дақиқа ичида Сантяго майдонда кекса шоҳ билан учрашган пайтини эслади, ўшандан буён узоқ-узоқ йиллар ўтгандай туйилиб кетди.


Алкимёгар чизишдан тўхтаб:

– Зумрад Лавҳда битилган нарса мана, – деди.

Сантяго яқинроққа келиб ўқиди.

– Ахир, бу сирли белгилар-ку! – ҳайратдан қичқариб юборди у. – Худди инглизнинг китобларига ўхшайди.

– Йўқ. Бу қирғийлар парвозининг айнан ўзи: маъносини англашга ақл-идрок ожизлик қилади. Зумрад Лавҳ эса Олам Руҳи йўллаган мужда. Биз яшаётган



олам жаннатдан айнан нусха олиб яратилганини донишмандлар аллақачон англаб етишган. Мана шу олам мавжудлигининг ўзи – яна бир бундан-да мукам-малроқ олам мавжудлигига далилдир. Парвардигор уни яратмоғидан мақсад – зоҳир пардаси орқали ботинни англасинлар ва ўзларига ато этилган мўъжиза – ақлий ва руҳий неъматлар сари ўзлари интилсинлар, деган. Худди ана шуни мен – Ҳаракат деб атайман.

– Зумрад Лавҳни мен ҳам ўқиб чиқишим керакми?

– Агар ҳозир сен Алкимёгарнинг тажрибахонасида бўлганигда эди, уни англашнинг энг яхши усулини ўрганган бўлардинг. Аммо сен саҳродасан, демак, саҳрога диққат қил, унга сингиб кетишга ҳаракат қил. Саҳро ҳам Курраи Заминдаги жамики нарсалар сингари дунёни англашингда сенга ёрдам беради. Бутун саҳрони англашингни ҳожати йўқ – Яратганнинг бор мўъжизасини кўриш учун бир дона қум зарраси ҳам кифоя қилади.

– Саҳрога қандай сингиб кетишим мумкин?

– Ўз қалбингга қулоқ тут. Оламдаги ҳамма нарса унга аён, чунки инсон қалби Олам Руҳидан бино бўлган ва қачон бўлмасин унга қайтади.





Яна икки кеча-кундуз сукутда йўл босдилар. Алкимёгар хавотирда эди: улар қақшатқич жанглар бораётган жойларга тобора яқинлашаётган эдилар. Йигитча эса ўз қалбининг овозини тинглашга ҳаракат қиларди.

Қалбини эса ҳеч англолмас эди: илгари у доим қаёққадир қанот қоқиб турган бўлса, энди ҳамма нарсадан кўз юмиб, фақат ортга қайтишга талпинарди. Баъзан қалби унга нурли ғамларга тўла воқеаларни соатлаб ҳикоя қилар, баъзан рўйи заминга мўралаган қуёшнинг илк нурларини кўриб шундай ҳаприқар, ҳаяжонга тушар эдики, Сантяго яширинча йиғлаб ҳам оларди. Хазиначаларни тилга олганда юраги бетоқат урар, сарҳадсиз саҳрога термулиб қолганда эса гўё совқотгандек жим қоларди.

Дам олгани тўхтаганларида, Алкимёгардан сўради:

– Нега биз қалбимизга қулоқ тутишимиз керак?

– Қалб бор жойда хазина ҳам бўлади.

– Менинг қалбим ҳиссиётлар тўлқинида, – деди Сантяго. – Орзу қилади, ҳаяжонланади, саҳро қизларига талпинади. Доим нимадир сўрайди, Фотимани ёдга олсам-ку тамом – тун бўйи уйқу бермайди.

– Жуда соз. Демак, қалбинг ҳали тирик. Унинг амрига бўйсунишда давом эт.

Кейинги уч кун ичида жангчиларни узоқдан кўришга ҳам, улар билан юзма-юз учрашишга ҳам тўғри келди.

Сантягонинг қалбидан фақат қўрқувнинг овози эшитиларди. Бу овоз унга хазина излаб йўлга чиққанлар ва тополмаганлар ҳақида ҳикоя қиларди. Бу овоз баъзан Сантягони сен ҳам хазинани тополмайсан ва

чўлу биёбонда ҳалок бўлиб кетасан, деб қўрқитарди. Бу овоз унга бахт устига бахт изланмайди, деб уқтирарди: чунки унинг севикли ёри ва етарлича олтин тангалари бор эди.

Отларга дам бериш учун тўхтаганларида, у Алкимёгарга:

– Қалбим менга бўйсунмаяпти. Йўлни давом эттиришимни хоҳламаяпти, – деди.

– Жуда соз, – деб такрорлади Алкимёгар. – Бу – қалбинг ҳали уйғоқлигидан нишона. Табиий ҳол – у шу пайтгача эришган бойликларини қандайдир орзулар эвазига бой бериб қўйишдан чўчияпти.

– Шундай экан, нега унга қулоқ тутишим керак?

– Бари бир қалбингни жим туришга мажбур қилолмайсан. Ҳатто ўзингни уни эшитмаётгандай қилиб кўрсатсанг ҳам, у сенинг кўксингда зиндонга солиниб арзи тингланмаётган қайсар маҳбусдай тураверади ва ҳаёт ҳақида, дунё ҳақида нима деб ўйлаётган бўлса, шуни такрорлашдан чарчамайди.

– Менга хиёнат қилаверадими?

– Хиёнат, бу – кутилмаган зарба. Агар сен ўз қалбингни англасанг, унинг бутун орзуларини, умидларини билсанг ва уларни рўёбга чиқара борсанг, у сенга хиёнат қила олмайди. Ҳали ҳеч кимга ўз қалбидан қочиб қутулиш насиб қилмаган. Шундай экан, яхшиси, унга қулоқ солиш керак. Ана шунда кутилмаган зарбалар ҳам бўлмайди.

Улар саҳрода йўл танобини тортиб боришаркан, Сантяго ўз қалбининг овозига қулоқ тутди. Кўп ўтмай қалбининг бор инжиқлигу найранглари Сантягога ёд бўлиб кетди ва уларни шундайлигича қабул қилди. Йигитча энди қўрқувни ҳам ҳис қилмас, ортга қайтишни ҳам истамас – қалби ундан буткул рози, хотиржам эди.

*«Ҳа, баъзан фигон чекаман, баъзан исён қиламан, нима қилай, ахир, мен одамзотнинг қалбиман,*

*табиатим шунақа. Биз ҳаммамиз кўнгилдаги энг олий орзуларимизни амалга оширишига қўрқамиз, гўё орзуларимизга ўзимизни арзимайдигандай ёки уларни бари бир рўёбга чиқара олмаслигимиз аёндай туйилаверади. Биз одамзот қалблари – бир-биридан абадий жудо бўлган севишганларни, юз бериши муқаррар бўлган, аммо саробга айланган бахтли онларни, топилиши мумкин бўлган, аммо қумликлар остида абадул-абад қолиб кетган хазиналарни хаёлга келтирган заҳотимиз музлаб қоламиз. Чунки бу кўргуликлар юз бераётганда биз изтироб чекамиз».*

Ойсиз тунлардан бири эди. Сантяго ҳеч нарса битилмаган тақдирдай қоп-қоронғу осмонга тикиларкан:

– Менинг қалбим изтиробдан қўрқади, – деди Алкимёгарга.

– Сен эса унга, изтиробдан қўрқиш – изтиробнинг ўзидан ҳам даҳшатли, деб айт. Ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун йўлга тушган бирор бир қалб изтироб чекмайди, чунки ушбу изланишларнинг ҳар лаҳзаси – Аллоҳ билан, Абадийлик билан мулоқотдир.

«Ҳар бир лаҳза – мулоқот, учрашув, – деди Сантяго ўз қалбига. – Хазина талабида йўлга чиққанимдан буён, ҳамма кунларим сеҳрли бир нурга тўла бўлди, ўтаётган ҳар бир лаҳза эса мени орзуим томон яқинлаштираётганини ҳис қилиб турардим. Бу Йўл давомида шундай илоҳий ҳодисаларга дуч келдимки, чўпонлар учун имконсиз бўлган нарсаларни синаб кўрмоққа журъат қилмаганимда, буларни хаёлимга ҳам келтиролмасдим».

Шундан сўнг Сантягонинг қалби кечгача бутунлай хотиржам бўлди. Тунда ҳам хотиржам ухлади, уйғонганида эса қалби унга Олам Руҳи ҳақида сўзлай бошлади. У дедик, энг бахтли одам бу – қалбида Аллоҳ бўлган одам. Алкимёгар айтган қум заррасидан ҳам бахт топиш мумкин. Чунки шу қум заррасини ҳам олам миллиардлаб йиллар давомида бунёд қилган.

«Ер юзидаги ҳар бир одамзотга аталган, уни кутаётган ўз хазинаси бор, – деди Сантягонинг қалби, – лекин одамлар ўз хазиналарига эришишни хоҳламайдилар, шунинг учун биз – қалблар сукут сақлаймиз. Биз бу ҳақда фақат болаларга айтамыз, сўнгра ҳаёт уларни ўз Тақдирлари томон қандай йўналтиришини кузатамыз. Афсуски, бахтга қарши улардан жуда озчилиги ўз қисматларида белгиланган Йўлдан кетадилар. Қолганларига эса дунё хавотирли туйилади ва ҳақиқатан ҳам қўрқинчли бўлиб қолади.

Ана шунда биз – қалбларнинг овози тобора секинлаша боради. Биз ҳеч қачон жим турмаймиз, лекин сўзларимиз эшитилмаслигига ҳаракат қиламиз: чунки одамлар ўз қалбларига қулоқ солмаганликларидан изтироб чекишларини истамаймиз».

– Нега инсонлар ўз орзуларини рўёбга чиқариш Йўлидан боришлари лозимлигини уларнинг қалблари айтиб турмайди? – сўради Сантяго.

– У ҳолда одамлар тинимсиз изтироб чеккан бўлар эдилар, қалблар эса изтиробни ёмон кўради.

Шу кундан бошлаб йигитча ўз қалбини тушуна бошлади. Ва бундан буён орзуларим йўлидан бир қадам адашган заҳотим оғриб, фижимлаб, азоблаб мени огоҳ қил, деб ўтинди. Мен буни ҳис қилган заҳотим ўз Йўлимга тушиб оламан, деб қасам ичди.

Ана шуларнинг ҳаммасини тунда Алкимёгарга айтиб берди. Алкимёгар Сантягонинг қалби Олам Руҳи билан гаплашганини ва унга қўшилиб кетганини англади.

– Энди мен нима қилишим керак?

– Эҳромлар томон йўлни давом эттириш ва аломатлардан ғофил қолмаслик лозим. Энди сенинг қалбинг хазина қаердалигини кўрсатишга қодир.

– Менга етишмаган, мен билмаган нарса шу эдими?

– Йўқ. Бошқа нарса, – деб жавоб қилди Алкимёгар. – Орзу рўёбга чиқишидан олдин Олам Руҳи ўз



сабоқлари ўзлаштирилганми, йўқми текшириб кўради. У бу ишни, биз орзуларимизни ҳам, бу Йўлда сабоқ берилган ҳикматларни ҳам, бирданига қўлга киритишимиз учун қилади. Ана шу ерга келганда, кўпчилик одамларни жасорат тарк этади. Бу ҳолни саҳро тилида: «Уфқда водий кўринганда ташналикдан ҳалок бўлиш», дейдилар. Ҳамма вақт изланишлар Хуш Ибтидодан бошланади ва ана шу синов билан интиҳосига етади.

Сантьяго ўз юртининг қадимий бир мақолини эслайди: «Зулматларнинг зулмати – тонг олди зулмати».

Эртаси куни биринчи марта ҳақиқий хавфу хатарнинг нишонаси намоён бўлди. Йўловчиларимиз ёнига уч жангари яқинлашиб келиб, улардан бу ерда нима қилиб юришганини сўради.

– Лочин билан ов қиялпман, – деди Алкимёгар.

– Сизларда қурол-яроқ йўқлигига ишонч ҳосил қилишимиз лозим, – деди улардан бири.

Аввал Алкимёгар, сўнгра Сантяго бамайлихотир отларидан тушишди.

Йигитчанинг қопчиғини кавлаб кўрган жангчи сўради:

– Нега шунча пулни ўзинг билан олиб юрибсан?

– Бу пуллар эҳромларгача етиб боришим учун керак.

Алкимёгарни тафтиш қилаётган араб эса унинг ёнидан қандайдир суюқлик солинган биллур идишча ва товуқ тухумидан каттароқ сарғиш шиша тухум топиб олди.

– Булар нима? – деб сўради у.

– Ҳикмат Тоши ва Умрбоқийлик ал-Иксири – алкимёгарларнинг буюк кашфиёти. Кимки бу ал-Иксирдан ичса, хасталик нималигини билмайди. Бу Тошнинг тирноқча бўлакчаси хоҳлаган маъданни олтинга айлантира олади.

Суворийлар ўзларини тўхтатолмай хахолаб юборишди, Алкимёгар ҳам уларга қўшилди. Жангарилар унинг жавобини ажойиб ҳазилга йўйишди ва бошқа тирғалиб ўтирмасдан, йўлни давом эттиришга рухсат беришди.

– Ақлдан озганмисан? – деди Сантяго, жангарилар узоқлашиб кетишгач. – Нега бундай қилдинг?



– Нега?! Бу дунёи дунда ҳукм сурадиган оддий бир қонуниятни сенга кўрсатиб қўйиш учун. Рўпарамизда қандай хазина турганлигини биз ҳеч қачон тушунмай-миз. Биласанми нима учун? Чунки одамлар хазина борлигига умуман ишонмайди.

Улар йўлларида давом этишар, Сантягонинг қалби эса кундан-кунга жимиб борарди: унинг энди ўтмиш билан ҳам, келажак билан ҳам иши йўқ, йигитча билан бирга саҳрони томоша қилиш ва Олам Руҳидан баҳра олиш билан кифояланарди. Улар энди ҳақиқий дўстга айланишган, бир-бирларига ҳеч қачон хиёнат қилмасликларига ишончлари комил эди.

Фақат Сантяго эзгин сукунатдан сиқилиб кетган пайтларидагина унга ишонч ва янги қувват уфуриш учун қалби тилга кирарди. Биринчи марта қалби унинг ажойиб фазилатларидан сўз очди: қўйларини ташлаб кетишдаги жасорати ва чинниворлар дўконида фидойилик билан меҳнат қилганлигини алқади.

Сантягонинг қалби яна, унга ўзи ҳам эътибор қилмаган – бошига неча бор ёпирилиб келган хавфу хатарлар ҳақида гапириб берди. Отасининг милтиғини ўғирлаб чиққанда, қурол қаергадир ғойиб бўлганини – акс ҳолда ўзини ярадор қилиш ёхуд отиб қўйиши муқаррар эканлигини айтди. Кунларнинг бирида яйловда кўнгли айниб қайд қилганини, сўнгра чарчаб йиқилганини ва ухлаб қолганини ёдига солди. Худди ўша пайтда икки дайди уни ўлдириб, қўйларини олиб кетиш учун пойлаб туришган экан. Сантягони учрата олмагач, у отарини бошқа йўлдан ҳайдабди, деб ўйлаб кетиб қолишибди.

– Инсоннинг қалби доим унга ёрдам берадими? – деб сўради у.

– Ҳаммага эмас. Фақат ўз Тақдири Йўлидан бораётганларга. Яна болаларга, сархушларга ва қарияларга ҳам.

– Бу – улар ҳар қандай хавфу хатардан холи деганими?

– Йўқ, бор-йўғи – уларнинг қалби бутун қувватини сафарбар қилган ҳолда яшайди, дегани холос.

Кунлардан бир куни улар ўзаро урушаётган қабилалардан бирининг қароргоҳи ёнидан ўтиб қолишди. Чор атроф қуролланган, оқ ятакли жангчиларга тўла эди. Улар чилим тортиб маҳорабалар ҳақида гаплашиб ўтиришарди. Сантяго ва Алкимёгарга эътибор ҳам қилишмади.

– Хатардан қутулдик, – деди йигитча улар қароргоҳидан ўтиб олишгач.

– Қалбингга қулоқ сол, ишон, лекин ҳеч қачон саҳрода эканлигингни унутма! Одамзот бир-бири билан учрашаётганда, жанг садолари Олам Руҳигача етиб боради. Шу қуёш остида юз бераётган ҳодисалардан ҳеч бир бандаси қочиб қутулолмайди, – Алкимёгарнинг овозида ғазаб сезилди.

«Олам – бир бутунликдир», – деб хаёлидан ўтказди Сантяго.

Шу пайт, худди мўйсафид Алкимёгарнинг ҳақлигини исботлагандай, саҳрода сайёҳларимизнинг изидан тушган икки суворий кўринди.

– У ёғига боришларинг мумкин эмас, – деди жангчилардан бири уларга етишиб олгач. – Уруш ҳаракатлари кетяпти.

– Манзилимизга яқин қолди, – деб жавоб қилди Алкимёгар унинг кўзларига қаттиқ тикилиб туриб.

Жангчилар бир лаҳза сўзсиз қолишди, сўнгра индамай йўл бўшатишди. Сантяго ҳайратда эди.

– Сен уларни нигоҳларинг билан енгдинг!

– Одамзот руҳининг қуввати нигоҳида бўлади, – жавоб қилди Алкимёгар.

«Ҳақ гап», – ичида тасдиқлади Сантяго, чунки жангчилар қароргоҳи ёнидан ўтишаётганда, сарбоз-



лардан бири уларга узоқ тикилиб қолганлигини эслади. У шунчалик узоқда эдики, ҳатто юзини ҳам пайқаб бўлмасди, шунга қарамай Сантяго унинг нигоҳини ҳис қилиб турди.

Улар кунчиқар томонни бутунлай тўсиб турган тоққа кўтарила бошлашганда, ниҳоят Алкимёгар эҳромларгача икки кунлик йўл қолганлигини айтди.

– Модомики, энди ажралиб кетар эканмиз, менга алкимёни ўргат.

– Энди ҳеч бир фандан сабоқ олишингнинг ҳожати йўқ. Бу илм Олам Руҳига кириш ва у ердан ўз хазинангни топиш учун зарурлигини сен яхши биласан.


– Бошқа нарсани айтяпман. Мен қўрғошинни олтинга айлантиришни ўрганмоқчиман.

Алкимёгар саҳро сукунатини безовта қилмай қўя қолди, фақат дам олгани тўхтаганларидан кейингина жавоб қайтарди.

– Ушбу Оламдаги жамики унсурлар бетиним тўлғоқда, бири иккинчисига эврилиб туради. Ҳикмат аҳлининг фикрига кўра, олтин ҳам маъдандир, фақат унинг такомил даври бошқалариникига қараганда қадимийроқ. Мендан нега шундай, деб сўрама – билмайман. Дунёга шундай амру фармон бўлган – менга шуниси маълум, холос.

– Шундай алкимёгарларни билардимки, – деб давом этди у, – улар ўз тажрибахоналарида қамалиб олиб, ўша олтин янглиғ такомилга эришишга уринардилар – Ҳикмат Тоши ана шундай дунёга келган. Ягона бир унсур ривожланиб такомилга етса, унинг атрофидаги жамики нимарсалар ҳам ўзгаришини улар яхши билишарди.

У Тошни тасодифан кашф этганлар ҳам бор. Улар илоҳий бир истеъдод соҳиблари эдилар, қалблари ҳам бошқаларникига қараганда сезгирроқ эди. Аммо уларни ҳисобга қўшмаса ҳам бўлади, чунки ундайлар ниҳоятда кам.



Алкимёгарларнинг учинчи бир қавми эса фақат олтин излади. Улар сир пардасини кўтара олмадилар. Қўрғошиннинг ҳам, миснинг ҳам, темирнинг ҳам ўз Йўли мавжудлигини улар унутган эдилар. Маълумки, ўзганинг тақдирига аралашганлар ўз Тақдиридан Мосуво бўлади.

Алкимёгар ушбу сўзлари билан дуоибад қилаётгандек эди. Сўнгра ердан бир чиғаноқни олди.

– Қачонлардир бу ерда денгиз бўлган, – деди у.

– Ҳа, мен ҳам шундай, деб ўйловдим, – деди йигитча.

Алкимёгар йигитчага, чиғаноқни қулоғингга тут, деди.

Сантяго ёшлигида ҳам шу усул билан ҳозиргидай денгиз шовқинини кўп бора тинглаган.

– Денгиз қадимгидай ҳамон шу чиғаноқ ичида, у ҳам ўз Тақдири Йўлидан бормоқда. У токи ушбу саҳрода денгиз тўлқинлари яна мавж урмагунча, чиғаноқни тарк этмайди.

Улар отларига миниб, Миср эҳромлари томон йўл олишди.



Ниҳоят, фурсат шамширини сермади. Қуёшнинг қонли боши Мағрибни алвон рангга бўяроқ юмаларкан, Сантягонинг қалби хавф муждаларини бера бошлади. Улар ушбу лаҳзада баҳайбат қум барханлари қуршовида эдилар. Сантяго Алкимёгарга кўз қирини ташлади, у гўё ҳеч нарсани сезмас, хотиржам эди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас йигитча икки суворийнинг қорасини аниқ-тиниқ кўрди. Нимадир демоқчи эди, гапи оғзида қолди – иккитасининг ўрнига ўнтаси, ўнтасининг ўрнига юзтаси пайдо бўлди ва, ниҳоят, ҳамма барханларни мўр-малахдай жангарилар қоплади.

Суворийларнинг ҳаммаси кўк кийимда, саллаларига қора тасма ўралган, юзлари кўзларигача кўк мато билан тўсилган эди.

Руҳ ва ироданинг қудрати акс этиб турган бу кўзлар йўлчиларимизга ўлим ваъда қилаётганлигини узоқдан ҳам ҳис қилиш мумкин эди.

Сантяго ва Алкимёгарни қароргоҳларига олиб келиб, бир чодирга итариб киргизишди ва қабилабошига рўбарў қилишди. Сантяго бунақа чодирни умрида кўрмаган эди. Қабилабошининг атрофини лашкарбошилар қуршаган эди.

– Булар жосуслар, – деди асирларни олиб келганлардан бири.

– Йўқ. Биз йўловчилармиз, холос.

– Уч кун олдин сизларни душманларимизнинг қароргоҳида кўришган. Жангчилардан бири билан гаплашиб турган экансизлар.

– Мен саҳродаги йўлларни ва юлдузлар тилини биламан, – деб жавоб қилди Алкимёгар. – Аммо сизларнинг беҳисоб душманларингизу улар қай томон юраётганлиги менга қоронғу. Дўстимни сизнинг қароргоҳингизгача кузатиб келдим, холос.

– Бунинг ким ўзи? – сўради қабила сардори.

– Бу Алкимёгар, – деди Алкимёгар. – У табиат кучларини, уларнинг тилини билади, бу ноёб қобилиятини сизларга намойиш қилишни хоҳлайди.

Сантягони қўрқув оғушига олган, тили калимага келмасди.

– Ўзга юртлик бизнинг ерларимизда нима қилиб юрибди? – деди бошқа лашкарбоши.

– У сизларнинг қабилангизга пул олиб келди, – деб жавоб бераркан, Алкимёгар Сантягонинг ҳамёнини қабилабошига тутди, йигитча ҳеч нарса деёлмади.

Қабила сардори бир сўз демасдан олтинларни олди – уларга жуда кўп қуроли сотиб олиш мумкин эди.

– «Алкимёгар» дегани нима ўзи? – деб сўради лашкарбошилардан бошқа бири.



– Бу табиат ва дунёни биладиган одам, дегани. Агар хоҳласа – биргина шамолнинг кучи билан қароргоҳингизни кунпаякун қилиши мумкин.

Араблар хаҳолаб кулишди. Улар урушнинг қудратига кўникишган ва шамол ўлим олиб келишига ишонишмасди. Аммо номаълум қўрқувдан юраклари орқага тортиб кетди. Улар саҳро одамлари эдилар ва шу боис сеҳргарлардан қўрқишарди.

– У бу ишнинг уддасидан чиқа оладими, йўқми, кўрмоқчиман, – деди қабила сардори.

– Бизга уч кун муҳлат беринг. Ҳамроҳим сизларга ўз қудратини намойиш қилиш учун шамолга айланади. Агар эплотмаса, тақдирга тан бериб, ҳаётимизни сизларга топшираимиз.

– Аллақачон менга тегишли бўлган нарсани қайта топшириб бўлмайди, – деди кибр билан сардор.

Лекин у уч кун кутишга рози бўлди.

Сантягонинг оёқ-қўлини жон тарк этди, даҳшатдан тили айланмай қолди. Алкимёгар уни қўлидан етаклаб чодирдан олиб чиқишга мажбур бўлди.

– Қўрқаётганингни уларга намойиш қилма. Булар жасур одамлар, қўрқоқлардан нафратланишади.

Аммо Сантягога сўзлаш қобилияти тезликда қайтавермади. Улар қароргоҳда бемалол айланиб юришди – араблар йўловчиларимизнинг отларини олиб қўйишганди, холос. Дунё ўзининг кўп тилларда гаплаша олишини яна бир бор намойиш қилди: илгари чек-чегарасиз ва эркин бўлган саҳро энди ҳақиқий зиндонга айланган эди.

– Сен менинг ҳамма пулларимни уларга бердинг, – деди Сантяго. – Умр бўйи йиққанларимнинг ҳаммасини!

– Ўлишимиз аниққа ўхшайди, пулни нима қиласан? Ундан кўра олтинларинг умрингни уч кунга узайтирганини айтмайсанми. Одамдаги молу дунё ажални бир дақиқага ҳам тўхтатиб туrolмайди.

Сантяго ҳаддан ташқари қўрқувга тушган, шу боис бу пурҳикмат маърузани эшитиб ҳам ўтирмади. Ахир у Алкимёгар эмасди – шамолга эврила олмасди.

Алкимёгар эса бир жангчидан чой сўради ва икки-уч томчисини Сантягонинг билагига томизаркан, аллақандай дуоларни ўқиди. Сантяго вужудини қўрқув ва хавотир тарк этганини ҳис қилди.

– Ғам чекаверма, – деди Алкимёгар ўзига хос бўлмаган бир меҳрибонлик билан. – Ҳали ўз қалбинг билан гаплашиб олганинг йўқ, хавотиринг боиси шу.

– Ахир, мен шамолга айлана олишни билмайман-ку!

– *Кимки ўз Тақдири Йўлидан кетаётган экан, ҳамма нарсани билади ва ҳамма нарсага қодир. Орзуларнинг рўёбга чиқишига йўл қўймайдиган битта нарса бор – омадсизликдан қўрқиш.*

– Э, мен омадсизликдан қўрқаётганим йўқ. Шамолга қандай айланиш керак, билмайман, тамом-вассалом.

– Ўрганишга тўғри келади. Тирик қолиш-қолмаслигинг шунга боғлиқ.

– Қўлимдан келмаса-чи?

– Унда жонни эгасига топширишга тўғри келади. Лекин Йўл борлигидан ғофил, буни ҳатто хаёлига ҳам келтирмайдиган минглаб одамларга ўхшаб ўлиб кетгандан кўра Ўз Тақдиринг Йўлида жон таслим қилиш афзалроқ. Хулласи калом – хотиржам бўл. Одатда ўлим қудрат бахш этади, ҳисларни бениҳоя ўткирлаштиради.



Биринчи кун поёнига етди. Саҳрода катта жанг бўлди, ярадорларни қароргоҳга олиб келишди. «Ўлим ҳеч нарсани ўзгартиролмайди», – деб хаёлидан кечирди Сантяго. Сафни тарк этганлар ўрнини бошқалари тўлдирди ва ҳаёт давом этаверди.

– Жўражон, сен кейинроқ ҳам қурбон бўлишинг мумкин эди, – деди сарбозлардан бири жон таслим қилган дўстига қараб. – Ҳозирмас, балки урушдан кейин. Бари бир ўлимдан қочиб қутулолмайсан.

Кечга томон йигитча Алкимёгарни излаб топди.

– Мен шамолга қандай айланиш мумкинлигини билмайман, – деди йигитча.


– Сенга айтган гапимни эсла: дунё бу Аллоҳнинг зоҳирий бир қисми холос. Алкимё эса руҳий комилликни – ботиний ашёни зоҳирий ашёга айлантиради.

– Ўзинг ҳозир нима билан машғулсан? – деб сўради Сантяго.

– Лочинимни овқатлантиряшман.

– Бунинг нима кераги бор? Агар шамолга айлана олмасам, бизни ўлдиришади-ку.

– Бизни эмас, сени ўлдиришади, – деб жавоб берди Алкимёгар. – Мен шамолга айлана оламан.



---

Иккинчи кун бошланди, йигитча қароргоҳ ёнидаги қояга кўтарилди. Соқчилар тўсқинлик қилмай, уни ўтказиб юборишди: улар шамолга айлана оладиган сеҳргар келганини аллақачон эшитган эди, шунинг учун Сантягонинг яқинига йўлашмасди. Бундан ташқари, саҳро – энг катта зиндон, қочиб қаерга борарди.

Сантяго эрталабдан кечгача нигоҳларини саҳродан узмади. Ўз қалбига итоатда бўлди. Саҳро эса қинидан қилични суғургандек, унинг қалбидан қўрқувни суғуриб олди.

Уларнинг ҳаммаси бир тилда гаплашаётган эди.





Учинчи кун етиб келди. Ҷабила сардори ўз лаш-карбошилариини йиғди.

– Ҷани, бу йигитча қандай қилиб шамолга эврилар экан, томоша қиламиз, – деди у.

– Томоша қиламиз, – деб тасдиқлади Алкимёгар ҳам.

Сантяго уларни кеча ўзи кун бўйи ўтирган жойга бошлаб келди. Сўнгра ерга ўтиришларини сўради.

– Кутишга тўғри келади, – деди у.

– Биз шошилмаймиз, – деб жавоб қилди қабилла сардори. – Биз сахро одамларимиз.

Сантяго нигоҳларини уфққа қадади. Кўз ўнгида тоғлар, қум барханлари ва қоялар ястаниб ётар: қумликлар устини қоплаган ўт-ўланларнинг қаердан жон олаётганлигига ақл бовар қилмасди. Мана сахро – шунча кунлар, шунча ойларни унинг бағрида ўтказди, ammo сиру асрорини мингдан бирини ҳам ўрганолмади. Бу йўлда англизни, карвонларни, қабилалар ўртасидаги жангларни, беш юз хурмо дарахти ва уч юз қудуқ соҳиби бўлган воҳани, Фотимани кўрди.

– Хўш, – деб сўради ундан сахро, – сенга яна нима керак? Кеча кўзимиз тўйгунча бир-биримизга термул-мадикми?

– Узоқ-узоқларда, сенинг қум барханларинг орасида мен севадиган қиз яшайди, – деб жавоб қилди Сантяго. – Ҷачонки сенга нигоҳ ташласам, уни ҳам кўраман. Унинг ёнига қайтишни истайман, сенинг ёрдамингга муҳтожман. Мен шамолга айланишим керак.

– «Севги» дегани нима ўзи? – деб сўради сахро.

– Севги – сенинг қумларинг осмонидаги лочин парвози. Унинг учун сен сахро эмас, ям-яшил майсазорсан. У ҳеч қачон сендан туҳфа – ўлжа олмасдан қайтмайди.

У сенинг қояларингни, сенинг барханларингни, сенинг тоғларингни ёддан билади. Сенинг бағринг ҳам у учун очиқ – у учун сахийсан, у учун меҳрибонсан.

– Лочиннинг тиғдай тумшуғи доим бағримни тилкалайди, – жавоб қилди сахро. – Унга ўлжа бўладиган нарсани мен йиллаб вояга етказаман, энг ноёб бойлигим – сув билан меҳмон қиламан, ташналикни қондирадиган жойларни кўрсатаман. Сўнгра осмону фалақдан лочин пайдо бўлади – менинг қумликларимда тириклик тирикликни мавҳ этмаслигини кўриб, эндигина шодланаман деб турганимда – у ўзим яратган нарсадан мени жудо қилади.

– Лекин сен уни лочин учун яратгансан, лочинга насиба бериш учун. Лочин инсонга насиба олиб келади. Инсон ҳам қачондир сенинг қумларингга насиба элтади ва у ерда ҳаёт туғилади ва яна лочинга насиба пайдо бўлади. Дунё шундай қурилган.

– Севги ана шуми?

– Ана шу – севги. Бу шундай қудратки, ўлжани лочинга айлантиради, лочинни – инсонга, инсонни эса сахрога айлантиради. Қўрғошинни олтинга айлантирадиган ва олтинни яна ер қаърига гизлайдиган ҳам ана шунинг ўзи.

– Сўзларингнинг маъносини тушунмаяпман, – деди сахро.

– Бўлмаса, бир нарсани тушун: узоқларда, сенинг қумликларинг ичида мени қиз кутмоқда. Шунинг учун шамолга айланмоғим лозим.

Сахро бир муддат жим қолди.

– Шамол уларни тўзонга айлантирмоғи учун мен сенга қумлардан бераман. Лекин бу кифоя қилмайди. Ёлғиз ўзим ҳеч нарса қилолмайман. Шамолдан ёрдам сўра.

Енгил шабада қўзғалди. Йигитчанинг номаълум тилда ким биландир гаплашаётганини лашкарбошилар узоқдан кузатиб туришарди.



Алкимёгар жилмайди.

Шамол Сантягога яқинлашиб келди ва юзларини пайшаслади. Дунёдаги жамики ҳодисотлардан бохабар бўлган шамол йигитчанинг саҳро билан суҳбатини ҳам эшитган эди. Шамоллар бутун оламни кезиб юрадилар, уларнинг туғилган ерлари ҳам йўқ, ўладиган жойлари ҳам йўқ.

– Менга ёрдам бер, – деди унга йигитча. – Бир марта маҳбубамнинг овозини сендан тошган эдим.

– Саҳро ва шамоллар тилида гаплашишни сенга ким ўргатган?

– Менинг қалбим, – деб жавоб қилди Сантяго.

Шамолнинг номлари кўп эди. Бу ерда уни «сирокко» деб аташарди, араблар уни сувлари мўл-кўл бўлган, қора танли одамлар яшайдиган ўлкалардан келади, деб ўйлашарди. Сантягонинг ватанида эса унга «левантин», деб ном беришган, гўё у саҳролар қумини ва жангари ҳабашлар ҳайқириқларини ташиб юради, деб ишонишарди. Балки қўйларни ўтлатадиган водийлари бўлмаган олис юртларда шамоллар Андалусияда дунёга келади, деб ўйлашар. Аммо шамол ҳеч қаерда туғилмайди ҳам, ҳеч қаерда ўлмайди ҳам, чунки у саҳродан қудратлироқ. Одамзот хоҳласа саҳрони ҳосил беришга мажбур қила олади, қўйларини боқиши ҳам мумкин, лекин бўйсундиришга кучи етмайди.

– Сен шамол бўла олмайсан, – деди шамол. – Сен билан бизнинг моҳиятимиз бошқа.

– Нотўғри, – деб жавоб қилди Сантяго. – Сен билан бу оламни кезиб юрганимизда, менга алкимёнинг сирлари аён бўлган. Энди шамоллар ва саҳролар ҳам, уммонлар ҳам, юлдузлар ҳам – Оламнинг эгаси неки яратган бўлса менда жамулжам бўлган. Сен билан мени нобинодан бино қилган Қўл битта, бизнинг қалбимиз ҳам битта. Мен ҳам худди сендай бўлмоқни – исталган пучмоққа кира олишни, денгизлар устидан

учиб ўтишни, хазиначаримни яшириб турган қум тоғларини пуфлаб юборишни, севгилимнинг овозини ўзим билан олиб юришни хоҳлайман.


– Мен бир сафар сенинг Алкимёгар билан суҳбатингга қулоқ тутган эдим, – деди шамол. – У: «Ҳамманинг ўз Йўли бор», деганди. Одамзотга шамолга эврилиш тақдир қилинмаган.

– Ҳеч бўлмаса бир неча лаҳзага сенинг шаклу шамойилингга кирай, менга ўргат. Ана шунда инсон ва шамолнинг чексиз имкониятларини муҳокама қилаверамиз.

Шамол жуда қизиқувчан, билагон бўлса-да, лекин бунақасини ҳали учратмаган эди. Унинг учун бу жуда қизиқ иш эди, батафсил муҳокама қилгиси ҳам келаётганди, аммо инсонни шамолга қандай айлантириш мумкинлигини ақлига ҳам сиғдирилмаётганди. Ҳолбуки, унинг қўлидан жуда кўп иш келарди! Ҳар қандай обод жойни саҳрога айлантира олар, кемаларни чўктириб юбориш, асрлар давомида яшаб келаётган дарахтларни ва ўрмонларни ётқизиш ташлашнинг уддасидан чиқар, мусиқа ва номаълум овозлар янграб турадиган шаҳарлар устидан учиб ўта оларди. Қудрат бобида дунёдаги ҳамма нарсадан ўзиб кетдим, деб ҳисобларди, энди эса кичкина бир мавжудот чиқиб, ўзини шамолман деб турибди, яна кўз кўриб қулоқ эшитмаган ишларни қилишга қодирмиш.

– Буни «севги» деб аташади, – деди Сантяго шамол унинг тилагини бажармоқчи бўлаётганини кўриб. – Севсанг, нимани хоҳласанг ўшанга айлана оласан. Севсанг, нима юз бераётганини англашнинг ҳечам ҳожати йўқ, чунки барча ҳодисалар бизнинг ичимизда юз беради, шундай экан, инсон шак-шубҳасиз шамолга айлана олади. Албатта, шамол унга мадад берса.

Шамол жуда мағрур эди, шу боис ҳам Сантягонинг сўзлари унинг таъбини хира қилди. Саҳро қумларини



шопириб қаттиқроқ эса бошлади. Лекин охир-оқибат гарчи у бутун оламни кезиб чиққан бўлса-да, инсонни шамолга айлантира олмаслигини тан олишга мажбур бўлди. Бунинг устига севги нималигини ҳам билмайди.

– Одамлар севги ҳақида гапираётиб, осмонга тикилишларини жуда кўп бора кузатганман, – деди шамол ўз ожизлигини тан олаётганидан ғазаби қўзиб. – Балки сен ҳам осмонга мурожаат қилганинг маъқулроқдир?

– Яхши фикр, – Сантяго рози бўлди. – Фақат сен менга ёрдам бер: қуёшга қараганда кўзларим қамашмаслиги учун осмонни қум билан тўсиб тур.

Шамол янада кучлироқ эсди, осмону фалакни чанг-тўзон қоплади ва қуёш тилла тақсимчага айланиб қолди.

Қароргоҳдан кузатиб турганлар ҳеч нарсани фарқлаёлмай қолдилар. Саҳро одамлари «самум» деб атайдиган бу шамолнинг нима «каронат» кўрсатишини яхши билишарди. Бу улар учун денгиз бўронидан ҳам кучлироқ эди, айтмоқчи, улар денгиз нималигини билишмайди. Отлар пишқира бошлади, қуролларнинг ниллари қумга тўлди.

Лашкарбошилардан бири қабила сардорига ўғирилди:


– Етарлимикан дейман?

Сантяго энди уларга кўринмай қолган эди. Уларнинг юзлари кўзларигача оқ мато билан тўсилган ва нигоҳларида қўрқув қотиб қолган эди.

– Бунга чек қўйишнинг вақти етди, – деди бошқа лашкарбоши.

– Майли, Аллоҳ бор қудратини кўрсатсин, – деб жавоб қилди сардор. – Инсон қандай қилиб шамолга айланишини кўрмоқчиман.

Аммо ўз қўрқувини изҳор қилган лашкарбошиларнинг исмларини ёдда сақлаб қолди. Шамол тингандан сўнг икковини ҳам мансабидан четлатишни кўнглига тугиб қўйди, чунки саҳро одамларига қўрқув бегона бўлиши лозим.



– Шамол менга айтдики, сен севги нималигини билар экансан, – деб Сантяго қуёшга мурожаат қилди. – Агар шундай бўлса, сен Олам Руҳини ҳам билсанг керак – у эса севгидан яратилган.

– Бу ердан менга Олам Руҳи кафтдагидай кўриниб туради, – жавоб қилди қуёш. – У менинг қалбим билан гаплашади ва биз биргаликда ўт-ўланларни ўстирамиз, қўйларнинг соя илинжида яйловдан-яйловга кўчишига ёрдам берамиз. Ана шу жойдан – бу ер сизларнинг дунёингиздан жуда олисда – мен севишни ўргандим. Ерга озгина яқинлашсам жамики жонзотлар нобуд бўлишини ва Олам Руҳи йўқликка юз тутишини яхши биламан. Шу боис биз олисдан бир-биримизга назар ташлаймиз ва олисдан туриб бир-биримизни севамиз. Мен Ерга ҳаёт ва ҳарорат бахш этаман, Ер эса менга – мавжудлигимнинг моҳиятини, маънисини туҳфа қилади.

– Сен севгининг нима эканлигини билар экансан, – такрорлади Сантяго.

– Мен Олам Руҳини яхши биламан, чунки бу чексиз Олам аро қилаётган адоқсиз сафарларимиз давомида у билан кўп суҳбат қураамиз. У менга ўзини нималар қийнашини сўзлаб берган: ҳозирга қадар тошлар ва ўсимликларгина асл ҳақиқатни – дунёдаги жамики нарса бир бутунликдан иборатлигини тушунар экан. Шу туфайли темирнинг мисга ўхшашини ёки миснинг айнан олтиндай бўлишини талаб қилмаймиз. Ушбу бир бутун оламда Ҳаммасининг ўз вазифаси бор, Яратилишнинг бешинчи куни бутун мавжудотни бор қилган Қўл ёзишдан тўхтаганда эди, ўша Ҳаммаси Дунё Қозонида қўшилиб-қорилиб ягона бир мавжуд-



ликка айланган бўлур эди. Яхшиямки, Яратилишнинг олтинчи куни ҳам бўлган.

– Донишманд экансан, – деди йигитча, – чунки ҳаммасини узоқдан кўриб турасан. Лекин сен севги нималигини билмайсан. Агар Яратилишнинг олтинчи куни бўлмаганда – одамзот ҳам бино бўлмасди. Ва мис мислигича, қўрғошин қўрғошинлигича қолиб кетарди. Ҳар бирининг ўз Йўли бор, лекин бир кунмас бир кун бу Йўл босиб ўтилади. Шунинг учун ҳам бошқа бир унсурга айланмоқ, янги Йўлни бошламоқ лозим. Олам Руҳи ҳақиқатан ҳам бир бутун, ягона нарсага айлангунга қадар ушбу жараён давом этаверади.

Қуёш хаёлга чўмиб қолди ва равшанроқ нур тарата бошлади. Ушбу суҳбатдан завқланиб кетган шамол ҳам Сантягони ўткир нурлардан ҳимоя қилиш учун кучлироқ эса бошлади.

– Алкимё шунинг учун мавжудки, – давом этди Сантяго, – ҳар бир мавжудот ўз хазинасини изласин ва топсин ва шундан сўнг аввалгидан ҳам яхшироқ, мукамалроқ бўлишни истасин. Қўрғошин ҳам токи дунёга зарурати бор экан, ўз қисматига битилган вазифани адо этади, ана ундан кейин олтинга айланмоғи лозим бўлади. Алкимёгарлар шундай дейишади. Яна улар шуни ҳам исботлашганки, биз ўз ҳолимиздан яхшироқ, мукамалроқ бўлишга ҳаракат қилар эканмиз, атрофимиздаги жамики нарсалар ҳам мукамаллашади, гўзаллашади.

– Мени севгини билмайди, деган гапни қаердан олдинг? – сўради Қуёш.

– Севиб қолсанг саҳрога ўхшаб бир жойда туравермайсан, шамолдай дунё бўйлаб зир югурмайсан, сенга ўхшаб ҳамма нарсага узоқдан назар солиб туравермайсан киши. Севги – бу қудрат, Олам Руҳини янгилайдиган ва мукамаллаштирадиган қудрат. Олам Руҳига илк бора кирганимда, у менга мукамал-

лик тимсоли бўлиб туйилди. Лекин кейин, у бизнинг аксимиз эканлигини, унинг ҳам туйғулари жунбишга келишини, унинг ҳам ўз жангу жадаллари борлигини кўрдим. Унинг илҳомланиши, газабланиши ва ўзгариши, яхши ёки ёмон бўлиши бизга ва биз яшаётган заминга боғлиқ. Ана шу ўринда севгининг қудрати ўзини намоён қилади, чунки севган пайтингда яхши бўлишга, юксак бўлишга интиласан.

– Хўш, мендан нима истайсан?

– Шамолга айланишимга ёрдам бер.

– Табиатга маълумки, оламда мендан кўра донороқ бирор нарса йўқ, – деб жавоб қилди Қуёш, – лекин қай йўсинда шамолга айланишинг мумкинлигини мен ҳам билмайман.

– Унда мен кимдан мадад сўрай?

Қуёш бир лаҳза тафаккур қилди: суҳбатга қулоқ тутиб турган шамол бир зумда дунёга дoston қилиб чиқади – бу олам чароғининг ақлу дониши ҳам чегараланган экан, деб. Ундан ташқари Умумбашар Тилида сўзлаётган бу йигитчадан қочиш ҳам ақлдан эмас.

– Ҳаммасини ёзиб кетган Қўлдан сўра, – деди Қуёш.

Шамол хурсандлигидан қийқириб юборди ва мислсиз бир куч билан тўфон кўтарди. Бир неча чодирлар ағдарилди, боғланган отлар тизгинларини узиб юборишди, қояда ўтирганлар учиб кетмаслик учун бир-бирларига ёпишиб олишди.

Сантяго Ҳаммасини Ёзиб кетган Қўлга юзланди ва бутун Олам сукут денгизига чўмганини ҳис қилди. У ушбу сукунатни бузишга журъат қилмади.

Сўнгра Севги қудрати қалбини лиммо-лим тўлдирди ва йигитча ибодат қила бошлади. У ўз ибодатида Яратгандан ҳеч нарса сўрамас ва умуман бирорта сўз изҳор қилмасди, на қўйлари янги яйлов топгани учун ҳамду сано ўқир, на дўконга чиннивор харидорларидан кўпроқ юборишни сўраб илтижо этар, на саҳрода





топган ёри уни кутишини тилаб ёлворарди. Сукунат уммони остида шуни англаб етдики, сахро ҳам, шамол ва Қуёш ҳам ана шу Қўл нақшлаган аломатларни излар экан, ўз Тақдирлари Йўлидан боришга ва Зумрад Тош қиррасига ўйилган ёзувлар асрорига етишга интилар экан. Йигитча яна шуни англаб етдики, ушбу аломатлар бутун Курраи Заминга ва Коинотга сочиб ташланган экан, зоҳиран ҳеч бир аҳамиятсиз ва сабабсиз намоён бўлгандек туйилар экан. На сахро, на шамоллар, на Қуёш ва на одамзот ўзларини нима учун яратилганлигини билмайдилар. Сабаб Ҳаммасини Яратган ўша Қўлнинг ўзида ва фақат У мўъжизалар яратишга қодир: уммонларни сахрога, одамни шамолга айлантира оладиган ҳам Унинг Ўзи. Оламни илоҳий бир мақсад сари – Яратилишнинг олти кунни Буюк Яратишга айланадиган томонга – нега бошлаб бораётгани ёлғиз Ўзига аён.

Йигитча Олам Руҳига сингиб кетди ва шуни кўрдик, Олам Руҳи Аллоҳ Руҳининг бир парчаси экан, Аллоҳ Руҳи эса – ўз руҳи экан. Ва ўзи ҳам мўъжизалар яратишга қодир экан.

Уша куни самум шамоли ҳар қачонгидан даҳшатлироқ бўрон кўтарди. Шамолга айланиб, саҳронинг энг қудратли лашкарбошисини тиз чўктирган, қароргоҳни кунпаякун қилган йигитча ҳақидаги афсона энди авлодлардан-авлодларга ўтиб боради.

Самум бўрони қора қанотларини йиғиб ерга қўнган қуш янглиғ саҳрога бош қўйди. Одамларнинг қўрқув ва ҳайратдан қотиб қолган нигоҳлари йигитчани излади, лекин у турган жойидан ғойиб бўлган эди. У қароргоҳнинг бошқа бир четида ярим танигача қумга кўмилиб ётган соқчининг ёнида эди.

Сеҳрли Қудрат ҳамманинг юрагига қўрқув солган эди. Фақат икки киши жилмайиб турарди: ўз шогирдидан фахрланаётган Алкимёгар ва қабила бошлиғи, у шогирд йигит Тангрининг қудратини англаб етганини тушуниб турарди.

Эртаси куни у Сантяго ва Алкимёгарни тўрт томонингиз қибла, деб қўйиб юборди, ҳатто кузатиб қўйиш учун жангчиларидан бирини қўшиб ҳам берди.

Улар кун бўйи йўл босишди, шом туша бошлагач, Алкимёгар жангчига жавоб берди ва отдан тушди.

– Бу ёғига бир ўзинг кетасан, – деди у Сантягога. – Эҳромларгача уч соатлик йўл қолди.

– Сендан розиман, – деди йигитча. – Менга Умум-башар Тилини ўргатдинг.

– Менсиз ҳам ўзинг биладиган нарсани ёдингга солдим, холос.

Алкимёгар коптлар ибодатхонасининг дарвозасини тақиллатди. Қора ридо кийган руҳоний чиқиб келди, улар копт тилида нималарнидир гаплашишди, сўнг Алкимёгар Сантягони ичкарига таклиф қилди.



– Унга сени ёрдамчим, деб айтдим.

Ибодатхона ошхонасидаги ўчоққа Алкимёгар олов ёқди. Руҳоний бир бўлак қўрғошин келтирди, Алкимёгар қўрғошинни темир идишга солиб ўчоқ устига қўйди. Қўрғошин эригач, у чўнтагидан сарғиш шиша тухумни олди, ундан тўғноғичнинг бошидай бўлакчасини ушатиб, мум суртди ва эриган қўрғошиннинг устига ташлади.

Суyoқлик қип-қизил қон тусига кирди. Алкимёгар идишни оловдан олди ва совутишга қўйиб, руҳоний билан саҳродаги жанглар ҳақида суҳбатлаша бошлади.

– Уруш узоққа чўзиладими, деб қўрқаман, – деди у.

Руҳонийнинг ҳасратидан тутун чиқди: урушнинг дастидан карвонлар Гизадан жилолмай қолди. Сўнгра итоаткорлик билан: «Худонинг хоҳиши шу экан-да», – деб қўшиб қўйди.

– Шундоқ, – деди Алкимёгар.

Идиш совиб бўлгач, Сантяго ва руҳоний ҳайрат билан бир-бирларига қараб қўйишди: идишнинг остида айлана бўлиб қотиб қолган қўрғошин олтинга айланган эди.

– Наҳотки мен ҳам қачондир буни ўрганиб оламан? – сўради йигитча.

– Бу менинг Йўлим, сеники эмас, меники. Шунчаки, бу иш мумкин эканлигини сенга кўрсатмоқчи эдим.

Улар яна ибодатхонанинг дарвозаси ёнига қайтиб келишди, шу ерда Алкимёгар олтин тақсимчани тўрт бўлакка бўлди.

– Бу сенга, – деди у биттасини руҳонийга узатиб.

– Зиёратчиларни доимо хурсандчилик билан кутиб олганинг учун.

– Ўз илтифотим учун жуда кўп нарсга оляпман, – деб эътироз билдирди руҳоний.

– Ҳеч қачон қайтиб бундай дема. Ногаҳон Ҳаёт эшитиб қолиши мумкин ва кейинги сафар камроқ бе-

ради, – деб жавоб қилди Алкимёгар, сўнгра Сантягога ўгирилди. – Бу эса сенга, қабила бошлиғига берилган пулларинг эвазига.

Йигитча ҳам «бу кўш» демоқчи бўлди-ю, лекин индамади.

– Бу менга, – давом этди Алкимёгар. – Мен уйга қайтишим керак, саҳрода эса уруш бўляпти.

Тўртинчи бўлакни яна руҳонийга узатди.

– Бу ҳам – Сантяго учун. Балки асқатиб қолар.

– Ахир мен ҳам хазиналар томон кетяпман-ку! – қичқириб юборди йигитча. – Қолаверса, жуда яқин қолди!

– Уларни топишингга ишончим комил, – деди Алкимёгар.

– Унда менга олтиннинг нима кераги бор?

– Чунки сен икки маротаба бор-йўғингдан жудо бўлдинг. Биринчи сафар сени фирибгар алдади, иккинчи мартасида эса қабила сардори тунади. Мен бир қартайган, иримчи арабман ва ўзимизнинг бир мақолимизга жуда ишонаман:

*«Бир марта юз берган нарса иккинчи марта бўлмаслиги мумкин. Аммо икки бор юз берган нарса учинчи марта, албатта, бўлади».*

Улар отларга минишди.

– Сенга тушлар ҳақида бир ривоят айтиб бермоқчиман, – деди Алкимёгар. – Яқинроқ юр.

Йигитча итоат қилди.

– Хуллас, бундай, Қадим Римда, Тиберий ҳукмронлиги замонида бир марҳаматли одам бўлган экан, унинг икки ўғли бор экан. Бири жангчи бўлибди ва салтанатнинг энг узоқ бир гўшасида хизмат қилиш учун жўнаб кетибди. Иккинчиси эса бутун Римни ҳайратга соладиган шеърлар ёзар экан.

Кунлардан бир кун чол туш кўрибди, тушида осмондан фаришта тушиб, унинг ўғилларидан бирининг сўзи

бутун дунёга машхур бўлишини ва уни инсоният кўп асрлар такрорлаб юришини башорат қилибди. Чол бу бахтдан йиглаб юборибди: тақдир унга улуг марҳамат кўргизган, фақат оталаргина ҳис қилиши мумкин бўлган олий қувончни ҳадя этган эди.

Кўп ўтмай у дорулфанодан дорулбақога рихлат қилибди – бир гўдакни арава остидан қутқараман деб, ўзи гилдирак тагига тушиб қолибди. Умрини тоат-ибодатда ўтказгани боис тўппа-тўғри Арши аълога кўтарилибди ва у ерда тушига кирган фариштани учратибди.

– Сен мўмин ва меҳрли инсон эдинг, – дебди фаришта унга. – Ҳаётинг муҳаббатли, ўлимнинг фазилатли бўлди. Истаган тилагингни изжобат қиламан.

– Ҳаёт ҳам мендан мурувватини аямади, – дебди чол. – Сен тушимга таширф буюрганинга, бутун саъю ҳаракатларим зое кетмаганлигини англадим. Энди ўғлимнинг шеърлари авлодлардан-авлодларга ўтади. Ўзим учун сўрайдиган нарсам йўқ. Ҳар қандай ота ўзи боқиб тарбиялаган, ўқитган фарзандининг шуҳратидан гурурланиб юради. Шунинг учун узоқ келажакда ҳам ўғлимнинг сўзлари такрорланаётганини эшитсам, девдим.

Фаришта унинг елкасига қўлини қўйди ва шу лаҳзадаёқ икковлари ҳам олис келажакда ҳозир бўлдилар – улкан шаҳар, номаълум тилда гаплашаётган минг-минглаб одамлар.

Қувончдан чолнинг кўзларига яна ёш келди.

– Ўғлимнинг шеърлари асрлар оша яшашига ишонар эдим, – деди чол кўзларидан шайқатор ёш оқаркан. – Айт-чи, бу одамлар ўғлимнинг қайси мисраларини такрорлаб юришибди.

Фаришта чолни авайлаб курсига ўтқизди ва ёнига ўзи ҳам ўтирди.

– Сен айтаётган шеърлар бутун Римда машхур бўлди, уларни ҳамма севиб тинглар ва завқу шавққа

тўлардилар. Аммо Тиберий салтанати завол топди ва шеърларни ҳам унутдилар. Одамлар сенинг ўглингнинг – лекин жангчи ўглингнинг сўзларини такрорляяптилар.

Чол фариштага ҳайрат ва ҳайрон нигоҳларини қадади.

– У энг чекка вилоятлардан бирида хизмат қилди, – деб давом этди фаришта. – Юзбошилик мартабасига эришди. У ҳам сенга ўхшаб адолатли ва меҳрибон эди. Кунлардан бирида унинг қулларидан биттаси касал бўлиб қолди, уни ўлим ўз огушига олишга чоғланаётган эди. Сенинг ўглинг ҳозик бир табиб пайдо бўлганини эшитди ва уни излаб йўлга тушди. Йўлда эшитдики, У – Худонинг Ўгли экан. Ўглинг У шифо бахи этган одамларни кўрди, Унинг таълимотини эшитди ва римлик юзбоши бўлса-да, Унинг динига кирди. Ниҳоят, бир кун тонг чоги Унга рўбарў бўлди ва хизматкори хаста эканлигини айтди. Ва Устоз – уни шундай деб аташарди – ўглинг билан боришга қарор қилди. Аммо юзбоши тақводор, эътиқодли эди, Устознинг кўзига кўзи тушди-ю Худонинг Ўгли қаршисида турганлигини англади. Ана шу лаҳзада ўглинг шундай сўзларни айтдики, улар асрлар оша унутилмай келаверади. У шундай деган эди:

«Эй Худойим, азият чекма, менинг кулбамга қадам ранжидида қилишингга арзимаيمان. Бир огиз сўзинг кифоя, хизматкорим согайиб кетади».

Алкимёгар отини жилдирди.



– *Рўйи заминдаги ҳар бир одам, у нима билан шугулланишидан қатъи назар, дунё тарихида энг асосий вазифани бажаради. Одатда буни ўзи ҳам билмайди.*

Йигитча табассум қилди. Ҳаётнинг маънисини ҳақиқатдаги саволлар бир чўпон учун қачондир шунчалик аҳамиятли бўлишини тасаввур ҳам қилмаганди.

– Алвидо, – деди Алкимёгар.

– Алвидо, – деди йигитча.

Сантяго саҳрода икки ярим соатдан ортиқроқ йўл босиб, қалби нима деса диққат билан қулоқ тутди. Хазина қаерда яширилганини унга қалби айтиб бериши лозим эди.

«Хазина қаерда бўлса, қалбинг ҳам ўша ерда бўлади», – деган эди унга Алкимёгар.

Аммо қалби унга бошқа ҳодисотлардан сўзлаётган эди. Икки маротаба кўрган тушини рўёбга чиқариш учун қўйларидан воз кечган чўпон йигитнинг тарихини фахр билан ҳикоя қилди. Қалбнинг ҳам Ўз Йўли мавжудлигини эслатди ва Йўлни босиб ўтганлар ҳақида – янги ўлкаларни кашф этишга отланганлар, гўзал маликалар ишқида дунё кезганлар, ўз замондошларининг тафаккур тарзига ва хурофий фикрларига қарши исён қилганлар ҳақида гапирарди. У буюк кашфиётлар ҳақида, буюк ўзгаришлар ва буюк китоблар ҳақида сўзларди.

Фақат Сантяго қум бархани нишаблигидан кўтарилаётганидагина қалби унга шивирлади:

«Диққат-эътиборингни жамла. Қаерга бориб йиғлаб юборсанг, кўзларингдан шашқатор ёшлар оқса – мен ҳам, хазинанг ҳам ўша ерда бўлади».

Йигитча жуда секин кўтарилиб борарди. Фалак деҳқони сепиб юборган юлдузлар аро тўлин ой кўринди – йигитчанинг саҳрога чиққанига роппа-роса бир ой бўлибди. Ойнинг жамолини ерга таърифлаётган нурлар барханлар аро ойдин қўшиқлар айтиб югурар, уларнинг сояларини рақсга чорлар ва саҳрони тўлқинланаётган денгиздек ҳаяжонга соларди. Сантяго Алкимёгар билан хайрлашиб, отнинг жиловини бўйнига ташлаб, унга эрк берган кунини ёдга олди.



Ой сахро сукунатини ва хазина излаб чиққанлар ортга қолдирган йўлларни мангулик нурлари ила безарди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, у тепаликка кўтарилди, ногаҳон юраги жон-жаҳди билан гупиллаб ура бошлади. Сантягонинг қаршисида оп-ойдин қумликлар ва ойнинг пурвиқор нурларига бурканган кўйи Миср эҳромлари маҳобат ила юксалиб турарди.

Сантяго Аллоҳнинг бу инояти ва марҳаматидан жамики узву аъзоси сурурга тўлиб тиз чўкди ва йиғлаб юборди. У Тақдирга ишонишни насиб қилгани учун Аллоҳга ҳамду санолар айтар ва бу тақдир уни Маликсиддиқ билан, чинниворлар сотувчиси билан, инглиз ва Алкимёгар билан рўбарў қилгани, энг асосийси – сахро қизи билан учраштиргани, бу қиз уни Севги инсонни ҳеч қачон ўз йўлидан чалғитмаслигига ишонтиргани – ҳамма-ҳаммаси, Тангрининг хоҳиш-иродаси билан юз берганлигини ҳис этар ва беадад шукру санолар қилиб чарчамасди.

Миср эҳромлари ўз пойига бош уриб келиб-кетаётган миллионлаб бандалар қатори Сантягога ҳам минг йилликлар юксаклигидан виқор ила боқиб турарди. Агар хоҳласа, энди у воҳага қайтиши, Фотимага уйланиши ва қўйларини боқиб юриши мумкин эди. Умумбашар Тилини биладиган, қўрғошинни олтинга айлантира оладиган Алкимёгардай одам ҳам саҳрода яшайди-ку. Сантяго илму ҳунаримни кўрсатай, ақлу донишим мевалари билан ҳайратга солай деса, атрофида ҳеч ким йўқ: ҳолбуки, у ўз Тақдири Йўлида ўзига зарур бўлган ҳамма илму ҳунарни ўрганди, ниманики ҳис қилиб кўришни истаган бўлса эришди.

Лекин энг асосийси – у ўз хазинасини излаётган эди, қачонки мақсад амалга ошсагина одам ниятига етган ҳисобланади. Сантяго ҳамон тепаликда тураркан, йиғидан ўзини тўхтатолмасди, ниҳоят пастга кўз ташлади ва кўз ёшлари томаётган жойда қўнғиз

ўрмалаб бораётганини кўрди. Мисрликлар учун бу Аллоҳнинг рамзи эди – Сантяго саҳрода юравериб, буни яхши билиб олганди.

Демак, унга яна бир аломат намоён қилинди ва йигитча ерни кавлай бошлади. Лекин аввалига чинниворлар сотувчисининг гапларини эслади, кўриниб турибдики, у ҳақ эмас экан: бир умр тош устига тош терганда ҳам, ҳеч ким ўз ҳовлисида эҳром қуролмайди.

Сантяго Тақдири кўрсатган, Ўз Йўли кўрсатган, аломатлар кўрсатган, қалби кўрсатган жойнинг қумини туни билан кавлаб чиқди, лекин ҳеч нарса топа олмади. Дунё томошаларидан зериккан минг йилликлар эҳромлар чўққисидан сукут билан Сантягони кузатиб туришарди. Аммо у таслим бўлмади – қазийверди, қазийверди, шамол эса уни масхара қилгандек чуқурни қайта-қайта қумга тўлдирар, у эса қазишдан тўхтамасди. Қўллари қонаб кетди, танида мадори қолмади, лекин қалбининг: «Кўз ёши томган жойни изла», деган даъватига содиқ қолаверди.

Сантяго чуқурдан тошларни олиб ташлаётганда, ногаҳон қадам товушлари эшитилди. Сантяго ўгирилиб қаради ва одамларни кўрди – чуқурнинг оғзида ой нурига орқа қилиб турган одамларнинг юзларини ажрата олмади.

– Бу ерда нима қилипсан? – деб сўради улардан бири.

Йигитча жавоб қилмади. Қўрқув бутун вужудини қамраб олди – энди унинг йўқотадиган нарсаси бор эди.

– Биз урушдан қочдик, – деди бошқаси. – Бизга пул керак. Бу ерда нима яширгансан?

– Ҳеч нарса яширганим йўқ, – жавоб қилди Сантяго.

Қочоқлардан бири уни чуқурдан тортиб олди, иккинчиси унинг чўнтақларини кавлаб чиқди ва қуйма олтин бўлагини топиб олди.

– Олтин, – деб бақариб юборди у.



Энди ой қароқчининг юзини ёритиб турарди ва Сантяго унинг кўзларида ўз ажалини кўрди.

– Чуқурда яна бўлса керак! – деди иккинчи қочоқ.

Улар Сантягони яна кавлашга мажбур қилишди, унинг бўйсунушидан ўзга иложи йўқ эди. Лекин хазина чиқмади ва улар Сантягони калтаклай бошлашди. Қароқчилар тонгнинг илк нурлари кўрингунга қадар уни калтаклашди. Кийимлари увада-увада бўлиб кетган Сантяго ўлим яқинлашганини ҳис қилди.

Алкимёгарнинг сўзлари ёдига тушди: «Ўлимнинг аниқ бўлгандан кейин пулнинг сенга нима кераги бор? Мол-дунё ажални бир дақиқага ҳам тўхтатиб туrolмайди».

– Мен хазинани излаяпман, – деб бақирди Сантяго.


У ёрилиб кетган, қон талашган лабларини зўрға қимирлатиб, қароқчиларга Миср эҳромлари ёнида яширилган хазинани икки бор тушида кўрганлигини айтди. Уларнинг кўринишидан тўдабошига ўхшагани узоқ жим қолди, сўнгра қўл остидагилардан бирига ўгирилиб, деди:

– Уни қўйиб юбор. Бошқа ҳеч нарсаси йўқ, бу олтинни эса қаердандир ўғирлагани аниқ.

Сантяго қулаб тушди. Тўдабоши унинг кўзларига қарамоқчи эди, аммо йигитча нигоҳларини эҳромлардан узмай ётарди.

– Кетдик бу ердан, – деди тўдабоши қолганларга, сўнгра Сантягога ўгирилди:

– Бунчалик аҳмоқ бўлмаслик кераклигини тушуниб олишинг учун сени тирик қолдираман. Мен ҳам икки йил олдин худди мана шу сен турган жойда фақат битта тушни бир неча марта кўрганман. Тушимда гўё мен Испанияга йўл олишим керак эмиш, чўпонлар қўйлари билан кириб ётадиган, омбори ўрнида азим чинор қад ростлаган, вайрона черковни топишим ло-



---

зим эмиш, лекин мен қандайдир туш кўрганлиги учун сахрони кесиб ўтадиган аҳмоқлардан эмасман.

Ана шу сўзларни айтиб, қароқчилар жўнаб кетишди.

Сантяго машаққат билан ўрнидан турди ва сўнги бор эҳромларга назар ташлади. Эҳромлар унга табассум ҳадя этишарди, Сантяго ҳам қалби бахтга лиммо-лим тўлганини ҳис қилгани ҳолда эҳромларга табассум қилди.

Сантяго ўз хазинасига муяссар бўлди.



## ХОТИМА

Йигитчани Сантяго деб аташарди. У ярим вайрона, ташландиқ черковга етиб келганида, дунё ҳоқимлигини тун ўз қўлига олган эди. Ибодатхона гумбази ёриқларидан худди аввалгидай юлдузлар мўралашар, омбор ўрнини эгаллаган чинор ҳамон мағрур шовуллаб турарди. Бир сафар ўз қўйлари билан шу ерда тунаганлигини эслади, ўшанда кўрган тушини ҳисобга олмаганда, тун жуда осойишта ўтган эди.

Энди у яна шу ерда, лекин бу сафар қўйларини ҳайдаб келгани йўқ. Қўлида белкурак билан келган эди.

У узоқ вақт нигоҳларини осмондан узмай турди, сўнгра қопчиғидан шишада мусаллас чиқарди ва бир қултум ҳўплади. Саҳрода бир куни тунда худди шундай юлдузларга термулганини ва Алкимёгар билан мусаллас ичганини эслади. Қанчадан-қанча йўллар ортда қолганини ва Худо унга илоҳий бир мўъжиза ила хазинани кўрсатгани ҳақида хаёл сурди.

Мабодо у тушларга ишонмаганда, лўли кампирни ҳам, Маликсиддиқни ҳам, қароқчиларни ҳам... учратмаган бўларди.

«Буларнинг рўйхати жуда узун. Аммо Йўл аломатлар билан белгилаб қўйилган экан, шунинг учун ҳам адашиб кетмадим», – деб ўйлади у.

Уйқу оғушига олганини ўзи ҳам сезмай қолди. Уйфонганда Қуёш аллақачон тиккага келиб, уни томоша қилаётганди. Сантяго чинорнинг илдизлари остини кавлай бошлади.

«Қари жодугар, – У Алкимёгарни ёзғира бошлади, – сен ҳаммасини олдиндан билгансан. Ҳатто олтин қуймасининг иккинчи бўлагини мен қайтиб боришим учун руҳонийга қолдирдинг. Қийимларим ва аҳволимни дабдала ҳолда кўриб, руҳоний устимдан кулди. Мени бу азоблардан халос қила олмасмидинг?»

«Йўқ, – шамол эпкини аро овоз эшитилди. – Сени огоҳлантирганимда эди, эҳромларни кўра олмасдинг. Улар нақадар гўзал, шундай эмасми?»

Бу шубҳасиз, Алкимёгарнинг овози эди. Йигитча кулиб қўйди ва қазишда давом этди. Ярим соатдан сўнг белкурак қаттиқ бир нарсага тегди, бир соатлар ўтиб, Сантягонинг қаршисида қадимий олтин тангалар билан лиммо-лим сандиқ турарди. Сандиқда яна қимматбаҳо тошлар, оқ ва қизил патлар билан безалган олтин ниқоблар, гавҳартошлар билан нақшланган тош санамлар ҳам беҳисоб бўлиб, улар – мамлакат аллақачон унутган жангу жадалларнинг ўлжалари, эгалари фарзандларига ҳам васият қилмаган бойликлар эди.

Сантяго қопчиғидан Урим ва Туммимни чиқарди. Улар Сантягога фақат бир маротаба – бозорда, тонг чоғи асқатган эди холос: ҳаёт уларсиз ҳам ўзининг ишончли аломатлари ила унга ёрдам бериб келди.

У тошларни сандиққа солди – булар ҳам Сантяго хазинасининг бир қисми: тошлар энди у ҳеч қайтиб кўролмайдиган қари шоҳни эслатиб туради.

«Ўз Тақдири Йўлидан бораётганларга ҳаёт ҳақиқатан ҳам ўз хайру саховатини аямайди, – деб ўйлади у ва Тарифга бориб, лўли кампирга хазинанинг ўндан бир қисмини бериш кераклигини эслади. – Лўлилар нақадар доно халқ! Оламни бетиним кезиб юришлари туфайли шундай бўлишса керак».

Сантяго яна шамол эпкинини ҳис қилди. Бу Африкадан эсиб келган «левантин» шамоли бўлса эҳтимол, аммо бу сафар у саҳро ҳидини олиб келгани йўқ, қора танлилар босқини ҳақида огоҳлантираётгани ҳам йўқ. Сантяго шамол қанотларидаги хуш бўйни, овоз ва таъмни ажрата олди, улар оҳиста сузиб келиб, ниҳоят лабларига бўса бўлиб қўнди.

Йигитча жилмайди: бу – Фотиманинг илк бўсаси эди.

– Мен боряпман, – деди у, – ёнингга боряпман, Фотима!

## ПАУЛО КОЭЛЬО ВА «АЛКИМЁГАР»

(Таржимондан)

Бани башар токи бунёд бўлибдики, бу оламнинг сир-синоати ва номукамаллиги, ўзининг Курраи Заминга ташрифи сабаби ва тақдири Азални ўзгартириш мумкинми, йўқлиги хусусида бош қотиради.

Нега руҳи беором, нега мудом қалби амрига бўйсунмай умргузаронлик қилишга маҳжум? Қандай яшашни кимдан, нимадан ўрганиши лозим, йўл кўрсатувчи этагидан тутгувлик устоз борми? Бахт нима, омад нима, муҳаббат нима, қачон келади? Кимдан нажот ва мужда кутиш лозим – тушларданми, фолу ромданми, китобларданми, Худоданми?..

Одамзотнинг Ақли ва Қалби ана шу азалий ва бадий саволлар жавобларида ҳеч қачон келиша олмаган. «Алкимёгар» ушбу муҳорабада Қалб тарафида. У тириклик ташвишлари қирқиб ташлаган руҳнинг қанотларини яна парвозга йўллагандек, ғамбода кўнгилларга қайта ҳаёт уфургандек бўлади. Дунёга, ўзингизга бошқача назар ташлашга мажбур қилади: Дунё – сирли ва оддий, Ўзингиз – ноёб бир мўъжиза ва қудратли эканлигингизни англайсиз. Бадий сўз, адабиёт ана шундай сеҳрга қодир!

Хўш, бу сеҳргар – Пауло Коэльо ким?

Ўтган асрнинг охириги чорагида рус тили орқали бўлса ҳам ўзбек китобхонига етиб келган Лотин Америкаси адабиёти, айниқса, насри ҳаммамизни ҳайратга солган эди. Аргентиналик Хулио Кортасар, кубалик Алехо Карпентер, колумбиялик Габриэл Гарсиа Маркес, гватемалалик Мигел Анхел Астуриас, мексикалик Карлос Фуэнтэс асарларидаги гоҳ реалистик, гоҳ рам-

зий тил, Шарқ афсоналарини жуда-жуда эслатувчи мифларга қурилган роман ва ҳикоялар бизни мафтун қилган эди. Сўнгра янада улканроқ ёзувчига – аргентиналик Хорхе Луис Борхесга дуч келдик. Ва у адабий доираларда бир овоздан «Лотин Америкаси насрининг отаси» деб баҳоланди. Баҳолашда адашилмаган экан. Пауло Коэльо испан адиби Хуан Ариас билан суҳбатда шундай дейди:

«Ёшлигимда Борхес мен учун авлиё эди, ҳозир ҳам шундай. У билан танишиш учун бир куни Рио де-Жанейродан автобусга ўтириб, Аргентинага йўл олдим. Унга телбаларча сиғинар эдим. Ёнимда бир қиз ҳам бор эди. Биз қоғозда кўрсатилган манзилга келдик. Борхесни ўз уйининг рўпарасидаги меҳмонхонада, деб айтишди. Мен ёнига бордим. Борхес курсида ўтирар эди. У билан гаплашиш учун қирқ саккиз соат миужа қоқмай келдим, аммо юзма-юз бўлгач, сўзлаш қобилияти мени тарк этди. «Қаршимда мен сиғинадиган санам турибди, санамлар эса гапирмайди», – деб хаёлимдан ўтказдим. Унга бир оғиз ҳам сўз айтолмадим. Қиз эса бу ҳолатни тушунмасди. Унга: «Мен афсонага айланган одамни кўрмоқчи эдим ва бу бахтга эришдим», – деб тушунтирдим. Аслида у ерда сўзга ҳожат қолмаган эди... Менинг ҳамма китобларимда Борхеснинг таъсири бор».

Мана, бугун Лотин Америкаси адабиёти Борхес мактабидан чиққан, лекин португал тилида ёзадиган яна бир сўз сеҳргари – Пауло Коэльо билан жаҳонни лол қолдириб турибди.

Пауло Коэльо 1947 йил 24 августда Бразилиянинг Рио де-Жанейро шаҳрида туғилган. Отаси – собиқ инженер Педро Кейма ди Соуза, онаси – Лижиа Арапине Коэльо – художўй аёл бўлган. Пауло ёшлигида актёрликни орзу қилган, Борхес ва Генри Миллер китобларини қўлдан қўймаган. Унинг қизиқишларига



қарши бўлган ота-онаси Паулони иезуитлар диний коллеж-интернатига беришади. Коллеж уни қаттиқ интизомга ўргатади, аммо Худога бўлган эътиқодини сўндиради. Ўша ерда у илк машқлари билан биринчи бор адабий мукофотга ҳам сазовор бўлади.

Сўнгра у Рио де-Жанейродаги университетнинг ҳуқуқшунослик факультетида ўқийди. Лекин бир маромда яшаш Паулонинг табиатига ёт эди. Шу боис ўша пайтда ёшлар ўртасида урф бўлган «хиппилар» гуруҳларига қўшилади. Сўнгра сўл сиёсий кучлар тарафдори ҳисобланадиган талабалар ҳаракати аъзоси бўлади. Маркс, Энгельс, Гегелни жиддий ўрганиб чиқади, машҳур инқилобий қўшиқчи Че Геварани севиб тинглайди, сиёсий намойишларда иштирок этади. Буларни у ўзининг романтиклиги ва руҳий изланишлари билан изоҳлайди: «Мен кришна, буддавийлик, йога фалсафаси, хуллас, динларнинг ҳаммаси билан ҳам шуғулланиб кўрдим».

Пауло охир-оқибат университетни ташлаб, болалик орзуси – театр билан машғул бўлади. Абитуриентларни ўқишга киришга тайёрлаб, пул ишлайди ва бутун Американи айланиб келади. Аммо ёзувчиликка ҳавас уни тарк этмайди. «О Глобо» телерадиокомпанияси ва газетасига мунтазам равишда сценарийлар, мақолалар ёзиб туради. Ўзи ҳам «2001» номли журнал ташкил қилади. Шу журналга мақолалар тайёрлаётиб мусиқа продюсери ва қўшиқчи Раул Сейшас билан танишади. У билан ҳамкорлиги давомида 65 та қўшиқ ёзади ва бирданига бойиб кетади. Бошпанасизлик жонига текканидан бўлса керак, бирданига бешта уй сотиб олади. 1974 йилда театрнинг тарбиявий аҳамияти ҳақидаги биринчи китоби чиқади.

Шундан сўнг у магия (сеҳргарлик)га қизиқиб қолади ва бу соҳага боши билан шўнғиб кетади. Бу ҳақда қўлингиздаги китобнинг сўз бошисида муаллиф ба-

тафсил тўхталган. Бу орада у жамиятни ўзгартириш ҳақидаги сиёсий қарашлари учун ва партизанларга алоқаси бор, деб гумон қилиниб уч марта қамоққа олинади. Қамоқда сиёсий маҳбусларга қўлланиладиган барча қийноқ усулларини бошидан кечиради. Ҳибсдан мўъжизавий тарзда қутулиб чиққанидан сўнг 1976 йилда бир неча журналларнинг муҳбири сифатида Англияга кетади. У ерда Пауло Коэльо ўз ҳаёти ҳақида китоб ёзади, лекин уйга қайтаётиб, қўлёзмасини йўқотиб қўяди.

Ниҳоят, 34 ёшида энди жиддий одам бўлишга қарор қилади. Касби рассом бўлган Кристина Ойтисикага уйланади. Аммо бундан кейин умрини нимага бағишлаш ҳақида бир тўхтамга келиш, ўзига Тақдир қилинган вазифани аниқлаш учун саёҳат қилиш иштиёқи уни тинч қўймайди. Англияда ишлаб келган пулларига дунё бўйлаб саёҳатга чиқади. Олмониядаги Дахау, Польшадаги Освенцим сингари концлагерларни, у ерлардаги крематорийларни кўради, инсониятнинг ўз қавмига қилган даҳшатли жиноятларини бутун шуури ва руҳидан ўтказади. Ва «Нега бу жиноятлар ҳозир ҳам давом этяпти», қабалидаги ўнлаб саволлар унинг қалбидан ғафлат пардасини кўтаргандай бўлади. Пауло Коэльо саёҳатдан католик динининг Амстердамдаги РАМ (қаттиққўллик, муҳаббат, меҳр) ордени (мазҳаби) га аъзо бўлиб қайтади. Шундан сўнг у Ёқуб алайҳиссалом юрган йўллардан Исо алайҳиссаломнинг ўн икки ҳаворийсидан бирининг майити сақланадиган Сантяго-де-Компостелага эллик беш кун пиёда йўл босиб зиёратга бориб келади.

Зиёратдан сўнг Пауло Коэльо биринчи адабий асари – «Сехргарнинг кундалиги»ни эълон қилади. Кўп ўтмай «Алкимёгар» чиқади ва қисқа вақт ичида бирин-кетин 12 та романи дунё бўйлаб тарқалади. 1998 йилгача 22 миллион нусхада китоби сотилади. Уни



шу пайтгача ёмғир ёғдира оладиган машхур сеҳргар сифатида билган Лотин Америкаси танқидчилари «Коэльо асарларининг адабиётга дахли йўқ, улар амалий руҳшунослик ва эзотерика (илми ботиний) га доир китоблар», деб мақолалар ёзишади. Пауло Коэльонинг ўзи эса бундай деб ҳисобламайди. У бу ҳақда шундай ёзади:

*«Менинг баъзи асарларим китоб дўконининг бадий адабиётлар бўлимида, баъзилари фалсафа бўлимида туришини хоҳлардим, лекин асло эзотерика бўлимида эмас. Мен буни тортинмасдан, уялмасдан, гурур билан айта оламан».*

Мана, муаллифнинг ҳаёти билан қисман танишиб чиқдингиз ва Сизда «Алкимёгар Пауло Коэлонинг ўзи эмасми», деган фикр туғилиши мумкин. Бу саволга ҳам муаллифнинг ўзи жавоб беради:

«Дарҳақиқат, китобларимнинг қаҳрамонлари – менинг ўзим. Лекин «мен ўзим» деб айта олмайдиган ягона қаҳрамоним бу – Алкимёгар. Чунки Алкимёгар Ҳамма Нарсани англаган, мақомга эришган одам, мен ҳамма нарсани билмайман, кўп илмлар менга номаълум. «Алкимёгар»да мен чўпон йигитчаман, чиннivorлар сотувчисиман, ҳатто Фотимаман. Китобларимда битга-яримга ўйлаб топилган ҳолатлар бор, лекин асарларим тўқиб ёзилмаган. Ўша воқеаларнинг ҳаммаси юз берган, бошимдан ўтказганман».

«Алкимёгар»ни турли дин ва турфа миллат вакиллари севиб ўқияпти, у ҳақда китоблар ёзилапти, таҳлил ва талқинларнинг охири кўринмайди. Бош сабаб – ҳар бир Китобхон у ердан ўзини топяпти: кимдир Фотима, кимдир Сантяго, кимдир чиннivorлар сотувчиси, кимдир Туякаш, кимдир мовутчининг қизи, яна кимдир Сантягонинг отаси. Орзулар ва армонлар, муҳаббат ва айрилиқ, омад ва мағлубият қоришиқ умрларининг мазмунини излашапти. Ҳаётлари давомида

Худо юборган, ўзлари эътибор бермаган аломатларнинг сарҳисобини қилишяпти. Қалбларига қачондан буён қулоқ солмай қўйганларини эслашяпти. Ана шу – тирикликка чорлов, ана шу – руҳнинг уйғонишига даъват эмасми! Худди шу фазилати туфайли ҳам ўзбек китобхонлари «Алкимёгар» ни севиб ўқишларига ишонаман.


Қолаверса, роман бизнинг халқ қиссаларимиз каби ровиёна бир услубда ёзилганлиги, Сантягонинг йўли сўфийликдаги тариқат йўли сингари ўзидан бошланиб ўзида ниҳоя топиши, Маликсиддиқнинг Хўжаи Хизирга ўхшаб, Сантягонинг йўлида турли қиёфаларда рўбарў бўлиши каби миллатимизнинг маънавий дунёсига, эътиқодига яқин жиҳатлари боис ҳам халқимиз меҳрини қозонишига имоним комил.

Балки «Алкимёгар»нинг ўзбек тилида бирданига учта таржимаси пайдо бўлиши ҳам бизнинг ихтиёримиздан ташқари рамзий бир ҳодисадир. Ўзбек адабиётининг забардаст олими ва таржимони, ҳурматли устозим Озод Шарафуддинов, таниқли адабиётшунос, фидойи журналист Аҳмад Отабоевлар таржималарига камоли эҳтиром ила мазкур таржимани бир уриниш, деб ҳисоблашларини истар эдим. Албатта, йўл қўйилган сакталиклар борасида устозлар, адабиётшунослар ва китобхонлар ўз мулоҳазаларини аямасликларидан умидворман.

*Азиз САИД*

**ИБЛИС ВА  
ПРИМ ХОНИМ**

---



**Нозимлардан бири Ундан  
сўради: Мурувватли Устоз!  
Боқий умрга мушарраф бўлиш  
учун не қилмогим даркор? Исо  
унга деди: нега мени Мурувват-  
ли атадинг? Фақат Тангригина  
Мурувват соҳибидир.**

*Лука «Инжил»и 18:18 – 19*

Берта исмли кампир, мана, ўн беш йилдан бери ҳар куни эшиги олдида ўтиради. Вискос шаҳри одамлари қарияларнинг ўтмишни қўмсаб, ёшлигини хотирлашлари, деярли бу дунёга дахлдорлиги қолмаган бўлса-да, уни мушоҳада қилишни, қўшнилари билан нималарнидир гурунг қилишни ёқтиришларини биладилар.

\* \* \*

Бироқ Бертанинг кўча пойлаб ўтиришининг бошқа сабаблари бор эди. Ўша куни эрталаб бир Мусофирнинг қир ёқалаб, шаҳарнинг ягона меҳмонхонаси томон оҳиста йўл олганини кўрган кампир ниҳоят ниятига етганини тушунди. Кутилаётган меҳмонни у бир неча бор ўзича тасаввур ҳам қилиб кўрганди, лекин Мусофир бошқача бўлиб чиқди: у яғири чиқиб кетган уст-бошда, пахмоқ ва соч-соқоли қиртишланмаган ҳолатда намоён бўлди.

Ва унга Иблис ҳамроҳлик қилаётганди.

«Раҳматли эрим ҳақ бўлиб чиқди, – деб ўйлади кампир, – бу ерда ўтирмаганимда борми, ҳеч ким бу воқеадан хабар топмасди». У Мусофирни қирқ-эллик ёшлар чамасида деб тахмин қилди. «Навқирон



экан», – деб ўйлади у. Кампирнинг бундай хулосага келганини фақат унинг ёшидагиларгина тушуниши мумкин. Бу ерларда узоқ муддат қолармикан, дея ўзидан сўради кампир. Унинг кичкина жомадонини кўриб, узоқ қолмаслигини тушунди. Балки Мусофир бу ерда бир кеча тунаб, эртаси йўлида давом этар? Бертага Мусофирнинг режаси қоронғу, шунингдек, қизиқ ҳам эмасди.

Нима бўлгандаям Бертанинг йиллар давомида кимдир келишини пойлаб ўтиргани зое кетмади, зеро, бу давр мобайнида шу ерда туғилиб ўсганлиги сабаб, кўзлари кўникиб кетган манзара – атрофни ўраб турган залварли тоғлар гўзаллигини юракдан ҳис қилди.

Кутилганидек, Мусофир меҳмонхонада тўхтади. Берта кутилмаган меҳмон ҳақида Руҳоний ота билан гаплашиб кўрмоқчи ҳам бўлди, бироқ уни мутлақ эси оғибди, деб ўйламаслиги учун қароридан воз кечди.

Нима ҳам дердик, бу ёғини кутиш лозим. Иблисининг одамзотни балогардон қилишига кўп фурсат керакмас: бўҳрону тўфонлар, кўчкилар бир зумда икки юз йиллик дарахтларни таг-туби билан қўпориб ташлаши мумкин.

Шунда кампир бир нарсани англаб етди: Вискосга қадам қўйган Ёвузликдан деярли ҳеч не ўзгармади. Иблис келиб-кетиши мумкин, унинг ташрифидан кимнингдир азият чекиши шарт эмас. Улар тинимсиз дунё кезадилар: баъзида шунчаки нималар содир бўлаётганини билиш, гоҳида иймонли инсонларни имтиҳон қилиш учун. Лекин Иблислар жуда ўзгарувчан бўлишади, кучли рақиблар билан курашишдан иштиёқи ортиб, мантиқсиз қарорлар қабул қиладилар.

Берта бу ерларда арзигулик нарсанинг ўзи йўқлиги боис, Вискос меҳмонни бир кундан ортиқ ўзига

ром этолмайди, зулмат Хукмдорини эса ўйламаса ҳам бўлади, деган тахминга келди.

Кампир ўзини чалғитмоқчи ҳам бўлди, лекин Мусофир унинг миясига қаттиқ ўрнашиб қолганди. Мусаффо ва тиниқ осмон бир зумда қовоғини солди.

«Бунинг ажабланарли ери йўқ, – деб ўйлади Берта, – бу фаслда ҳаво доим шундай айниб туради». Мусофир келиши билан ҳавонинг ўзгариб қолгани – шунчаки тасодиф.

Кампир момагулдирак овозини эшитди, кетидан осмон уч марта гумбурлади.

Бир томондан бу ёмғирдан дарак бўлса, иккинчидан – Вискосда кенг ёйилган бидъатга кўра, бефарқлик, иймонсизлик ботқоғига ботиб қолган одамлардан ғабланган Тангрининг акс садоси эди.

«Бирор чорасини қилмасам бўлмайди, ниҳоят мен кутган инсон келди, ахир».

У бир неча дақиқа атрофга қулоқ солди: намчил булутлар шаҳарни қоплаган, лекин осмон энди гумбурламасди.

Берта собиқ католик бўлишига қарамасдан, табиатан меҳрибон инсон эди, бидъат ва хурофотларга ишонмас, илдизлари қадим келтлар тамаддунига боғлиқ ҳамсояларининг уйдирмаларига-ку мутлақ ишонмасди.

«Момагулдирак – табиат ҳодисаси, агар Тангри инсонларга ишора бермоқчи бўлса, бошқа соддароқ йўлини топган бўларди».

Кампир шуни ўйлар экан, яқиндан яна момагулдирак товуши эшитилди. У ёмғирда ивиб кетмаслик учун курсисини олди-да, уйига кириб кетди. Лекин қандайдир нотаниш қўрқув юрагини титратди.

«Нима қилсам экан?»

На ўзига, на Вискосга, энг муҳими, на Тангрига ёрдам беришига кўзи етган кампир Мусофирнинг



тезроқ кетишини хоҳлади. Керак бўлса, кўмак учун Тангри кампирни эмас, ёшроқ кимсани танлаши мумкин.

Буларнинг бари қуруқ гаплар: вақт ўтказиш учун эри шундай уйдирмаларни ўйлаб топган.

Лекин Берта Иблисни кўрганди – бу ҳақда шубҳа қилмасаям бўлади.

Иблис сайёҳ кийимидаги инсон қиёфасида намоён бўлганди.

\* \* \*

Меҳмонхона биносидан озиқ-овқат растаси, маҳаллий таомлар дўкони ва об-ҳаво ёки ҳозирги ёшларнинг қишлоқ ҳаётига қизиқмаслиги борасида гап кетадиган – бар ўрин олганди.

«Тўққиз ой – қиш, қолгани – сургун», – дейишади маҳаллий халқ. Зеро, улар мана шу тўқсон кун ичида ерни шудгор қилиш, экин экиш, ҳосилни етиштириш, пичан ҳозирлаш, сурувдаги қўйларнинг жунини қирқишга улгуришлари керак бўлади.

\* \* \*

Маҳаллий аҳоли дунёда тенги йўқ маконда яшаётганликларини билишар, лекин ушбу тоғлар бағрида асрлар давомида деҳқончилик ва чўпонлик қилиб келган аждодларининг сўнгги авлоди эканликларини тан олгилари келмасди.

Эртами-кеч бу ўлкада ҳам машиналар пайдо бўлади, чорва алоҳида озуқалар билан бу ерлардан олисда боқилади, қайсидир йирик хориж фирмаси шаҳарга эга чиқиб, уни тоғ чанғиси курортига айлантиради.

Атрофдаги қўп шаҳарчаларнинг қисмати шу зайлда барҳам топган, фақат Вискосгина бунга қарши курашиб келарди. Эҳтимол, бунга ўзликни сақлаш лозимлиги борасида аждодларининг қолдирган ўғит-

лари, одамларда улар хотираси олдидаги бурчнинг юксаклиги сабабдир.

Мусофир диққат билан қайдномани тўлдирди. Одамлар бари бир унинг Лотин Америкасининг қайсидир давлатидан келганини пайқайдилар, шунинг учун Мусофир ватанини «Аргентина» деб кўрсатди. Чунки унга мазкур мамлакатнинг футбол жамоаси жуда ёқарди. Жанубий Америкада ҳурмат юзасидан кўча ва майдонларга қўшни давлатлар номи берилишини эслаб, «уй манзили» деган бўлимга «Колумбия кўчаси» деб ёзиб қўйди. Ўзини эса ўтган асрда яшаб ўтган қайсидир бир террорчи номи билан атади.


Орадан икки соат ўтар-ўтмас, Вискоснинг 281 нафар одами асли аргентиналик, Буэнос-Айрес шаҳрининг Колумбия кўчасида истиқомат қилувчи Карлос исмли мусофир келганидан хабар топди.

Кичкина шаҳарларнинг устунлиги ҳам мана шунда – ҳеч қандай уринишсиз бир зумда ҳаммага маълум бўласан, киши.

Мусофир ҳам айнан шуни кўзлаганди. У хонасига кўтарилиб, жомадонини очди. Ундан қандайдир уст-бошлар, устара, қўшимча пойабзал, шамоллашга қарши витаминлар, қоралаб юрган қалин ёндафтари ва ҳар бири икки килоча келадиган ўн бир дона олтин ёмбисини чиқарди. Зўриққани, оғир юкдан ҳолсизлангани, Вискосда яшовчи 281 нафар инсонга ишонса бўлишига қарамасдан, у бари бир эшикка курсини тираб қўйди ва шу заҳоти уйқуга кетди.

Эрталаб Мусофир қаҳва ичди, хизматкорга кийимини ювиш учун берди, олтин қуймаларни қайтадан жомадонига жойлаб, қишлоқнинг шимол тарафидаги тоғлар томон йўл олди. Йўл-йўлакай уни қизиқиш билан кузатиб ўтирган кампирга кўзи тушди.

Мусофир ўрмонга кираётиб, ҳашарот ва қушларнинг товуши, яланғоч шохларни тебратаётган ша-



мол шовқинига бироз кўникиб олиш учун тўхтади. Бу ерда уни кимдир зимдан кузатиши мумкинлиги боис у бир соатлар чамаси ҳеч нарсага уринмай вақт ўтказди.

Қўшниларига келгинди ҳақида бирор миш-миш етказмоқчи бўлган номаълум кузатувчининг ҳафсаласини пир қилган Мусофир «Ү» шаклини эслатувчи харсанг тош тагига чуқурча қазиб, олтин ёмбиларидан бирини кўмиб қўйди. Яна хиёл тепаликка кўтарилиб, ўзини гўё табиат сеҳридан баҳра олаётгандек кўрсатганча, бир соатлар чамаси дам олиб ўтирди ва иккинчи харсанг тошга кўзи тушди. У бургутга ўхшарди. Мусофир у ерда қолган ўнта олтин ёмбиларини яшириб қўйди.

У ортга қайтаётиб бир қизга кўзи тушди. Қиз муз эришидан пайдо бўладиган жилғаларнинг бири олдада қўлида китоб билан ўтирарди. Кимдир яқинлашаётганини сезган қиз китобдан бошини кўтарди ва Мусофирни кўргач, яна мутолаа қилишда давом этди. Қизнинг онаси бегоналар билан гаплашиш одобдан эмаслигини уқтиргани, шубҳасиз.

Бироқ нега бегона юртлардан келган Мусофир бу ерликлар билан танишмаслиги керак экан? Бунга ўзини ҳақли билган Мусофир қизга яқинроқ келиб, деди:

– Хайрли кун! Мавсумга қарамасдан кунлар исиб кетибди.

Қиз жимгина бош силкиди.

– Сенга бир нарсани кўрсатмоқчиман, – сўзини давом эттирди Мусофир.

Қиз одоб доирасида китобни қўйиб, қўлини чўзди ва ўзини танитди:

– Исмим Шантал. Кечалари сиз қўнган меҳмонхона барида ишлайман. Кечки тамаддига тушмаганингизга ҳайрон бўлувдим. Ахир меҳмонхона нафақат

хона беришдан, балки у ердаги истеъмоллардан ҳам фойда топади. Исмингиз – Карлос, Аргентинадан келгансиз, Колумбия кўчасида турасиз. Бутун шаҳар аҳли бундан хабардор. Чунки ов мавсумида келган сайёҳлар барчанинг диққатини ўзига тортади. Ёшингиз элликлар чамасида, сочларингизга оқ оралаган. Афту ангорингиздан бошдан кўп савдолар ўтказганингиз кўриниб турибди. Таклифингизга келсак... Ташаккур. Турган гап, Вискос атрофини беш қўлдек биламан. Шунинг учун сиз эмас, мен сизга бирор нарсани кўрсатишим мумкин. Афтидан банд кўринасиз?

– Мен 52 ёшдаман. Исмин Карлос, қайдномадаги ёзувларга келсак – ҳаммаси ёлғон.

Шантал нима дейишни билмай гангиб қолди.

Мусофир давом этди:

– Мен сенга Вискоснинг диққатга сазовор жойларини эмас, ҳали умринг давомида кўрмаган бир нарсани кўрсатмоқчиман.

Шантал бир неча бор матбуотда нотаниш кимсалар билан ўрмонда сайр қилган қизларнинг бедарак йўқолгани ҳақида ўқиганди. Тезда қизнинг вужудини қўрқув эгаллади, лекин сал ўтмасдан саргузашт иштиёқи устун келди. Гарчи, у ҳақдаги маълумотлар уйдирма бўлса-да, бу инсон ёмонлик қилишга ботинолмайди. Ахир қиз Вискосни беш қўлдек билишини айтди-ку.

– Унда ким бўласиз? – сўради қиз. – Менга айтганларингиз рост бўлса, у ҳолда ҳозироқ полиция маҳкамасига қўнғироқ қилиб, сизни қўлга олишларига ёрдам беришим мумкин. Буни кутмаганмидингиз?

– Барча саволларингга жавоб беришга ваъда берман. Лекин дастлаб мен билан бирга юр. У ер узоқ эмас, пиёда беш дақиқалик йўл.

Қалбидаги қўрқув қандайдир иштиёқ билан уйқаш бўлиб кетганини ҳис қилган қиз китобини ёпди, ўрnidан туриб нотаниш одам ортидан йўл олди.

Шантал ўзини навбатдаги дилхиралик, умидсизлик кутаётганига шубҳа қилмасди. Чунки, ушалмас муҳаббатни ваъда қилувчи учрашувлар одатда мана шундай бошланади.

Мусофир қизни «Ү» шаклини эслатувчи харсанг тошга олиб борди, яқиндагина кўмилган дўнгутпроқни кўрсатиб, бу ерга нима кўмилганини билиши учун қазишини илтимос қилди.

– Қўлларимни, кўйлагимни ифлос қиламан ахир, – деди қиз.

Мусофир ерда ётган шохни синдириб, қизнинг қўлига тутқазди. Қиз дастлаб ҳайрон бўлди, кейин тортинмай ерни қазий бошлади. Беш дақиқалардан сўнг лой, чанг ёпишган сариқ нарсага дуч келди.

– Олтинга ўхшайди, – деди Шантал.

– Бу ҳақиқий олтин, менинг олтиним, энди уни қайта кўмиб қўй.

Шантал бўйсунди. Мусофир қизни бошқа хазина олдига етаклаб келди. У яна ерни қазиди. Бу гал олтин қуймаларнинг кўплигидан қиз ҳайратга келди.


– Булар ҳам олтин, булар ҳам менга тегишли.

Шантал чоҳни кўймоқчи бўлганда Мусофир уни тўхтатди. Кейин тамаки тутатиб, тошга ўтирди, узоқларга тикилди.

– Буларни нега менга кўрсатдингиз? – қиз Мусофирдан сўради. Мусофир жим ўтирарди. – Кимсиз, ўзи? Вискосда нима йўқотгансиз? Менга нега олтинларни кўрсатдингиз? Наҳотки, буни ҳаммага айтиб беришимни билмасангиз?

– Жуда кўп саволлар бердинг, – деди Мусофир кўзларини тоғлардан узмай ва гўё Шантал борлигини мутлақ унутгандай. – Бировларга айтиб беришингга келсак... Менга айнан шунинг ўзи керак.

– Бу ерга сиз билан келсам, берган саволларимга жавоб бераман, деб ваъда қилгандингиз.



– Энг аввало, ваъдаларга ишониш керакмас. Дунёда ваъдаларнинг тури кўп – бойлик, кўнгилларни қайғудан халос қилиш, қабргача муҳаббат – кўп нарсани ваъда қиладилар. Тўғри келганини ўйламай-нетмай ваъда қилувчилар бор, шунингдек, иккинчи тоифага мансуб кимсалар ҳам мавжуд – улар яхшироқ кун кўриш илинжида ҳар қандай қуруқ ваъдаларга ишонишга шай турадилар. Сен ўшаларнинг бирисан. Ваъдалар билан ўзгаларни лақиллатган одам, охир-оқибат заиф ва мўрт кимсага айланади, шунингдек, ишонувчиларнинг қисмати ҳам шу зайл тамом бўлади.

Мусофир атайин ҳамма нарсани чигаллаштирди, зеро, бутун ҳаётини издан чиқариб юборган ўша кунги воқеа – ҳақиқатни эмас, ёлғонни тан олишга мажбур қилганини гапира бошлади. Буларни тушунтириш учун у қиз тилида гапириши лозим эди.

Бироқ Шантал унинг нималар демоқчи бўлганини тушунди. Ёши ўтиб қолган барча эркаклар каби Мусофир ҳам навниҳол қиз қучоғига киришни мўлжаллаётганди. Кўпчилик каби у ҳам ҳамма нарсани пулга сотиб олса бўлади, деб ўйларди.

Келгинди сайёҳлар қатори Мусофир ҳам бу ерлик қизларнинг содда ва гўл бўлиши, бу хилват ўлкани эртами-кеч ташлаб кетиш ниятида ҳар қандай таклифга рози бўлишларига ишонарди.

Мусофир бу ёш жувонни йўлдан уришга уринаётганларнинг биринчиси ҳам, охиргиси ҳам эмасди. Шантални фақат бир нарса хавотирга солди, бу – Мусофирнинг мислсиз бойлик ваъдаси. Қиз ўз қадрининг бу қадар баланд бўлишини тасаввур қилмаганди. Таклиф бир пайтнинг ўзида қизни мойдек эритди, ҳам дилига қутқу солди.

– Қуруқ ваъдаларга ишонадиган қизалоқ эмасман, – деди қиз бироз вақтдан ютиш учун.

– Шунга қарамасдан – ишондинг.

– Янглишяпсиз; мен жаннатда яшаётганимни биламан, шунингдек, Инжилни ҳам ўқиганман. Борига шукр қилмаган Момо Ҳаво хатосини такрорламайман.

Турган гап, қиз ёлғон гапирганди. Аслида унинг ичини Мусофир мендан айниб қолмасмикан, деган хавотир тирнарни.

Асли Мусофирни тузоққа туширган ҳам қизнинг ўзи эди. Мусофир қайтганда албатта дуч келадиган жойни танлаган Шантал тасодифий учрашувни уюштирганди. Қиз бу ерларни тарк этиб, кимгадир кўнглини ёриш, қатор кунлар ширин орзу-хаёллар уммонига фарқ бўлиш учун ҳам шундай қилганди. Энди эса умрнинг оқар сувдек ўтиб кетаётганини кўриб, қиз Вискосни тарк этиш учун кўнглига ёқмаган ҳар қандай инсонга розилик беришга тайёр эди.

Шантал пайти келиб бундай инсонни севиб қолишига ишонарди. Зеро, кўп нарсаларга эришиш учун вақт керак, муҳаббат ҳам бундан мустасно эмас!

Мусофир қизнинг хаёлини бўлди:

– Биз жаннатда яшайпмизми ё жаҳаннамда? Шунини тушунмоқчиман.

Қурбон тузоққа тушганди.

– Албатта жаннатда. Лекин у ҳам бир куни жонга тегади.

Бу бир синов эди. Шанталнинг сўзлари қуйидаги маънони англатарди: «Мен – эркин одамман, кунингизга яраб қолишим мумкин». Энди Мусофир «жаннат сенинг ҳам кўнглингга тегдими?», дея сўраши лозим.

– Жаннат сенинг ҳам кўнглингга тегдими? – деб сўради Мусофир.

Ана энди Шантал ҳушёр бўлиши, ўлжани ҳурки-тиб қўймаслиги керак.

– Ҷзим ҳам билмайман. Баъзида жонимга теккан-дек туйилади, баъзан Вискосдан йироқда яшолмасам керак, деб ўйлайман.

Навбатдаги қадам: ўзингни мутлақ бефарқ кўрса-тишинг керак.

– Ҳолбуки, олтинлар ҳақида гапиришни истама-ётган экансиз, нима ҳам дердим, мароқли сайр учун раҳмат. Жойимга бориб, мутолаада давом этаман. Яна бир бор ташаккур.

– Бир дақиқа!..

– Ҳўш?!

– Турган гапки, олтинлар ҳақида гапириб бераман, йўқса, сени нега бу ерга бошлаб келдим?

Айшу ишрат, пул, ҳокимият... – қизнинг бу нарсаларга ақли етарди.

Лекин Шантал ўзини гўё ажойиб кашфиётлар бўсағасида тургандек кўрсатди. Қизиқ, эркаклар ўз устунлигини кўрсатишни хуш кўрадилар, бироқ кўпинча уларнинг хатти-ҳаракатини олдиндан пай-қаб олиш чўт эмас.

– Сиз тажрибали, ҳаётда кўп нарсаларни кўрган одамга ўхшайсиз. Балки менга ҳам ўргатарсиз?

Мана буни қойилмақом тузоқ деса бўлади: қоидаларнинг энг муҳими – ўлжани ҳуркитмаслик учун уни эркин қўйиш, юнгидан силаш лозим!

– Фақат қизиқ одатингиз бор экан: оддий саволга бир нималар ваъдалар қилиб, қандай яшаш кераклиги ҳақида узундан-узоқ маърузалар ўқияпсиз. Кимсиз ва бу ерларда нима қилиб юрганингизни айтсангиз бас, жон деб шу ерда қоламан.

Бунгача олис тоғларни кузатиб турган Мусофир энди нигоҳини қизга қадади. Йиллар давомида турфа одамларга дуч келгани учун Шанталнинг нималарни ўйлаётгани унга кундек равшан эди. Шанталнинг малоҳату ёшлик ишвасидан фойдаланиб, нотаниш



кўнглини овламоқчи бўлгани каби эркак ҳам ўз бойлигини кўз-кўз қилиб, илинтириш пайида бўлганини қиз англаётгандир, деган ўйга борди Мусофир.

– Демак, мен кимман? Дейлик, анчадан бери бир ҳақиқатни англамоқчи бўлган инсонман. Назарий жиҳатдан уни англаб етдим, лекин амалда қўллашга имкон бўлмади.

– Бу қандай Ҳақиқат экан?

– Инсон табиатига боғлиқ Ҳақиқат. Шунинглаб, шайдолик олдида нафсимизни ҳечам тиёлмаймиз. Қурраи заминдаги ҳар бир инсон маълум шароитда Ёвузлик қилишга мойил.

– Мен эса...

– Сенинг ёки менинг фикрим, нималарга ишоншимиз ҳақида гап кетаётгани йўқ. Менинг гоям тўғрими ё нотўғри – гап мана шунда. Кимлигимни билмоқчи эдинг, шундайми? Мен – ўта бадавлат ва номдор бир саноатчиман. Қўл остимда минглаб одамлар ишлаган, керак бўлса уларга мурувват кўрсатганман, керак бўлмаганда аксини қилганман.

Мен – ўз ҳаётида одамлар тушларида ҳам кўролмайдиган чексиз ҳузур ва ютуқларга эришган одамман. Мен – оила ташвишлари ғамида жаннатни, жаннат эркинлигидан баҳраманд бўлолмай жаҳаннамни ҳис қилган инсонман. Мен – бир умр яхшилик ва ёмонлик қилиб келган одамман. Ўйланманки, ҳеч ким менчалик ҳаёт мазмунини тушунтириб беришга қодир эмас. Шунинг учун ҳам шу ерданман. Ҳатто, ҳозир қандай савол беришингни ҳам биламан.

Бу гаплардан гангиб қолган Шантал тезда ўзини ўнглашга уринди.

– Нега менга олтинларни кўрсатдингиз, деб сўрашимни қутяпсиз, шундайми? Аслида бадавлат ва машҳур саноатчининг Вискосда нима қилаётганини билмоқчиман, холос. Ахир, бундай инсон китобларни

варақлаб, университетда ўқиб ёки бирор файласуф билан суҳбатлашиб ҳам ўз саволларига жавоб топса бўлади-ку.

Мусофирга Шанталнинг зийраклиги ёқиб тушди. Жудаям зўр. Демак, у ҳар қачонгидек тўғри қарорга келган.

– Вискосга келишимдан мақсад – битта режам бор. Бир замонлар театрда Дюрренматт пьесасини кўрганман. Эҳтимол, уни сен ҳам биларсан?

Бу қизни чалғитиб йиқитишнинг бир йўли эди: унинг мазкур асар муаллифини билмаслиги кундек равшан. Лекин Шантал ўзини ким ҳақида гап кетаётганини билгандек тутди.

– Кейин-чи? – деди қиз юзаки жўнлик билан.

– Бу драматургни билишингдан хурсандман, лекин ижозатинг билан айнан қайси пьеса ҳақида гап кетаётганига урғу берсам.

Мусофир манманликдан чекиниб, ёлғончиларга хос қатъият билан айтажак ҳар бир сўзини тарозиға солиб кўрди. Воқеа кичик бир шаҳарда содир бўлади. Бу ерга қачонлардир ташлаб кетган одамани хўрлаш ва янчиб ташлаш учун бир хоним ташриф буюради. Хонимнинг турмушга чиқиши, бойиб кетишга бўлган ҳаракатлари замирида фақат бир мақсад ётарди: у ҳам бўлса илк муҳаббатидан қасос олиш.

«Мана шунда мен ўз ўйинимни бошладим – бутун дунёдан узилиб қолган, одамлари раҳм-шафқатли, ҳаётдан қувонадиган, осуда умргузаронлик қилувчи хилват жойга келишга қарор қилдим. Мақсадим – уларни илоҳий қоидаларни бузишга мажбур қилиш эди».

Шантал Мусофирдан юз буриб, тоғларга боқди. У Дюрренматтни билмаслигини нотаниш бирпасда пайқади. Қиз диндан беҳабар эди, ундаги қоидаларни ҳам билмасди. Ишқилиб, Мусофир Инжилдаги

қоидаларни сўраб қолмасмикан? Шантални айнан мана шу ўйлар хавотирга солди.

– Ҳамшаҳарларнинг тўғрисўз одамлар, – дея сўзида давом этди Мусофир. – Бир сўз билан айтганда, сенга олис шаҳарлардаги қизларнинг мустақил бўлиб, бу ерлардан кетиши, дунёни кезишга бўлган орзуларини амалга оширувчи – олтинни кўрсатдим. Олтин шу ерда қолади. Сен эса уларнинг менга тегишли эканини била туриб, олиб кетишинг ҳам мумкин. Агар шундай қилсанг «ўғирлик қилма», деган илоҳий қоидани бузган бўласан.

Қиз Мусофирга боқди.

– Қолган ўнта олтин ёмбисига келсак, бу билан Вискос аҳли бир умр қора терга ботмасдан фароғатда яшаши мумкин, – деб сўзини давом эттирди Мусофир, – сендан олтинларни кўmmasликни сўрадим, чунки уларни фақат ўзим биладиган бошқа жойга кўмиб қўймоқчиман. Шаҳарга қайтгач, олтинларни кўрганингни, уларни одамларга бермоқчилигимни айтишингни хоҳлайман. Лекин бунинг бир бадали бўлади – одамлар ҳатто хаёлигаям келтирмаган бир ишни қилишга мажбур бўладилар.

– Масалан?

– Мисол келтириб ўтирмайман. Мен уларнинг «беғуноҳни ўлдирма», деган илоҳий қоидани бузишларини истайман.

– Нима дедингиз? – Шантал сал бўлса қичқириб юборай деди.

– Эшитганинг. Мен уларнинг жинойт қилишини хоҳлайман.

Шунда Мусофир қизнинг асабийлашганини кўрди. Шантал гап тугамасидан кетиб қолиши ҳам мумкин, шу сабаб Мусофир режасини тезроқ тушунтиришга киришди:

– Уларга бир ҳафта муҳлат бераман. Еттинчи кун қуёш ботишдан олдин Вискос аҳлидан – хоҳ у мун-

киллаб қолган қария бўлсин, хоҳ бедаво касал ёки фақат ташвиш келтирувчи телба бўлсин – кимдир ўлдирилиши керак. Ана шунда шахрингизга ушбу олтинларни тошпираман ва ҳар биримиз маълум даражада Ёвузликка мойилмиз, деган сўнгги хулосага келаман. Бордию, олтинларни ўғирласанг, ўйлайманки, Вискос аҳлининг бунга қўли бормайди ёки бунинг акси бўлиб чиқади. У ҳолда дунёда нотавон ва яхши одамлар борлигига амин бўламан. Бироқ бу одамларни қийин аҳволга солиб қўяди, зеро, олдиндаги маънавий жангнинг интиҳоси номаълум. Бу жангда у томон, ё бу томон зафар қучиши мумкин. Ўзинг Худо, Руҳлар ҳаёти, Фаришта ва Иблислар ўртасидаги азалий жангларга ишонасанми?

Шантал чурқ этмади. Мусофир таваккал қилаётганини тушунди – ноўрин берилган саволдан қиз кетиб қолиши мумкин.

Киноялар етарли, энди мақсадга қўчиш керак.

– Ўн битта олтин қўймалари билан Вискосни тарк этишимга тўғри келса, у ҳолда мен билган, ишонган нарсаларнинг ҳаммаси ёлғон бўлиб чиқади. Истамаган жавобни олгандан кўра, мен учун ўлим афзал, чунки дунёда Ёвузлик чуқурроқ илдиз отган, деган ишонч билан яшаш менга осонроқ бўларди.

«Мен аввалгидек қайғу-изтироблар гирдобида яшардим, лекин бошқалар ҳам сендек қийналганларида оғриқларга бардош бериш осонроқ кечади. Бордию, фақат айрим одамларгина оғир фожиаларни бошдан ўтказишга маҳкум этилган бўлса, у ҳолда Парвардигор яратган бу оламга нимадир бўлган».

Шанталнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Лекин у бор кучини йиғиб, ўзини ўнглади.

– Нега буни ўйлаб топдингиз? Нега айнан менинг шахримни танладингиз?

– Гап сен ёки сенинг шахринг ҳақида кетаётгани йўқ: мен фақат ўзимни ўйлаяпман, бир инсон



қисмати – бутун инсоният қисматиدير. Аслида яхшимизми ё ёмон, шуни билмоқчиман. Агар яхши бўлсак, у ҳолда Худо – адолатпеша ва барча нохуш қилмишларимни кечиради: мени ҳалок қилмоқчи бўлганларга ёмонлик тилаганимни, ҳаётимнинг энг муҳим дақиқаларида қилган нотўғри қароримни ва ниҳоят бундан беш дақиқа олдин сенга қилган таклифимни – барчасини кечиради. Чунки унинг ўзи мени шундай йўл тутишга мажбур қилди.

«Агар бизлар ёмон бўлсак, у ҳолда қўнгил нимани истаса шуни қилиш мумкин, демак, мен нотўғри йўл тутмаганман, унда қисматимиз аён. Инсоннинг ҳаётдаги ўй-фикр, хатти-ҳаракатлари боқий дунёдаги жаҳаннамдан қутқариб қололмайди».

Шантал кетмасидан Мусофир қўшимча қилди:

– Эҳтимол мен билан ҳамкорлик қилишни истамасан. Унда Вискосга ёрдам бериш имкониятини берганим, сен эса уни рад қилганинг ҳақида ҳаммага гапириб бераман. Сенга нимани таклиф қилган бўлсам, уларгаям шуни таклиф қиламан. Бордию, улар кимнидир ўлдиришга жазм қилсалар, аниқки, бу одам – сен бўласан.

\* \* \*

Вискосликлар тез орада меҳмоннинг одатларини билиб олдилар: у саҳар уйғониб, аччиқ қаҳва ичади, келганининг иккинчи куниданоқ тинмай ёғаётган ёмғирни писанд қилмай теварак-атрофда изғиб юради.

Мусофир ҳечам тушлик қилмас, чошгоҳдан сўнг меҳмонхонага қайтиб, хонасини ичидан беркитиб оларди. Одамлар тахминича, бу пайт у ётиб ухларди.

Шом пайти Мусофир яна сайр қилмоқчи бўлди. Бу гал у шаҳар теварагини айланишни ният қилди. У одатда биринчи бўлиб ресторанга кирар, нархини

ҳам суриштирмай энг тансиқ таомларни танлар, зўр винога буюртма берарди. «Энг зўри» дегани доимо энг қиммат баҳоси дегани эмас. Кейин тамаки тутатганча барга ўтарди. Бу ерда у маҳаллий «кунда-шунда»лар билан дўстона суҳбатлашарди.

Мусофир бу ўлка ўтмиши, авваллари Вискосда кимлар яшагани (авваллари бу шаҳар бугунгидан каттароқ бўлган, ҳозир бор-йўғи уч кўча охиридаги вайроналар бунга гувоҳлик берарди), шаҳарликларнинг ўзига хос урф-одатлари, афсонаю бидъатлари, чорвачилик ва миришкорлик борасидаги янгиликларини мароқ билан тингларди.

Суҳбат навбати Мусофирга келганда, унинг гапларида чалкашлик, қарама-қаршилиқлар бўй кўрсатди: гоҳ у денгизчи бўлганини айтса, гоҳи қурол заводларини бошқарганини тилга олди. Охир-оқибат бу ишлардан қўл силтаб, Тангрини англаш мақсадида монастирга қамалиб олганини сўзлаб берди.

Бардан тарқалган одамлар Мусофирнинг гаплари ростми ё уйдирма – шулар ҳақида баҳс юритдилар. Шаҳар ҳоқими, инсон ҳаётда турли соҳаларда ишлаган бўлса, бунинг ажабланарли жойи йўқлигини таъкидлади. Бироқ Вискос одамлари уларни нима кутаётганлигини болалигиданоқ билардилар. Руҳоний ота бошқача фикрда эди. У Мусофирни ҳаётда адашгани сабаб, ўзлигини англаш учун бу ўлкага келган, деб ўйлади.

Лекин улар бир нарсага амин эдилар: «Мусофир бу ерда бир ҳафтадан ортиқ туролмайди».

Меҳмонхона соҳибасининг айтишича, меҳмон аэропортга қўнғироқ қилиб, учиб кетиш кунини тасдиқлаган. Шуниси қизиқки, у Жанубий Америкага эмас, Африкага йўл олмоқчи экан. Қўнғироқдан сўнг, гарчи соҳиба унга тўлиқ ишонишини айтган бўлсаям, у кредит карточкаларини чиқариб, ётоқ, еб-ичиш

харажатларини олдиндан тўлаб қўймоқчи бўлган. Соҳиба кредит карточкалари билан тўлашни тавсия қилган, чунки бу йўл билан Мусофир кутилмаган эҳтиёжлар учун нақд пулини тежаб қолган бўларди.

«Балки Африкада кредит карточкаларидан фойдаланишмас», – демоқчи ҳам бўлди аёл. Лекин, биринчидан, меҳмоннинг телефондаги сўзларидан хабардорлигини билдириш, иккинчидан, дунёнинг бир қисми бошқасидан илғорроқ эканига ишора қилиш одобдан эмаслигини тушунди.

Мусофир соҳибанинг ғамхўрлигига мамнуният билдириб, таклифидан воз кечди.

Мусофир уч кеча нақд пул тўлаб бардагиларни ичимлик билан сийлади. Вискосликлар шу пайтгача бундай сахийликка дуч келмагандилар. Шу боис Мусофир ҳикояларидаги чалкашликларни дарҳол унутиб, уни чекка қишлоқдагиларгаям худди катта шаҳардагилардек муносабатда бўла оладиган, ақидалардан холи, сахий ва дўстона кимса деб билдилар.

Энди улар бошқа масалада баҳсга киришганди: бар ёпилишидан олдин кеч қолганларнинг бир қисми шаҳар ҳокимининг фикрини ёқласа, қолганлари амал тақозоси ила одамларнинг руҳий оламини билишга масъул Руҳоний отанинг сўзларини қўллаб-қувватладилар. Алал-оқибат барча Мусофирни ёлғиз, янги дўстлар даврасига зор, дунёни янгича англашни хоҳлаётган бир кимса, деган хулосага келдилар.

Нима бўлгандаям, меҳмон ҳаммага ёқиб қолди. Сафари қариб, келаси душанба кетгач, вискосликлар уни соғиниб юришларига шубҳа қилмасдилар.

Бундан ташқари одамлар уни камтар инсон, деб ўйладилар. Бунга муҳим кузатув сабаб бўлди: бу ерларга ташриф буюрадиган ёлғиз эркаклар албатта кўнгилхушлик ёки бошқа ғайр ниятда барда

ишлаётган Шанталга хиралик қилишарди. Бу сайёҳ эса фақат буюртма бериш учунгина қизга мурожаат қилар, бирор марта бўлсин, ёмон кўз билан қарамади.

Жилға бўйидаги суҳбатдан сўнг Шантал уч кеча кўз юммади. Дам шитоб, дам майин эсаётган шамол деразанинг темир зулфини шақиллатар, ундан қизнинг эти жунжикиб кетарди. Бордию, бироз кўзи илиниб қолса, гарчи тежаш ниятида иситгични тунлари ўчирган бўлса-да, қиз бутун вужуди терга ботиб уйғонарди.

\* \* \*

Биринчи тун у Эзгулик билан юзма-юз бўлди. Кейинчалик эслай олмаган алаҳсираш орасида қиз Худодан ёлвориб кўмак сўради, илтижо қилди. Гуноҳ ва қотиллик элчиси бўлишга мажбур этаётган ўша суҳбатни хаёлига ҳам келтирмади.

Шу дам Шантал Худони олисда ва эшитмайди деб ҳисоблар, туғруқ пайти ҳалок бўлган онасидан сўнг уни вояга етказган маҳрум бувиси руҳига илтижолар қилди. Қиз бор шуури билан Ёвузлик бу ерларда бир пайтлар бўлган, сўнг тоабод бу ўлкани тарк этган, деган фикрга ёпишиб олди.

Қизнинг ҳаётида кўнгилсизликлар кўп бўлгани билан у ҳамшаҳарларини ўз бурчига содиқ, кўкраги керилган, атрофдагилар ҳурматиغا сазовор тўғри сўзли деб биларди.

Лекин ҳар доим ҳам шундай бўлавермаган – икки асрдан ортиқ Вискосда одамзотнинг энг мудҳиш вакиллари истиқомат қилганлар. Одамлар бу вазиятни табиий ҳол, римликлардан енгилган келтларнинг лаънатга учраганлиги билан изоҳлаганлар.

Бундай мудҳиш вазият тавқи лаънат эмас, илоҳий мурувватга эътиқод қилувчи ёлғиз инсоннинг жасорати туфайлигина барҳам топган.





Шантал шамолдан тақиллаётган дераза зулфинига қулоқ тутаркан, раҳматли бувисининг ҳикоясини эслади:

«Қадим замонлар бу ердаги ғорларнинг бирида бир тақводор дровеш яшаган, кейинчалик у Авлиё Савиний номи билан шуҳрат қозонган.

У пайтлар Вискос икки давлат чегарасида жойлашгани учун жазодан қочган қароқчилар, контрабандачилар, фоҳишалар, ўзларига ҳамроҳ излагувчи саргузашт иштиёқмандлари, ёлланма қотилларга макон бўлган.

Уларнинг ичида энг жоҳил ва ботили – Ахав деган бир араб бўлган. У шаҳар ва унинг гир-атрофини қўлга олиб, ҳалол меҳнати эвазига кун кўрадиган деҳқонларга ҳаддан ташқари ортиқ солиқлар солган.

Кунлардан бир кун Савиний ўз ғорини тарк этиб, Ахавнинг олдига келади, тунаб қолиш учун ундан ижозат сўрайди.

– Наҳотки қотиллигимни, ўз ватанимда бир неча одамни ер тишлатганимни, ҳаётинг мен учун бир чақага ҳам арзимаслигини билмасанг? – деб кулибди Ахав.

– Биламан, деб жавоб берибди Савиний, – лекин ғорда яшаш жонимга тегди. Ҳеч бўлмаса бир кеча хонадонингда тунашимга рухсат бер.

Ахав Руҳонийнинг донги ўзиникидан қолишмаслигидан безовталанибди, зеро, обрўсини бундай ночор кимса билан бўлишишни истамабди. Тунда Руҳонийни ўлдириб, бу ерларнинг ҳақиқий эгаси ким эканини яна бир кўрсатиб қўйишни мақсад қилибди.

Улар бироз суҳбатлашибдилар. Табиатан на эзгулик, на инсонларга ишонадиган Ахавга Руҳонийнинг сўзлари таъсир қилибди.

Қароқчи дарвешга тунаш жойини кўрсатиб, ёвуз башараси билан пичоғини чархлай бошлабди. Са-

виний уни бироз кузатиб ётибди, кейин кўзларини юмибди-да, уйқуга кетибди.

Ахав тонггача пичоғини чархлабди. Уйқудан турган дарвешни қароқчи кўздаги шашқатор ёшлар билан қарши олибди:

– Сен мендан қўрқмадинг ва мени изза қилмадинг. Умримда илк бор муҳтож инсонга мурувват қилишимга ишониб, мен билан тунадинг. Эзгулик менга ҳам ёт эмаслигига бўлган ишончингни кўриб, ёмонликдан ўзимни тийдим.

Шу кундан бошлаб Ахав қароқчиликни ташлабди ва шаҳар ҳаётини мутлақ ўзгартиришга бел боғлабди. Турли муттаҳам, каззобларга ошиён бўлган Вискос аста-секин ўзгара бошлабди. Икки давлат чегарасида жойлашгани боис, бу ерда савдо-сотиқ гуллабди».

– Ҳа, шундай бўлган.

Шантал йиғини бас қилиб, бу қадим тарихни эслатгани учун бувисига хаёлан миннатдорчилик билдирди. Вискосда яхши одамлар яшайди, уларга ишониш мумкин. Қиз ухлашга уринди, уйқуси келавермагач, Мусофирдан эшитган гапларини ҳамшаҳарларига қай тарзда етказишни тасаввур қилиб кўрди.

Қиз бу гаплардан хабар топган вискосликлар Мусофирни ҳайдаб солганларида, унинг қиёфасида пайдо бўлажак қўрқув ва ажабтовурликни кўз олдида келтирди.

Эртаси куни қиз Мусофирнинг ресторандан чиқиб, ёнма-ён жойлашган бар, бичувчи хонаси ва озиқ-овқат дўкони томон одимлаётганини қизиқиб кузатди. Меҳмон ўзини гўё ҳеч нарса бўлмагандек тутар, оддий сайёҳлардек одамлар билан қўйларнинг жунини қирқиш ёки гўштларни нимталашга қизиқаётгандек суҳбатлар қурди.

Вискосликлар ажнабийларнинг бу ердаги соғлом, тинч ҳаётдан ҳайратланмасликка иложи йўқ, деб



ўйлашарди. Шу боис, гарчи улар қалашиб кетган автоулов тутунлари нафасни бўғадиган, ҳар қадамда ўлим нафаси уфуриб турадиган улкан шаҳарларда бўлишни орзу қилсалар-да, ҳар гал бир ҳақиқатни қайтаргани-қайтарган: – тараққиёт исканжасидан олисларда яшаш қандай яхши!

Қишлоқликларга улкан шаҳарлар сеҳрли, ҳайратомуз кўрингани учун уларнинг қалбида шундай орзулар ғужғон ўйнарди.

Бироқ Вискосга янги меҳмон келиши биланоқ, ҳамма бирваракайига бундай жаннатмакон юрда яшаш бахтидан Яратганга ҳамду сано айтишларига нафақат меҳмонни, балки ўзларини ҳам ишонтиришга уринардилар.

Лекин меҳмонларнинг бирортаси ушбу гаплардан сўнг ўз юртини ташлаб, бу ерларга кўчиб келганини эслолмайди.

Мусофир ноўрин бир луқмани ўртага ташламагунча, суҳбат мароқли ўтаётганди:

– Болаларингиз нақадар одобли! Мен билган бошқа шаҳарларга ўхшаб, улар эрталаблари дераза олдида шовқин қилмайдилар.

Вискосда бирорта ҳам бола қолмагани боис, ўртага қабристон жимлиги чўкиб, ноқулай вазият вужудга келди.

Шунда кимдир Мусофирдан кечки овқатга тортилган навбатдаги таомнинг мазасини сўраб қолди. Суҳбат қишлоқ ҳаёти нақадар гаштлию, шаҳарники нуқсонларга тўла экани доирасида давом этди.

Вақт ўтиб борар, Шантал Мусофирнинг ўрмондаги суҳбатидан тобора ҳаяжонлана бошлаганди.

Бироқ Мусофир қизга қараб қўйгани ҳам йўқ, фақат бир марта мижозларни ўз ҳисобидан ичимлик билан сийлар экан, қизга мурожаат этиб, ҳақини тезда тўлади.

Хўрандалар тарқаб, Мусофир ётоғига кириб кетганидан сўнг қиз иш кийимини ечди, столда кимдир қолдирган тамакини олиб, барни эртаси кун эрталаб йиғиштиражагини соҳибага айтди. Аёл рози бўлди. Шантал пальтосини олиб, кўчага чиқди, тунги салқин ҳаводан тўйиб симирди.

Уйигача бўлган икки дақиқалик йўлни босиб ўтаркан, қиз ёноқларига ёмғир томчилари урилаётгани сизди. Балки бу Мусофирнинг қиз эътиборини тортиш учун қилган беўхшов ҳазилидир, балки шундай ёвузлик билан қизнинг эътиборини қозонмоқчи бўлгандир.

Шунда қиз олтинларни эслади: ахир уларни ўз кўзлари билан кўрди-ку!

Бордию, улар олтин бўлмаса-чи?

Лекин Шантал фикрлашга ожиз, жуда толиққанди. Уйига келгач, аста ечиниб кўрпасига бурканиб олди.

Иккинчи тун Шантал Ёзгулик ва Ёвузликка дуч келди. У қаттиқ уйқуга кетиб бирорта ҳам туш кўрмади. Бироқ бир соатдан сўнг уйғониб кетди.

Ташқаридан ҳеч бир сас, ҳаттоки дераза зулфинини тақиллатувчи шамол ҳам гивирламас, тун қушлари ҳам жим қотганди. Унинг ҳалиям тирик дунёда мавжудлигига ҳеч нарса ишора бермасди.

Деразага келиб бўм-бўш кўчани, совуқ ёмғир ва туман ичида неон чироқлари элас ёритиб турган меҳмонхона пештоқини кўрди. Бундай хира ёруғликда Вискос шаҳри янаям ғамгин кўринарди.

Шантал кичкина шаҳарларда ҳукм сурадиган бундай жимлик осойишталикни эмас, содир бўлишга арзигулик бирорта ҳам янгилик йўқлигидан дарак беришини яхши тушунар эди.

Қиз нигоҳини тоғларга қадади: пастак булутлар исканжасида улар кўзга ташланмасди, лекин пойига

олтинлар кўмилганини яхши биларди. Аниқроғи, улар сарғиш тусли ғишт доналарини эслатиб, гўё Мусофир қизнинг олиб кетишини хоҳлагандай, хазинанинг аниқ жойини кўрсатиб турардилар.

Қиз ётоғига келди, у ёқдан-бу ёққа ағанади, кейин яна ўрнидан туриб чўмилишхонага кирди. Ўзини ойнага соларкан, тез орада жозибадан маҳрум бўлишини ўйлади, сўнг яна ўрнига бориб ётди. Барда кимдир қолдирган тамакини олмаганига афсусланди, лекин тўғри қилдим, деб ўйлади. Чунки эгаси келиб тамакисини сўраб қолиши мумкин, Шантал эса бировларнинг ишончини йўқотишни хоҳламасди.

Вискоснинг қоидалари шундай: қолдирилган ярим қути тамакининг ҳам эгаси бор; тушиб қолган пальто тугмасини то эгаси келмагунча сақлаб қўйиш лозим; ҳисоб-китобни жамламай, қайтимни сўнгги тийинигача қайтариш керак. Лаънати жой – бу ерда ҳамма нарса мустаҳкамлик, ишонч ва аниқликка қурилган.

Қиз ухлолмаслигини билгач, тиловат қилиб бувисини эсламоқчи бўлди. Лекин кўз олдидан фақат бир манзара – қазилган чоҳ, лою тупроқ ёпишиб қолган сариқ қўймалар, зиёратчининг йўлга шай ҳассасини эслатувчи дарахт калтаги кетмай қолди. Шанталнинг бир неча бор кўзлари илинди, лекин шу заҳоти уйғониб кетарди. Ташқарида қабристон сукунати ҳукм сулар, қизнинг кўз ўнгида эса ўша манзара қотиб қолганди.

Деразадан субҳидамнинг илк нурлари кира бошлаганда Шантал ўрнидан туриб кийинди, кўчага чиқди.

Вискосликлар эрта туришга одатланган бўлсалар-да, бу пайт шаҳар уйқу оғушида эди. Шантал бўм-бўш кўча бўйлаб кетаркан, тагин Мусофир таъқиб қилмаяптимикиан дея бир неча бор ортига қараб ҳам қўйди. Қуюқ тумандан икки қадам наридаги

бирор нарсаям кўзга кўринмасди. Қиз дам-бадам тўхтаб, қадам товушларини эшитмоқчи бўлди, лекин юрагининг дук-дук уришидан бошқа ҳеч нарсани эшитмади.

У ўрмонга кириб «Ү» шаклини эслатувчи харсанг тошга яқинлашди. Бу тош гўё ағанаб кетадигандек доимо қизни қўрқувга солиб келган. Ўтган сафар ташлаб кетилган калтакни олиб, Мусофир кўрсатган жойни қазий бошлади, сўнг чуқурчага қўлини тиқиб, олтин ёмбисини чиқарди. Шунда у ғалати туйғуни ҳис қилди – ўрмон шу қадар сокин эдики, гўё кимдир борлигидан ҳайвон ва қушлар дамани ичига ютган, дарахт барглари ҳам шитирламасди.

Шантал олтин қўймасини кўтариб, оғирлигини тахмин қилди, артиб тозалади, унинг четига иккита тамға урилгани, қанчалар уринмасин, маъносини тушунолмаган қандайдир ёзувли рақамлар борлигини кўрди.

Бу олтиннинг нархи қанча экан?

Аниқ қиймати номаълум, лекин Мусофир таъкидлаганидек, бир умр ишламай еб ётишга етади. Шантал қўлларида ғойибона мўъжиза туфайли амалга ошган Орзусини ушлаб турарди.

Бу – Вискосда кечган зерикарли кунларидан, балоғат ёшидан ишлаётган меҳмонхонадан, оналари кўмагида ўқиб, ҳаётда муқим ўрнини топиш илинжида аллақачон Вискосни тарк этган дўст ва дугоналарининг йилда бир марта бўладиган учрашувларидан, кўникиб, боғланиб қолган одамларидан, қовушишдан аввал олтин тоғларни ваъда қилиб, эртаси хайрлашмасдан жўнаб кетадиган эркаклардан, видолашувга улгуриб-улгурмаган барча-барча нарсалардан халос бўлиш имкониятидир.

Ҳа, мана шу ўрмонда Шанталнинг ҳаётидаги энг муҳим мезон бошланганди.



Тақдир қизга кулиб боқмади: отасининг кимлигини билмайди; онаси биргина айбдорлик ҳиссини мерос қилиб, туғруқ пайти кўз юмган; бувиси набирасининг савод чиқариши учун ҳар бир чақани тежаб, қора қозонини амал-тақал қайнатган. Шантал орзуманд қиз эди – у барча қийинчиликларни енгиб турмуш қуришни, катта шаҳарларда хизматга ёлланишни ёки бўлмаса бу хилват ўлкага иқтидорли одамларни излаб келган кимса қизни олиб кетишини орзу қиларди.

Балки у машҳур актриса бўлиб етишар, етти иқлимга донғи кетадиган китоб ҳам ёзар. Балки унинг суратини олиш мақсадида ортидан изма-из қувлаб юрвчи сураткашлар ҳайқириқларини эшитар. Балки ҳаёт унинг оёқ остига алвон гиламларни пойандоз қилар.

Шанталнинг ҳар бир куни орзиқиб кутиш онларидан иборат эди. Исталган кечада унинг қадр-қимматига етадиган инсон пайдо бўлиши мумкин.

Ҳар оқшом – ётоғига кирган эркак қизни ўзи билан бирга олиб кетишини, у ҳеч қачон уч кўчани, сопол томли уйларни, қабристон ва черковни, меҳмонхона-ю ойлаб сотилмай қолган тансиқ озиқ-овқатларнинг пировардида паст нарҳда сотишга одатланган дўконни бошқа кўрмасликка бўлган ишонч билан ўтказарди.

Баъзан унинг хаёлига қадимги келтлар хазиналарини топиб олиши ҳақидаги хаёллар келарди. Аслида, Шантал орзулари ичидаги энг амалга ошмайдигани ҳам шу эди.

Мана энди унинг қўлида – олтин ёмбиси, рости, бундай бўлишига қиз ҳеч қачон ишонмаган – асл хазина, унинг мутлақ Ҳуррияти.

Қизни қўрқув чулғади – ҳаётида илк бора кулиб боққан омад кечга бориб ғойиб бўлса-чи? Мусофир

фигридан қайтса-чи? Ёки бошқа шаҳарга равона бўлиб, у ердан Шанталдан кўра дурустроқ қизни топса-чи?

Ёки олтинни олиб, уйдаги арзимас лаш-лушларини жомадонга жойлаб, ўйлаб-нетмай Вискосни тарк этсамикан?

Қиз хаёлан баланд дўнгликдан тушиб, пастдаги катта йўлдан йўловчи машинани тўхтатишини тасаввур қилди. Эрталабки сайрдан қайтган Мусофир олтиннинг ўғирланганини пайқагунча қиз бошқа шаҳарга етиб олади. Кейин Мусофир полиция маҳкамасига хабар беради.

Шантал манзилига етказиб қўйган ҳайдовчига миннатдорчилик билдириб, тўғри автовокзалга боради-да, олис манзилга чипта сотиб олади. Шу пайт икки полициячи келиб одоб билан қиздан жомадонни очиб кўрсатишини сўрайди. Ичига нималар яширганини кўрган полициячилар юзидан ҳалиги одобдан асар қолмайди – мана, уч соат аввал ўғирликда гумон қилиниб қидирилаётган аёл!

Полиция маҳкамасида эса қиз икки йўлдан бирини танлашга мажбур бўлади – ё ҳеч ким ишонмайдиган ҳақиқатни айтади, ёки ўрмонда чуқурчадан ногоҳ топиб олгани ҳақида чўпчак тўқийди. Бир пайтлар келтлар хазинасини топмоқчи бўлган йигит у билан бирга тунаганди. Унинг сўзларидан аёнки, мамлакат қонунларига кўра, ким нимани топиб олса, топилган нарсада ҳақи бор. Лекин топилма тарихий қийматга эга бўлса, қонундаги фалон моддага кўра расмий идораларни бундан хабардор қилиш керак. Бу олтин ёмбиси эса ҳеч қандай тарихий қийматга эга эмас, у шунчаки қандайдир тамға, рақамлар босилган олтин бўлаги.

Мусофирни сўроқ қиладилар. У Шанталнинг хонасига кириб, унга тегишли бўлган олтинларни



ўғирлаганини исбот қилолмайди. Сўнг иккисининг кўрсатмалари солиштирилади. Лекин шуниси бор, агар Мусофир бақувват танишларга эга бўлса, охир-оқибат унга ишонишади. Ана шунда Шантал экспертиза ўтказишларини талаб қилади. Ёмбида тупроқ зарралари борлиги аниқлангач, қизнинг ҳақиқатни айтгани исботланади.

Бу орада шов-шув Вискосга етиб боради. Одамлар ё ҳасаддан, ёки аламидан полицияни қизга қарши қайрайдилар, енгилтак қиз бир неча бор келгиндилар билан кўнгил хушлаганини, шунинг учун Мусофир уйқудалигида олтинларни гумдон қилганини айтадилар.

Ва ниҳоят бу машмаша қайғули ниҳоя топади: ашёвий далил сифатида олтинлар судгача олиб қўйилади, Шантал эса хўрланиб, бадном ҳолда Вискосга қайтиб келади. Унинг ҳақидаги ғийбат ва миш-мишлар йиллар давомида қайта-қайта чайналади.

Кейин тергов ишлари бирор натижа бермагач, адвокатни ёллаш қизнинг тушига ҳам кирмаган даражада қиммат туриши ошкор бўлади. Хулласи калом, қиз суд натижасини кутмасдан олтинлардан воз кечади.

Оқибатда қиз олтиндан ҳам, обрўдан ҳам маҳрум бўлади.

Лекин яна бир йўли бор: Мусофир Ҳақиқатни айтганди. Агар қиз олтинни ўғирлаб, у билан бирга ғойиб бўлса, она шахрини улкан кўргуликдан асраган бўлмайдими?!

Бироқ Шантал йўл давомида бунга жазм қилолмаслигини тушунди. Нега энди тақдирини буткул ўзгартириб юбориши мумкин бўлганда уни қўрқув қамраяпти? Ахир у ўзи хоҳлаган эркаклар билангина кўнгилхушлик қилган-ку? Тузукроқ чой-чақа илинжида мижозлари билан хиринглашмаганми?

Ора-сирара ёлгон гапирмаганми? Янги йил арафасида ота-оналарини кўргани келган дўстларига ҳасад қилмаганмиди?

Қиз аламзадалик билан олтин ёмбисини сиқди, уни ўрага ташлаб, устидан тупроқ тортди.

Йўқ, у бундай йўл тутолмайди. Гап қизнинг ҳалоллиги ё нопоклигида эмас, уни қамраб олган қўрқувда эди. Шунда қиз икки ҳолатда орзулар амалга ошмаслигини англади: бири – ушалмайдиган орзуларнинг мавжудлиги бўлса, иккинчиси – кутилмаганда тақдир чархпалаги кескин айланиб, кўзлаган манзилнингга етказди, лекин сен бунга тайёр бўлмайсан.

Ана шунда сени номаълум йўл, кутилмаган тўсиқларни туҳфа этувчи ҳаёт, одатий ва муқим ҳолатни илдизи билан қўпориб ташлашга қодир имконият олдида қўрқув босади.

Инсонлар бир пайтнинг ўзида барча нарсани ўзгартиришни ва ҳаммасини аввалгидай қолдиришни хоҳлайдилар.

Шантал нега бу каби ҳол юз беришини билмасди, лекин айна шундай кечинмалар унда юз бераётганди.

У Вискосга қаттиқ боғланиб қолгани, доимо ўзини мағлуб ҳис қилишга кўниккани боис энди голибликка элтувчи ҳар қандай имконият унинг учун оғир юк, чидаб бўлмас изтиробга айланганди.

Мусофир қиздан жавобни узоқ кутолмаслигини Шантал яхши биларди. Эҳтимол, бугун кечқурун режасини амалга ошириш учун бошқа одамни танлар.

Даҳшат қисматни ўзгартиришга бўлган истакдан устун келарди.

Яқиндагина олтинни ҳис қилган қўллар энди супурги, пол латтасини ушлашга маҳкум. Шантал хазинани ташлаб, шаҳарга қайтди. Меҳмонхонада ягона меҳмон уйғонгунига қадар барни тозалаб қўйишни ваъда қилган қиздан жаҳли чиққан соҳиба уни кутиб турарди.

Шантал бекорга хавотир олибди – меҳмон кетиб қолмаган экан. Шу куни кечаси уни барда кўрди: Мусофир шодон ва сертакаллуф кўринар, ҳаётда эмас, хаёлида рўй берган ҳақиқатомуз саргузаштларини гапириб ўтирарди. Кечагидек фақат тўлов пайтигина уларнинг нигоҳлари учрашди. Шантал зўриққани сабаб, мижозларнинг эртарақ тарқалишларини истарди. Лекин Мусофир бугун жўшқин кўринар, теша тегмаган янги гапларни сотиб ўтирар, атрофдагилар эса қизиқиб тинглашарди. Бу шаҳарликларни саводлироқ, замонавийроқ, маданиятлироқ деб билган қишлоқликларнинг пинҳона нафратидан дарак берарди.

«Ўз қадрини билмаган тентаклар, – деб ўйлади Шантал. – Улар дунёнинг исталган нуқтасида тамадди қилишга қодир кимсалар фақат эртадан-кечгача қора терга ботиб, ер ҳайдайдиган, чорва боқадиган вискосликлар ва уларга ўхшаганлар ҳисобидангина кун кўришини билмайдилар. Улар шаҳарликлардан кўра муҳимроқ эканини билмайдилар. Ўзларини бибурд, керакмаслигини англаган арзимас жонзотдек тутадилар».

Мусофир бу ердагиларнинг оғир меҳнатидан кўра ундаги маданият қимматроқ туришини намойиш қилмоқчи бўлди: у девордаги сувратга ишора қилди:

– Бу суратни биласизми? У Леонардо да Винчи мўйқаламига мансуб дунёдаги энг нодир сувратлардан бири. Унда Исо алайҳиссаломнинг ҳаворийлари билан ўтказган сўнгги оқшоми тасвирланган.

– Бўлиши мумкин эмас! – деб ҳайратланди соҳиба. – Наҳотки шундай машҳур суратни сувтекинга харид қилган бўлсам?

– Бу фақат ундан кўчирма, холос: асл нусха бу ерлардан олисдаги бир ибодатхонада. Мазкур сурат ҳақида бир ривоят бор, истасангиз, уни айтиб бераман.

Ўтирганлар эшитиш истагини билдирдилар. Шантал эса саводини намойиш қилаётган бу олифтанинг гапларини эшитаётгани учун ўзидан уялди.

– Леонардо мазкур суратни яратишда қатор қийинчиликларга дуч келган: у Исо қиёфаси орқали – Эзгуликни, мана шу зиёфатда устозини сотмоқчи бўлган Иуда образи орқали – Ёвузликни талқин қилмоқчи бўлади. Иш ярмига келганда Леонардо уни тўхтатган ва идеал қиёфаларни топгандагина суратни давом эттиришга киришган.

Кунларнинг бирида рассом хор қўшиқчилари намойишига ташриф буюради ва ўспирин қўшиқчилар орасидан Исо образига муносиб қиёфадаги йигитни кўриб қолади. У йигитни устахонасига таклиф қилиб, этюдлар, чизмаларни қоғозга муҳрлайди.

Орадан уч йил ўтади. «Сирли оқшом» деярли тайёр бўлади, бироқ Леонардо Иудани гавдалантиришга мос қиёфани тополмайди. Мазкур суратга масъул бўлган кардинал рассомни тезроқ ишни яқунлашга ундайди.

Шундай қилиб кунларнинг бирида рассом бир пайнов ёнида ёш бўлишига қарамай қартайиб қолган, маст-аласт ётган хароб кўринишдаги кимсага кўзи тушади. Чизмалар олишга вақт йўқлиги сабаб, Леонардо шогирдларига тезроқ бу кимсани жомеъга олиб боришларини буюради. Уни базўр жомеъга келтирадилар ва оёққа турғазадилар. Маст кимса нималар бўлаётганини англамасди, рассом унинг юзидан уфуриб турган гуноҳни, кибрни, худбинликни асарга муҳрлайди. Леонардо ишни яқунлаганда бу кимса ўзига келади, кўзларини очиб суратга боқади ва қўрқув, аламдан қичқириб юборади:

– Мен бу суратни аввал кўрганман!

– Қачон? – дея тушунмай сўрайди Леонардо.

– Боримдан айрилмасимдан уч йил аввал. У пайтлар мен хорда қўшиқ куйлардим ва қалбим орзу-ҳа-

васларга тўла эди. Қандайдир рассом келиб менинг қиёфамдан Исо образини яратганди...

Мусофир пиво ичиб ўтирган Руҳонийга термилганча узоқ жим ўтирди. Лекин Шантал бу сўзлар айнан унга қаратилганини яхши биларди.

– Балки, Эзгулик ва Ёвузликнинг қиёфаси бир хилдир? Бу фақат уларнинг йўлимизда қачон дуч келишига боғлиқ.

Мусофир ўрнидан турди, чарчаганини айтиб узр сўради ва хонасига кириб кетди. Мижозлар ичимлик ҳақини тўлаб, машҳур суратнинг арзимас нусхасига боқишаркан, ҳаётида қачон Фаришта ёки Иблисга дуч келганини хаёлан ўзларидан сўраб, эшик томон йўл олдилар. Гарчи улар фикр алмашмаган бўлсалар-да, буларнинг бари Ахав томонидан қароқчилар юрти фаровон ўлкага айлантирилганига қадар бўлиб ўтган, деган қарорга келдилар. Энди эса кунлар бир-биридан фарқ қилмайди.

Бор гап шу.

Ичидан эзилиб юрган Шантал дам олмай ишлади, лекин Вискосда фақат угина бошқача фикрда эканини ёлғиз ўзи билар, вужудини Ёвузликнинг оғир ва сеҳрли қўллари сийпалаётганини сезарди. «Балки, Эзгулик ва Ёвузликнинг юзи бир хилдир? Бу фақат уларнинг йўлимизда қачон дуч келишига боғлиқ». Яхши айтилган сўзлар... Эҳтимол, айнан шу сўзларда Ҳақиқат пинҳондир? Лекин бу пайт қизнинг ухлагиси келар, ортиқ бу ҳақда бош қотиргиси келмасди.

Қиз қайтим бераётиб, ногоҳ адашиб кетди, мижоздан узр сўради, лекин ўзини айбдор ҳисобламади. Совуққонлик билан охирги мижозларнинг қўзғалишини кутди. Одатда булар Ҳоким ва Руҳоний бўларди. Қиз ғазнани беркитиб, бир неча йиллик одатига кўра эгнига арзонга сотиб олинган оғир пальтосини ташлаб, уйига равона бўлди.

Учинчи кеча қиз Ёвузликка дуч келди. У бадан увиши ва юқори ҳарорат тимсолида ташриф буюрди. Шантал ҳушидан айрилай дегани билан ҳечам ухлолмади. Деразада ортида тинимсиз увиллаётган бўрининг овози эшитиларди.

Баъзан қизга рўё кўрингандек бўлди: хонасида қандайдир ҳайвон у билан тушуниб бўлмас тилда гаплашаётгандек туйилди. Ҳушига келган пайтлари черковга бориб, Руҳоний отадан дўхтир чақиришни илтимос қилмоқчи ҳам бўлди. Бироқ оёқ-қўлларининг увишиб қолганини сезиб, у ерга боролмаслигини англади.

Бир амаллаб етиб олган чоғидаям, Руҳоний отанинг кийиниб чиқишини кутишга тўғри келади. Тунги аёз унинг ҳароратини шундай кўтарадикки, оқибатда ўша муқаддас саналган жойда жон таслим қилиш мумкин.

«Нима бўпти? – деб ўйлади қиз. – Ҳеч бўлмаганда мени қабристонга элтишга ҳожат бўлмайди, унинг ёнида жон таслим қиламан».

Тонгга қадар қиз алаҳсираб чиқди, куннинг илк шуълалари хонага ёйилганда иситмаси бироз тушганини сизди. Бироз ўзига келгач, Шантал мизғиб ҳам олмоқчи бўлди. Лекин шу пайт ташқаридан машинанинг овози эшитилди, демак, Вискосга нон ташувчи келган, эрталабки қаҳвани тайёрлаш керак.

Қиз ҳали ҳеч ким пастга тушиб нон харид қилишини айтмагани, тунда ишлагани боис, кун бўйи ўриндиқда ағанаб ётиши ҳам мумкин эди.

Лекин у ўзида қандайдир ўзгариш содир бўлганини сизди: мутлақ ақлдан озмаслик учун ташқарига чиқиши керак. У кичкина фургон олдида урилиб-сурилиб нон сотиб олаётган, янги кун бошланганидан қувонаётган одамларни кўргиси келди.

Шантал уларнинг олдига келиб, салом-алик қилди, улардан «чарчаган кўринасан?», «бирор кор-ҳол

бўлдими?» деган сўзларни эшитди. Ҳамшаҳарлари хушмуомала, кўмак беришга тайёр, соддадил одамлар эди. Лекин қизнинг кўнгли кучайиб келаётган қўрқув, ўзининг ўзига қилган ҳукми, саргузашт иштиёқидан пора-пора бўлаётганди. Кимгадир дардини айтгиси келди, лекин бирортасига оғиз очдингми, тамом, чошгоҳга қадар бутун олам сиригдан хабар топади. Шунинг учун ғамхўр чеҳраларга миннатдорчилик билдириб, ақлни пешлаб олгунга қадар, жимгина йўлингга равона бўлганинг афзал.

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, – деб жавоб берди қиз.  
– Фақат туни билан увиллаб чиққан бўри уйқу бермади.

– Мен ҳеч қанақа бўрининг овозини эшитмадим, – деди соҳиба нон сотиб оларкан.

– Бир неча ойдан бери бўри увилламай қўйган, – унга қўшилди маҳаллий таомлар сотувчи аёл. – Афтидан овчилар ҳаммасини қириб битирган кўринади. Ачинарли ҳол, албатта, ахир бўрилар келадиган сайёҳлар учун асосий хўрак бўлиши мумкин эди. Ҳайвон қанчалик тутқич бермаса, овчиларнинг шашти шунчалар ортади. Улар ким нимани қачон гумдон қилган, э, хуллас, шу каби аҳмоқона баҳсларни хуш кўрадилар.

– Нон сотувчиси олдида бўрилар қирилиб кетганини гапирмаган маъқул, – деди Шанталнинг бошлиғи.  
– Буни билгач, одамлар умуман Вискосимизга келмай қўядилар.

– Лекин мен ростданам бўри увиллаганини эшитдим.

– Эҳтимол, бу ажина бўлгандир, – деди қизни жини суймайдиган, бироқ тарбия кўргани боис ҳисларини жиловлай оладиган ҳокимнинг турмуш ўртоғи.

– Ҳеч қанақа ажина йўқ, – луқма ташлади меҳмонхона соҳибаси. – Бу оддийгина бўри бўлган, эҳтимол ҳозир уни отиб ўлдиришган бўлишса, ажабмас.

Ҳокимнинг хотини бўш келишни хоҳламасди:

– Борми-йўқми, лекин қандайдир бўри тунда увиллаб чиққан. Шанталнинг юмушлари керагидан ортиқ, бечора кўп чарчайди, шунинг учун унга алламбало товушлар эшитилган.

Қиз уларнинг баҳсига аралашмай, нон сотиб олди-да нари кетди.

«Аҳмоқона тортишув», – деб ўйлади у, суҳбатдошларидан бирининг гапини эслаб. Ҳа, улар ҳаётни ҳам аҳмоқона беллашувдан иборат, деб ўйлайдилар. Қиз Мусофир таклифини айтиб беришдан аранг ўзини тийди, – маънавий сўқир, лекин яхши ўрнашиб олган бу кимсаларнинг мазмунан салмоқли бошқа беллашувга киришини томоша қилиш ажойиб бўларди. Зеро, бу беллашувга уларнинг фарзандлари, набира-ларига етажак бойлик, Вискоснинг бўри-мўриларсиз аввалги шуҳратини тикловчи, фақат жиноятга алмашиниладиган ўнта олтин ёмбиси тикилган бўлади.

Лекин қиз ўзини босди. Биров, эшитмай қолибман ёки тушунмай қолибман, демаслиги учун Шантал ҳам-малари барга йиғиладиган пайт – бутунги оқшомда бўлиб ўтган воқеани гапириб беришга қарор қилди.


Эҳтимол, одамлар Мусофирни тўғридан-тўғри полицияга топширар, Шанталга эса Вискосга кўрсатган хизмати учун битга олтин қўймасини туҳфа қилишади.

Балки, одамлар унинг гапига ишонишмас, у ҳолда Мусофир бу ерликларни тақводор ҳисоблаб, Вискосни тарк этади. Аслида ҳам шундайми?

Йўқ, одамларнинг ҳаммаси ношукр, гўл, бир қолипда ўйлашади, ҳис қилишади. Ҳар бири ўзи ишонган нарсага ишонади – бошқаси қизиқтирмайди уларни. Улар Худодан қўрқишади. Барчаси, жумладан, Шанталнинг ўзи ҳам тақдирни ўзгартириш мумкин бўлган паллада қўрқади, доводирайди.

Эгзуликка келсак, у на қўрқоқ, гумашта одамларга қалашиб кетган – Заминда, на азоб-уқубатларини





фақат бизларнинг бир умр ёлбориб, ундан паноҳ сўрашимиз учун ёғдирадиган Худонинг даргоҳи – осмонда мавжуд.

Қизнинг ҳарорати пасайди; у деярли уч кун мизғимади, лекин эрталабки қаҳвани дамлаётиб ўзини тетик ҳис этди. Йўқ, қўрқаётган биргина у эмас. Балки қўрқоқлигини тан олаётган ягона инсондир, чунки одамлар ҳаётни «маънисиз беллашувдан иборат», уларга хос қўрқувни эса олижаноблик деб биладилар.

Шантал йигирма йил қўшни шаҳарчада дорихонада ишлаб, кейин ишдан кетган бир ҳамшаҳрини хотирлади. Гарчи у молиявий танглик туфайли ишдан бўшатилганини билса-да, дорихона бошлиғини дўст деб билгани учун нафақа, дам олиш куни пулини талаб қилмаган. Аслида буларнинг ҳаммаси – сафсата: одамлар уни ҳурмат қилишлари, дорихона эгаси уни аввалгидек дўст, олижаноб кимса деб аташи учун, гарчи у ичида қанча хоҳламасин, қўрқоқлиги боис бу ишни судга беролмаган. Лекин анча фурсатдан сўнг, бари бир ишлаган пулини талаб қилиб дорихонага келганда, биров у билан гаплашмабди ҳам. Чунки кеч бўлганди, у ишдан бўшатилиш аризасига қўл қўйган, энди ҳеч нарсани талаб қилолмасди.

Ажаб бўпти, хўп бўпти, у шунга лойиқ эди. Ҳаётда ўз ўрнини топишга қўрққан кишигина андиша, истиҳола қурбони бўлади. Ҳақингни талаб қилиб бировлар билан курашгандан кўра, ичингдаги «саховат»га ишонганинг маъқул, албатта. Ботир бўлиб кучли ғанимни енггандан кўра, аламингни ичинга ютиб, ҳақоратга бардош бериб яшаш осонроқ. Доимо бизга отилган тошларни тегмади, дейишимиз мумкин, лекин тунда ё эримиз, ё хотинимиз, ёки дўстимиз ухлаб, ўзимиз танҳо қолгандагина қўрқоқлигимиздан ўксиниб кўз ёши қиламиз.

Шантал куннинг тезроқ ўтишини орзу қилганча қаҳвасини ичди. Оқшом эса у бутун Вискосни вайрон қилади. Бари бир бу шаҳар келажак авлодга етиб боролмайди, чунки бу ерда болалар туғилмай қўйган: ёшлар эса байрам шукуҳига берилган, аҳолиси гўзал ва кўркам либосларда сайр қилувчи бошқа йирик шаҳарларга кетиб қолган, ўша ерда илдиз отишни маъқул топганлар.

Қиз хоҳишига қарши ўлароқ, кун чўзилгандан-чўзилди. Кулранг осмон, паст булутлар вақтнинг тўхтаб қолганини эслатарди. Қуюқ туман залварли тоғларни кўрпадек ёпиб олган. Вискос бутун дунёдан ажралиб қолгандек туйиларди. Шантал ойнадан тўғри тоғлар томон йўл олаётган Мусофирни кўрди. Шантал олтинларни ўйлаб дастлаб хавотирга тушди, кейин тинчланди – ахир Мусофир олдиндан бир ҳафта ижара ҳақини тўлаган-қу. Бой одамлар пулини ҳавога совуришмайди, бундай тентаклик фақат камбағалларнинг қўлидан келади.

Қиз китоб ўқимоқчи ҳам бўлди, лекин ҳардамхаёллиги бунга панд берди. Шунда у Вискосни айланмоқчи бўлди. Қиз йўл-йўлакай куни бўйи шаҳарни кузатиб ўтирган Бертага йўлиқди.

– Ва ниҳоят совуқ тушди, – деди кампир қизни бундан хабардор қиларкан.

Нега одамлар об-ҳавога шунчалик эътибор беришаркан – қиз ўзидан сўради ва кампир сўзларини тасдиқлаганча бош силтади.

Қиз йўлида давом этди, чунки Вискосда кечган умри давомида Берта билан гаплашмаган мавзунинг ўзи қолмаганди.

Бир пайтлар қиз эри вафотидан кейин ҳам (кампирнинг турмуш ўртоғи овда ҳалок бўлган) тушкунликка тушмаган бу бева аёлга қизиқиб қолганди. Ўшанда кампир бор-будини сотиб, пулларини

суғурталаб қандайдир ишончли корхонага тиккан, ҳозирга қадар унинг фоизи ҳисобидан кун кўриб келаётганди.

Кейинчалик Шанталнинг кампирдан кўнгли қолди, негаки қиз кампир ҳаётида ўзи қўрққан нарсаларни кузатганди: мана у ҳам қариб-қартаяди, қиш пайтлари мингта рўдапога ўралиб, кун бўйи эшиги тагида ёлғиз арзимас бир манзарани томоша қилиб ўтиради, чунки бу ерларда салмоқли, қийматга эга бирор воқеа юз бермайди.

Шантал адашиб қолишдан қўрқмай ўрмонга чуқурроқ кириб борди, ваҳоланки у бу ердаги ҳар бир тош, сўқмоқ, дарахтларни беш қўлдек биларди.

У бугун оқшом ҳамшаҳарларига сўзларини қаййўсинда етказишни тасаввур қилиб кўрди: мана у кўрган-билганларини айтиб беряпти, энди эса Мусофир сўзларини сўзма-сўз етказяпти, чинми ё ёлғон, ўзи ҳам билмайдиган ҳикояни ўйлаб тўқиди ва, ҳатто уч кеча унинг хавотирини ўғирлаган Мусофир оҳангида ҳикоя қилди...

«У мен билган жамики овчилардан ҳам хавфлироқ инсон!»

Шантал ўрмон сўқмоғидан юриб бораркан, аслида Мусофирдан ҳам хатарлироқ бир инсон борлигини тушуниб етди, у ҳам бўлса – ўзи.

Бундан тўрт кун аввал ёз палласида сайёҳларга тўлиб кетадиган Вискосдаги ҳаётнинг унчалик ёмон эмаслигига, тақдир нени туҳфа қилса, шунисига шукр қиладиган аёллигига шубҳа қилмасди.

Энди эса қалбидаги қўрқув уни омадсиз қуръа тортиб олгандек, ноҳақликка дучор бўлган бахтсиз, ўзини Худо унутган бандадек ҳис қилишга мажбур қиларди. Бундан ҳам баттари – у кечаю-кундуз, ўрмонда, одамлар орасида дилда қанчалар аччиқ изтиробни ютиб юрганини англатишга мажбур қиларди.

«Мусофирга минг лаънатлар бўлсин. У билан тўқнашганим учун менга ҳам лаънатлар бўлсин».

Шаҳарга қайтиб боргач, қиз кечган умрининг ҳар бир дақиқасига ачинди, онасини бемаврид ташлаб кетгани учун, бувисини меҳрибон ва ҳалол қилиб тарбиялагани учун, дўстларини ташлаб кетишгани учун, қисматининг бошқача эмас, шундайлигича қолгани учун қарғади.

Берта ҳамон ўтирган жойидан қимир этмасди.

– Нега изғиб юрибсан? – деб сўради у. – Ёнимга ўтир, дамингни ол.

Ўзини бирор нарса билан чалғитиш, вақтни ўтказиш мақсадида Шантал рози бўлди.

– Вискосимиз ўзгариб боряпти, – деди кампир. – Ҳавода қандайдир оғир нарсанинг шарпаси бор, кеча эса лаънати бўрининг увиллаганини эшитдим.

Қиз ўзини енгил сизди. Демак, ажина эмас, бўри увиллаган. Ҳеч бўлмаса буни яна бир одам ҳам эшитибди-ку!

– Бу шаҳар ҳеч қачон ўзгармайди, – жавоб берди қиз.

– Бу ерда фақат фасллар ўзгаради, ҳозир қиш келди.

– Йўқ, Мусофир келди.

Шантал ўзини аранг босиб олди. Наҳотки Мусофир бошқаларга ҳам режасини гапирган бўлса?

– Худонинг берган куни атрофимни кузатаман. Бошқалар буни умрни беҳуда сарфлаш, деб биладилар. Лекин мен фақат шу йўсинда жудоликка бардош бераман. Йил фаслларининг алмашишини, дарахтларнинг барг тўкишлари ва куртақларнинг яна ниш уришини кузатаман. Лекин вақти-вақти билан табиат ғаройиб ҳодисаларга юз тутаяди. Менга мана шу тоғларнинг минг йиллар муқаддам зилзила туфайли пайдо бўлганини айтиб беришган.

Қиз маъқуллаганча бош силкиди: унга мактабда ҳам шундай дегандилар.

– Ҳеч нарса аввалги ҳолида қолмайди. Ҳозир ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлайман.

Шантал қари Бертанинг нималарнидир билишини сезиб, унга олтинлар ҳақида гапириб бермоқчи бўлди, лекин жим бўлди.

– Авлиё фотиҳасини олган қаҳрамонимиз, буюк бунёдкоримиз Ахав ҳақида ўйлаяпман.

– Нима учун айнан Ахавни?

– Чунки у эзгу ниятда пайдо бўлган арзимаган майда нарса ҳам пайти келиб бутун борлиқни яксон қилиши мумкинлигини тушунган.

Айтишларича, у шаҳарни ёмон одамлардан тоза-лагач, у ерда тинчлик ўрнатган, қишлоқ хўжалиги ва савдони ривожлантириш учун қоидалар жорий қилган. Кунларнинг бирида дўстларини зиёфатга чақириб, улар учун қовурма пиширибди. Қараса, уйда туз қолмабди. Шунда Ахав ўғлини чақириб, дебди: «Бозорга тушиб, туз сотиб ол. Лекин, қара, оз эмас, кўп эмас, тузнинг нархи қанча бўлса, ўшанча ҳақ тўлагин».

«Ортиқча ҳақ тўламасликни биламан, – дебди ўғли ҳайрон бўлиб. – Пулнинг бир қисмини тежаб қолишнинг нимаси ёмон?»

«Катта шаҳарларда шундай қилсаям бўлади. Лекин биз яшаётган шаҳарча учун бундай йўл охир-оқибат вайронагарчиликка олиб келиши мумкин».

Бошқа ҳеч нарса сўрамай ўғли тузга жўнабди. Бу суҳбатни эшитиб қолган меҳмонлар «нега тузни паст нархда сотволса бўлмайди?» деб сўрашибди.

Ахав жавоб берибди:

«Тузни таннархидан арзон сотаётган одам пулга ўта муҳтожлиги сабаб шундай йўл тутишга мажбур бўлади. Бундан фойдаланиб қолган харидор эса пешона тери, машаққатли меҳнатни менсимаган бўлади, зеро, машаққатсиз ҳеч нарсани ишлаб чиқаролмайсан».

– Вискосимизнинг ҳалок бўлишига бу етарли сабаб бўлмайди, ахир!

– Ибтидода ноҳақликлар жуда оз бўлган. Кейинчалик бу дунёга келиб-кетувчиларнинг ҳар бири, бу ишимдан ҳеч нарса ўзгармаса керак, дея унга бир мисқолдан ноҳақлик қўша бошлаганлар. Оқибатда қандай кунларга қолиб кетганимизни ўзинг кўриб турибсан.

– Мисол учун Мусофирни олиб кўрайлик, – деди Шантал Бертанинг у билан гаплашган-гаплашмаганини аниқлаш учун кампир ҳеч нарса демагандан сўнг, астойдил гапини давом этди, – нега Ахав Вискосни сақлаб қолишга уринганини тушунолмайман. Қадимда бу юрт ярамасларнинг макони бўлган бўлса, эндиликда у қўрқоқлар маконига айланган.

Турган гапки, кампирга нимадир аён, лекин бунини Мусофирдан билганми-йўқми, шуни аниқлаш қолган, холос.

– Одамларни асл маънода қўрқоқ, деб ўйламайман. Фаҳмимча, улар турфа ўзгариш, долғалар олдида эсанкиришади. Вискосни деҳқончилик, чорвачилик, овчилик қиладиган ва сайёҳларни очиқ юз билан қаршилайдиган макон бўлиб қолишини хоҳлайдилар. Лекин шу билан бирга эртага нима бўлишиниям биладилар, фақат табиат ҳодисалари бундан мустасно. Эҳтимол, шу йўл билан кўнгил хотиржамлигига эришмоқчидирлар. Аммо бир нарсада сен билан ҳамфикрман: ҳеч ким ҳеч нарсани эплолмаётган пайтда, ҳар ким ҳар нарсани бошқариб турибман деб ўйлайди.

– Бу тўғри: ҳеч ким ҳеч нарсани, – дея Шантал кампирнинг сўзларини маъқуллади.

– Ҳеч ким Ёзувликнинг бирор ҳарфини ўзгартиролмайди, – деди кампир Инжилдаги битикларни



ўзича шарҳлаб, – лекин бизга шундай рўё билан яшаш ёқади, чунки у ишонч туйғусини беради. Наф-силамрини айтганда, мен қилмоқчи бўлган қарор бошқаларидан фарқ қилмайди. Шу билан бирга хавфсизман ва дунёни бошқаряпман, деб ўйлаш ақмоқликнинг айнан ўзи. Бу ҳаёт зарбаларига мутлақ яроқсиз бўлиб қолишингга олиб келади – кутмаган пайтинг зилзила содир бўлиб, тоғларни бунёд қиладди, кўкламда гуллашга шайланган дарахтга чақмоқ уриб, уни яксон қилади, овдаги арзимас хато яхши бир инсон умрига зомин бўлади.

Кампир эрининг қандай ҳалок бўлганини минг марта такрорлаганди. Унинг эри ушбу ўлкадаги энг моҳир овчи ва йўлбошчи бўлган. У овчиликни ваҳшийлик спорти эмас, маҳаллий анъаналарнинг бир тури деб санайди. Унинг жонкуярлиги туфайли қирилиб кетаётган айрим жониворлар асраб қолинган, ҳокимият бу борада қонунлар ишлаб чиққан, шаҳар ғазнасини тўлдириш учун овга рухсат берувчи лицензиялар сотилган.

Бертанинг эри айримлар – ёввойилик, бошқалар миллий кўнгилочарлик деб билган овни инсонлар учун сабоқ мактаби бўлишига ҳаракат қилган. Бу ерларга асли бой, лекин овчиликдан беҳабар одам келгудек булса, уни бир ялангликка олиб бориб, у ердаги тош устида пиво банкасини қўйган. Кейин у эллик қадам нари кетиб, милтиқдан банкани уриб туширган.

– Бу ўлкадаги энг моҳир овчи мен бўламан ва сенга ҳам мерганликни ўргатаман, – деган у.

Банкани тошга қўйиб, яна жойига қайтган, чўнтагидан рўмолчасини чиқариб, меҳмондан кўзларини боғлаб қўйишини сўраган. Сўнг банкага қаратиб яна ўқ узган.

– Теккизолмадинг, – дея меҳмон унинг ғурурини ерга урмоқчи бўлган, – ўқ нишондан анча нари кетди. Сендан устоз чиқмаслиги аниқ.

– Мен ҳозиргина сенга ҳаётдаги энг муҳим нарсадан сабоқ бердим, – деган Бертанинг эри. – Доимо истаган нарсангга эришиш учун кўзларингга қара, фикрингни бир жойга жамлаб, нени истаётганингни англа. Ёпиқ кўз билан мақсадга эришиб бўлмайди.

Кунларнинг бирида у биринчи отишмадан сўнг пиво банкасини яна жойига қўйиш учун тош олдига қайтади. Бертанинг эри ўша жойдан йироқлашмасидан меҳмон ўз маҳоратини намойиш қилиш учун бехос милтиқ тепкисини босиб юборади. Ўқ моҳир овчининг бўйнига бориб тегади. Сайёҳ хаёлни бир жойга жамлаш, ҳаракатни назорат қилишдек энг муҳим сабоққа амал қилмаганди...

– Кетишим керак, – деди Шантал. – Ишга боришдан аввал у-бу нарсаларга улгуришим зарур.

Берта қизга омад тилаб, унинг черков олдидаги муюлишдан ғойиб бўлгунича кузатиб ўтирди.

Кампир йиллар давомида тоғларни, булутларни томоша қилиб, марҳум эри билан хаёлан гаплашавериб, одамларни «кўрадиган» бўлиб қолганди. Сўзамол эмаслиги, одамлар туфайли жунбишга келган ҳиссиётларини ифодалашга зарур сўзларни тополмагани билан одамлар қалбини очиқ китобдек ўқий оларди.

Бу ҳодиса дастлаб дунёдаги энг яхши кўрган одам – эрининг дафн маросимида юз берганди. Ўшанда вискослик оилалардан бирининг боласи (ҳозирда у улғайиб, минг чақирим олисида яшайди) кампирдан нега ғамгин ўтирганини сўраб қолади.

Берта ўлим, абадий жудолик ҳақида гапириб болакайни қўрқитиб юбормаслик учун эрининг узоқларга



кетгани, негадир у ерларда ушланиб қолганини гапиради.

– Менимча, у сизни алдаган, – дейди болакай.  
– Мен боягина уни кўрдим: ҳув сағана ортига беркиниб олиб, жилмайди. Қўлида эса ош қошиғини ушлаб олганди.

Бу гапларни эшитган онаси болакайни сўкади, «бу ёшда болалар доимо бўлмағур нарсаларни ўйлаб топишади», дея Бертадан узр сўрайди.

Бироқ Берта йиғини бас қилиб, болакай ишора қилган томонга қарайди: гарчи ҳамма қошиқлар бир хил бўлиб, улардан бир сифимда шўрва ичиш мумкин бўлса-да, бўлмағур чолининг кампирини жиғибийрон қиладиган бир одати бор эди – у фақат ўз қошиғида овқат ер, доимо шу одатига риоя қиларди.

Одамлар эрини ярим жиннига чиқармасин учун, бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этмаганди кампир.

Болакай ростдан ҳам эрини кўрган, унинг қўлидаги ўша ярамас қошиқ – бунинг аломати. Болалар зоҳирий нарсаларни кўра оладилар. Ўшанда Берта ҳам мана шунга ўрганиб олганди, чунки эри билан гаплашгиси келар, ҳаттоки соя ёки арвоҳ шаклида ёнида пайдо бўлишига ям рози эди.

Дастлаб у уйига қамалиб олди ва эрининг пайдо бўлишини кутди. Бир куни у ташқарига чиқиб, одамларга эътибор қилиш лозимлигини англади. Берта эрининг ҳаёти қувончларга тўлиши, Вискосдаги жараёнларда кўпроқ иштирок этишини хоҳлаётганини ҳис қилди.

Ва кампир эшиги олдида курсисига ўтириб олиб, тоғларни кузата бошлади: Вискос кўчаларида камдан-кам одам кўзга ташланарди. Лекин ўша куни ён қишлоқдан бир қўшниси келиб, у ерларга сайёр савдогарлар келгани, арзон нархда қошиқлар сота-

ётганини гапириб берди. Сўзларининг исботи учун халтасидан битта қошиқ чиқариб кўрсатди.

Берта эрини ҳеч қачон гавдаланган ҳолда кўрол-маслигига ақли етар, лекин марҳум хўжайини унинг эшик олдида ўтиришини буюрган. Турган гапки, у бу буйруқни сўзсиз бажаради.

Анча вақтдан сўнг кампир ўнг тарафида кимдир турганини сизди ва бу эри экани, унинг ёлғизлигига ҳамроҳ бўлиб, хатарлардан асраётганига қаттиқ ишонди.

Бундан ташқари эри бировларга мавҳум бўлган нарсаларга ўргата бошлади, масалан, булутлар шаклидан маълум рамзларни ўқиш каби.

Бошида кампир энди чолини кўраман деганда, унинг шарпаси ғойиб бўлишидан хафа ҳам бўлди, лекин кейинчалик у билан ғойибона мулоқот қилиши мумкинлигини тушунди ва шундан бери улар ҳар куни Вискосга оид воқеалар ҳақида узоқ суҳбатлашадиган бўлдилар.

Орадан ўн йил ўтди ва кампир одамларнинг ички кечинмаларини «кўра» бошлади, эри эса бу борада фойдали маслаҳатлар бериб борди: унинг ёрдамида кампир ўзини алдатиб қўймас, керагидан кам тўланадиган улушга рози бўлмасди. Чолининг кўмаги билан ҳамшаҳарлари омонатини сақлаётган банкнинг касодга учрашидан олдин ундан ўз пулларини қайтариб олди.

Кампир бу қачон бўлганини эслолмайди – эри шундай деди: «Вискос вайрон бўлиши мумкин!»

Дастлаб Берта бу ерларда тоғлар ҳосил қилувчи зилзилани хаёлига келтирди, лекин эри минг йилларгача у содир бўлмаслигини айтиб кампирини юпатди.

Йўқ, гап бошқа вайронагарчилик ҳақида борарди. Гарчи, Берта эри нимани назарда тутганини бил-

маса-да, хавотирга тушиб қолди. Эри уни ҳушёрроқ бўлишга чақирди – ахир бу ер унинг ҳам севимли ватани бўлган, гарчи истакка қарши уни эртароқ тарк этишга тўғри келган бўлсаям.

Энди эса бундан уч кун олдин шаҳарга бир Мусофир, ўзи етмагандек Иблисни ҳам эргаштириб келганини кўриб, кампир ўзи кутган воқеа юз берганини тушунди. Бугун эса кампир Шанталнинг бир елкасида Фаришта, иккинчисида Шайтон чўкка тушиб ўтирганини кўрди, бу икки ҳодисани бир-бирига боғлаб, шаҳрида ғаройиб ишлар содир бўлаётганини англади.

Кампир ўзича кулимсираб, ўнг тарафига ҳаво орқали бўса йўллади. Ким айтди унинг бир оёғини гўрга етаклаган, деб. Йўқ, унинг олдида ўта муҳим – она шаҳрини қутқариб қолишдек шарафли иш турибди, гарчи ҳозир қай усул билан бўлишини билмаса-да, албатта, Вискосни қутқариб қолади.

Шантал ўз хаёлларига ғарқ бўлган Бертани ёлғиз қолдириб уйига қайтди. Ҳамсоялари, кампир алвастилар билан алоқа қилади, дея пичирлашардилар. Айтишларича, кампир бир йил уйига қамалиб жодугарликни ўрганган. Шантал улардан бунга кампирни ким ўргатганини сўраганида, қўшнилари Бертанинг олдига кечалари Шайтон келиб туришини, бошқалари эса у ота-оналаридан қолган афсун дуоларини ўқиб, келтлар коҳини руҳини чақириб туришини гапириб бергандилар. Безарар кампир ҳеч кимга зиён етказмаслиги, доимо қизиқ нарсаларни валдираб ўтириши боис бу ҳолга биров эътибор қилмасди.

Гарчи, кампир доимо бир хил нарсаларни валдираб ўтирса-да, унинг гаплари ҳам тўғри.

Шантал бирдан қўлидаги калитни қисганча қотиб қолди. Бертанинг эри қандай ўлганини кўп эшитган, лекин бу воқеа унга муҳим дарс эканини

ана энди тушунди. Қиз яқиндагина йўлига тўғоноқ бўлса, ўзини, шаҳарни, унинг одамларини пароканда қилишга тайёр ҳолатда ўрмон кезганини эслади. Лекин қизнинг қаҳрига арзирли нишон бу – Мусофир эди. Хаёлни бир жойга жамлаб, нишонга олиб ўлжани қулатиш даркор. Бунинг учун пухта режа керак – вазиятни қўлдан бой берганча бугун оқшом одамларни Мусофир режасидан хабардор қилиш – аҳмоқлик бўларди.

Шантал бу хабарни бир кунга кечиктиришга қарор қилди.

Бу оқшом Мусофир одатига кўра барчани ўз ҳисобидан меҳмон қиларкан, қизга хизмат ҳақини бераётиб бир қоғозчани қўшиб узатди. Қиз бунга эътибор бермагандек, қоғозни чўнтагига солди, лекин Мусофирнинг дам-бадам савол назари билан қизнинг нигоҳига тўқнаш келишни хоҳлаётганини сезиб турди.

Улар ўрин алмашгандилар: энди қиз вазиятни қўлга олганди, вақт ва жанг майдонини ҳам энди у белгилайди. Моҳир овчилар айнан шундай йўл тутадилар – ўлгиси келган сичқонни мушук билан ўйнашишига қўйиб берадилар.

\* \* \*

Бу гал тўйиб ухлаб олишига кўзи етган Шантал уйга келгандагина хатни ўқиб кўрди: Мусофир илк тўқнашган жойларида учрашув белгилаганди, у танҳо ёки қизга қулай бўлса, ҳамманинг олдида гаплашиб олиш зарурлигини қўшимча қилган эди.

Шантал нафақат титроққа тушди, балки унинг пайдо бўлганидан хурсанд бўлди. Бу – хавfli инсонларга ёт бўлмиш ўзни йўқотиш ҳиссининг Мусофирда намоён бўлганидан дарак берарди. Буюк тинчликпарвар Ахав «Аҳмоқнинг икки тури мавжуд.

Бири хавфни сезиб, бошлаган ишини ташлаб қўяди, иккинчиси уни ўзим енголаман деб ўйлайди», – деган сўзларни такрорлашни яхши кўрган.

Шантал хатни бурда-бурда қилиб ҳожатхонага ташлаб юборди, иссиқ сувда чўмилиб чойшабига ўралиб олди ва жилмайиб қўйди. У хоҳлаган ҳамма нарсага, жумладан, Мусофир билан юзма-юз гаплашиб олиш истагига ҳам эришди. Қиз ғанимини енгмоқчи экан, дастлаб унинг нималарга қодир эканини аниқлаб олиши лозим.

У бир зумда осуда уйқуга кетди.

Бир кечани у Ёвузлик, иккинчисини Эзгулик ва Ёвузлик билан, учинчисини эса фақат Ёвузлик билан ўтказди. Уларнинг ҳеч бири мақсадига эришолмади, чунки улар яқиндагина қиз қалбини забт этиш учун жанг бошлагандилар.

Мусофир келгунига қадар Шантал ёмғирдан ивиб кетди – яна бўрон кўтарилганди.

\* \* \*

– Об-ҳавони қўя турамиз, – деб огоҳлантирди қиз, – кўриб турганингиздек, челақлаб қўйяпти. Мен панароқ бир жойни биламан.

У ўрнидан туриб, брезент ғилофга ўралган узунчоқ бир нарсани олдига сурди.

– Билишимча, бу – қурол, – деди Мусофир.

– Қурол.

– Мени ўлдиришни хоҳлайсанми?

– Эҳтимол. Айнан сизни ўлдиришга ишончим комил бўлмасаям, бу ишни қилишни хоҳлардим. Лекин қуролни бошқа мақсадда олганман: эҳтимол йўлда «лаънати бўри» дуч келиб қолар, қарабсизки, уни отиб ташлайман, вискосликлар ичида обрўйим ортади. Кеча тунда бўрининг увиллашини эшитгандим, лекин ҳеч ким менга ишонмади.

– «Лаънати бўри» – бу нима?

Шантал ўзига душман деб ҳисоблаган одам билан очиқчасига гаплашиш арзирмикан, дея бир зум ўйланиб қолди. Бу ерда китоб сотиб олиш – пулни зое кетказиш ҳисоблангани учун, Шантал доим меҳмонлар қолдириб кетган китобларни фарқига бормаёй қиб юарди. У японларнинг жанговар санъатига оид китобни эслади. Унда рақибни чалғитишнинг энг яхши усули – ўзингни унинг мақсадларига ён босгандай тут, деб ёзилганди.

Шамол ва ёмғир остида йўл босишар экан, Шантал Мусофирга бир воқеани гапириб берди. Бундан икки йил олдин вискослик темирчи ўрмонда сайр қилаётиб бирдан болалаган она бўрига дуч келиб қолади. Одатда бундай вазиятда бўри қочиб қолади. Лекин она бўри болаларини ҳимоя қилиш учун темирчига ташланиб, унинг оёғини тишлаб олади. Касб тақозоси ила девдай кучга эга темирчи бўрининг бошига шундай зарба берадики, оқибатда у болаларини олиб ўрмонда ғойиб бўлади; одамлар уни бошқа кўришмаган, фақат бўрининг чап қулоғида оқ доғи борлиги маълум, холос.

– Нега у «лаънати» номини олган?

– Йиртқич ҳайвонларнинг энг ашаддийси ҳам инсонга биринчи бўлиб ҳамла қилмайди, фақат болаларини ҳимоя қилиш лаҳзалари бундан мустасно. Агар ҳайвон инсон қонининг мазасини билиб олса, у бора-бора одамхўрга айланади. Бизникилар пайти келиб, ўша бўри яна одамга ташланади, деб ўйлайдилар.

«Мен ҳақимда экан», – деб ўйлади Мусофир.

Шантал ўзининг ёшлиги, бу йўлларни яхши билгани боис ҳамроҳини абгор этиш, ундан руҳан устун бўлиш учун шахдам одимлаб юрди. Лекин Мусофир

ҳам ортда қолмади, оз-моз ҳаллослаган бўлса-да, қиздан секинроқ юришни илтимос қилмади.

Овчилар беркиниб, ўлжани пойлайдиган қапага келдилар, совуқдан кўкариб кетган қўлларини ишқалаб, пуфлаб иситдилар.

– Сизга нима керак ўзи? – деб сўради қиз. – Нега мен билан кўришмоқчи бўлдингиз?

– Сенга бир топишмоқ айтгим келди: ҳаётимизнинг қайси куни ҳеч қачон келмайди? – деди ва жавобини кутмай ўзи гапирди: – Эртанги кун. Сен эртанги кунга ишонсанг керак, йўқса, мен хоҳлаган нарсани ўша кунга қолдирмасдинг. Бугундан дам олиш кунлари бошланади, бордию одамларга менинг гапларимни етказмасанг, бу ишни ўзим қилишга мажбур бўламан.

Шантал қападан чиқиб хавфсизроқ жойга кетди ва филофни ечиб, ундан қуролни чиқарди. Мусофир бунга парво ҳам қилмади.

– Қани, айт-чи менга, – деди Мусофир, – агар олтин воқеасига оид китоб ёзишингга тўғри келиб қолса, наҳотки сен фарзандларини ўқитиб, едириб-ичириш учун кун бўйи терлаб-пишиб меҳнат қиладиган одамлар, турли машаққатлар сабаб тақдирларидан бир неча бор нолиган китобхонларнинг олтинларни ўғирлаб кетишингга хайрихоҳ бўлишади, деб ўйласанг?

– Билмадим, – дея Шантал милтиққа биринчи ўқни жойлади.

– Мен ҳам билмайман. Айнан шундай жавоб керак эди менга.

Энди қўшотарга иккинчи ўқ ҳам жойланганди.

– Бўри ҳақидаги чўпчагинг билан мени чалғитмоқчи бўлган эсангда, аслида мени ер тишлатишга тайёрсан. Ҳечқиси йўқ, зеро, бу қилмишинг саволимга жавоб бўла олади: арзимас пул учун қишлоқ қизи

одам ўлдиришдек жиноятга тайёр экан, демак, бутун одамзот Ёвузлик гирдобига ғарқ бўлган. Мен жон бераман, лекин менга бир умр азоб берган жавобни олганим учун энди тинчгина кўз юмаман.

– Ушланг, – деб Шантал милтиқни Мусофирга тутқазди. – Биз таниш эканимизни ҳеч ким билмайди. Меҳмонхона қайдномасини ёлғон билан тўлдиргансиз. Истаган пайтда бу ерларни тарк этишингиз, билишимча, дунёнинг исталган бурчагида яшириниб олишингиз мумкин. Нишонга олиш ҳам шарт эмас, шунчаки милтиқни мен томонга йўналтиринг-да, тепкини босинг. Ўқ майда қўрғошин бўлакчаларидан қилинган ва айланма ҳаракат билан учади. Бундай ўқ билан йирик ҳайвонларни ўлдиришади, шунингдек, одамларни ҳам. Ўқ баданимни бурда-бурда қилишини кўргингиз келмаса, бошқа томонга ўгирилиб олсангиз ҳам бўлади.

Мусофир милтиқни қизга тўғрилаб, бармоғини тепкига қўйди. Шантал унинг овчилардек моҳирлик билан қуролни бошқарганини кўриб, ҳайрон қолди. Шу алпозда иккиси узоқ жим қотди: Шантал Мусофирни бирор ҳайвон ёки қуш қўққисдан ҳуркитиб юборса, у тепкини ногоҳ босиб юборишини биларди.

Шунда қиз қалб истаги уни нақадар болаларча ҳаракат қилишга ундаганини, Мусофирнинг бировлар қилишини хоҳлаган жиноятга унинг ўзини мажбур қилмоқчи бўлганини тушуниб етди.

Мусофир эса қизни нишондан қочирмас, ҳатто унинг қўллари ҳам титрамасди. У ўзига шарт қўйган қизнинг ҳаётига нуқта қўйиш ёмон ғоя эмаслигига амин эди. Шантал раҳм қилишини сўраб, унга ёлвормоқчи ҳам бўлди, лекин Мусофир олдинроқ милтиқни туширди.





– Сендаги қўрқувни, ҳатто жисман ҳис қила бошладим, – деди у милтиқни қизга қайтариб бераркан. – Мен юзларингдан томаётган тернинг ҳидини, гарчи у ёмғир томчиларига араллашиб кетган бўлсаям сездим; дарахтларни жаҳаннам шовқини билан силкитаётган шамолга қарамай, юрагинг қинидай чиқай деб дукиллаб ураётганини эшитдим.

– Бугун кечқурун сизнинг талабингизни бажараман, – деди қиз Мусофирнинг айни ҳақиқатни гапирганига парво қилмагандек, ўзини гўлликка солиб. – Қалбингизда Эзгулик ва Ёвузликнинг қай бири устун эканини билмоқчи бўлгандим. Ҳозиргина сизга бир нарсани англатдим: сизга бўлган ҳис-туйғуларим бор-йўқлигига қарамай тепкини босишингиз мумкин эди. Лекин бундай қилмадингиз. Биласизми, нега? Чунки қўрқдингиз. Қалбингизни қийнаётган ички низолар учун бировдан фойдаланишни биласиз, лекин ўзингиз уларни ҳал этишга ожизсиз.

– Бир немис файласуфи шундай деган экан: «Ҳатто Худонинг ҳам ўз жаҳаннами бор, бу унинг инсонларга бўлган Муҳаббатидир». Йўқ, Шантал, мен қўрқоқлик қилганим йўқ. Мен шундай қуроолларни ишлаб чиқиб дунёга сотганманки, уларнинг олдида манови милтиғинг битта ўйинчоқдир. Барча ишни қонуний – ҳукумат рухсати, экспорт ва бошқа солиқларни тўлаган ҳолда амалга оширганман. Севган аёлимга уйланиб, шириндан-шакар иккита қиз кўрганман, ҳаётда менга тегишли нарсаларни талаб қилиб, ундирди олганман.

Доимо қисматидан нолиб юрувчи сендан фарқли ўлароқ, мен эртанги кунга интилиб яшаганман, минглаб қарши бўлган кучлар билан курашганман. Бир жангда ютқазсам, иккинчисида, албатта, ютардим, зеро, инсон қисматида ғолиблик ва мағлубият

ажралмас бутунлик эканини тушунганман. Фақат қўрқоқларнинг қисмати бундан мустасно, чунки улар голиб ҳам бўлмайдилар, мағлуб ҳам.

Бир қанча китоблар ўқиганман, черковга бориб турардим, Худодан қўрқардим, унинг амрига итоат қилардим. Катта бир ташкилотнинг улкан маошга эга раҳбари эдим. Ҳар бир қуроли савдосидан ўз улусимни олардим, аёлим, болаларим, набираларимнинг фаровон ҳаёт кечириши учун етарли маблағга эга эдим, зеро, дунёдаги энг сердаромад бизнес, бу – қуроли савдосидир.

Мен хорижга жўнатилаётган ҳар бир молнинг нақадар муҳимлигини билганим боис уларни ўзим назорат қилардим; қонунбузарликка йўл қўйган айрим ходимларимни ишдан ҳайдаб, ноқонуний савдога чек қўйганман. Менинг қуролим жамиятдаги тартибни сақлаб туриш учун зарур, деб ўйлардим, чунки бусиз тараққиёт ва бунёдкорлик бўлмайди.

Мусофир қизга яқин келиб, унинг елкасидан қучди: у Шанталнинг кўзларида ҳақиқатнигина кўришни истарди.

– Эҳтимол, сен курраи заминда қуроли савдогарларидек ёмон инсонлар бўлмаса керак, деб ўйларсан? Балки бу ҳақиқатдир. Лекин гап шундаки, ибтидоий даврда горларда яшаган аждодларимиз ҳам қуроли ишлатганлар – дастлаб қорин тўйғазиш, кейин эса бошқалар устидан ҳукмронлик қилиш учун. Одамлар деҳқончилик, чорвачилик, дин ва мусиқа пайдо бўлгунига қадар ҳам уларсиз яшаган, лекин қуролисиз бир кун ҳам яшашмаган.

У ердан тошни олди.

– Мана, она табиат бизга икром қилган биринчи қуроли, аждодларимиз илк бор ундан йиртқич ҳайвонлардан ўзларини асраш учун фойдаланганлар. Мана

шу қурол сен ва мени дунёга келишимизга дахлдор авлодлар ҳалқасининг бошида турган аждодимизни ўлимдан асраб қолган. У бўлмаганда гўштхўр ҳайвонлар аждодимизни, унга қўшиб миллионлаб одамларни ямлаб ютган бўларди.

Шамол кучаяр, ёмғир иккиласининг ҳам юзини юварди. Лекин Шантал ва Мусофир бир-бирларидан кўзларини узмай тик турардилар.

– Кўпчилик овчиларни ёмон кўриши, лекин Вискос улар ҳисобидангина кун кўриши мумкин, айримлар буқалар жангини ёқтирмайди, лекин корридадан сўнг буқалар «шарафли» ўлгани учун уларнинг гўштини харид қилишади. Баъзи одамлар қуролсозларни ёмон кўрадилар – лекин ер юзида бирорта қуролланган одам қолмагунча уларга бўлган эҳтиёж сўнмайди. Зеро, биттаси қуролланган бўлса, албатта, иккинчисида ҳам қурол бўлиши шарт, йўқса мувозанат хавfli томонга оғиб кетади.

– Вискосга бунинг нима дахли бор?! – сўради Шантал. – Илоҳий қонунларни бузиш, жиноят, ўғрилиқ, инсон табиатининг моҳияти – буларнинг сиз айтган нарсаларга нима дахли бор? Эзгулик ва Ёвузликнинг-чи?

Бирдан Мусофирнинг нигоҳини заъфаронлик қамради, кўзларида чуқур қайғу пайдо бўлди.

– Дастлаб сенга айтган гапларимни эсла: мен доим қонун юзасидан фаолият олиб борганман ва ўзимни, одамлар таъбири билан айтанда, «интизомли, покиза инсон», деб ҳисоблардим.

Кунларнинг бирида телефон жиринглади. Гўшакдан ҳеч бир ҳиссиётга дахлсиз, майин аёл овози эшитилди. У мени террорчилар номидан хотиним ва қизалоқларим ўғирланганидан хабардор қилди. Оилам эвазига улар мен эгалик қилган кўпгина

қуролларни ва ушбу суҳбатни сир тутишимни талаб қилишди. Бордию талабини қондирсам, оила аъзоларимга зиён етмаслигига ваъда бердилар.

Нотаниш аёл ярим соатдан сўнг вокзалдаги телефон автоматдан қўнғироқ кутишимни айтганча гўшакни қўйди. Шунингдек, у хотиним ва қизларимни ҳеч ким хафа қилмаслигини айтиб хавотирланмаслигимни, электрон почта орқали хориждаги филиалларимиздан бирига фармойиш жўнатишимни қўшимча қилди. Адолат ҳаққи-ҳурмати шуни айтаманки, гап гарчи ноқонуний қурол савдоси ҳақида борсам, агар бу ишни амалга оширган тақдиримда мен ишлаётган компанияда буни ҳеч ким сезмай қолиши ҳам мумкин эди.

Аввало қонунга итоат қилувчи ва унинг паноҳини кўзлаган инсон каби полиция маҳкамасини бу воқеадан хабардор қилдим. Мана шу ондан бошлаб мен ўзи қарор қилиб, унга ўзи шахсан жавоб берадиган журъатли одам эмас, оиласиниям ҳимоя қилолмай-диган арзимас бир шахсга айландим ва атрофим нотаниш кимсалар билан музокаралар олиб борилажак тинимсиз телефон қўнғироқларига қалашиб кетди.

Мен айтилган телефон хонасига кирганимда, қардан қўнғироқ қилинаётганини аниқлаш мақсадида замонавий алламбало жиҳозлар билан қуролланган бир талай мутахассислар ер ости телефон кабелига уландилар. Керакли манзилга етиб бориш учун вертолёт, машиналар, тиш-тирноғигача қуролланган махсус зобитлар шай туришарди.

Бир-биридан олисда ва турли қитъаларда жойлашган давлатлар ҳукуматлари воқеадан хабардор бўлиб, террорчилар билан бирон-бир музокара олиб борилишини тақиқладилар; мендан буйруқни бажариш, мутахассислар уқтиргандек ўзимни тутиш ва керакли гапларни айтиш талаб қилинганди.



Оқшомда асирлар сақланаётган уй ишғол қилинди, улкан сиёсий ташкилотларнинг майда зарралари бўлмиш тажрибасиз ўғрилар – иккита йигит ва бир қиз ўқдан илма-тешик бўлиб кетганди. Лекин бунга қадар жиноятчилар хотиним ва қизларимни ўлдиришга улгуришганди. Яратганнинг яратмишига боғлиқ ўз дўзахи бор экан, оддий одам учун жаҳаннам бир қадам – бу унинг оиласига бўлган муҳаббатидир.

Афтидан Мусофир ҳаяжонини ошкор этмаслик учун жим қотди. Ўзини бироз қўлга олгач, ҳикоясини давом эттирди:

– Полициячилар ҳам, террорчилар ҳам менинг фирмам қурулларидан фойдалангандилар. Заводларимда ишлаб чиқилган қуруллар қай тахлит террорчилар қўлига тушиб қолганини ҳеч ким билмасди. Алқисса, бунинг зиғирча аҳамияти йўқ, муҳими, қурул уларга етиб борганди. Ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ қонунларнинг бирор ҳарфини бузмасликка ҳаракат қилганим билан ҳам, балки кошона ресторанларда овқат маҳали об-ҳаво ва сиёсатдан гап сотиб пуллаган қурулларимдан хотиним ва ширин қизалоқларим нобуд бўлди...

У яна жим бўлди, энди гап бошлаганда Шанталнинг қаршисида аввалги Мусофирдан кескин фарқ қилувчи бошқа одам намоён бўлгандек эди.

– Мен қурул ва ўқ-дориларни яхши тушунганим боис, террорчилар оиламни қандай отиб ўлдирганини ҳам тасаввур қила оламан.

Ўқнинг учи сенинг жимжималоғингдан ҳам кичкина бўлади. У суякка теккач, тўртга бўлинади ва ўз йўлида дуч келган – буйрак, юрак, ўпка – ҳаммасини аёвсиз янчиб боради. Қаттиқроқ жисм, дейлик, суякка теккан қўрғошин бўлаклари ички аъзо ва тўқималарни парчалаган ҳолда ўз йўналишини ўзгартиради. Бу жараён уларнинг инсон баданидан ташқарига йўл

топгунларига қадар давом этади. Танадан очилган ўша тўртта дарчанинг катталиги менинг муштгимдай келади ва ўқнинг кучи шу даражада бўладики, оқибатда инсоннинг ички аъзолари, мушак парчалари, мажақланган суяклари хонанинг ҳар тарафига сачраб кетади.

Бу икки сонияга қолмай юз беради: икки сония оздек туйилиши мумкин, лекин ажалнинг ўз вақт-ҳисоби мавжуд. Мени тушунаётган бўлсанг керак, деб ўйлайман.

Шантал бош силкиди.

– Ўтган йилнинг охирида хизматдан кетдим. Тўрт томоним – қибла, дея дунё кездим, наҳотки инсон шундай ёвузликка қодир бўлса, деган саволлар билан ич-этимни еб, танҳоликда қон-қон йиғладим.

Бу дунёни тираб турган энг муҳим устун – яқинларга бўлган ишонч туйғусидан маҳрум бўлдим. Мен фақат Эзгулик ва Ёвузлик қўлидаги арзимас бир қурол эканимни ваҳший йўл билан менга исбот қилиб берган Тангрининг бу кароматидан ҳам кулардим, ҳам йиғлардим.

Бора-бора раҳм-шафқат туйғусидан мосуво бўлдим, юрагим ириб-чириди, менга яшашнинг ҳам, ўлишнинг ҳам ҳеч қандай мазмун, моҳияти қолмади. Лекин ўлишдан аввал оиламни тутқунликда ушлаб туришган жойда айнан нима содир бўлганини англашим зарур.

Нафрат ёки севги ҳисси билан одам ўлдиришларини тушунаман, лекин ҳеч бир сабабсиз, фақат келишув амалга ошмагани боис, бегуноҳ одамларни қурбон қилишларини тушунолмайман.

Эҳтимол, фикру ёдим сенга кулгили туйилар, ахир ҳар куни одамлар пул учун бир-бирларини ўлдирадидлар, лекин бунинг менга қизиғи йўқ: мен фақат хотиним ва қизларимни ўйлайман. Ўша террорчиларнинг



хаёлидан нималар кечганини билишни хоҳлайман. Бир сония бўлсин, уларнинг қалбида ачиниш пайдо бўлиб, ахир хотиним ва қизалоқларим билан жанг қилишмаётганини тушуниб, уларни қўйиб юборсак-микан, деган тараддуд бўлганми-йўқми, шуларни билишни истайман.

Эзгулик ва Ёвузлик жангида атиги сониянинг ўндан бир қисмида Эзгулик устун келганмикан, шуларни билишни истардим.

– Нега Вискос, нега шаҳримни танладингиз?

– Дунёда ҳеч қандай ҳукумат назоратисиз ҳам қурол ишлаб чиқараётган заводларга қарамай, нега оилам айнан мен ишлаб чиқарган қуроллар қурбони бўлди?

Жавоби оддий: тасодиф туфайли.

Менга ҳамма бир-бирини биладиган ва ҳеч ким бировга ёмонликни раво кўрмайдиган чекка бир қишлоқ керак эди. Юртдошларинг берилажак мукофот нима эканини билганларидан сўнг Эзгулик ва Ёвузлик ўртасида жанг бошланади, оилам қурбон бўлган ўша хонадондаги воқеа энди сенинг шаҳрингга содир бўлади.

Чор атрофдан ишғол бўлгани ва енгилганларини билсалар ҳам террорчилар аҳмоқона анъаналарига содиқ қолиш учун одам ўлдирдилар. Сенинг Вискосинг мен маҳрум бўлган нарса – танлаш имкониятига эга бўлади. Ҳамшаҳарларинг гир-атрофдан ёпирилиб келаётган очкўзлик қуршовида қоладилар, уларнинг пешанасига она шаҳрини асраб қолишдек улкан шараф ёзилганига имон келтирадилар ёки уларнинг асирни ўлдириш ёки тирик қолдиришдек қарорни қабул қилишга лаёқати етарли бўлар. Бори шу: мен бошқа одамларнинг ўша қўллари қонга ботган ўмирлардан фарқли ўлароқ, ўзгача йўл тута олармикан ё йўқ, шуни кўрмоқчиман.

Эсингдами, биринчи учрашувимизда сенга шундай дегандим: «Бир инсон қисмати – бутун инсоният қисматиدير». Бу дунёда раҳм-шафқат бор бўлганида эди, тақдир менинг бошимни ёргани билан бошқаларникини силаши мумкинлигини тушуниб етган бўлардим. Лекин бу туйғуларимни ўзгартиролмайти, оиламни ҳам қайтариб беролмайти, бироқ шунга қарамасдан қадам-бақадам мени таъқиб этаётган Шайтонни йироққа ҳайдаган бўлардим. Режамни синаб кўрмоқчиман.

– Ўғирликка қодирманми ё йўқ, нега буни билмоқчи бўлдингиз?

– Сабаби оддий. Эҳтимол сен жиноятни оғир ва арзимас қисмларга бўларсан. Лекин аслида бундай эмас. Ишончим комилки, ўша террорчилар ҳам шу тарзда дунёни иккига бўлишган: улар одамларни ҳузур-ҳаловат, муҳаббат, нафрат ёки пул учун эмас, ўзлари ишонган шарафли иш учун ўлдираётганларини билганлар. Бордию сен олтинни ўғирлаганимда эди, аввало бу жиноятни ўзинга, кейин менга тушунтириб беришинга тўғри келарди ва шунда мен учун азиз бўлган инсонлар қатлидан қотиллар ўзларини қандай қилиб оқлаганларини тушуниб етардим. Балки сен неча йиллардан бери бўлиб ўтган мудҳиш воқеа сабабларини тушунишга интилаётганимни англагандирсан. Топган жавобим қалбимга таскинлик берармикан, буни билмайман, шунингдек, бу жардан чиқишнинг бошқа йўлини ҳам кўрмайпман.

– Олтинни ўғирлаганимда мени бошқа кўрмасдингиз.

Ярим соатдан бери давом этаётган суҳбат давомида Мусофир биринчи бор жилмайди:

– Қуруллар билан ишлаганимни, демакки, иш фаолиятимга махсус хизматлар кирганини унутма.



Мусофир Шанталдан дарёгача кузатиб қўйишни сўради, йўқса адашиб қолишини айтди. Қиз кейинги пайтлар асаблари таранглашганини ов тинчлантлар, деган баҳонада танишидан олган қўшотар милтиқни яна брезент ғилофга солди, кейин икковлон пастликка қараб юрдилар.

Йўл давомида иккиси ҳам чурқ этмади, дарё ёқасида Мусофир хайрлашди:

– Нега бу ишни пайсалга солаётганингни тушунаман, лекин ортиқ кутолмайман. Шунингдек, ўзингни энгишинг учун мени яхши билишинг керак эди. Энди мени яхши биласан.

Мен – Иблис ҳамроҳлигида Ер юзида тентираб юрган одамман. Ундан қутулиш ёки унга қул бўлиш учун айрим саволларга жавоб топмоғим даркор.

\* \* \*

Жума оқшомида барда ўтирганлар санчқи билан чертилган қадаҳ товуши томонга ўтирилдилар. Шантал Прим хоним ҳамманинг жим бўлишини сўради.

Бир зумда ҳамма ёқ жимжит бўлди. Мижозларга хизмат қилувчи оддийгина қизнинг бундай қилиқни ўзига эп кўриши ҳали Вискос тарихида содир бўлмаганди.

«Эй Худойим, ишқилиб, бирор муҳим гапни гапирсин, – деб хавотирга тушди соҳиба аёл, гарчи бу қизга ғамхўрлик қиламан деб бувисига ваъда берган бўлсам ҳам бугуннинг ўзидаёқ паттасини қўлига тутқазаман».

– Менга қулоқ солинлар, – деб гапини бошлади Шантал ва Мусофирга ишора қилди, – дастлаб меҳмонимиздан бўлак ҳамма биладиган бир ҳикояни, кейин, меҳмонимиздан бўлак ҳеч ким билмайдиган бир воқеани айтиб бераман. Гапим сўнгида дам олиш

куни ҳордиғингизни бузиб тўғри қилдимми ё йўқ – бу қилмишимга ҳукм чиқаришни ўзларингизга ҳавола қиламан.

«Хатарли ишни бошлади бечора қиз, – деб ўйлади Руҳоний. – У биз билмаганни қаерданам биларди. Гарчи унинг ночор, ўксик етим қизлигига қарамай бу қилмишидан сўнг хўжайинидан уни ишдан бўшатмасликка кўндириш мушкул кечадиган бўлди».

«Илло, унчалик қийин бўлмас, дея ўйлашда давом этди Руҳоний. Ҳаммамиз осий бандамиз. Соҳиба икки, уч кун хафа бўлади-да, кейин қизни кечиради. Бутун Вискосни қидирсанг ҳам бу ерда ишлашга рози одамни тополмайсан. Бу иш ёшларники, ёшлар эса шаҳарда қолмаган».

– Шаҳримизнинг бор-йўғи учта кўчаси, Хоч ўрнатилган майдончаси, қабристонга элтувчи бир неча вайрона уй ва черкови бор, – деб гапини бошлади Шантал.

– Бир дақиқа! – Мусофир қизнинг гапини бўлди. У чўнтагидан диктофонни чиқариб, қизнинг олдига қўйди. – Мени Вискосга алоқадор барча нарса қизиқтиради, шунингдек, бирорта сўзингизни ёддан чиқаришни хоҳламайман. Гапларингизни ёзиб олишим сизга халақит бермас, деган умиддаман.

Шантал халал берадими-йўқми, буни билмасди, лекин вақтини зое кетказгиси келмади. Бундан бир неча соат муқаддам у ўзининг қўрқувлари билан курашаётганди, энди эса бор журъатини йиғиб гапира бошлади. Агар яна гапини бўлсалар нима бўлади, бу ёлғиз Худога аён эди.

– Вискосда учта кўча, марказига Хоч ўрнатилган майдонча бор, бир неча уйлар вайрон бўлиб кетган, қолганлари ҳозирча бутун, шунингдек, меҳмонхона момиғига ўрнатилган почта қутиси ва қабристонга туташган черков мавжуд.



Иккинчи уринишда қиз шаҳарга тўлиқроқ таъриф берди, энди у ҳаяжонланмасди.

– Барчамизга маълум, ҳозирда тартиб-интизомли одамлар истиқомат қилаётган бу шаҳар ўтмишда авлиё Савинийнинг буюк халқпарвар Ахавни иймон йўлига киритгунга қадар ва шундан сўнг уни обод этгунча, дайди, қароқчиларнинг макони бўлган.

Лекин бизнинг хорижлик меҳмонимиз Ахавнинг қандай йўл билан ўз режаларини амалга оширганини билмайди. Мана шу ҳақда гапириб бермоқчиман. У бирор кимсага ўз режаларини тушунтирмаган ва бу борада ҳеч вақо қилмаган, зеро, ҳалолликни – заифлик, деб тушуниб унинг ҳукмини тан олмайдиган инсон табиатини яхши тушунган.

У бошқача йўл тутган – қўшни қишлоқдан бир талай дурадгорларни чақириб, уларга бир лойиҳани беради ва ҳозирда Хоч турган майдонга нимадир қурдиришни буюради. Ўн кун давомида шаҳар аҳли болғаларнинг тақиллаши, арраларнинг ғириллашини эшитиб, дурадгорларнинг ходаларни ташиб, уларни рандалаб, михлар қоқаётганига гувоҳ бўладилар. Ва ўн биринчи кун майдон ўртасида усти ғилофланган улкан бир нарса пайдо бўлади. Унинг тантанали очилиш маросимига Ахав бутун Вискос одамларини чақиради.

У ҳеч қандай нутқ сўзламай шунчаки ғилофни тортади ва ҳамма майдон ўртасида савлат тўкиб турган – Дорни кўрадилар. Унга асалари мумийёси суртилган бўлиб, дорга ҳеч қандай қор-ёмғир таъсир қилмасди.

Кўплаб одамларнинг йиғилганидан фойдаланиб Ахав ўз қонунларини ўқиб эшиттиради: бу қонунлар миришкорларни ҳимоя қилиб, чорвадорларни рағбатлантирар, Вискосда янги дўкон ёки устахона очган одамлар учун мукофотлар ваъда қиларди. Ахав гапининг сўнгида бундан кейин одамлар ё ҳалол

меҳнат билан кун кўриши, йўқса бу ерни тарк этишга мажбур бўлишини таъкидлайди.

Ахав бошқа ҳеч нима демаган, кейинчалик бирор марта бўлсин, бу «қурилма»ни тилга олмаган. Чунки у дўқ-пўписанинг таъсирига ишонмайдиган одамлардан эди.

Тантанадан сўнг одамлар бу ҳодисани шарҳлай бошлайдилар. Кўпчилик руҳоний Ахавни алдаган, агар йўлбошчининг аввалги довюраклигидан асар қолмаган экан, энди уни ўлдириш керак, деган қарорга келадилар ва режалар тузиб, уни амалга ошириш йўлларини ахтарадилар. Бироқ улар майдондаги Дорни кўриб беихтиёр «Нега у қурилган?», «Балки янги қонунларни тан олмаганлар учундир?», «Кимлар Ахав томонда, кимлар унга қарши?» – каби саволларга чўмганлар.

Дор одамларга қараб турарди, одамлар – Дорга. Секин-аста қўзғолончилардаги жасурлик ва қатъият ўрнини қўрқув, даҳшат эгаллай бошлайди, зеро, улар Ахавнинг бир сўзли, жазм қилган ишини охиригача етказишдан тоймайдиган инсон эканини тушуна бордилар. Айрим кимсалар шаҳарни тарк этадилар, бошқалари эса борадиган ери йўқлиги сабаб, ўзларига янги иш топадилар. Эҳтимол, бунга, аввало, майдонда қаққайиб турган Ўлим қуроли сабаб бўлгандир.

Вақт ўтиб, Вискосда тинчлик ва фаровонлик ҳукм сура бошлайди. Чегарада жойлашгани боис савдо-сотиқ ишлари гуркираб яшнайти, одамлар олий навли жун ва энг сифатли буғдойларни четга сота бошлайдилар.

Дор ўн йил туради. Унинг ёғочига бирор зиён етмаган, фақат вақти-вақти билан одамлар сиртмоқли арқонни янгилаб туришган. Бу Дордан бирор марта фойдаланилмаган, Ахав эса уни ҳеч қачон тилга олмаган. Унинг ёрдамида ҳукмдор жасурликни –

қўрқувга, ишончни – шубҳага, норозиликни – ризоликка айлантира олган. Вискосда қонун, тартиб мутлақ ўрнатилгандан сўнг, Ахав Дорни буздириб ташлаб, унинг ўрнига Хоч ўрнатишни буюради.

Шантал жим бўлди. Атрофга чўккан сукунатни фақат Мусофирнинг қарсағи бузди:

– Ажойиб ҳикоя, – деди Мусофир. – Ҳақиқатан Ахав инсон табиатини англаш бўйича даҳо бўлган экан: инсонлар жазодан қўрққанлари учунгина қонунга бўйсундилар. Ҳар бир инсоннинг юрагида ўз Дори бор.

– Ана энди, – деди Шантал, – Мусофиримиз илтимосига кўра, майдонда турган Хочни олиб ташлаб, ўрнига бошқа Дорни ўрнатмоқчиман.

– Карлос, – деди ўтирганлардан бири, – меҳмонимизнинг исми Карлос. Одоб юзасидан уни «Мусофир» эмас, ўз исми билан атасанг бўларди.

– Менга унинг исми номаълум. Унинг қайдномадаги маълумотлари ҳам фирт ёлғон. Эслаб кўринг, у бирор марта кредит картасидан фойдаланмади. Биз унинг қаердан келиб, қаёққа кетаётганини ҳам билмаймиз; аэропортга қилган қўнғироғига келсак, бу чалғитишдан бошқа иш эмас.

Одамлар Шанталдан кўзларини узмай ўтирган Мусофирга қарадилар.

– У ҳақиқатни гапирганида сизлар ишонмадингиз, у ростдан ҳам қурол заводида ишлаган, бошидан кўп мусибатларни ўтказган ва ҳаётда меҳрибон ота ҳам, золим ишбилармон ҳам бўлган. Сиз – Вискос одамларига ҳаёт сиз ўйлагандан кўра мураккаброқ ва маънолироқ эканини тушуниш насиб этмаган.

«Ишқилиб, гапларига изоҳ бермаса бўларди», – деб ўйлади меҳмонхона соҳибаси ва Шантал изоҳ беришга ўтди:

– Тўрт кун аввал у менга ўнта олтин ёмбисини кўрсатди. Бу бойлик яқин ўттиз йил ичида одамларимизнинг фаровон яшаши, шаҳарда муҳим ўзгаришлар қилиш, Вискосда эртами-кеч болакайларнинг кулгилари пайдо бўлиши учун хиёбон қуришга етиши мумкин. У олтинларини кўрсатиб, яна ўрмонга кўмиб қўйди. Қаерга кўмганини мен билмайман.

Одамлар яна Мусофирга қарадилар, у қизнинг сўзларини маъқуллаб бош силкиди.

– Бу олтинга вискосликлар эга бўлишлари мумкин, қачонки яқин уч кун ичида орамизда кимдир ўлдирилса. Бу ҳодиса юз бермаса, Мусофир олтинларини олиб Вискосни тарк этади.

Учинчи бор йиғилганлар Мусофирга ўгирилдилар, бу гал ҳам у бош ирғаб қизнинг гапларини маъқуллади.

– Бу қиз табиатан яхши ҳикоянавис экан, – деб Мусофир диктофонни ўчирди ва чўнтагига солиб қўйди.

Шантал ўгирилиб, идишларни ювишга киришди.

Гўёки Вискосда вақт тўхтаб қолгандай – ҳеч ким чурқ этмасди. Фақат сувнинг шилдирашию, биллур шишанинг мрамар тўсиқдан сирпаниши ва олисдаги яланғоч дарахтларни силкитаётган шамолнинг шовқинигина қулоққа чалинарди.

Ўртага чўккан ўлик сукунатни шаҳар ҳоқими бўлди.

– Полицияни чақирамиз.

– Зўр ташаббус, – деди Мусофир, – мен уларга мана бу ёзув тасмасини бераман, бу ерда фақат «бу қиз табиатан яхши ҳикоянавис экан», деган сўзларимгина бор.

– Сиздан илтимос, – деди меҳмонхона соҳибаси, – хонангизга кириб, нарсаларингизни йиғиштиринг-да, зудлик билан шаҳримизни тарк этинг.

– Мен бир ҳафта яшаш учун олдиндан ҳақ тўлаганман ва тўлиқ бир ҳафта тураман, гарчи бунинг учун полиция чақириш зарур бўлсаям.

– Ўша ўлдирилажак инсон сиз бўлиб чиқишингиз хаёлингизга келмадими?

– Албатта, келди. Лекин бунинг менга аҳамияти йўқ. Шуни билингки, бу ҳолда жиноятни сиз содир қилган бўласиз, ваъда қилинган мукофотни эса фақат тушингизда кўрасиз.

Йиғилганлардан дастлаб ёшлар, кейин катталар аста ўринларидан туриб кета бошладилар.

Барда Шантал ва Мусофиргина қолдилар.

Қиз халтасини олиб, пальтосини кийди ва кетаётиб остонада тўхтади:

– Кўп изтироблар чеккансиз, қасос олишни хоҳлайсиз. Юрагингиз тошга айланган, қалбингиз зулмат қаърида. Ҳозир сизни доимо таъқиб қилаётган Иблиснинг қувончи ичига сифмаётган бўлса, ажабмас. Чунки унинг ўйинини бошлаб бердингиз.

– Илтимосимни бажарганинг учун сенга катта раҳмат, шунингдек, Дор ҳақидаги ажойиб ва ҳақгўй ҳикоянг учун ҳам.

– Ўрмонда айрим саволларга жавоб излаётганингизни айтгандингиз, ўйлаб топган режангиздан аёнки, ёвуз қилмишгина тақдирланажак; агар Вискосда ҳеч ким ўлдирилмаса, у ҳолда эзгулик қуруқ мақтовгагина сазовор бўлади. Мақтов билан эса қорин тўймайди, болаларингни боқолмайсан, нураётган шаҳарни ҳам қайта қуролмайсан. Фикри ожизимча, сиз саволингизга жавоб топишни эмас, ўзингиз ишонмоқчи бўлган ҳақиқатга исбот изламоқчисиз. Бу ҳақиқатнинг эса маъноси шундай: бу дунё разолат ботқоғига ботиб бўлган.

Мусофирнинг нигоҳи ўзгарди ва буни Шантал сездди.

– Ростдан ҳам дунё ёвузлик, разолат ботқоғига ботиб кетган экан, унда сиз кечирган фожиа ҳам ўринли, – давом этди қиз. – Демак, хотинингиз ва қизларингиз жудолигига сабр қилиш осон кечади. Агар эзгулик устун келса, гарчи бунинг аксини исботлашга уринсангиз-да, у замон ҳаётингиз жаҳаннам ўтида қоврилади.

Биласизми, Тақдир сизни қопқонга туширган, гарчи бунга нолойиқ бўлсангиз-да. Йўқ, сиз оламнинг нурафшон бўлишини хоҳламайсиз, сиз фақат унинг зулмат қаърига чўкиб кетганига аниқ-тиниқ амин бўлмоқчисиз.

– Нимага шама қиляпсан? – Мусофирнинг овози ундаги ички ҳаяжонни пардалай олмасди.

– Мен шартингиз талаби адолатли бўлишини истайман. Агар уч кундан сўнг Вискосда ҳеч ким ўлдирилмаса, унда шаҳар ўнта олтин ёмбисига эга бўлади. Токи бу одамларнинг илоҳий қонунларни бузмаганликлари учун мукофот бўлсин!

Мусофир кулиб юборди.

– Мен эса бу лаънати ўйинда иштирок этганим учун битта олтин ёмбисини оламан.

– Мен бу қадар аҳмоқ эмасман. Агар шартингга рози бўлсам, ҳозироқ буни одамларга айтиб берасан.

– Тўғри, бунда таваккалчилик бор. Бувимнинг руҳи ва иймоним билан қасам ичаманки, бу ишни қилмайман.

– Бу камлик қилади. Худо қасамингни эшитаётганини, қалбингда эса иймон борлигини ким билади?

– Бундай қилмаслигимни биласиз, чунки ўзим Вискос майдонига яна ўша Дорни тикдим. Айёрлик қилишимни дарҳол фаҳмлайсиз. Айтган тақдиримдаям улар сўзимга ишонмайдилар. Бу «Мана бу олтин сизларга, Мусофир шартига келсак, хоҳланг бажаринг, хоҳланг бажарманг», дейиш билан ба-



робар. Юртдошларим меҳнат билан кун кўришга кўникканлар. Улар шунчаки осмондан пул ёғишига ишонмайдилар.

Мусофир тамаки тутатди, қадаҳда қолганини ичиб, ўрнидан турди. Шантал остонада унинг жавобини кутар, ташқаридан изғирин шамол ёпирилиб кирарди.

– Фирромлик бўлмасин, – деди у, – бари бир билиб оламан. Инсон табиати борасида билимим Ахавникидан кам эмас.

– Шубҳам йўқ. Демак, «ҳа» демоқчимисиз?

Мусофир бу кеча яна бир бор жимгина бош силкиди, розилигини билдирди.

– Яна бир гап: инсонларнинг олий туйғуларига ҳали ишончингиз тўла сўнмаган, йўқса аксини исботлаш учун бу ўйинни бошламаган бўлардингиз.

Шантал эшикни ёпиб, Вискоснинг бўм-бўш кўчасидан юриб кетди. У ҳиқиллаб йиғлар, кўз ёшларини ҳечам тўхтатолмасди. Истакка қарши у ҳам ўйинга аралашиб қолди: атрофни тобора фарқ қилаётган Ёвузликка қарамасдан, бу ўйинда инсонлардаги дину диёнат, меҳр-шафқатга бўлган ишонч учун ўзини, ўзлигини тикди. Энди у ҳеч қачон бировларга Мусофир билан кечган суҳбатини гапириб бермайди, негаки энди қиз бу беллашувда кимлар ғолиб келишини билишни истарди.

Кўчада жин ҳам кўринмасди, лекин қиз пардалар тортилган қоронғи деразалардан Вискоснинг ҳар бир одами уни уйигача кузатиб туришини яхши биларди. Майли, кузатса кузатишсин, бари бир улар бундай зулматда унинг йиғлаётганини кўролмайдилар.

Мусофир тунги аёз бир зум бўлса-да ичидаги Шайтон овозини ўчиришини хоҳлаб, хона деразасини очиб ташлади.

\* \* \*

Мусофир кутганидек бундан наф чиқмади, чунки яқиндагина Шантал билан бўлган суҳбатидан Иблиси айюҳаннос солгани эшитиларди.

У неча йиллардан бери биринчи бор Иблиснинг бўшашганини, айрим пайтлар вужудини тарк этганини сизди. Лекин Иблис тез орада ҳорғин ҳам, жўшқин ҳам бўлмаган аҳволда қайтиб келарди. У Мусофир миясининг онг ва мантиққа масъул чап яримшарига жойлашиб олганди, бироқ бирор марта бўлсин итоаткори кўз олдида гавдаланмаганди. Шунинг учун Мусофир ичидаги Иблисни тасаввур қилиб кўрарди, холос. Унинг тасаввурида Иблис минг хил алпозда – ҳали ундоқ, ҳали бундоқ, энг оддийси шохли, думли Шайтондан тортиб – сочлари узун оқбадан қиз қиёфасида намоён бўларди.

Мусофир охир-оқибат уни йигирма ёшдан ошган, тим қора сочли, зулмат ранг шим ва бошига хиёл букилган бош кийим кийиб олган йигит тимсолида тасаввур қилишни маъқул топди.

У ишлардан бўшаб, биринчи бор оролга борганди, Иблиснинг овозини эшитганди. Ўшанда у денгиз соҳилида унсиз йиғлар, бор идроки билан ўзини бу изтиробларнинг бир кунмас бир кун тугашига ишонтирмоқчи бўлганди. Шу дам Мусофир ботаётган қуёшни кўрди – умрида бундан-да гўзал манзарага дуч келмаганди. Унинг қалбида яна алам, ўкинч тўфони кўтарилиб, уни тубсиз жарлик ёқасига келтирди: бундай гўзал манзарани хотини ва қизалоқлари ҳам кўришса бўларди-ку, улар бунга арзийдиган инсонлар эди-ку?!

Мусофир золим тақдир улоқтирган бу тубсиз жарликдан чиқолмаслигини ҳис қилиб, уввос солиб йиғлади.



Шу пайт дўстона овоз унинг ёлғиз эмаслиги, ҳаётида содир бўлган барча воқеалар зоҳирий бир маъно важдан бўлгани, маънонинг моҳияти эса ҳар ким пешанасига ёзилганини кўришдан иборат экани, инсон ҳар қанча чиранмасин фожиадан қочиб қутулмаслиги, у қадам-бақадам Ёвузликка элтувчи йўлни ўзгартиролмаслигини уқтирди.

«Эзгулик – мутлақ йўқ нарса. Яхшилик, бу – қўрқувнинг битта кўриниши, холос, – деган овозни эшитди у. – Буларни тушунган инсонга бу дунё фақат Худонинг кўнгилхушлик ўйинчоғи экани аён бўлади».

Шундан сўнг овоз кимга тегишли экани, овознинг Эгаси бу оламга ҳукмрон бўлиб, фақат угина дунёда нималар содир бўлишига оид барча илмлар соҳиби эканини айтди ва Мусофирни соҳилдаги одамлар қисматидан хабардор қила бошлади:

– Болаларининг кийинишига кўмаклашаётган бу ибратли ота – котибаси билан дон олишишни хоҳлайди, лекин хотинининг ғазабидан ҳайиқади.

Бу хотин ишлаб, мустақил бўлгиси бор, лекин эридан чўчийди. Мана унинг ўзларини одобли тутаётган болалари, аслида улар жазодан қўрққанлари учун ҳам ўзларини шундай тутишга мажбур қиладилар.

Соябон остида ёлғиз китоб ўқиб ётган ҳув анави қиз ўзини бамайлихотир қилиб кўрсатмоқда, лекин у бир умр ёлғиз қолиб кетишдан қўрқади.

Теннис ракеткасини ушлаб олган мана бу йигит эса ота-онасининг ишончини оқлолмасликдан жуда хавф сезади.

Бой мижозларга тропик коктейл улашаётган ушбу официант исталган вақтда ишдан бўшатиб юборишларидан қўрқади.

Бу талаба қиз эса, аслида раққоса бўлишни орзу қиларди, лекин қўни-қўшниларининг ғийбат,

миш-мишларидан қўрқиб, адвокат бўлишга тайёр-ланяпти.

Ичиш ва чекиш жонига текганидан ташлаганини валдираб юрувчи бу оқсоқол, аслида ўлимдан ўлгудек қўрқади.

Мана – денгиз тўлқинлари сувини сачратиб кули-шаётган ёш эр-хотин – аслида уларни пайти келиб қариб, заиф бўлиб қолишдек овозсиз қўрқув ичлари-ни кемирмоқда.

Мана, ҳамманинг олдида қиммат автомобилени кўз-кўз қилишни яхши кўрадиган жаноб кимгадир қўлини силкитиб, кулиб турибди, аслида яқин орада содир бўлажак инқироздан юраги така-пука.

Бу эса ўзи ҳам тинмай, ўзгаларга ҳам тинчлик бермайдиган меҳмонхона эгаси, барчанинг қувноқ ва мамнун бўлиши учун бу жаннатмаконни кўздан кечирмоқда – аслида унинг қалбини даҳшат қамраган, чунки қанчалик ҳалол, пок иш юритмасин, агар амалдорлар хоҳлаб қолсалар, унинг ҳисоб-китоб ҳужжатларида исталганча камчилик ва хатолар топилишини аниқ билади.

Ажойиб соҳил, гўзал оқшом, бу гўзалликдан дил яйрайди, лекин бу ердаги ҳар бир одамнинг дили-да қўрқув, даҳшат яширинган: ёлғизлик қўрқуви, жунбишга келган тасавурдаги Иблисларга тўлиб кетажак зулмат даҳшати, ёзилган ва ёзилмаган одоб қоидаларини бузиб қўйиш қўрқуви, одамлар қарғи-шидан қўрқиш, хатоингни кечирмайдиган қонунлар олдидаги қўрқув, таваккалчиликдан, бор-бурдиндан ажралиш қўрқуви, бойиб атрофдагилар ҳасадини уйғотиш қўрқуви, севиб-севилмаслик қўрқуви, мао-шингни оширишларини сўраганиндаги қўрқув, таклифнома олиш, бегона юртларга бориш, чет тили-да тушунтиролмаслик, керакли таассурот қолдирил-маслик қўрқувлари, қариш, жон бериш қўрқувлари,

камчиликларингнинг фош бўлиши, иқтидоринг беэътибор қолиб кетиши олдидаги қўрқувлар, яхши фазилат ҳамда нуқсонларинг билан четда қолиб кетиш қўрқуви... ва бунинг ниҳояси йўқ.

Қўрқув, қўрқув, қўрқув. Ҳаёт фақат қўрқув ва хавф панасида одимлаб боради.

«Булар сени бироз бўлса-да тинчлантирар, деган умиддаман, – деган Иблиснинг овозини эшитди Мусофир. – Даҳшат исканжасида яшаётган биргина сен эмас, ҳамма шундай яшайди. Бошқалардан фарқинг – сен энг қийин чиғириқдан ўтиб олдинг: ҳаммасидан энг қўрққан нарсанг ҳаётингда юз берди. Йўқотадиганинг қолмади, бошқалар эса доим даҳшатни ҳис қилиб яшайдилар; айримлари буни тушунади, бошқалари эса бунга эътибор қилмайдилар, лекин ҳар бир одам даҳшат ёнгинасида турганини, пайти келиб маҳв этилишини билади».

Ҳолбуки бунга ишониш қийин бўлса-да, лекин гўё ўзгалар ҳасратидан даъво топаётгандек Мусофир бу гаплардан анча енгил тортди.

Ўша кундан бошлаб Шайтон унинг доимий ҳамроҳига айланди. Бу ҳол икки йил давом этди. Мусофир Иблиснинг бутун вужудини эгаллаб олганидан на хурсанд бўлди, на ғамга чўкди. Янги ҳамроҳига кўникиб бораркан, у Иблисдан Ёвузлик табиати ҳақида сўрашга кўп уринди, лекин бирор марта аниқ жавоб ололмади.

«Не сабабдан мавжудлигимни англаш бесамардир? Наинки сен тушунишни истар экансан, у ҳолда ўзингга ўзинг айтишинг мумкин: мен маҳзун лаҳзада борлиқни яратишга қарор қилган Худонинг ўзига берган жазосидирман».

Шайтон ўзи ҳақида гапиришдан қочаркан, Мусофир қиёмат куни ҳақида маълумотларни излашга киришди. У деярли барча муқаддас диний китоб-

ларда ҳаётлигида жамиятга қарши жиноят қилган кимсаларнинг руҳи «жазо макони»га юборилишини билди. Ҳа, айнан жамиятга, шахсга қарши эмас. Айрим китобларда ёзилишича, инсон танасини тарк этган Руҳ дарёдан ўтади, итга дуч келиб, бир эшикка киради ва у ердан ҳеч қачон қайтиб чиқмайди. Маъитни эса қабрга кўмадилар, шунинг учун унинг Руҳи жазоланажак жой – ер остидаги зулмат маскани, деб аталади. Вулқоннинг отилиши одамларнинг ер қаъридаги Мангу оловнинг гуноҳкор руҳларни ямлаётганидан дарак, деб тасаввур қилишга туртки бўлган.

Мусофир арабча китобларнинг бирида охирадаги азобларнинг ажойиб тафсилотларига дуч келди: инсон вужудини тарк этган Руҳ қилдан ҳам ингичка кўприк устидан ўтишга маҳкум бўлади (бу кўприкнинг қайга бориши китобда ёзилмаган). Унинг ўнг тарафида жаннат, чап томонида эса ер қаърига элтувчи доира йўллар ястаниб ётади. Гуноҳкор ўнг қўлида қилган яхшиликларини, чап қўлида гуноҳларини кўтариб кўприкдан юради. Фоний дунёдаги қайси ишининг юки оғир келса, у шу томонга қулайди.

Исо таълимотларида эса йиғи ва тишлар ғичирлаши эшитилиб турадиган жой тасвирланган.

Мусовийликда эса – маълум сондаги руҳларни сиғдира оладиган ер ости ғори ҳақида ёзилган. Дўзах тўлиб кетган кун қиёмат бошланади.

Ислом дини жаҳаннамни гуноҳкорлар жазоландиган оловли жой, деб таърифлайди.

Ҳиндларда жаҳаннам мангу азоб маскани бўлмайди. Бу дин вакиллари маълум вақтдан сўнг инсон Руҳи қилган гуноҳларини ювиш учун ўша ерда, яъни ер юзида қайтадан туғилишига ишонадилар. Шунга қарамасдан улар динида нариги дунёнинг 21 хил азоблари тасвирланган, уларнинг ҳар бирига «ер

ости ўлкаси» деб аталувчи маълум жойлар бириктирилган.

Буддавийликда ҳам у дунёдаги азоблар турларга бўлинган: унда саккизта олов ва саккизта муз жаҳаннам мавжуд, бундан ташқари гуноҳкор учун на совуқ, на иссиқни сезадиган, аммо мангу очлик ва ташналикка маҳкум этиладиган макон борлиги айтиб ўтилган.

Бироқ ихтирода ҳеч бири хитойликларга тенг келолмайдилар: улар жаҳаннамни ер остида деб ўйлаганларга қарши ўлароқ, гуноҳкор бандаларнинг руҳи Кичик Темир Қўрғон деб аталувчи тоққа равона бўлишини ёзадилар. У ер эса Катта Темир Қўрғон билан ўралган бўлади. Уларнинг ўртасида саккизта дўзах жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўн олти кичик дўзахларни бошқаради, ўз навбатида ҳар бир кичик дўзахнинг қўл остида ўн миллион дўзах мавжуд бўлади. Шунингдек, хитойликлар беҳисоб инс-жинслар тўдаси жазосини ўтаб бўлган гуноҳкорлардан ташкил топишига ишонадилар.

Шундай қилиб, Ёвузликни ўзларида синаб кўриб, уларни бировга соқит қилиш орқали мангу жазо ҳалқасини яратган хитойликларгина Иблиснинг келиб чиқиши ва табиатини ишончли ифодалаб берганлар.

«Балки менда ҳам шу жараён кетаётгандир», – деди Мусофир ўзига-ўзи Шанталнинг сўзларини хотирлар экан. Иблис унинг гапини эшитиб қолди, не азоблар эвазига ишғол қилган ҳудудининг бир қисмидан жудо бўлганини англади. Бой берилган вужуд қисмини қайтаришнинг битта йўли қолган – у ҳам бўлса Мусофир қалбида шубҳа пайдо бўлишига йўл қўймаслик лозим.

«Ҳа, сен шубҳадасан, – деди Иблис, лекин бари бир қўрқув қолади. Дор ҳақидаги ҳикоя яхши, у ҳаммаси-

ни тушунтириб беради: қўрқув бор эканки, одамлар эзгуликка қодир, лекин улар табиатан ёвузликка мойил ва уларнинг ҳаммаси – менинг зурриёдларим».

Мусофир совуқдан титрар, бироқ ойнани ёпишга журъат қилолмади.

– О, Худойим, берган азобингга лойиқ гуноҳ қилмагандим, гарчи бу савдони менга маъқул кўрибсан, у ҳолда мен ҳам уни бошқаларга раво кўришим мумкин. Бу адолатдан бўлади.

Иблис қўрқиб кетди, лекин жим бўлди, чунки ўзининг ҳам қўрқаётганини билдиргиси келмади. Унинг итоаткор қули гуноҳга ботиб, ўз қилмишини оқламоқчи бўляпти. Мана икки йилдан бери Иблис биринчи бор Мусофирнинг кўкка илтижо қилганини кўрди.

Бу – ёмон аломат.

Нон ташувчи машинанинг овозини эшитган Шанталнинг хаёлига келган биринчи ўй шу бўлди: «Бу – яхшилик аломати».

Вискосдаги ҳаёт бир тартибда кечарди: одамлар уйларидан чиқиб, нон сотиб оладилар, ҳали олдинда шанба, якшанба кунлари турибди, бу вақт мобайнида улар Мусофирнинг соғлом одам ақлига сиғмас таклифини муҳокама қиладилар, душанба куни келгач, беармон келгиндининг шаҳарни шармандаларча тарк этишини кузатгани тўпланадилар.

Ана шунда Шантал ҳамшаҳарларига Мусофир билан қандай баҳс бойлагани ва ютиб чиққанини гапириб беради. Қиз бу жангда одамларнинг ғолиб чиқиб, бойиб кетганларини маълум қилади.

Йўқ, албатта, одамлар уни Савиний каби авлиёлар қаторига киритишмайди, лекин ўн йиллар давомида қизни шаҳарни Ёвузликнинг иккинчи ҳамласидан халос қилган инсон сифатида эслайдилар; эҳтимол, одамлар у ҳақда афсоналар тўқиб, болаларига айтиб





беришар – бор экан-да йўқ экан, оч экан-да тўқ экан, Вискос деган шаҳарда Шантал исмли бир қиз яшаган экан. У одобли, хушрўй бўлиб, Вискосни тарк этган ёшлардан фақат угина тақдирига битилган Эзгу ишларни амалга ошириш учун шу жойда қолган экан.

Қари кампирлар унинг руҳини шод қилиш мақсадида шамлар ёқишади, бўй йигитлар эса бу қаҳрамон қизни кўролмаганларидан ҳасрат доғида қовриладилар.

Қалби ғурурга тўлган Шантал бирдан ўзига тегилши олтин ҳақида бировларга гуллаб қўймаслиги зарурлигини элади, йўқса одамлар бу бойликни бўлишмасанг, сени авлиё атаб бўлмайди, дея уни кўндиришлари мумкин.

Нима бўлгандаям қиз Мусофирнинг имонини сақлаб қолишига ёрдам беради, албатта, бунини у дунёда сўроқ пайти яратган Тангри инобатга олади.

Шантални Мусофир тақдири унчалик ҳам қизиқтирмасди ва мана шу икки куннинг тезроқ ўтишини орзу қилди, чунки унинг сир сақлашдан тоқати тоқ бўлаётганди.

Вискос аҳли бошқа шаҳарликлардан кам ҳам эмасди, ортиқ ҳам, бироқ қиз бир нарсага мутлақ ишонарди – қотиллик қилиш уларнинг қўлидан келмайди.

Олтин ҳақидаги гаплардан ҳамма хабардор бир пайтда ҳеч ким ўзбошимча ташаббус кўрсатолмайди; биринчидан, мукофот барчага тенг тақсимланади, Шантал эса ўзганинг улушини ўзлаштиришга журъат қиладиган бирорта кимсани билмайди, иккинчидан, агар одамлар қотилликка жазм қилсалар, бунга Шантал бир сония ҳам ишонмайди, у ҳолда қотилликда Вискоснинг ҳар бир одами иштирок этиши лозим, албатта танланган қурбон бундан мустасно бўлади. Агар бунга биргина одам қарши бўлса, ҳеч

ким қолмаган тақдирда бу одам унинг ўзи бўлади – вискосликларнинг ҳаммаси қотилликда айбланиб, қамоққа олинадилар. Қамоқда бадавлат бўлгандан кўра, эркинликда қашшоқ ва ҳақсўз бўлган афзал.

Зинадан тушаётиб қиз, ҳатто учта кўчаси бор шаҳар ҳокимлигига ўтказилган сайлов ҳам жўшқин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб, одамларни турли фирқаларга бўлиб ташлаганини эслади. Шаҳарнинг қуйи қисмида болалар хиёбонини қуриш ғояси пайдо бўлганда одамлар шундай тортишиб кетдиларки, оқибатда қурилиш бошланмасидан тўхтаб қолди, айримлар Вискосда болаларнинг ўзи йўқлигини рўкач қилса, бошқалари хиёбон қурилгач, таътилга келган ёш ота-оналар буни кўриб, болаларини ота юртига қайтариб кела бошлайдилар, деб ҳисоблашган.

Бу ерда исталган мавзуда баҳс бошланиб кетиши мумкин – нон сифати, қушларни отишга рухсат берадиган лицензияларнинг нархи қанча бўлиши, лаънати бўри борми-йўқми, кампиршо Берганинг ғалати одатлари, Шантал Примнинг айрим меҳмонлар билан алоқаси ҳақида. Тўғри, бу борада қизнинг ўзига гапиришга ҳеч кимнинг юраги довламади.

Шантал умрида биринчи бор Вискосда энг муҳим мавқени эгаллаган одамдек нон машинасининг олдига келди. Бугунга қадар у ҳимоясиз қолган етим қиз, официант ва фаррош, жуфтини излаётган арзимас кимса бўлиб келганди.

Икки кун ўтсин – ҳамма унинг оёғини ўпади, ундаги сахийлик ва олиҳимматликни олқишлайдилар, ким билсин, балки келаётган шаҳар ҳокимлигига ўтказиладиган сайловда унинг номзодини кўрсатишар.

Фургон олдига йиғилган одамлар жимгина нон сотиб олардилар. Ҳамма Шанталга қаради, лекин ҳеч ким чурқ демади.

– Вискосингизга нима бўлди, ахир? – деди ҳайдовчи. – Биров ўлиб қолдимми?

– Йўқ, – деди нонга келган темирчи, гарчи у шанба куни узоқроқ мизғиб олиши мумкин бўлсаям, эрта турганди. – Шунчаки ичимизда кимдир ўзини ёмон тутяпти ва бу бизни хавотирга соляпти.

Шантал нима бўлаётганини тушунмай турарди.

– Нега қаққайиб турибсан, керагини олсанг-чи, – қиз кимнингдир овозини эшитди. – Ҳайдовчи шошилиб турибди.

Қиз тезда пулни узатиб, нонни олди. Фургон ҳайдовчиси нима бўлаётганини тушунмай елка қисиб қўйди, қизга қайтимини бергач, жўнаб қетди.

– Ана энди сизлардан сўрайман, Вискосингизда нималар бўляпти ўзи? – деди қиз одоб изн бермаган оҳангда бақириб.

– Нималар бўлаётганини ўзинг яхши биласан, – деди темирчи. – Пул учун бизларни жиноят қилишга тақаяпсан.

– Сизларни ҳеч қаёққа тақаётганим йўқ! Мен фақат Мусофир сўраган нарсани қилдим. Нима бало, ҳаммангиз ақлдан озганмисизлар?!

– Кўриниб турибдики, ақлдан озган – сенсан. Бу телбанинг топшириғини бажаришга қандай ҳаддинг сиғди? Сенга нима кераги бор? Бундан нима ютдинг? Шаҳримиз Ахав гувоҳ бўлган жаҳаннамга айланишини хоҳлайсанми? Сен ор-номусингни йўқотибсан!

Шантал қалтирарди.

– Йўқ, кўриб турибманки, ҳаммангиз ақлдан озибсизлар! Наҳотки, ичингизда кимдир бу баҳсни жиддий қабул қилган бўлса?!

– Қизни холи қолдиринглар, – деди меҳмонхона соҳибаси, – нонуштага қаҳва дамлашимиз керак.

Одамлар аста-секин тарқалишди. Шантал нонни қучоқлаганча дағ-дағ титрар, ўрнидан жилишга ҳам

мажоли қолмаганди. Турли сабаблар билан мудом тортишиб юрадиган ҳамшаҳарлари бугун биринчи бор уни айбдор санаб, битта қарорга келдилар! На Мусофир ва на баҳс, йўқ, фақат Шанталгина уларни жиноятга тақайтган эмиш. Балки, дунё ақлдан озгандир?!

Қиз нонни эшигининг тагида қолдириб, шаҳарни тарк этганча тоғлар томон йўл олди. Унинг на егиси, на ичгиси келарди. Ҳеч нарсани хоҳламасди. Бирдан муҳим нарсани англаб етди ва англагани юрагини даҳшат, саросимага тўлдирди.

Нон сотувчисига ҳеч ким ҳеч нарса демаганди.

Бундай воқеани ажабланиб ёки кулиб муҳокама қилсаям бўларди, лекин нон ташувчи Вискосда нима бўлаётганидан беҳабар қолди. Гарчи барда бўлиб ўтган гаплардан ҳамма хабардор эса-да, бугун одамлар илк бор бир ёқадан бош чиқариб уни ётлардан сир тутишга қарор қилдилар. Улар англамаган ҳолда сукут сақлашга тил бириктирдилар. Эҳтимол уларнинг ҳар бири ақлга сиғмас нарсани тасаввур қилиб, имконсиз нарсага имкон қидиргандир.

Берта қизни олдига чақирди. Кампир ўша-ўша шаҳар ҳаётини бекорчиликдан кузатиб ўтирарди. Кузатувнинг бефойдалиги шунда эдики, тасаввурдиган ҳам хавфлироқ хатар Вискосга кириб бўлганди.

– Гаплашгим келмаяпти, – деди Шантал, – на ўйлашга, на ҳаракат қилишга, на бирор нарса дейишга мадорим қолган.

– Унда ёнимда ўтиргин-да, қулоқ сол.

Эрталабдан бери қизга дуч келганлар ичида фақат Бертагина уни тушунгандай муомалада бўлди. Қиз ўтирибгина қолмай, кампирни қучоқлади. Бир неча дақиқа улар шу алпозда ўтирдилар, сўнг кампир орадаги сукутни бузди:

– Ўрмонга бориб, соғлом идрок қилиш учун, тинч-ланиб ол. Ўзинг яхши тушуниб турибсан – гап сенда эмас. Улар буни тушунишади, лекин уларга айбдор керак.

– Бу – Мусофир!

– Иккимиз унинг қандайлигини яхши биламиз. Фақат биз, бошқа ҳеч ким. Одамлар ўзларига нисбатан хоинлик қилинганига ишонишни истайдилар, чунки уларга бу ҳақда олдинроқ айтиб беришинг керак эди. Лекин сен уларга ишонмагансан.

– Хоинлик қилинган?

– Худди шундай.

– Нега бунга ишончлари комил?

– Ўзинг бир ўйлаб кўр.

Шантал ўйга чўмди. Уларга барча айбни ағдариш учун бир одам керак, мана шу одам – бўлажак қурбон бўлади.

– Билмадим, бу савдо нима билан тугаркан, – деди кампир. – Шаҳримизда батартиб одамлар яшайди, лекин сен айтгандек, улар – қўрқоқ, шунинг учун маълум вақтгача бу ердан узоқроқ жойларга кетсанг яхши бўларди.

Қария балки ҳазиллашаётгандир – ким ҳам Мусофирнинг таклифига кўнардир? Ҳеч ким. Бундан ташқари Шанталнинг борадиган жойи ҳам, пули ҳам йўқ. Нега йўқ бўлсин? Ўрмонда уни интиқлик билан кутиб турган олтин-чи? Унинг ёрдамида дунёнинг истаган ерига кетишинг мумкин.

Лекин Шанталнинг бу ҳақда ўйлагиси келмади. Шу пайтнинг ўзида тақдир тақозоси билан тоққа йўл олган Мусофир уларнинг ёнидан ўтиб қолди.

Мусофир уларга яқинлашгач, жимгина бош чайқаб саломлашди-да, йўлида давом этди. Берта диққат билан уни кузатиб ўтирар, Шантал эса саломлашишганини бировлар кўрмадимикан, дея атрофга

назар солди. Одамларнинг қиз Мусофир билан тил бириктириб, махфий имо-ишоралар билан гаплашадди, дейишларини Шантал хоҳламасди.

– Бугун негадир унинг авзойи бузуқ, – деди Берта.

– Эҳтимол, ҳазил тариқасида бошлаган ўйини зил кетаётганини англагандир.

– Йўқ, йўқ, бу ерда бошқа гап борга ўхшайди. Тушунолмадим, лекин... менимча... ақлимга сиғди-ролмаяман.

«Эрим буни билиши керак», – деб ўйлади кампир чап томонида пайдо бўлган хавотирнинг узоқ туриб қолганини ҳис қиларкан. Лекин ҳозир эри билан гаплашишнинг мавриди эмас.

– Мен Ахавни эсладим, – деди Берта.

– На Ахав, на бошқасини эшитишни хоҳлайман! Мен фақат бир нарсани – яхшими-ёмонми Вискос битта телба одамнинг режасидан ҳалок бўлишини хоҳламайман.

– Менимча, шаҳримизни надақар севишингни ўзинг ҳам билмайсан.

Шантални яна титроқ босди, у кампирни қучоқлаб елкасига бошини қўйди. Берта бефарзанд бўлса-да, Шантални гўё ўз қизидай бошини силади.

– Ахав одамларга жаннат ва дўзах таърифини айтиб берган, бу қисса авлодлардан-авлодларга ўтиб келган, бироқ ҳозирда унут бўлган.

Бир куни йўлда одам, унинг оти, ити кетиб бораркан. Улар бир улкан дарахт олдидан ўтаётганларида, дарахтга чақмоқ тегиб ёниб кетибди ва қулаб, ўша уч жонзотнинг ҳаётига зомин бўлибди. Бироқ инсон бу дунёни тарк этганини фаҳмламай, от ва ити билан йўлида давом этибди. Баъзида марҳумлар учун рихлатни англашларига биров вақт керак бўлади.

Берта бирибир эрини ўйларди, у эса қизни ушлаб турмасликни, кампирида муҳим гапи борлигини

айтиб безовталанарди. Кампир чолининг аллақачон ўлиб кетгани, шунинг учун унга бировнинг гапини бўлмаслик кераклигини тушунтириб қўйишнинг вақти келмадимикан, деб ўйлади.

– Улар узоқ йўл юриб, жазирама қуёш ва чанқоқдан азоб чекишибди. Бирдан муюлишда мрамарли Кўшк, унинг ортида эса соф олтин билан қопланган майдон пайдо бўлибди. Майдон ўртасидаги фавворадан муздек зилол сувлар оқармиш. Йўловчи у ерни қўриқлаб турган соқчига яқинлашибди.

– Ассалому алайкум.

– Ва алайкум ассалом.

– Бу ажойиб манзилнинг номи нима?

– Бу – Жаннат.

– Жаннатга етиб келганимизга шукр, биз чанқанмиз.

– Кириб хоҳлаганча сувдан ичишинг мумкин, – дебди соқчи.

– Лекин менинг отим ва итим ҳам чанқоқдан азоб чекишяпти.

– Афсус, – дебди у, – бу ерга ҳайвонларнинг кириши мумкин эмас.

Йўловчи бундан хафа бўлибди, чунки сувсизликдан тинкаси қуриган экан, лекин бир ўзи чанқоғини қондиришни хоҳламай, соқчига раҳмат айтиб, йўлида давом этибди. Улар қир ёқалаб узоқ йўл юришибди ва барчасининг мадори қурибди. Шунда иқболига эски ёғочли деворлар билан ўралган бир қишлоқ пайдо бўлибди. Девор ортидан икки четига дарахтлар экилган бир йўл ястаниб ётармиш. Дарахт соясида бир одам ухлаб ётган экан.

– Салом, – дебди йўловчи.

Нотаниш жимгина бош силкибди.

– Мен, отим, итим – ҳаммамизнинг чанқоқдан мадоримиз қуриган.

– Ҳув, анави тошлар ортида чашма бор, тўйгуни-  
гизча ичиб олинглар.

Йўловчи, от ва ит тўйгунларича сувдан ичибдилар.  
Йўловчи миннатдорчилик билдириш учун ҳалиги  
одамнинг олдига келибди.

– Хоҳлаганингизда келиб, сув ичиб кетинг. Биз  
фақат хурсанд бўламиз, – дебди нотаниш кимса.

– Бу ер қандай номланади?

– Жаннат.

– Жаннат? Мармар Кўшк соқчиси у ерни жаннат  
деганди.

– Йўқ, у ер жаннат эмас, дўзах.

– Нега уларга жойларини бошқа ном билан аташ-  
ларига йўл қўйиб беряпсизлар? – деб ҳайрон бўлиб-  
ди йўловчи. – Ахир бу ёлғон одамларни ҳақ йўлган  
адаштириши мумкин-ку?

– Ҳеч қачон. Аслида улар бизга катта ёрдам қил-  
яптилар, зеро уларнинг маконида содиқ дўстларига  
хиёнат қилишга қодир кимсаларгина қолиб кетади.

Бу маконда Ўзгулик ва Ёвузлик тинмай олишаёт-  
ганини сезгандек, Берта қизнинг бошини силарди. У  
Шанталга ўрмонга бориб, шаҳар қай томонга бори-  
ши лозимлигини она Табиатдан сўрашни маслаҳат  
берди.

– Илло, бу тоғларга туташиб кетган жаннатимиз  
ҳам содиқ дўстига хиёнат қилишга тайёр турганини  
юрақдан ҳис қилиб турибман.

– Йўқ, Берта, сен янглишяпсан. Сен – бошқа авлод  
вакилисан, томирингда қачонлардир Вискосни ма-  
кон қилган золимларнинг қони бор, менда эса улар  
аралашиб кетган. Бу ерлик одамларда ғурур бор.  
Ғурур кетса, унинг ўрнини ишончсизлик эгаллайди,  
ишончсизликдан кейинги манзил қўрқув бўлади.

– Майли, мен адашаётган бўлай. Лекин сен айт-  
ганимни қил – Табиат овозига қулоқ сол.





Шантал кетганидан сўнг, Берта эрининг арвоғига юзланиб, қиз ақлини пешлаш учун унга маслаҳат бераётган бир пайтда одамнинг гапини бўлиш ёш эмас, кимсан, кап-катга оқсоқолга ярашмаслигини айтди, чолидан ўзини босиб олишини сўради.

Кампир ўзини қандай ҳимоя қилишни билади, энди Вискосни асраш вақти келган.

Кампирнинг эри эса эҳтиёт бўлиш зарарлиги, Шанталга кўп маслаҳат бермаслик лозимлигини айтди, чунки бу воқеанинг нима билан тугаши ҳеч кимга маълум эмас.

Ўликлар ҳамма нарсани билишади, деб ўйлаган Берта ҳайрон қолди, ахир эрининг ўзи яқинлашиб келаётган хатардан огоҳлантирган эди-ку? Эҳтимол чолининг мияси айниб қолгандир, шўрвани фақат битта қошиқда ичишдан бўлак, яна бирор ҳунар чиқарган бўлса ажабмас.

Чоли эса кампирининг ўзи қариб қолганини, ўлганларнинг ёши ўзгармаслигини уқтирди. У яна ўзининг тириклар билмайдиган айрим нарсалардан хабардор бўла олишини, бунга бирдан эмас, маълум вақт ўтгандан сўнг – фаришталар қароргоҳига боргандан кейингина муваффақ бўлишини айтди. Шунингдек, марҳум чол ҳаётни тарк этганига эндигина ўн беш йил бўлгани боис, гарчи оз мунча наф келтиролса-да, ҳали олдинда кўп нарсаларни ўрганиши, англаши зарурлигини айтиб берди.

Берта фаришталар макони қандай бўлишига қизиқиб қолди. Бунга жавобан эри – тентакликни бас қилишни, бор кучни Вискосни асраб қолишга сарфлаш кераклигини уқтирди.

Аслида бу иш чолини кўпам қизиқтирмасди, чунки у аллақачон фоний дунёни тарк этган, бошқа вужудда оламга қайтиш масаласи эса (юқорида бу борада айрим мулоҳазалар юритилган бўлса-да) жиддий

муҳокама қилинмаганди. Агар бошқа танда қайта тирилиш (реинкарнация) мумкин бўлганида эди, чол янги ҳаётни бошқа номаълум жойдан бошлашни афзал кўрарди. Шунинг учун у кампирининг қолган умрини тинч ва осуда кечирिशини хоҳларди.

«Бундан хавотир олмасанг ҳам бўлади», – деб ўйлади кампир. Лекин эри унинг гапини тушунмади: қоққан қозиқдек ўтирмай, ҳаракат қилиш керак, деди. Ёвузлик атиги учта кўча, майдон ва черкови бор кичкина бир шаҳарни мағлуб этса, бундан кейин у кучайиб, бутун водийни, мамлакатни, қитъаларни, денгизларни ва жумлаи жаҳонни забт этиши мумкин.

Вискосда бор-йўғи 281 нафар одам истиқомат қилаётган бўлсаям (уларнинг ичида энг ёши Шантал, энг кексаси Берта ҳисобланади) уларни – сайёҳларнинг келиб-кегишига масъул меҳмонхона соҳибаси; эътиқод раҳнамоси руҳоний; овчилик лицензиясини берувчи ҳоким, ҳоким ва ҳоким қарорлари билан шуғулланувчи ҳокимнинг хотини; лаънати бўри ҳамласидан омон қолган темирчи ва ниҳоят шаҳар атрофидаги катта ернинг эгасидан иборат беш киши бошқарарди. Айнан ер эгаси болалар хиёбони қурилишига қарши чиққанди, чунки у яқин келажакда Вискос яна жонланиши, кенгайишини мумкинлиги сабаб, ўша ерга данғиллама уй қуриш ниятида бўлганди.

\* \* \*

Вискоснинг қолган аҳолисини шаҳарда нималар содир бўляпти-бўлмаяпти, булар унча қизиқтирмас, улар туну кун ўзларининг қўйлари, буғдойи, оиласини боқиш билан овора эдилар. Улар аҳён-аҳёнда бирга овқатланишар, қонунларга бўйсунитарди, темирчига ўроқ ва чалғисини ўткирлатиб, баъзида ер сотиб олиб, унга ишлов беришарди.

Катта ер эгаси ҳечам барга кирмас, у ердаги узун-қулоқ гапларни унга хизматкор аёли етказиб турарди. Ўша кунги воқеани аёл ҳаяжонланиб дастлаб дугоналарига, кейин хўжайинига гапириб берди: меҳмонхонага бадавлат бир ажнабий келганмиш, бордию бирорта аёл ундан бола орттириб олса борми, унга бойлигининг ярмини бериши мумкин эмиш.

Вискоснинг келажагидан, бундан ҳам кўпроқ Шанталнинг бу қилмиши сайёҳларни чўчитиб қўйишидан хавотирга тушган ер эгаси зудлик билан мажлис чақирди.

Шантал ўрмонга йўл олган, Мусофир ўзининг сирли йўлларида адашиб қолган, Берта марҳум эри билан шаҳар тақдири ҳақида суҳбатлашаётган бир пайтда черков омборида шаҳарнинг олди одамлари жамланганди.

– Полицияни чақириш керак, – деди ер эгаси, – қилишимиз керак бўлган ягона иш шу. Ҳеч қанақа олтин йўқ. Бу Мусофир хизматкоримнинг бошини айлантириб, тузоғига туширмоқчи, деб ўйлайман.

– Нима деяётганингизни ўзингиз ҳам тушунма-япсиз, чунки у ерда бўлмасангиз, – деди ҳоким. – Олтинлар бор, йўқса исбот-далилсиз Прим хоним ўз номини бадном қилишини яхши тушунади. Лекин бу масала моҳиятини ўзгартирмайди – полицияни чақириш керак. Мусофирнинг одил суддан қочиб юргани кундек равшан, балки уни топишлари учун мукофот ваъда қилинган бўлса ажабмас, бу ерда эса у ўғирлаган ўлжасини яширмоқчи бўлган.

– Бўлмағур гап! – деди меҳмонхона соҳибаси. – У ҳолда Мусофир чурқ этмасдан юрарди.

– Умуман олганда, бу муҳим эмас. Вақт ўтмасдан полицияни хабардор қилиш керак.

Бу фикрга ҳамма қўшилди. Йиғилганларнинг қуюшқонлигини бироз пасайтириш мақсадида руҳо-

ний ҳаммага бир қадаҳдан шароб қуйди. Уларнинг ҳар бири исбот йўқлиги боис, полицияга нима дейиш кераклигини чамалаб кўрди, йўқса иш Шантал Примнинг жиноятга уриниши айби билан ҳибсга олиниши билан тугайди, холос.

– Ягона далил, бу – олтин. Усиз биров гапимизга ишонмайди.

Ҳақиқатан шундай. Лекин олтиннинг ўзи қани? Уни бир одам кўрган, бироқ у ҳам қаерга кўмилганини билмайди.

Руҳоний барчани йиғиб, ҳар бир қарич ерни титиб чиқиш керак, деса, меҳмонхона соҳибаси қабристон кўзга ташланиб турадиган дераза пардасини суриб, тоғлар ва ўртадаги водийга ишора қилиб деди:

– Бунинг учун бизга юз нафар одам ва юз йил керак бўлади.

Ер эгаси ичида шундай ажойиб жойни қабристон эгаллаб ётганига афсусланди, ахир ўликларга ётган гўридан қандай манзара кўзга ташланишининг фарқи йўқ-ку!

– Қабристон борасида сиз билан гаплашиб оламиз, – деди унинг хаёлида нималар кечаётганини тушунган руҳоний. – Майитларга бошқа дурустроқ жойни таклиф қилишим мумкин, бўшаган ердан керакли мақсадда фойдаланган бўлардик.

– Ҳеч ким бу ерни сотиб олиб, иморат қурмайди.

– Буни фақат ўзимизникилар билади, лекин сайёҳларга келсак, бу ерга дала ҳовли қуришлари мумкин. Фақат бизникилар жим бўлсалар бўлгани. Қарабсизки, шаҳар ҳам, ҳокимият ҳам пулга чўмилади.

– Сиз ҳақсиз, ростдан ҳам одамларга қабристон ҳақида чурқ демасликни айтиш керак. Бу иш қийинмас.

Бирдан ўртага узоқ жимлик чўкди ва буни ҳеч ким бузишга ботинолмади. Хотинлар бу ердан кўзга

ташланиб турган манзарага боқишар, руҳоний кичкина бронзадан ишланган хочни артиб ўтирарди, ер эгаси қадаҳига яна шароб қуйди, Темирчи бошмоғи ипини ечиб, қайтадан боғларди. Ҳоким эса бошқа муҳим ишлари ҳам борлигига ишора қилиб, тез-тез соатига қараб қўярди.

Лекин ҳеч бири ўрнидан жилмади: йиғилганлар бирор ёт кимса бу жойдан ер сотиб олмоқчи бўлса, ҳамшаҳарлари қабристон ҳақида чурқ этмаслигини билишарди. Шаҳарда янги бир оила пайдо бўлишига қизиққанлари учун ҳам жим бўлишади, лекин улар бир тийинга бойишолмасди. Бордию, яхши даромадга эга бўлишса-чи? Ўзлари ва болаларига етиб ортади-ган маблағни қўлга киритишса-чи?

Шу пайт омборхона ичида иссиқ шамол тафти сезилди.

– Ҳўш, нима қиламиз, – деди руҳоний узоққа чўзилган беш дақиқали сукутдан сўнг.

– Одамларимиз ростдан ҳам қабристон ҳақида оғзидан гуллаб қўйишмаса, ўйлайманки, музокарани бошлашимиз мумкин, – деди катта ер эгаси. У гапини қинғир ёки нотўғри тушунмасликлари учун ҳар бир сўзини ўйлаб кўрганди.

– Бизникилар ажойиб меҳнаткаш ва камтарин одамлар, – деди меҳмонхонга соҳибаси ер эгаси усулини қўллаб, унинг сўзларини маъқуллар экан. – Бугунги воқеани олиб кўрайлик: нон ташувчи шаҳарда нималар бўлаётганини сўраганда, ҳеч ким ҳеч нарса демади. Ҳамшаҳарларимизга ишонса бўлади.

Яна ўртага жимлик чўкди. Бу жимлик йиғилганларни оғир юк билан эзар, ниқобларини ечиб ташлашга мажбур қиларди. Шунга қарамай ўйин давом этар, энди Темирчи сўз олди:

– Гап одамларимизнинг камтарлигида эмас, – деди у. – Гап била туриб, ёмон ишга қўл ураётганимизда.

– Унда нима қилиш керак?

– Қабристонни сотиш керак.

Бирдан ҳамма ўзини енгил ҳис қилди. Масаланинг амалий томони ҳал бўлди, энди унинг маънавий томонини муҳокама қилиш лозим эди.

– Вискосимизнинг аста-секин нураб бораётганини, ота-боболаримиз бўлмиш келтлар ва Ахавнинг орзу-умидлари бу ерда яшаётган сўнгги авлод – яъни биздан сўнг ерга қоришиб кетишини жимгина томоша қилиб туриш, бу – расволикнинг ўзи, – деди ҳокимнинг хотини. – Яқин орада биз ҳам Вискосни тарк этамиз – кимдир рихлатга равона бўлса, айримлар қартайиб, бирор ишга ярамай аждодларимиздан қолган меросни асраб қололмаганидан мулзам бўлиб, катта шаҳарларга кўниколмасдан, болалари бўйнига юк бўлишга мажбур бўлади.

– Ҳақсиз, – рози бўлди Темирчи, – хароба бир даврда яшайпмиз, шаҳримиз нураб бўлганда экинзорларимиз қаровсиз қолади ёки кимдир томонидан арзимас пулга сотиб олинади, машиналар пайдо бўлиб, йўллар қурилади. Боболаримизнинг пешана тери эвазига қурилган уйлар бузилиб, ўрнига пўлат миноралар қурилади. Буғдойни машиналар етиштиради, кундузлари одамлар ишга келиб, кечқурунлари олисдаги уйларига қайтиб кетадилар. Қандай уятли замонга қолди бизнинг авлод – фарзандларимизни олиб қололмадик, уларнинг катта шаҳарларга кетиб қолишига йўл қўйиб бердик.

– Ҳар қандай бадал эвазига бўлсин, бари бир бу шаҳарни сақлаб қолишимиз керак, – деди ер эгаси.

Фақат унгагина Вискоснинг дарз кетиши катта даромадлар ваъда қилаётганди: хоҳласа у ерни сотиб олиб, кейинчалик бирорта йирик компанияга пуллаши аниқ эди, бироқ бағрида бойлик бўлиши мумкин, бу ерларни арзон-гаровга пуллашдан манфаатдор эмасди.

– Сиз нима дейсиз, руҳоний ота? – деб сўради ундан меҳмонхона соҳибаси.

– Менинг фақат динимизга тишим ўтади, унинг асосини эса биргина қурбон бутун инсониятни сақлаб қолгани ташкил этади.

Учинчи бор орага узоққа чўзилмаган сукунат чўкди.

– Шанба издиҳомига тайёргарлик кўришим керак, – деди Руҳоний, – келинлар, кечга томон яна йиғиламиз.

Йиғилганлар бунга рози бўлиб, келаси учрашув вақтини белгиладилар. Уларнинг юзларида гўё жиддий ишга қўл уришгандек, ишчан ва хавотирли ифода акс этганди.

– Сиз эндигина тилга олган нарса жудаям қизиқ, – деди ҳоким. – Маъруза учун яхши мавзу. Бугун ҳаммамиз черковда ўтадиган ибодатда қатнашмоғимиз лозим, деб ўйлайман.

Шантал йўл-йўлакай олтинни нима қилишни ўйлади ва ҳайиқмасдан «Ҳ» шаклидаги харсанг тошга яқинлашди.

Уйига қайтгач, қора кунига асраб қўйган бор пулини олади, об-ҳавога қараб тузукроқ кийинади, катта йўлга чиқиб, йўловчи машинага ўтиради. Ва ҳеч қандай шарт-партга қараб ўтирмай, бу ердан кетади, чунки бу ерликлар бошига қўнай деб турган бахт қушига лойиқ эмаслар. Қиз Вискоснинг чиройли ва кераксиз тарихини, унинг олижаноб ва қўрқоқ одамларини, ҳар куни бир хил мавзунини чайнашга кўникиб қолган мижозларга тўла барни, бормай қўйган черковини – ҳаммасини ташлаб кетаётганини билмасликлари учун жомадонини олмайди. Мусофир қизни ўғирлик ва ҳоказоларда айблаб, полицияга мурожаат қилсагина уни вокзалда миршаблар тутиб олишлари мумкин.

Лекин Шантал ҳозирнинг ўзида ҳар қандай таваккалчиликка шай эди.

\* \* \*

Қизни ярим соат аввал қамраган нафрат ўрнини энди бошқа бир ширин туйғу эгаллаб олди – у қасос олмоқчи бўлди.

Ўзларини содда ва меҳрибон қилиб кўрсатишни яхши кўрадиган ҳамшаҳарлари қалбида аслида қандай Ёвузлик яшириниб ётганини фош қилиш нияти қизга ҳузур келтирарди. Уларнинг ҳар бири жиноят қилишни ўйлагани билан, бирортаси бунга жазм қилолмайди. Улар умрининг сўнгги дақиқасигача қандай олижаноблиги, қонунга қарши иш қилмасликларини ўзларига уқтириб яшайдилар, лекин шу билан бирга фақат қўрққанлари учун бегуноҳ одамни ўлдирмаганликларини яхши тушунадилар. Кундузлари имони бутунлигидан ўзларини кўкка кўтарсалар, кечалари бундай имкониятни бой берганлари учун ўзларига лаънат ўқийдилар.

Улар яқин уч ой ичида барда ўтириб олиб, Вискосда фақат олижаноб ва бамаъни инсонлар яшаши ҳақида гап сотадилар. Кейин ов мавсуми бошлангач, одамлар сайёҳларга Худо ёрлақаган ўлкага ташриф буюрганлари, уларнинг атрофини фақат дўсти биродарлар ўраб туриши, бу ўлкада эзгу амалларгина ҳукм суришини гапирадилар. Табиатнинг нақадар сахий, меҳмонхона соҳибаси таъбири билан айтганда, бу ердаги «дўконча»да сотилаётган маҳаллий маҳсулотларнинг ҳолисона меҳр-муҳаббатга йўғрилган, деб ўйлашлари учун эски мавзунини тилга олмайдилар.

Муҳожирларнинг асл ҳақиқатни билмаганлари маъқул.

Ов мавсуми тугагач, одамлар яна эски мавзуга қайтадилар. Лекин бу гал ҳар кун кечалари бой берилган мулкни ўйлаб чиққани боис, энди улар – ўнта олтин ёмбиси бадалига кампиршо Бертани тун қўйнида гумдон қилишга бирорта мард топилмаганининг сабабини қидирадилар.



Ҳар куни сурувни тоғ бағрида боқишга одатланган чўпон Сантяго ов маҳали нобуд бўлиши ҳам мумкин эди-ку?

Одамлар дастлаб уят, кейинчалик ғазаб ҳисси билан бой берилган имконият сабабларини қидиришда давом этадилар.

Орадан бир йил ўтгач, Вискосга улкан бир имконият берилгани, лекин у қўлдан кетгани учун одамлар бир-бирларини ғажишга тайёр бўладилар. Шунда улар Мусофир беркитган олтинни олиб, беиз йўқолган Шантални эшлашади. Ана ўшанда бувисидан ажраб, ҳеч вақосиз қолган етимчага ҳар ким ёрдамни аямагани, эрга тегиб бу ерлардан кетолмагач барга ишга кирволган қиз келган ҳар бир меҳмон билан дон олишгани, дурустроқ чойчақа дардида ёши улуг эркакларга кўзларини сузгани ҳақида ғийбат қилишиб, қизнинг гўрига ғишт қалайдилар.

Ва ўзлари ҳам гўрга киргунларига қадар ачиниш ва нафрат ҳиссига ем бўладилар. Шантал эса улардан қасосини олгач, бахтиёр яшайди.

Нонга келган одамларнинг гўё қўрқоқлигини қиз фош қилиб қўяётгандек, ундан жиноят ҳақида жим бўлишини талаб қилиб қараган ёвқарашларини ҳеч вақт унутмайди.

«Нимчамни, чарм шимимни кийиб оламан. Қатма-қат кўйлак кийиб, олтинни белимга тугаман. Нимчамни, чарм шимимни кияман...»

«У» шаклидаги харсанг тош олдида турган Шанталнинг хаёлидан ана шундай ўйлар ўтганди. Унга яқин жойда аввали ишлатган калтак ётарди. Қиз ўзини ҳалол инсондан ўғри кимсага айлантираётган шу дамни тўлиқроқ ҳис қилиш учун бироз тек турди.

Бўлмагур гап. Мусофирнинг ўзи қизни шундай йўл тутишга ундади, қиз эса ўз улушини олади, холос. Бу – мудҳиш ўйинда иштирок этгани учун унга

тўланган бадал бўлади. Нон фурғони олдидаги одамларнинг ёвқарашларига бардош бергани, Вискосда бир умр чидаб яшагани, уч кеча кўз юмлагани, бордию одамлар Руҳи ва уларнинг азобларга йўлиқиши ҳақидаги гаплар рост бўлса, демакки, имонидан маҳрум бўлгани учун ҳам – қиз бу олтинни олишга ҳақлидир.

Шантал нам тупроқни кавлаб, олтинни олаётган пайтда қандайдир товушни эшитди. Қизни кимдир кузатарди. Қиз ҳозир бу ишни қилиш бефойдалигини тушуниб, тезда чуқурни кўмиб қўйди. Сўнг ўғирлик устида қўлга тушган одамдек, ўзини оқлаш мақсадида товуш томонга ўгирилди. Қиз кузатувчига яқин орадан Мусофир ўтганини кўргани, бугун эрталаб ушбу кавланган жойга дуч келиб, унда хазина бор деб кавлаб кўрганини айтмоқчи ҳам бўлди.

Лекин олдида турган жонзотни кўриб, тилдан қолди, чунки уни на хазина, на Вискосдаги ғала-ғовур, на ҳукм қизиқтирарди. Уни фақат тирик жонзотнинг қайноқ қони қизиқтирарди.

Чап қулоғида оқ доғи бор лаънати бўри.

У қиз ва дарахт ўртасидаги йўлни тўсиб турарди. Шантал гўё бўрининг мовий кўзларидаги қарашдан карахт бўлиб қолди, миясида «нима қилсам экан?» деган савол ғужғон ўйнади. Қалтакни отсаммикан? У нозик, қурулга ярамайди. Харсанг тошга чиқиб олсаммикан? – У жудаям паст. Бу бўри ҳақидаги афсонани унутиб, уни қўрқитиб кўрсаммикан? Бу иш хатарли, яхшиси ҳар қандай афсона негизида ҳақиқат ётганига ишонган маъқул.

«Бу – менга берилган жазо».

Доимо қизнинг ҳаётида рўй берадиган адолатсиз жазолардан бири; гўё Худо одамларга бўлган нафратини шу қиз орқали намоён қилаётгандек.



Бўйсунмас ҳиссиёт қошида Шантал калтакни ерга ташлади, бўри ғажиб ташламаслиги учун бўйинини қўллари билан тўсиб олди – бу лаҳза минг йилларга чўзилгандек туйилди. Қиз чарм шимини кийиб олмаганига афсусланди: чунки инсоннинг заиф жойи сон ҳисобланади, агар бўри қон томирларини тишлаб олса, қиз ўн дақиқа қонталашиб, нобуд бўлиши мумкин. Овчилар узун этик кийиб юришларини шундай изоҳлашади.

Бўри тисланиб, хавфли ириллади. У қўрқитмади, балки сакрашга тайёрланди. Гарчи Шантал бўрининг сўлак оқаётган ўткир тишларидан дағ-дағ титраса-да, лекин кўзларини бўридан узмади.

Тез орада бўрининг нияти аён бўлади: ё ташланади, ёки нари кетади. Лекин қиз бу дамда унинг кетмаслигини тушунди. Қиз туртилиб кетмаслик учун оёқлари остига қаради ва ҳеч нарсани кўрмади. У бўрига пешвоз юришни мўлжаллади – майлига, тишласин, қиз шу йўсинда дарахтга етиб олади. У оғриққа чидашни маъқул топди.

Шантал олтинни эслади, тез орада уни олиб кетмоқчи ҳам бўлди. Қиз ўткир тишларнинг баданига, эҳтимол суягигача ботишини ўйлаб, атрофдан нажот кутди.

Олдинга чопишга шайланган ҳам эдики, шу пайт худди кинода учраганидек, бўрининг ортида кимдир пайдо бўлганини кўрди. Бўри ҳам буни сизди, лекин орқасига ўгирилмади, қиз кўзларини бўридан узмай тураверди.

Шантал бўрининг сакрашини нигоҳи билан тўхта-тиб тургандек, ўзини бундан ҳам баттарроқ хатарга солгиси келмади: кимдир ростдан ҳам бу ерда пайдо бўлган бўлса, демак, қизнинг омон қолишига умид бор, тирик қолиш учун битта олтин ёмбиси садқаи сар бўлсин.

Нотаниш кимса эгилиб, чап томонга сурилди. Шантал у ерда дарахт борлиги, унга тирмашиб омон қолиш мумкинлигини биларди. Шу пайт ҳавода ни-мадир шивиллаб, бўрининг олдига бир тош келиб тушди. Ҳайвон зудлик билан хавф келган томонга ўтирилди.

– Қочиб қол! – деб бақирди Мусофир.

Шантал ягона паноҳи – дарахт томонга шошилди, Мусофир эса эпчиллик билан олдидаги дарахтга чир-машди. Бўри етиб келгунча у хавфсиз баландликка кўтарилиб олганди.

Бўри ириллаб дарахтга сакрарди.

– Шох-шабба синдилинг, – деб бақирди қиз.

Лекин Мусофир карахт бўлиб қолганди. Шантал уч марта бақиргандан сўнггина, Мусофир дарахт шохларини синдириб, бўрига ота бошлади.

– Йўқ, йўқ, шохлардан даста қилиб уни туташти-ринг! Менда гугурт йўқ, – Шанталнинг овозидан гўё жар ёқасида турган одамнинг алами сезиларди.

Мусофир бир неча шох-шаббани синдириб, уни туташтиргунига қадар орадан юз йил ўтгандек бўл-ди, чунки кечаги ёмғирдан новдалар намиққанди, бу фаслда қуёш камдан-кам кўриниш беради.

Шантал машғаланинг дурустроқ ёнишини кутди. Агар ихтиёрида бўлганида эди, бутун дунёга қўрқув солмоқчи бўлган бу Мусофирни тонггача шундай қолдирарди – қани ўзлариям қўрқувни бир татиб кўрсинлар-чи! Лекин Шантал бу ерлардан кетмоқ-чи, шунинг учун истакка қарши Мусофирга ёрдам беришга маҳқум эди.

– Ана энди, бир эркаклигингизни кўрсатинг-чи, – деди қиз, – дарахтдан тушиб машғалани бўрига ниқтанг.

Лекин Мусофир гарангсиб қолганди, ўрнидан қимирламади.

– Ҷани бошланг! – Шантал яна бақирди, шундагина Мусофир қиз овозидаги амр оҳангидан ўрнидан қўзғалди. Қиз овозида қўрқув ва азобни орқага суриб, бир зумда қарор қабул қилиш қобилиятига эга куч сизди.

Мусофир юзларини куйдираётган олов учқунларига қарамасдан пастга тушди. У олдидаги тишларини қайраб турган ҳайвонни кўриб, баттар даҳшатга тушди.

Хотин, болаларини ўғирлаб кетишганда ҳам у бирор қарорга келолмаганди, ҳеч бўлмаса энди нимадир қилиш керак.

– Бўрининг кўзларига қаранг! – У Шанталнинг овозини эшитди.

Мусофир буйруққа бўйсунди, дақиқалар ўтган саяин ўзини енгил ҳис қила бошлади: энди душман қўлидаги қуролга эмас, унинг кўзларига қараш керак. Улар бир хил ҳолатда – бир-биридан қўрқардилар.

Оловдан қўрққан бўри ортга тисланди; у ириллар, сакрар, лекин ўлжага яқинлашолмасди.

– Уни қисиб боринг!

Мусофир бўри томонга бир қадам ташлади, ҳайвон тисланди.

– Унга ташлан! Ҳайда уни!

Машғала энди гуриллаб ёнарди, Мусофир қўли куяётганини сизди. У ҳеч нарсани ўйламасдан, бўрининг мовий кўзларига синчков юзланганча олдинга юрди. Бўри ириллаш, сакрашни бас қилиб, қайрилди-да, ўрмонга ғойиб бўлди.

Шантал бир зумда дарахтдан тушди, дарҳол ердаги қуриган ўт-ўланлардан машғала ясади.

– Бу ердан тезроқ кетиш керак!

– Қаёққа?

Қаёққа эмиш? Олов ҳам қутқаролмайдиган қамалда қолиш учун Вискосга боришсинми?!

Беллари зирқираб, юраги така-пука бўлаётганидан қиз ерга ўтириб олди.

– Гулхан ёқ, – деди қиз Мусофирга, – ўйлаб кўришим керак.

Қиз қимирлаб, елкасида пайдо бўлган оғриқдан инграб юборди. Мусофир шох-шаббаларни йиғиб, гулхан ёқди. Шантал ҳар бир ҳаракатидан кучли оғриқни сизди, балки дарахтга чиқаётиб лат егандир.

– Ҳечқиси йўқ, – деди Мусофир қизнинг оғриғини ҳис этиб, – бирор еринг синмаган. Менда ҳам шундай бўлган – ортиқ кучланган пайтда мушаклар қисқаради. Кел, елкангни уқалаб қўяман.

– Менга тега кўрма. Ёнимга келма. Мен билан гаплашма.

Оғриқ, қўрқув, уят. Шубҳа йўқки, қиз олтинни кавлаган пайтда мусофир яқин атрофдан уни кузатган, чунки унга Иблис ҳамроҳлик қилади, у эса ўз навба-тида инсон фикру ўйини очиқ китобдек ўқий олади, демак, Шанталнинг олтинни ўғирламоқчи бўлгани Иблисга аён бўлган.

Мусофир ушбу дақиқаларда бутун шаҳар аҳли жинойт қилиш орзусида юрганини, шунингдек, у бунга ҳеч ким жазм қилолмаслиги боис, қотиллик рўй бермаслигини билади, лекин Ниятнинг ўзи ҳам уни қийнаган саволга жавоб бўла оларди: инсон, аввало, Ёвузликка мойил хилқат.

Мусофир Шанталнинг қочмоқчи бўлганини билган, пировардида бойланган баҳсга келсак, унинг маъноси қолмаган, у хазинага тегмай, шубҳа-гумонларини тасдиқлаганча келган жойига (аслида, у қаердан келган?) қайтиб кетиши мумкин.

Шантал қулайроқ ўтирмоқчи бўлди, лекин бунга имкон йўқлигидан, қимирламади. Гулхан бўрини узоқ масофада ушлаб туриши мумкин, бироқ у яқин

атрофдаги чўпонлар диққатини тортиши, бу ерга келиб, иккисини кўриб қолишлари турган гап эди.

Мусофир бугун шанба куни эканини эслади. Бу кун одатда одамлар бетаъб матою, машҳур асарларнинг сохта нусхалари, авлиёларнинг ганчдан ясалган ҳайкалчаларига уйқаш бўлиб кетган уйларида пашша қўриб ўтиришади – яқин орада эса Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳали бирор марта содир бўлмаган ажабтовур воқеа гувоҳига айланишади.

– Мен билан гаплашма.

– Бир оғиз ҳам гапирганим йўқ.

«Ўкириб йиғласаммикан?», – деб ўйлади Шантал, лекин Мусофирнинг олдида йиғлагиси келмади, шунинг учун ўзини қўлга олди.

– Мен ҳаётингни сақлаб қолдим, энди олтинга ҳақлиман.

– Сен эмас, аслида мен сени асраб қолдим. Бўри сени ғажиб ташлашга тайёр турганди.

Асли бу гап тўғри.

– Лекин бошқа томондан олиб кўрсак, – деди Мусофир, – сен қалбимдаги ниманидир авайлаб қолдинг.

Сийқаси чиқиб кетган тузоқ. Қиз ўзини гап нима ҳақида кетаётганига тушунмагандай кўрсатди, унинг назарида бу ҳолат – қизнинг бойликка эга бўлиб бу ўлкани ташлаб кетишига имкон бериши керак эди. Шунда ҳаммасига якун ясаларди.

– Мен кечаги келишувимизни назарда тутяпман. Шундай оғриқларни ҳис қилганманки, ўзгаларни қийнаш эвазигагина ҳовуримни босмоқчи бўлганман. Сен ҳақсан.

Мусофирнинг Иблисига бу гап мутлақ ёқмади, шунинг учун Шанталнинг Иблисига имо қилиб, ёрдамга чақирди. Лекин Шанталнинг Иблиси яқиндагина пайдо бўлиб, ҳали қиз вужудини тўлиқ ишғол этолмагани учун, ёрдам беришга ожизлик қиларди.

– Бу нимани ўзгартиради?

– Ҳеч нарсани. Биз баҳс бойладик ва унда ютиб чиқишимга ишонаман. Лекин ўзимнинг ярамас эканимни биламан ва бунчалар тубан кетишимга ноҳақ жазоланганимни сабаб деб билдим.

Шантал ўрмондан қандай қилиб кўзга ташланмасдан чиқиб кетишни ўйларди: ҳали саҳар вақти, лекин бу ерда ортиқ қолиб бўлмайди.

– Бу олтин учун ҳалол тер тўқдим, агар қарши бўлмасанг, уни олиб кетмоқчиман, – деди қиз, – сенга ҳам шуни маслаҳат бераман: иккимизнинг Вискосга қайтишимиз ноўрин; кел, водийга тушиб, дуч келган йўловчи машинани тўхтатамиз, кейин ҳар ким боши оққан тарафга равона бўлади.

– Кетсанг-кетавер. Лекин билиб қўй: айнан шу дамда Вискос аҳли кимни қурбон қилишни ҳал қиляпти.

– Эҳтимол, шундайдир. Улар икки кунлик муддат тугамагунча буни ҳал этишади, кейин икки йил ким қурбон бўлиши кераклиги ҳақида тортишадилар. Эҳ, ҳамшаҳарларимни яхши биламан: улар ҳаракат қилиш керак бўлган пайтда – журъатсиз, кимгадир айбни ағдариш керак бўлса – устаси фаранг одамлар. Бордию, сен Вискосга қайтиб бормасанг, улар бошини ҳам қашиб қўйишмайди, буларнинг барини Шантал тўқиб чиқарган, деб қўя қоладилар.

– Вискос бошқа шаҳарлардан бирор нарсаси билан фарқ қилмайди. У ерда нималар бўлаётган бўлса, билгинки, бу нарса бошқа шаҳарларда, қишлоқларда, қитъаларда, ибодатхоналарда бўлиб ўтади – қаерда бўлишининг фарқи йўқ. Лекин сен буни тушунмайсан, шунингдек, бу сафар менга керакли одамни топишимда омадим чопганини ҳам билмайсан.

«Ҳа, ҳув жилға ёнида ўтирган қизни танлаш керак: у тўғрисиўз ва меҳнаткаш кўрингани билан, аслида одамлардан қандай ўч олишни ўйляпти.



Қаҳрамонни кўриш бизга насиб этмаган, зеро, Интиҳо келгач, ҳақиқий қаҳрамон – Яратганнинг ўзи эканини, бу савдоларни бошдан кечиришга мажбур қилганини англаймиз, шунинг учун бахтсизлик ва тушкунликдаги ғазабимизни атрофдагиларга сочамиз. Ва ҳеч қачон қасос олишга бўлган чанқоғимизни қондиролмаймиз, зеро, у – ҳаётнинг ўзига қарши қаратилгандир».

– Нима ҳақда гаплашяпмиз, ўзи? – деб сўради Шантал, дунёда энг ёмон кўрган одамнинг унинг қалбида нималар кечаётганидан хабардорлигидан жаҳли чиқиб. – Шунчаки олтинни олиб, бу ерлардан кетсак бўлмайдими?

– Кеча мен бир нарсани тушуниб етдим: бир пайтлар хотиним ва қизларимни сабабсиз ўлдиришганидек, мен учун энг жирқанчли нарса – инсон ўлдиришини талаб қилиш билан, аслида ўзимни асраб қолишга уринаётганимни англаб етдим.

Эсингдами, иккинчи учрашувимизда бир немис файласуфи сўзларини мисол келтиргандим? Худонинг ҳам ўз дўзахи бор – у ҳам бўлса инсонларга бўлган муҳаббати, чунки унинг мангу ҳаёти давомида инсонлар уни қийнаб келадилар. Эсингдами?

Шунингдек, ушбу файласуф бошқа фикрни ҳам айтган: инсоннинг мукамалликка эришмоғи учун, унда пинҳона разолат ҳам бўлмоғи лозим.

– Тушунолмадим.

– Авваллари мен фақат қасос олишни ўйлардим, ҳамшаҳарларингга ўхшаб бу ҳақда туну кун режалар тузиб, тахминлар қилардим – бироқ амалда ҳеч нарса қилмагандим. Бир неча вақт газеталардан худди мендек яқинларини йўқотган инсонлар қисматини кузатдим, лекин улар мутлақ бошқача йўл тутгандилар: улар қурбонларни ёқлагувчи гуруҳлар тузиб, адолат тантанаси йўлида кураш олиб борганлар.

Бу билан жудолик дардини ҳеч қачон, ҳеч қандай қасос даволай олмаслигини ўзларича исботламоқчи бўлдилар.

Мен ҳам бўлиб ўтган воқеага бошқа – олий ҳимматли деймизми, нуқтаи назардан қарамоқчи бўлдим. Қўлимдан келмади. Мана энди юрак довлаб, йўлнинг сўнгига келганда, бу зулматнинг энг тубида бир ёруғликни кўрдим.

– Давом эт, – деди Шантал, чунки у ҳам шундай ёруғлик кўрганди.

– Мен инсонларнинг тубан ва худбинлигини исботламоқчи эмасман. Бошимга тушган бу савдога онгимдан ташқари ҳолатда лойиқ эканимни исботламоқчиман, зеро, мен қисмат қаҳрига лойиқ расво инсонман.

– Худо адолатли эканини исбот қилмоқчимисан? Мусофир бироз ўйга толди.


– Эҳтимол.

– Мен Яратганнинг адолатли эканини билмайман. Нима бўлгандаям, марҳаматини кўп кўрмадим, энг ёмони – ожизлигимни ҳис қилиш доим қалбимни пароканда қилган. Мен ўзим хоҳлагандек яхши инсон бўлолмайман, шунингдек, қанчалар лозим бўлмасин – ёмон ҳам бўлолмайман. Бир неча дақиқа олдин Худо одамлардан қасос олиш учун мени танлаган, деб ўйлагандим.

«Сени ҳам ўшандай шубҳалар қамраб олган, деб ўйлайман, фақат уларнинг доираси кенг – сен яхши эдинг, лекин бу рағбатсиз қолди».

Шантал бу сўзларни эшитиб ҳайрон қолди. Мусофирнинг Иблиси қизнинг елкасида ўтирган Фариштадан таралаётган нурнинг кучаяётганини кўрди.

«Ҳаракат қилсанг-чи!», – деб у Шанталнинг Иблисига буйруқ қилди.



«Ҳаракат қиляпман, – деб жавоб берди Шанталнинг Иблиси, – лекин бу мушкул олишув».

– Йўқ, сенга Худонинг бешафқатлиги эмас, – деди Мусофир, – доимо вазият қурбони бўлишни танлаганинг азоб беряпти. Мен бундай аҳволга тушганларнинг кўпини биламан.

– Масалан, сен.

– Йўқ, мен қисматимга қарши бош кўтардим ва бу – одамларга ёқадими-йўқми, мени қизиқтирмайди. Сен эса бунинг акси – одамлар севиб, аяшларини лозим бўлган бечора етим қиз родини танлагансан, доимо меҳр-мурувват кўролмаганинг учун, севгига бўлган ташналик сен англолмаган қасос ҳиссига айланган. Қалбинг тубида ҳамшаҳарларингдан ҳечам фарқ қилишни хоҳламайсан, зеро, ҳаммамиз кимгадир ўхшашни истаймиз. Лекин сенга нисбатан тақдир бошқача йўл тутган.

Шантал жимгина бош силкиди.

«Бирор нарса қилсанг-чи, ахир, – деди Шанталнинг Иблиси шеригига, – қиз «йўқ» дегани билан унинг қалби очилиб «ҳа» демоқда».

Мусофирнинг Иблиси итоаткорини жим қилолмаётганини шериги кўриб турганидан мулзам бўлиб қолди.

«Сўзлар ҳеч қаерга олиб бормаиди, – деб жавоб берди сўнг у, – майлига, гаплашиб олишсин, зеро, ҳаётнинг ўзи уларни гапларига қарши йўл тутишга мажбур қилади».

– Гапингни бўлмоқчи эмасдим, – деди Мусофир, – илтимос, давом эт. Худо каромати ҳақида нима деяётган эдинг?

Шантал нимани эшитишни хоҳламаса, шуни эшитмаслик мумкинлигидан хурсанд эди.

– Билмадим, бунинг тушунтира олармиканман. Атрофимиздаги бошқа шаҳарларда бўлгани каби биз-

нинг Вискосда ҳам черков бор, лекин одамларимизда диний эътиқод суствлигини ўзинг ҳам сезгандирсан. Айнан шунинг учун авлиё Савиний туфайли ҳақ йўлни танлаган Ахав, аҳолининг аксарияти қароқчилар бўлганидан, руҳонийларнинг таъсирига шубҳа қилган; Ахав руҳоний оталар қанчалар мангу азоблар ҳақида гапирмасинлар, бари бир одамларни жиноятдан қайтаролмаслигини яхши англаган. Йўқотадигани қолмаган одам мангуликни ўйламайди.

Турган гап, одамлардан биринчи руҳоний етишиб чиққанда Ахав хавфни сезган. Буни даф қилиш учун яҳудийларнинг бир удумини жорий қилган. Бу – Кечириниш куни бўлиб, маросимларни Ахавнинг ўзи ўйлаб топган.

Йилда бир марта вискосликлар ўз уйларига қамалиб олиб, иккита рўйхат тузганлар, баланд тоғларга юзланиб, биринчи рўйхатни осмонга қаратганлар. «Мана, Худойим, сенинг олдингда қилган гуноҳларим рўйхати», – деган улар ва уни ўқий бошлаганлар. Рўйхатда қилган зинолари, шайтонликлари, фирромликлари, ноҳақликлари ва ҳоказолар ўрин олганди. «Худойим, сенинг олдингда қилган гуноҳларим кўп. Сенга шунча азоб берганимни кечиринишнингни сўраб, илтижо қиламан».

Кейин одамлар иккинчи рўйхатни шу тарзда ўқиганлар: «Худойим, бу эса банданг олдидаги Сенинг гуноҳларинг – мени ҳаддан зиёд ишлашга мажбур қилдинг, дуоларимга қарамасдан қизим оғриб қолди, ҳалол яшамоқчи бўлдим, лекин мени тунаб кетишди, чидаб бўлмас азобларни тортдим».

Иккинчи рўйхатни ўқиб бўлишгач, одамлар маросимни ушбу сўзлар билан якунлаганлар: «Мен сенга нисбатан адолатсизлик қилдим, Сен ҳам менга адолатсизлик қилдинг. Лекин бугун – Кечириниш куни,



гуноҳларимни унутсанг, мен ҳам сеникини унутаман ва бизлар яна бир йил тинч яшаймиз».

– Доимо яратиб, яксон қилгувчи Худони кечириш...  
– деди Мусофир.

– Суҳбатимиз керагидан ортиқ шахсий тус оляпти,  
– деди Шантал, – сенга панд-насиҳат қилишга ёшлик қиламан.

Мусофир индамади.

«Менга бу нарса ёқмаяпти», – деб ўйлади Иблис Мусофир елкасининг иккинчи томонида пайдо бўлаётган хира нурни кўриб, зеро, у бунга йўл қўймаслиги лозим эди. Бундан икки йил муқаддам Иблис денгиз соҳилида бу нурни бартараф қилишга эришолганди.

Руҳоний бу ўлка одамлари никоҳ, суннат ва дафн маросимларини ўтказиб, Мавлуд ақидаларида иштирок этсалар-да, бу ерда ривоят ва афсоналарнинг кўплиги, протестант ва келт ақидалари чуқур илдиз отгани, ўтмишда бу маконни қароқчи ва каззоблардан тозалаган бир араб таъсири сабаб, вискосликларда диний эъдиқоднинг сустлигини яхши биларди.

Шанба ва якшанба кунлари соат ўн бирда ўтказиладиган ибодатга озчилик келгани билан руҳоний ҳеч бўлмаса Вискога тайинланганини оқлаб туриш мақсадида маросимларга ўзи бошчилик қиларди. У ўзини муҳим вазифани ўтаётган солиҳ бандадек кўрсатишни ҳуш кўрарди.

У черковнинг меҳробигача одамлар тўлиб кетганини кўриб ёқа ушлади. Диққинафасликдан ҳамма терлаб кетгани боис, руҳоний нафақат электр иситгични ўчиришни, балки икки томондаги деразаларни ҳам очиб қўйишларини буюрди. У одамларнинг бундай терлаб кетишини ё диққинафасликдан, ёки ҳаяжондан деб билди.

Черковга арафада айтган гапларидан уялгани сабаб бўлса керак, Прим хоним ва ҳамма жодугарга чиқа-

риб қўйган Берта кампирдан (бундайлар насроний маросимларига тоқат қилолмайдилар) ташқари бутун Вискос халқи йиғилганди.

– Ота, ўғил ва муқаддас Руҳ номи билан.

Черков гумбази узра кўпчиликнинг «омин» деган сўзлари янгради. Руҳоний диний кўшиқларни ижро этиб, Инжилдаги битикларни қатъий ва алоҳида-алоҳида қилиб ўқиди. Кейин жойи борларга ўтиришни, қолганларга оёқда туришни сўради.

Маъруза вақти етиб келди:

– Лука «Инжили»да хабар қилинади: *Нозимлардан бири Ундан сўради: Мурувватли Устоз! Боқий умрга мушарраф бўлиш учун не қилмогим даркор? Исо унга деди: нега мени Мурувватли атадинг? Фақат Тангригина Мурувват соҳибидир.*

Узоқ йиллар давомида Муқаддас Ёзувдаги ушбу оятлар мағзини чақарканман, нега пайғамбар ўзини Мурувватли ҳисобламагани устида ўйладим. Асосини меҳр-мурувват ғояси ташкил этувчи насроний эътиқоди нега ўзини Ёвузлик вакилиман, деб ҳисоблаган инсон ўғитларига йўғрилган? Ва ниҳоят мен тушундим: ўшанда Исо инсон табиатига ишора қилган, бу нуқтаи-назардан у ёвузликка тўла, Тангрининг битта юзи – Ёвузликдир.

Йиғилганлар унинг гапини тушуниб олишлари учун руҳоний бироз жим турди. Бироқ, у ўзини ўзи алдарди, негаки ҳалиям Исо нимани назарда тутганига ақли етмасди, зеро, инсон табиати Ёвузликка тўла бўлса, унинг сўзи ҳам, амали ҳам шунга йўғрилган бўларди. Бу ҳақда дин уламолари бош қотиришсин, ҳозир эса бераётган изоҳлари ишончли кўриниши лозим.

– Бугун қисқароқ гапираман. Фақат ҳаммамиз бир нарсани англаб олишимизни хоҳлайман: табиатан – биз ўзгарувчан ва гуноҳқормиз, шу сабаб

Исо бутун инсониятни қутқариш учун ўзини қурбон қилмаганида, бизлар дўзах оловида ёнишга маҳкум бўлардик. Такрорлайман: Исонинг ўзини қурбон қилиши – бизни асраб қолди. Бир инсоннинг ўлими – бутун инсониятни халос этди.

Сўзим якунида Қадим Аҳд муқаддас китобларидан бири бўлмиш «Айюб китоби» дан мисол келтираман:

*Худо даргоҳига Шайтон келади. Худо унинг қаерларда бўлганини сўрайди.*

*– Дунёни кездим, – деб жавоб беради Шайтон.*

*– Сен қулим Айюбни кўрдингми? Унинг менга бўлган эътиқоди ва мен учун ҳар қандай қурбонликка тайёрлигини биласанми?*

*– Ахир Айюбнинг ҳамма нарсаси бор, нега энди Сенга шуқр қилиб, қурбонлик келтирмасин? – деди Шайтон кулиб. – Берган нарсаларингни тортиб олгин-чи, кўрамиз, сенга эътиқод қилармикан яна.*

*Худо бандасини синашга рози бўлади. У йилдан-йилга солиҳ бандасининг бошига турли кулфатларни ёғдиради. Айюб бу Худонинг амри эканини билиб, унга сажда қилишда давом этади. Охир-оқибат у бойлиги, болаларидан жудо бўлиб, бутун баданига тошган яралардан азият чекади ва сабр косаси тўлиб, Яратганга ҳасрат қилади. Ана шунда Худо унга тортиб олган ҳамма нарсасини қайтариб беради.*

Мана, бир неча йиллардан бери сиз билан биз шаҳримизнинг аста нураб бораётганига гувоҳмиз. Энди ўйлаб қолдим: яшаётган жойимизни, буғдой етиштираётган даламизни, сурувлар боқаётган яйловларимизни, ота-боболаримиз орзу қилган уйларимизни йўқотаётганимизни жимгина кузатиб турганимиз учун Худонинг қаҳрига учрамадикмикан? Худо Айюбнинг сабрини тўлдириб, нола қилишга мажбур қилган экан, балким бизларни ҳам шунга ундаётгандир?

Нега Худо Айюбни бош кўтаришга мажбур қилди? Инсон табиати гуноҳкор бўлиши, Худо ато этган нарсалар бандасининг яхши одоби учун эмас, унинг кароматидан эканини исбот қилиш учун. Ўзимизни керагидан ортиқ яхши ҳисоблаб, манманлик ботқоғига ботдик, оқибатда жазосини тортяпмиз.

Худо Шайтон билан баҳс бойлайди. Бир қарашда адолатдан эмасдек. Унинг бундай йўл тутганидан Айюб ўзига хулоса чиқарди, зеро, у ҳам сизу биздек ўзини тақводор ҳисоблаб, манманликка берилиб кетганди ва охири Яратганга тавба-тазурру қилганини эслаб, ўйлаб кўринг.

– Ҳеч ким мурувватли эмас, – дейди Исо. – Ҳеч ким. Ўзимизни авлиё санаб, Худонинг қаҳрини келтиришни бас қилмоғимиз лозим, ожизлик ва гуноҳкорлик бизга хослигини тан олиш вақти келди, агар Шайтон билан баҳс бойлашга тўғри келиб қолса, Худо ҳам қули бўлмиш Айюбнинг имонини сақлаб қолишда шундай йўл тутганини ёдга олайлик.

Маъруза тугади. Руҳоний барчанинг ўрнидан туришларини сўраб, маросимни давом эттирди.

Шубҳа йўқки, йиғилганлар Руҳоний ўғитларидан яхши хулоса чиқариб олгандилар.

– Кетдик. Ҳар ким ўз йўлига: мен олтинимни оламан. Сен...

\* \* \*

– «Олтинимни оламан!», – деб Мусофир қизнинг гашига тегди, – у ҳали сеники эмас!

– Нарсаларингни йиғиштириб, кўздан ғойиб бўлсанг бўлгани. Агар бу олтинни олмасам, Вискосга қайтишимга тўғри келади, соҳиба тезда мени ишдан бўшатади, ҳамма мени алдамчига чиқариб, шарманда бўламан. Менга бундай қилолмайсан, ҳақинг йўқ. Бу олтинни ҳалол ишлаб эгалик қилаётганимга рози бўл.





Мусофир ўрнидан туриб, гулхандан бир неча шохни олди.

– Бўри доим оловдан қочади, шундай эмасми? Мен эса Вискосга қайтаман. Нимани тўғри деб билсанг, шуни қил – хоҳла ўғирла, қочиб кет, яшириниб ол, бунинг менга қизиғи йўқ.

– Шошмай тур! Бу ерда мени ёлғиз ташлаб кетма!

– У ҳолда кетдик.

Шантал бирпасда гулханга, «У» шаклидаги харсанг тошга, қўлида ёнаётган шохларни ушлаб нари кетаётган Мусофирга боқди. У ҳам янги машъала ёқиб, олтинни кавлаб олиб, тўғри водийга йўл олса бўларди – уйига қайтиб, лаш-лушларни олишининг маъноси йўқ. Қиз қўшни шаҳарга етиб олгач, олтиннинг нархини суриштиради, сўнг уни пуллаб, кийим-кечак, жомадон сотиб олади. Оҳ, ниҳоят ҳурриятга чиқади.

– Шошмай тур! – деб бақирди қиз Мусофирга, бироқ у Вискос томон йўлини давом эттирди ва тезда кўздан ғойиб бўлиши аниқ эди.

«Тезроқ ўйла», деди қиз ўзига-ўзи.

Бир нарсани ўйлашга фурсат йўқ эди, Шантал ёнаётган калтаклардан бир нечтасини олиб, харсанг тош олдига келди ва у ердан олтинни кавлаб олди. Ёмбини қўлга оларкан, уни артиб тозалади ва учинчи бор унга тикилди.

Қизни даҳшат қамраб олди. У олтинни чоҳга ташлаб, яна гулхандан ёнаётган шохларни олди-да, Мусофир изидан тушди. Ҳалиям унга нафрат тинчлик бермасди: бир кунда иккита бўрига дуч келди – бирини олов билан қўрқитди, иккинчини эса ҳеч нарса билан қўрқитиб бўлмасди – зеро, у ҳаётидаги энг қадрли нарсаларидан мосуво бўлган, энди эса йўлида дуч келган нарсани кўр-кўрона вайрон қилишга тайёр эди.

Қиз оёқларини қўлга олиб югурди, бари бир Мусофирга етолмади. Эҳтимол, у лаънати бўрини олишувга чорлаб, оловни ўчирганча ўрмоннинг бир четига беркиниб олгандир, зеро, ундаги ўлишга бўлган иштиёқ, ўлдириш чанқоғидан устун эди.

Вискосга келгач, Шантал гўё Берганинг чақираётганини эшитмагандек, черковдан чиқаётган оломонга қўшилиб кетди. Қиз маросимга бутун шаҳар кўчиб келганига ҳайрон бўлди. Мусофир одамларнинг жиноят қилишларини кўзлаган, лекин ҳамма нарса Руҳоний ўйлагандек бўлиб чиқди – гўё Худони алдаш мумкиндек, бу ҳафта тавба-тазарру ва маърузаларга бағишланди.

Одамлар Шанталга қарадилар, лекин ҳеч ким у билан гаплашмади. Қиз унга қадалган нигоҳларга тап тортмай қарар, зеро, айбдормаслигини, ибодатда тавба қилишга ҳожат йўқлигини биларди – чунки у қонунларини кеч англаган, англагач ундан ҳазар қилган шафқатсиз бир ўйиндаги оддий пиёда эди.

У хонасига кириб, ойнадан ташқарига қаради. Оломон тарқалган, бироқ Шантал ғалати бир нарсага дуч келди: дам олиш кунига қарамасдан Вискос шаҳри ҳувиллаб қолганди. Одатда бу куни бир пайтлар Дор, ҳозирда Хоч турган майдонда одамлар гала-гала бўлиб, гап сотиб туришарди.

У бир неча вақт ойнадан тушаётган қуёш нури юзини қиздираётганини сезган ҳолда яйдоқ кўчага қараб турди. Агар майдонга одамлар тўпланишганда борми, улар об-ҳавони, ёмғир ёғишию қурғоқчиликни муҳокама қилишарди. Лекин бугун уларнинг ҳаммаси уйларига қамалиб олишган, бунинг сабаби Шанталга қоронғи эди.

Ойна қаршисида узоқ турган сари, қиз ҳамшаҳарларидан ҳечам фарқ қилмаслигини тушуниб етди – ўзини бошқача ҳисоблаб, одамларнинг етти



ухлаб тушига кирмаган режани тузган – унинг ўзи бўлади-ку!

Қандай шармандалик! Шу билан бирга – нақадар энгиллик: у шу ерда Вискосда, тақдирнинг бешафқатлигидан эмас, у шунга лойиқ эканидан ҳам шу ерда. Қиз бир умр ўзгача ҳис қилгани билан, энди бировлардан фарқ қилмаслигини тушунди. Уч марта олтинни кавлаб олди ва ҳар сафар уни олиб кетишга журъат қилолмади.

Ҳа, қиз фақат хаёлдагина гуноҳ қилди, лекин ҳаётда уни амалга оширолмади, қурби етмади.

Гапнинг тўғриси, хаёлда ҳам бундай айб ишни қилмаслиги керак эди, ҳолбуки бу режа жозиба ҳам, синов ҳам эмасди, у – тузоқ эди.

«Нега тузоқ бўлсин?» – деб ўйлади қиз. Нимадир унга мана шу олтинда Мусофир томонидан қўйилган масаланинг ечими яширинганини айтди, лекин қанчалар уринмасин, ечим нимадалигини тополмади.

Янги ташриф буюрган Иблис, Прим хоним елкасида бир пайтлар ярқ этган нурнинг аста-секин сўниб бораётганини кўрди. Афсус, бу ерда унинг шериги йўқ, ушбу ғалабани энди бировга кўз-кўз қилолмайди.

Лекин Иблис фаришталарнинг ҳам айёрона усуллари борлигидан беҳабар эди, зеро, Прим хоним елкасидаги нурнинг сўниши Иблисни чалғитиш учун кўрилган бир чора эди, холос.

Фаришта фақат қизнинг бироз ухлаб олишини, бу фурсатда у одамзотга хос даҳшат ва айбдорлик ҳиссидан холи қизнинг қалби билан суҳбатлашмоқчи бўлганди.

Шантал ухлаб қолди. Ва у тушида эшитиши зарур бўлган нарсани эшитди, англаш керак бўлган нарсани англаб етди.

– Ортиқ ер ва қабристон ҳақида сўз юритмаймиз, – деди ҳокимнинг хотини яна черковда «биринчи шахслар» йиғилганидан сўнг. – Очиқчасига гаплашамиз.

\* \* \*

Бешовлон бунга розилигини билдиришди.

– Бизнинг падре, – деди зодагон, – Худо айрим ноҳўя ишларимизни оқлашига мени ҳам ишонтирди.

– Ғирромлик қилманг, – деди руҳоний, – ҳаммасини тушуниш учун деразадан ташқарига бир қарашнинг ўзи кифоя. Шайтон бизга қўшилмоқчи бўлгани учун ҳам – иссиқ шамол эсмоқда.

– Тўғри, – деди ҳоким, гарчи Шанталга ишонмасанг, – бизни бирор нарсага ишонтиришнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун қимматли вақтимизни беҳудага совурмай, очиқ-ойдин гаплашиб оламиз.

– Ижозатингиз билан мен бошласам, – деди меҳмонхона соҳибаси. – Барчамиз Мусофир таклифини қабул қилишга ён босяпмиз. Бошқача қилиб айтганда, жинойт тарафдоримиз.

– Ўрни қурбонлик келтиришга, – дея тўғрилаб қўйди диний атамаларга кўниккан Руҳоний.

Черков даҳлизидида чўккан жимлик барчанинг розилигини англатарди.

– Фақат қўрқоқларгина сукут сақлайдилар. Келинлар, Вискосни асраб қолиш учунгина шундай йўл танлаганимизни Тангри эшитиши учун овозимизни чиқариб илтижо қиламиз. Ҳамма тиз чўксин.

Йиғилганлар, гарчи қалбан норози бўлсалар-да, тиз чўкдилар, чунки улар Ёвузликни била туриб, содир этилажак гуноҳ учун Худодан кечирим сўраш бефойда эканини яхши билардилар. Улар Ахавнинг «Кечириб кунини» эслаб, яна шундай кун қайтиб келса, ҳаммалари бир ёқадан бош чиқариб, Худони жинойт қилишга мажбур қилгани учун айбламоқчи бўлдилар.

Руҳоний ҳамма унинг ортидан дуони қайтаришларини талаб қилди:

– Худойим, бу дунёда ҳеч ким мурувват пешаси бўлмаслигини ўзинг айтмаганмидинг, Сенинг ка-

роматингдан баҳраманд ва Сенгагина чексиз муҳаббат ҳис қилгувчи биз, осий бандаларингни кечир. Муқаддас Қуддусни озод қилиш йўлида мусулмонларни қириб ташлаган Хочлиларни кечирганинг, черковларнинг поклигини сақлаб қолмоқчи бўлган инквизиторларни афв этганинг, Сени таҳқирлаб, Голгоф дўмлигига олиб чиққанларни гуноҳларидан ўтганинг каби бизларни ҳам кечир, зеро, шаҳарни қутқариш учун қурбонлик келтиришга мажбурмиз.

– Энди масаланинг амалий томонига ўтсак, – деди ҳокимнинг хотини, – ким қурбон бўлишини ва бу ишни кимлар қилишини ҳал қилиб олайлик.

– Биздан доимо мурувват кўриб келган қиз Вискосга Шайтонни етаклаб келди, – деди бир пайтлар Шантал билан бир кечани ўтказган ва бир кун келиб қиз унинг хотинига гуллаб қўйишидан қўрққан зодагон. – Ёмонликка фақат ёмонлик бас кела олади, шунинг учун қиз жазога лойиқ.

Йиғилганлардан иккиси Прим хонимнинг ўзини бошқалардан айри ҳисоблаб, пайти келганда бу ерларни ташлаб кетишини яшириб ҳам юрмайдиган ягона кимсалигини таъкидлаб, рози бўлдилар.

– Қизнинг онаси йўқ, бувиси ўлган. Унинг гумдон бўлганини биров сезмайди, – деди ҳоким ва бу таклифни қўллаб-қувватловчи учинчи одам бўлди.

Лекин унинг хотини бунга қарши чиқди:

– Дейлик, қиз олтинларнинг қаердалигини биларди, ахир уларни ўз кўзи билан кўрган ягона инсон ҳам у. Қолаверса, бу ерда таъкидланганидек, фақат угина Шайтонни етаклаб келгани, фақат қизгина ҳаммани жиноятга ундагани боис қизга ишонса бўлади. Нима десангиз денг, бордию қолган одамлар сукут сақлашса, у ҳолда, қизнинг сўзи табаррук зотларнинг, яъни бизларнинг сўзимизга қарши бўлади.

Доимгидек ҳоким хотинининг фикрларига шубҳа билан қаради:

– Нега Шантални ҳимоя қилмоқчи бўляпсан, ахир уни жининг суймасди-ку?

– Негалигини мен биламан, – деди руҳоний, – ким бу фожиани бошлаб берган бўлса, бадалини ўша тўласин. Токи, у умрининг сўнгги дамигача исноддан қутулолмасин, эҳтимол у ҳам Исо Масиҳни сотган Иуда кунига тушар, зеро, сотқин охир-оқибат ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, алам доғида ўз жонига қасд қилганди.

Ҳокимнинг хотини руҳоний келтирган далилдан ёқа ушлади, чунки аёл айнан шулар ҳақида ўйлаганди. Шантал эркакларни ақлдан оздирар даражада сулув эди. У вискосликлар каби яшашни хоҳламаслигини айтиб доим ҳасрат қиларди, гарчи бу ўлкада талай нуқсонларига қарамасдан меҳнатсевар ва интизомли одамлар яшасалар-да ва ҳаттоки айримлар дастлаб бу жойда қолишни орзу қилган бўлсалар ҳам (бу ердаги осуда ҳаёт охири жонига тегиб, шаҳарни тарк этган чет элликлар назарда тутилмоқда).

– Бу қизнинг ўрнида бошқа бировни тасаввур қилолмайман, – деди меҳмонхона соҳибаси. У дастлаб Шанталнинг ўрнига бошқа одам топилмаслигини ўйлаб қолди, кейин эса олтиндан ўз улушини олгач, «дўкони»ни ёшиб, узоқларга кетиши мумкинлигини тушунди. – Деҳқон ва чўпонлар уюшқоқ ва оилали одамлар бўлиб, кўпчилигининг Вискосни тарк этган фарзандлари бор. Агар шаҳарликлардан бирортасига қандайдир кор-ҳол бўлса, қариндошлари дарҳол бунни пайқайдилар. Прим хоним эса изсиз йўқолиши мумкин бўлган ягона инсон.

Беғуноҳни айблаган одамларни лаънатлаган Исони хотирларкан, руҳоний ҳеч кимга бармоғини кўрсатмади. У кимни қурбонликка келтиришни

биларди, лекин у шундай қилиши керакки, токи бу инсон ҳаммага аниқ бўлсин.

– Вискос аҳли эртадан-кечгача меҳнат қилади. Ҳар ким ўз вазифасини адо этади: бу вазифа ҳаммада, ҳатто ўз мақсади йўлида Шайтондан фойдаланишни кўзлаган ўша бечора қизда ҳам бор. Биз озчиликмиз, шундай экан, меҳнатга яроқли бир кимсадан шунчаки маҳрум бўлолмаймиз.

– У ҳолда ҳазрати олийлари, ҳеч кимни қурбон қилолмаймиз. Мўъжизани кутиш керак, бугун Вискосга янги бир меҳмон келганда эди... Аслида бу ҳам хавфли, эҳтимол, у оилали бўлиб чиқар, излаб қолиши мумкин. Шаҳримизда ўша фургонда келадиган нонни сотиб олиш учун ҳамма оғир меҳнат қилади.

– Сиз ҳақсиз, – деди руҳоний бу гапга жавобан. – Эҳтимол кечадан бери қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдираётгандирмиз. Вискосда истиқомат қилувчи ҳар бир одамнинг яқини бор ва керакли пайтда «ундан қўлингни торт» дейиши мумкин. Фақат шаҳримизда уч киши ёлғиз тунайди – бу камина, кампиршо Берта ва Прим хоним.

– Нима, ўзингизни қурбонликка келтирмоқчимисиз?

– Юрт фаровонлиги учун нималарни қурбон қилмайсан, киши.

Қолган бешовлон енгил тортдилар – бирдан улар Шанба кuni чароғон ва ҳеч нарса содир бўлмаслигини тушундилар.

Шаҳидлик бўлади.

Шу пайтгача черковда ҳукм сурган оғир муҳитга қандайдир сеҳр барҳам бергандек ва меҳмонхона соҳибаси ўзини руҳонийнинг оёқлари остига ташламоқчи ҳам бўлди.

– Фақат битта мушкуллик бор, – дея сўзини давом эттирди руҳоний. – Сизлар ҳамма одамларга диндор

ва тақводорларни ўлдириш оғир гуноҳ бўлмаслигини тушунтириб чиқишингиз керак.

– Буни ўзингиз одамларга тушунтириб берасиз! – дея ҳайқириб юборди ҳоким ва бўлажак пуллар ҳисобига қандай ислоҳотларни ўтказиш, газеталарда қандай рекламалар бериш, солиқни камайтириш эвазига сармояларни жалб қилиш, ҳозирда муаммо бўлиб турган алоқани тиклаш учун янги кабеллар ўтказилиб, меҳмонхона таъмирлангач сайёҳлар оқими нақадар кўпайиб кетишини ўйлаб руҳланиб кетди.

– Йўқ, мен бу ишни қилолмайман, – деди руҳоний. – Халқ ўлдирмоқчи экан, шаҳидлар бунга қарши чиқмайди. Лекин улар ўзларига ўлим изламайдилар, зеро, черков доимо ҳаёт – Худонинг туҳфаси эканини уқтириб келади. Одамларга ўзингиз тушунтиринглар.

– Бизга ҳеч ким ишонмайди. Ўттиз чақа учун Иуда Исони сотгани каби, бизни ҳам тақводор инсон ҳаётига зомин бўлган энг ярамас қотиллардан деб биладилар.

Руҳоний елкасини қисди. Яна қуёш чекиниб, черковда таранг вазият вужудга келди.

– У ҳолда фақат Берта хоним қолди, – деди зодагон.

Узоқ сукутдан сўнг руҳоний гап бошлади:

– Кўринишидан кампир жудоликдан кўп азият чекапти: неча йилдан бери об-ҳавога қарамасдан куни бўйи эшиги олдида бекор ўтиради. У ҳеч нарса қилмайди, фақат эзилади, менимча, бечоранинг эси оғяпти: ёнидан ўтаётиб кўп марта ўзи билан ўзи гаплашиб ўтирганига гувоҳ бўлганман.

Яна хонада енгил шамол эсди, йиғилганлар дераза ёпиқлигини кўриб, қўрқиб кетдилар.

– Унинг ҳаёти изтиробларга тўла бўлди, – деди меҳмонхона соҳибаси. – Эрининг ёнида бўлиш учун



кампир ҳеч нарсасини аямаган бўларди, деб ўйлайман. Улар қирқ йил турмуш қурганини биласизми?

Буни ҳамма биларди, лекин ҳеч кимнинг бу билан иши бўлмаган.

– Кампир жудаям улуғ ёшда, дейиш мумкинки, бир оёғи гўрда, – қўшимча қилди зодагон. – Шунингдек, шаҳримизда бирорта иш билан банд бўлмаган ягона инсон. Бир гал кампирдан нега сиз, ҳатто қиш пайтиям эшик олдида ёлғиз ўтирасиз, деб сўраб ҳам кўрдим. Биласизми, Берта хоним нима деб жавоб берди? Шаҳарда Ёвузлик пайдо бўладиган кунни ўтказиб юбормаслик учун пойлоқчилик қилаётганмиш.

– Вазиятга кўра, у вазифасини уддалолмаган.

– Билъакс, – деди руҳоний, – сўзларингиздан шуни англадимки, Вискосга Ёвузликни киритган одамнинг ўзи уни ҳайдаб чиқаради.

Йиғилганлар яна жим қотдилар ва барча ниҳоят қурбон танланганини тушунди.

– Охирги гап, – деди меҳмонхона соҳибаси. – Биз шаҳримизнинг гуллаб-яшнаши учун қачон ва кимни қурбон келтиришни биламиз: ушбу маросим туфайлигина унинг пок руҳи заминдаги азобли умрни тарк этиб, рихлатга равона бўлади ва у ерда бахтиёр бўлади. Фақат буни қандай амалга оширамиз, шуни аниқлашгина қолди.

– Вискосдаги жами эркаклар билан гаплашиб кўриш керак, – деди Руҳоний. – Соат тўққизда шаҳардаги майдонда йиғилишсин. Ундан олдин биз бу ерга йиғилиб, беғоналарсиз гаплашиб оламиз.

Руҳоний йиғилганлар тарқаётганда ҳокимнинг хотини ва меҳмонхона соҳибасидан майдондаги йиғилиш пайти Берганинг олдига бориб, уни чалғитиб туришларини сўради.

Ҳолбуки кампир кечалари ҳеч қаёққа чиқмасаям, эҳтиёт чораси ҳеч қачон ортиқчалик қилмаган.

Одатдаги вақтда Шантал барга келди. У бўм-бўш эди.

\* \* \*

– Бугун кечқурун шаҳар майдонига Вискоснинг жами эркаклари йиғилишяпти, – деб тушунтирди меҳмонхона соҳибаси.

У бошқа ҳеч нима демади – Шантал шундоқ ҳам нималар бўлишини биларди.

– Олтинларни ўз кўзинг билан кўрганмисан?

– Кўрдим. Лекин сиз Мусофирдан олтинларни шу ерга келтиришини сўрашингиз керак. Режаси амалга ошгач, бу ерлардан гумдон бўлиши ҳам мумкин.

– У тентак эмас-ку?

– Тентак.

Меҳмонхона соҳибасига бу фикр ёқиб тушди. У Мусофирнинг хонасига кирди ва бироздан сўнг қайтиб келди.

– Рози бўлди. Олтинлар ўрмонга яширилганини ва эртага уларни олиб келишини айтди.

– У ҳолда бугун керагим бўлмаса керак?

– Йўқ, кераксан. Сен ўз шартномангдаги ишларни бажаришинг керак.

Соҳиба черковда бўлиб ўтган гапларни қизга қандай етказишга тараддудланди, чунки қизнинг бунга муносабатини билишга қизиқаётганди.

– Бу ишлардан бошим қотиб қолди, – деди у. – Етти ўлчаб бир кесиш кераклигини биламан...

– Етти марта эмас, етти юз марта ўлчаб кўришсин, бари бир кесишга юраклари дов бермайди.

– Эҳтимол, – деди соҳиба. – Қарор қилишса, унда сен нима қилган бўлардинг?

Аёл қизнинг фикрларига қизиқар, қиз эса Вискосда қанча яшамасин, уни Мусофирчалик билмаслигини англаб етди.

Майдондаги йиғилиш! У ерда Дорнинг йўқлигига минг афсуслар бўлсин.

– Хўш, нима қилган бўлардинг? – деб соҳиба қизни қистовга олди.

– Бу саволингизга жавоб бермайман, – деди Шантал, гарчи нима қилишини аниқ билса-да. – Фақат Ёвузлик ҳеч қачон Ўзгуликни етаклаб келмаслигини айтаман. Кундузи бунга ўзим амин бўлдим.

Меҳмонхона соҳибаси ичида бундай беҳурматликдан аччиқланган бўлса ҳам, донолик билан баҳс қилмасликни, Шантал билан тортишмасликни лозим топди, бу кейинчалик кўп муаммоларни келтириб чиқариши мумкин эди. Бугунги даромад пулини ҳисоблашни баҳона қилиб (шу ондаёқ билдики, топган баҳонаси фирт аҳмоқликнинг ўзи, чунки меҳмонхонада биттагина одам турарди) кўздан ғойиб бўлди.

Соҳибанинг кўнгли тинч эди – Прим хоним нималар бўлаётганини билгандан кейин ҳам норозилигини кўрсатмади. Нима ҳам дерди, қизгаям пул керак, кўп пул керак, чунки унинг ҳаёти ҳали олдинда, балки қиз ҳам Вискосни аллақачон тарк этган ўз тенгқурларидан ўрнак олар. Шанталдан ёрдам бўлмас экан, демак, у бировга тўсиқ ҳам бўлмайди.

Бемаза кечки таомдан сўнг руҳоний черковдаги ўриндиқда танҳо ўтирди. У бироздан сўнг келадиган ҳокимни кутарди.

\* \* \*

Руҳоний черковнинг ёриқ тушган деворлари, дурустроқ санъат асари ўрнига қачонлардир бу ерларда яшаган авлиёларнинг суратларидан иборат арзон полотнолар жойлашган меҳробни кўздан кечирди. Гарчи шаҳарнинг қайта туғилиши авлиё Савиний билан боғлиқ бўлса-да, Вискос одамларида ҳеч қачон диний эътиқодга мойиллик кучли бўлмаган.

Лекин одамлар авлиёни унутишган, ўрнига Ахавни, келтларнинг минг йиллик ақидаю бидъатларини

эслашни хуш кўрадилар ва энг ҳаққоний йўл бор-йўғи Исони инсониятнинг халоскори деб тан олиш эканини англамайдилар.

Бир неча соат олдин Руҳонийнинг ўзи шаҳид бўлишга рози бўлди. Бу хатарли йўл эди, лекин одамлар бунчалар гўл ва уларни осонгина ҳар қўйга солиш мумкин бўлмаганида, у чекинмас, ўзини қурбон қилишдан тап тортмасди.

«Бу нотўғри. Одамлар содда, лекин уларни ҳар қўйга солиш осонмас», – дея ўзини-ўзи инкор қилди. Сукути ёки ёрқин нутқлари билан одамлар уни эшитишини хоҳлаган нарсани гапиришга мажбур қилишди: қурбонлик келтириш зое кетмайди, қурбон – омон қолиш гарови, таназул ўрнига тараққиёт келажак. Керак бўлса, одамлар ундан ўшанда фойдаланиши мумкин, дея фирромлик қилганди, лекин ўзининг гапига ўзи ҳам ишонганди.

Диңдор бўлиш унинг пешанасига ёзилган бўлиб, бунга ёшлигиданоқ берилганди. Йигирма бир ёшида у диний мансаб – сан унвонини олди ва тез орада нутқи ва ибодатчиларни бошқариш қобилияти билан овоза бўлди. У тунлари билан Худога илтижо қилар, кундузлари беморларга қарар, маҳбусларга ташриф буюрар, оч-яланғочларга кўмаклашарди – Муқаддас Ёзувлардаги ашъорга тўлиқ бўйсунарди.

Аста-секин унинг доврўғи атрофга ёйилди, номи доно ва адолат пешвоси – Епископ қулоғига етиб борди.

Ёш руҳонийлар қатори уни ҳам Епископ томонидан берилажак кечки зиёфатга таклиф қилишди. Дастурхон атрофида турли мавзуларда гап борди, суҳбат сўнгида қариб, зўрға қадам босувчи Епископ ўрнидан туриб, ҳар бир меҳмон олдига бориб, кўзасидан сув қуйиб беришни таклиф қилди. Барчаси бундан бош тортди, фақат угина Епископдан қадаҳига тўлдириб сув қуйишини илтимос қилди.



Шунда ёш руҳонийлардан бири секин, лекин Епископга эшитар даражада деди:

– Биз шундай муқаддас одам қўлидан сув ичишга ўзимизни нолойиқ, деб билдик. Фақат ичимизда ўтирган бир одамгина дастурхон атрофида оғир кўзани кўтариб юрган епархиямиз бошлиғи ўзни қандай қурбон қилаётганини англамади.

Ўрнига қайтиб борган Епископ шундай деди:

– Сиз ўзингизни тақводор ҳисоблаб, менинг қўлимдан туфҳа олишга жазм қилмадингиз, бу билан мени марҳамат қувончидан бенасиб қилдингиз. Фақат бир одамгина Эзгулик қарор топишига изн берди.

Ва шу ондаёқ Епископ уни энг муҳим жамоатга бошлиқ этиб тайинлади.

Шундан сўнг улар тез-тез учрашиб турдилар, тез орада дўстлашиб олдилар. Қачонки ёш падрени бирор шубҳа-гумон таъқиб этса, у Епископ ҳузурига келар, уни «устозим» деб атаб, қаноатли жавоблар оларди.

Кунларнинг бирида у қилаётган ишидан Худо қониқмаса керак, дея маҳзун бўлиб қолди. Ўзини қийнаган саволларни Епископга берди ва ундан шундай жавоб олди:

– Иброҳим мусофирларни қабул қилган, Илёс мусофирларни ёқтирмаган, Довуд ўз ишидан мағрурланган, Митар меҳроб олдида қилмишидан афсусланган, Иоан Чўқинтирувчи чўлга кетиб қолган, ҳаворий Павел Рим империясининг катта шаҳарларини кезган ва уларнинг ҳаммаларидан Худо рози бўлган. Парвардигорга не хуш келишини биз англашга ожизмиз. Юрагинг нени буюрса, шунга жазм қил ва бунга ҳам Худо рози бўлади.

Эртасига Епископ тўсатдан юрак ҳуружидан вафот этди. Падре устозининг боқий дунёга кетишини

гайритабий деб тушунди ва унинг сўнгги маслаҳати – юрак амрига бўйсунушга қаттиқ қарор қилди.

Тиланчиларнинг бирига садақа берса, иккинчисига ишлашани маслаҳат берди. Баъзида маросимни тантанали ўтказса, баъзида жамоат билан бирга куйлади. Унинг юриш-туришини янги Епископга етказишди ва падре унинг қабулига чақирилди.

У епархия бошлиғи курсисиди бир пайтлар сувни дея уни изза қилган инсонни кўриб, донг қотди.

– Катта ва муҳим жамоатга бошчилик қилаётганидан хабардорман, – деди у киноясиз падрега юзланиб. – Эски Епископнинг яқин дўсти бўлгансан. Эҳтимол, бу лавозимни эгаллашни хоҳлагандирсан?

– Йўқ, билим олишни хоҳлаганман.

– У ҳолда сен донишмандликни эгаллаганинг аниқ, лекин менга турли миш-мишлар етиб келяпти – айтишларича, кимгадир садақа берармишсан, баъзида эса черковимиз ёрдам бериши лозим бўлган кимсаларга кўмагингни дариг тутармишсан.

– Менда иккита чўнтак бор, ҳар бирига ёзув солиб қўяман, пулни эса фақат чапига соламан.

Янги Епископ бу гапларга қизиқиб, ёзувда нималар борлигини билмоқчи бўлди.

– Биттасига «Мен – фақат чанг ва хокман» деб ёзиб ўнг чўнтагимга солдим. Иккинчисига эса «Мен – Худонинг ердаги қулиман» деб ёзиб, пул турадиган чап чўнтагимга солдим. Қачонки ғариблик ва ноҳақликни кўрсам, қўлимни чап чўнтагимга суқиб, ёрдам бераман, ялқовлик ва бекорчиликни кўрсам, қўлимни ўнг чўнтагимга солиб, ҳеч нарса қилолмаслигимни биламан. Шундай йўл билан моддий ва маънавий дунё ўртасидаги мувозанатни ушлаб тураман.

Янги Епископ унга муруватнинг бундай ёрқин кўринишини ҳикоя қилиб бергани учун миннатдорчилик билдириб, ўз жойига қайтишини айтди.



Тез орада руҳоний Вискосга боришга буйруқ олди.

У тезда буйруқнинг тағ маъносини тушуниб етди: Епископ унга ҳасад қиларди. Бироқ руҳоний қаерга юборишмасин, Худо йўлига хизмат қилишга онт ичган, шунинг учун бу хўрликни ичига ютиб, Вискосга равона бўлди: бу синовни ҳам мардонавор енгиш лозим эди.

Орадан бир йил, икки йил ўтди. Беш йил ўтгандан сўнг руҳоний қанча тиришмасин, динга ишонувчиларнинг сони ортмади: Вискос Ахав кўкларга кўтарган ўтмиш меросидан қутулолмади, диний маросим ва ибодатлар одамлар онгига ўрнашиб қолган афсона ва бидъатларни сиқиб чиқаролмади.

Ўн йил ўтди. Ўнинчи йил охирига келиб у қаерда хатога йўл қўйганини тушунди: ундаги билимга бўлган чанқоқлик кибрни келтириб чиқарганди. Руҳоний илоҳий адолатга шу қадар ишондики, оқибатда уни дипломатия санъати билан уйғунлаштира олмади. У ҳар бир лаҳзада Худо намоён бўлган дунёда яшайпман деб ўйлади, лекин ҳақиқат одамлар Худони тан олмайдиган дунёда эканини ошкор қилди.

Ўн беш йил ўтгандан сўнг эса у Вискосни ҳеч қачон тарк этолмаслигини тушунди: уни суймайдиган Епископ кардинал даражасига кўтарилди ва Ватиканда муҳим лавозимни эгаллади, Папа тахтини эгаллаш учун яхши имкониятга эга бўлди. У ҳеч қачон олис бир шаҳарчадаги падренинг бировнинг рашк ва ҳасади туфайли ўзининг у ерга михланиб қолгани ҳақидаги гаплар овоза бўлишига йўл қўймасди.

Бу вақтга келиб руҳоний рағбатнинг мутлақ йўқлигидан заҳарланиб бўлганди – ким ҳам унинг ўрнига атрофдаги бефарқликка қарши курашарди? У бир пайтлар диний лавозимни тарк этганимда Худога нафим кўпроқ тегарди, деб ўйлади ва бу қарорини вазият ўзгариб қолишига умид қилиб, ортга сурди.

Энди эса кеч бўлганди – у дунёдан мутлақ узилиб қолганди.

Ва йигирма йил ўтгач, бир куни кечаси умрининг бесамар ўтганини аччиқ надоматлар билан англаб, уйғониб кетди. У кўп ишларга қодир бўла туриб, жуда кам ишларни амалга оширганидан қайғуга ботди. Руҳоний бир пайтлар икки чўнтагида олиб юрган ёзувларни эслади, энди эса қўлини фақат ўнг чўнтагига соларди. У донишманд бўлишни орзу қилди, лекин унда сиёсатлик етишмади. Адолатли бўлмоқчи эди, аммо донолик тақчил эди. Сиёсатчи бўлмоқчи бўлди – лекин бунга журъати етмади.

«Худойим, кароматинг қайда қолди? Нега Айюбга бўлган муносабатингни менга ҳам раво кўрдинг? Наҳотки барча имкониятлар ортда қолган бўлса? Менга яна бир имконият бер!»

Ўша тун у ўрнидан туриб, таваккал қилганча Инжилни очди, жавоб излаганда у шундай йўл тутарди. Бу гал унинг нигоҳи Исонинг «Сирли оқшом»да хоиндан Уни аскарга кўрсатиб беришини сўраган баёнига кўзи тушди.

Падре узоқ ўйга толди: нега энди Исо хоиндан гуноҳ қилишини сўраган?

«Чунки, башорат қилинган нарсалар рўёбга чиқиши учун», дейиши мумкин дин уламолари. Лекин бу жавоб Исонинг нега хоинни гуноҳга чорлаб, уни бир умр тавқи лаънатга дучор қилганини изоҳлаб беролмайди.

Исо ҳеч қачон бундай йўл тутмаган бўларди, зеро, У ҳам, хоин ҳам фақат қурбондир. Интиҳода Эзгулик тантана қилиши учун ҳам Ибтидода Ёвузлик ўз моҳиятини намоён қилмоғи лозим. Агар сотқинлик бўлмаганида эди, қатл ҳам юз бермасди, демак, буюк башорат амалга ошмаган, қурбон ҳеч кимга ибрат бўлолмасди.



Кейинги кун Вискосда Мусофир пайдо бўлди, бундай воқеа бу ерда тез-тез бўлиб турарди. Падре бунга эътибор қилмади ва Инжилда ўқиганлари билан боғлиқликни ҳам кўрмади.

У Леонардо да Винчининг «Сирли оқшом» асари яратилишига оид ривоятни эшитганда, шунга ўхшаш нарсани Инжилда ҳам ўқиганини эслади ва бу тасодиф бўлса керак, деб қўя қолди.

Ва фақат Прим хоним Мусофир режасини гапириб бергандагина Падре ниҳоят илтижолари ижобат бўлганини англади.

Бу ерлик одамлар қалбида Эзгулик барқ уриши учун ҳам Ёвузлик ўз кучини намойиш қилиши лозим. Руҳонийнинг Вискосда ўтказган даври мобайнида биринчи бор черков одамларга тўлиб кетганди. Биринчи бор шаҳарнинг «казолари» бу ерга йиғилгандилар.

«Инсонлар Эзгуликнинг қадрига етишлари учун ҳам Ёвузлик содир бўлмоғи лозим». Ўз қилмишини кеч англаган ҳаворий каби бу одамлар ҳам ўзларидан уялиб, тавба қиладилар, черков эса уларнинг ягона паноҳига айланади ва ниҳоят Вискос тақводорлар юртига айланади.

Руҳоний эса Ёвузлик қўлидаги қуролга дўнади – Тангри олдидаги тобеликни бундан-да кенгроқ ва чуқурроқ кўрсатиш мумкинми?!

Келишганларидек ҳоким кириб келди.

– Айтинг-чи падре, нима қилишим керак?

– Мажлисни ўзим бошқараман, – деб жавоб берди руҳоний.

Ҳоким иккиланиб қолди, чунки у шаҳардаги энг олий мансаб эгаси ва бегонанинг бундай муҳим мавзуда одамлар олдида чиқиш қилишини хоҳламаганди.

Гарчи Падре Вискосда йигирма йилдан ортиқ яшаган бўлса-да, у маҳаллий саналмасди, бу ердаги

афсона ва бидъатларни билмасди ва унда Ахавнинг қони йўқ эди.

– Бундай муҳим вазиятда халққа мен мурожаат қилганим маъқул, деб ўйлайман, – деди ҳоким.

– Майли, сиз айтганча бўлсин. Бу жудаям соз, зеро, бирор жанжал чиқса, черков четда бўлади. Сизга ўз режамни айтаман, сиз эса уни одамларга етказасиз.

– Режа сизники экан, у ҳолда ўзингиз уни одамларга айтиб берсангиз, ўйлайманки, адолатдан бўларди.

«Мангу қўрқув, – деб ўйлади Руҳоний. – Одамларни ўзингга тобе қилмоқчи бўлсанг – уларни қўрқишга мажбур қил».

Ўнта кам тўққизда меҳмонхона соҳибаси ва ҳокимнинг хотини Берганинг уйига келдилар ва ичкарига кириб, кампирнинг тўқиб ўтирганини кўрдилар.

\* \* \*

– Бугунги оқшом шаҳримиз ўзгача, – деди кампир, – мен кўплаб оёқ товушларини эшитдим, бунча одам барга сиғмаган бўларди.

– Бу эркакларимиз, – дея жавоб берди меҳмонхона соҳибаси, – улар Мусофир масаласини ҳал қилиш учун майдонга йиғилишяпти.

– Тушунарли. Лекин ниманиям ҳал қилишарди? Ё унинг шартини қабул қилишади, ёки икки кундан сўнг Мусофирнинг тўрт томони – қибла бўлади.

– Унинг таклифини, ҳатто хаёлга ҳам сиғдиролма-япмиз, – гўё жаҳл қилди ҳокимнинг хотини.

– Ростдан-а? Мен эса бугун руҳонийимиз ажойиб маъруза қилганини, битта одам қурбонлиги бутун инсониятни қутқариши ва Худо шайтоннинг таклифи билан энг содиқ қулини жазолагани ҳақида гапирганини эшитдим. Агар юртдошларимиз Мусофир таклифини, дейлик, «битим» деб қабул қилсалар, бунинг нимаси ёмон?

– Ҳазиллашяпсиз, шекилли.

– Йўқ, жиддий айтяпман. Мени алдаётган кўри-насиз.

Иккала аёл ўринларидан туриб, кетишмоқчи бўлишди, лекин бу иш жуда хавфли эди.

– Ҳа, айтганча, қадам ранжидаларига бирор сабаб борми? Авваллари бундай бўлганини эслолмаяпман.

– Икки кун олдин Прим хоним лаънати бўрининг увиллаганини эшитганмиш.

– Бу ҳақда темирчимиз тўқиб чиқаргани одамларга маълум, – деди меҳмонхона соҳибаси. – Аминманки, аслида у қўшни қишлоқлик бирорта жувонни ўрмонга етаклаб борган ва у ерда тегажоғлик қилган ва аёлдан калтак еб, бўри ташлангани ҳақидаги уйдирмани тўқиб чиқарган. Лекин биз бари бир уйингиз атрофи тинчми-йўқми, шундан бир хабар олайлик, дедик.

– Ҳаммаси жойида. Мен столга дастурхонча тўқияпман, лекин охирига етказа оламанми-йўқми, билмайман. Эҳтимол, эртага ўлиб қоларман.

Орага ноқулай сукут чўқди.

– Ўзингиздан қолар гап йўқ, қариялар билан тез-тез шундай бўлиб туради: қарабсанки – ўлган-қўйган, – қўшимча қилди кампир.

Ўртадаги ноқулай вазият бироз енгиллашгандек бўлди.

– Сизга ўлимни ўйлашга ҳали эрта.

– Балким, эртадир, лекин эртага нима бўлишини ким билади? Айтганча, айнан мана шу ҳақда кун бўйи ўйладим.

– Бунга бирор нарса сабаб бўлдими?

– Алоҳида сабаб бўлиши шартми?

Меҳмонхона соҳибаси эҳтиёткорлик билан мавзунини ўзгартириш кераклигини сизди.

Бу вақтга келиб, майдонда йиғилиш бошланган эди.

– Ёшинг ўтган сари ўлим муқаррарлигини ўйлаб қоларкансан, киши ва уни қўрқмасдан осуда қарши олиш лозим, зеро, айрим ҳолатларда у бизни ортиқча қайғулардан халос қилади.

– Ҳақ гапни айтдингиз, – деди Берта, – айнан шу ҳақда кунни бўйи ўйладим. Биласизми, қандай хулосага келдим? Мен ўлимдан ўлгудек қўрқаман ва ҳали вақти-соатим етимаганига ишонаман.

Орага яна оғир сукунат чўкди, ҳокимнинг хотини черковга туташган ер ҳақидаги гапларни эслади – улар гаплашишган, лекин бошқа нарсани назарда тутишганди.

Аёллар шаҳар майдонида нималар содир бўлаётганидан беҳабар эдилар: руҳонийнинг қандай таклиф киритишини, одамлар бунга қандай муносабатда бўлишини ҳеч ким билмасди.

Берта билан очиқчасига гаплашишнинг маъноси йўқ – ҳеч бир соғлом одам ўлишни хоҳламайди.

Ҳокимнинг хотини хаёлан ўзига вазифа қўйди: одамлар чиндан ҳам кампирни ўлдирмоқчи эканлар, шундай йўл тутиш керакки, токи зўрлаш ва курашнинг изи қолмасин, чунончи бу воқеа устидан тергов олиб борилади.

Берта шунчаки гумдон бўлиши керак. Мусофир талаби қондирилгач, ўликни қабристон ёки ўрмонга кўмиб бўлмайдди, яхшиси уни ёқиб, хокини тоғ бағрига сешиб ташлаш мумкин. Асл ва кўчма маънода Берта бу ерларни озиқлантириб, унинг серҳосиллигини таъмин этувчи одам бўлади.

– Нимани ўйлаб қолдингиз? – дея кампир унинг хаёлини бўлди.

– Гулхан ҳақида, – деди ҳокимнинг хотини. – Танамиз ва қалбимизни иситувчи ажойиб гулхан ҳақида.

– Ўрта асрларда яшамаётганимиз қандай яхши, биласизми, шаҳримиздаги айрим одамлар мени жодугар, деб ўйлашади, – деди Берта.

Кампирнинг бирор ёмон нарсадан шубҳа қилмасликлари учун иккала аёл маъқуллаб бош силкиди.

– Ўша замонда яшаганимизда борми, кимдир мени нимадандир айблаб, ёқиб ташлашни, ҳа-ҳа, мени тириклайин ёқиб ташлашни хоҳлаган бўларди.

«Ўзи нималар бўляпти? – деб ўйлаб қолди меҳмонхона соҳибаси. – Наҳотки бизни кимдир сотган бўлса? Наҳотки, олдимда турган ҳокимнинг хотини бу ерга олдинроқ келиб, кампирни огоҳлантиришга улгурган? Ёки ёвуз режасидан афсусланган Падре кампирнинг олдига келиб тавба қилдимикан?»

– Ҳолимдан хабар олишга келганингиз учун раҳмат. Ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман, соғлом бўлиш учун қондаги холестиринни камайтирувчи аҳмоқона парҳез қилишгаям тайёрман, чунки узоқ яшашни хоҳлайман.

Берта ўрнидан туриб, эшикни очди. Келган аёллар хайрлаша бошладилар. Йиғилиш ҳали тугамаганди.

– Чиндан ҳам ташрифингиздан мамнун бўлдим, сўнгги қаторни тўқийман-да, ухлаб дам оламан. Тўғриси айтганда, лаънати бўрига ишонаман, шунинг учун сизлардан бир илтимосим бор: ҳали ёшсизлар, балки йиғилиш тугагунга қадар уйим атрофини қўриқлаб турарсизлар, ўшанда мен бўрининг эшигим олдига келолмаслигига амин бўлардим.

Икки аёл бу таклифга рози бўлиб, кампирга хайрли тун тиладилар, у эса ётоғига кириб кетди.

– У ҳаммасидан хабардор, – деди соҳиба овозини пастлатиб, – кимдир уни огоҳлантирган! Уни қўриқлашга келганимизни сезганини тушунмадингми?

Ҳокимнинг хотини хиёл таажжубланди.

– Кампир ҳеч нарсани билмайди. Бунақанги аҳмоқ... Бордию кампир...

– Нима?

– Ростданам кампир жодугар бўлса-чи? Суҳбатлашаётган пайтимиз хонада бирдан шамол эсиб қолди, эсладингми?

– Лекин деразалар ёпиқ эди!

Иккисининг юраги шув этди – минг йиллик ақидалар ўзини кўрсатганди. Берта ҳақиқатан жодугар бўлса, у ҳолда унинг ўлими Вискосни қутқариш туғул, унинг кулини кўкка совуради.

Ривоятларда шундай дейилганди.


Берта чироқни ўчириб, эшик тирқишидан ташқаридаги аёлларни пойлади. У на кулишини, на йиғлашини, на интиқомини жимгина қарши олишини биларди. Фақат бир нарсага тирноқча шубҳа қилмасди – айнан у қурбонликка тикилганди.

Куннинг иккинчи ярмида эри пайдо бўлди, кампирини ҳайрон қолдириб, бир ўзи эмас, Прим хонимнинг бувисини ҳам эргаштириб олганди. Дастлаб кампирнинг рашки келди – нега улар бирга юришибди? Кейин уларнинг кўзларидаги хавотир ва нотинчликни кўриб, ўзини босиб олди. Меҳмонлар черковда бўлиб ўтган воқеани айтиб беришганида, кампирнинг тарвузи қўлтиғидан тушди.

Улар Бертадан тезроқ жуфтакни ростлашни сўрадилар.

– Ҳазил қиляпсизлар, шекилли, – деди Берта. – Қочиб? Оғриқ оёқларим билан қаёққаям қочардим, ахир уйимиздан юз қадам наридаги черковга аранг бораман-ку. Йўқ, яхшиси ўзингиз бун юқорида ҳал қилиб олинг. Мени ҳимоя қилинг! Бекорга бутун умр авлиёлар ҳақиға дуо қилиб, шамлар ёқдимми?!

Меҳмонлар вазият кампир ўйлаганидан ҳам даҳшатли эканини тушунтирдилар: Эзгулик ва Ёвузлик



ўртасида ҳаёт-мамот жанги бошланган, бунга ҳеч ким аралаша олмасди. Фаришта ва Иблис қачонлардир бутун ўлкаларни вайрон ёки фаровон қилгувчи жангларидан бирини бошлаганлар.

– Менга бунинг алоқаси йўқ. Қандай ҳимояланман? Бу жангга менинг дахлим йўқ ва бошлашларини мен сўрамаганман.

Дарвоқе, ҳеч ким сўрамаган. Бу машмаша бундан икки йил олдин бир фариштанинг ҳисоб-китобдаги адашувидан бошланганди:

Ўғирлик содир бўлган – иккита аёлнинг ўлиши, уч яшар қизалоқнинг омон қолиши кутилаётган эди. Айтишларича, келажакда қизалоқ отасига ўкинч бўлиб, умидини йўқотмаслигига, бу оғир изтиробни бошдан кечиришга ёрдам бериши лозим эди.

Гарчи унга тақдир бешафқатлик қилган бўлсаям (сабаби ёлғиз Худога аён, унинг режаларини ёлғиз угина билади) қизалоқнинг отаси яхши одам эди, пировардида кўнгил яралари битиб, қайғуларини унутиши керак эди. Қизалоқ эса ўсиб-улғайиб, йигирма ёшни қаршилаганда ўзгаларнинг дардига малҳам бўлиши, бутун дунёга татигулик муҳим бир ишни қилиши кутилаётганди.

Ҳа, дастлабки режа шундай бўлган ва ҳаммаси ўз йўлида кетаётгандек: тутқунлар турган уйга полиция бостириб кириб, отишма бошланади, ўлиши керак бўлган одамлар ўлади. Шу пайт қизнинг нажот фариштаси – уч яшарлик болакайлар доимо ўзларининг фаришталарини кўриб, улар билан гаплашиб туришларини балки Берта билар, – қизалоқни девор тарафга тисарилишига ишора қилади. Лекин қизалоқ буни тушунмай, фаришта нима деяётганини эшитиш учун унга яқинлашади.

У атиги бир қадамгина силжиганди, дайди ўқ қизалоқни тилка-пора қилади. Шундан бошлаб воқеа

бошқача тус олади: инсон қалбини комилликка элтувчи воқеа шафқатсиз жангу жадалга айланиб кетади. Саҳнага Шайтон чиқиб, қалби нафрат, ожизлик ва қасос ҳиссиётларига тўлиб кетган қизалоқ отасининг имонини талаб қилади. Фаришталарнинг эса бу инсон имонини бергилари келмади, гарчи бу одам бошга тушган савдодан ножўя ўйларга берилган бўлса-да, алал-оқибат қизалоғининг амалга ошириши лозим бўлган ишларига кўмак бериш учун танланганди.

Қизалоқнинг отаси ўшандан бери фаришталар маслаҳатига қулоқ солмас, Шайтон эса деярли унинг бутун вужудини аста-секин забт этаётганди.

– Деярли, – деб қайтарди Берта. – Сиз «деярли» дедингиз, шундайми?

Меҳмонлар «деярли» деб гапини тасдиқладилар: фақат биргина хира Нур қолганди, зеро, фаришталардан бири таслим бўлишни хоҳламаган, кечаги кунга қадар овоз бермаганди. Энди эса Прим хонимни қурол қилиб фойдаланмоқчи бўлган.

Шанталнинг бувиси айнан шу сабаб бу ерга келишга мажбур бўлганини тушунтирди – дунёда ҳар қандай вазиятни ўзгартиришга қодир инсон бор бўлса, бу ҳам унинг набираси бўлишини таъкидлади.

Лекин бўлажак жанг аёвсиз бўлиши муқаррар, чунки Мусофирнинг фариштаси унинг иблиси туфайли мутлақ мулзам бўлиб қолганди.

Берта ташриф буюрганларни тинчлантирмоқчи бўлди: ахир иккиси ҳам бу дунёда йўқ, кампирнинг ўзи ғам-ташвишини қилади. Улар Шанталга ёрдам бера олармиканлар?

«Шанталнинг Иблиси ҳозирча устунлик қиляпти», – деди улар.

Қиз ўрмонга борганда бувиси унга лаънати бўрини дуч қилди. – Эҳ-ҳе, демак, лаънати бўри мавжуд, Темирчи тўғрисини гапирган экан. Улар Мусофир



қалбида яхши хислатларни уйғотишни ҳам амаллашди. Лекин бундан кейин ишлар юришмаган: Шантал ҳам, Мусофир ҳам ўта ўжар бўлиб чиқди. Энди уларнинг фикрича, қиз кўриши керак бўлган нарсани кўришигина қолган. Аниқроқ айтганда, улар қизнинг кўрганини билишади, лекин унинг англаб етишини кутишмоқда.

– Қиз нимани англаб етиши керак? – деб сўради кампир.

Буни улар Бертага айтолмайдилар – тириклар билан бўладиган мулоқотнинг ҳам ўз чегараси бор, Ислислардан кимдир уларнинг гапини эшитиб қолиши мумкин, у ҳолда бутун иш чиппакка чиқиши аниқ. Бироқ, бу осон иш эканига улар кафил, Шантал тузукроқ ақлини ишлатса, бунга бувининг шубҳаси йўқ, – у ҳолатни яхши томонга ўзгартириши мумкин.

Сир-асрорларни ўлгудек яхши кўрадиган Берта, хиралик қилмай эшитган жавобларидан қониқди: ҳаётига зомин бўладиган нарсаларнинг тагига етиш – унга ёт эди.

– Сен уйимнинг олдига курси қўйиб, йилма-йил шаҳарга келиши мумкин бўлган Ёвузликни пойлашимни буюрдинг. Сен буни нажот фариштаси хатога йўл қўйиб, қизалоқнинг ҳалок бўлишидан аввалроқ айтгандинг.

Эри Ёвузлик бари бир Вискосдан ўтишини, чунки у дунё кезиб, одамларга тўсатдан дуч келиши ва буни яхши кўришини айтди.

– Ишонмайман.

Чол ҳам бунга ишонмайди, лекин аслида шундай. Ҳар бир одам қалбида ҳар бир сониянинг ўзида Яхшилик ва Ёмонлик ўртасида жанг бўлади, зеро, инсон қалби Фаришта ва Иблислар курашадиган майдондир. Мана, минг йиллардан бери улар инсон вужудининг ҳар қаричи учун жанг олиб борадилар ва

бу токи бири иккинчисини мағлуб қилмагунча давом этаверади. Гарчи бу жанг инсонларнинг маънавий оламида рўй берса-да, унда заминдагидан ҳам кўпроқ сир-синаот яширинган.

– Ана энди оз мунча тасаввур бердинг. Безовта бўлманг – ўлишимга тўғри келса, демакки, вақт-соатим етиб келган.

Берта чолини рашк қилаётгани ва унинг олдида бўлишни хоҳлашини айтмади: Шанталнинг бувиси Вискосда доим ўзининг (ҳатто бировнинг ҳам) эрини тек қўядиганлардан эмасди.

Меҳмонлар Шантални тезроқ англашга даъват этишларини айтиб жўнадилар. Берганинг баттар рашки келди, лекин тезда ўзини ушлаб олди, гарчи чоли Шанталнинг бувиси билан танҳо бўлишни хоҳлаб, унинг олдига боришини кечиктиряпти, деб ўйлаган бўлсаям.

Ким билади, эҳтимол эртага чолининг эркига чек қўйилар. Кампир бироз ўйланиб, бошқа фикрга келди: бечора чол бир неча йил дам олишга ҳақли, Берта бунга қарши бўлармиди? Майли, ўзини эркин қуш ҳисобласин, хоҳлаганини қилсин, лекин бари бир кампирини соғинаётганини билади.

Кампир уйи олдида турган хотинларни кўриб, бу водийдаги тоғларни, эркак ва аёллар, дарахт ва шамоллар, Фаришта ва Иблислар ўртасидаги олишувни томоша қилиб, яна бироз яшасам ёмон бўлмасди, деган ўйга борди. Уни даҳшат чулғади. Кампир ўзини бошқа ўйлар билан чалғитмоқчи бўлди – эртага бошқа рангдаги жун калава олиш керак, негаки у тўқиётган дастурхонча бир хил рангда бўлиб қоляпти.

Шаҳар майдонида йиғилиш давом этар, кампир эса Прим хоним марҳумлар билан гаплашишни билмаса-да, уларнинг нима деяётганини уқиб олади, деган ишонч билан ухлаб ётарди.

– Черковда – ибодатхонанинг муқаддас ҳудудида қурбонлик ҳақида гапирдим, – деди руҳоний. – Бу ерда эса сизларнинг шаҳид инсонни кўришга тайёр бўлишингизни сўрайман.

\* \* \*

Ягона фокус хира ёритиб турган майдонда (гарчи ҳоким сайловолди чиқишларида улардан бир нечасини ўрнатишни ваъда қилган бўлса ҳам) одамлар тўлиб-тошганди. Руҳоний Хоч олдига курси қўйиб, одамлар кўрсин деб унга чиқиб олди.

– Асрлар давомида черковни, гарчи у бизни турли хатарлардан ҳимоя қилиб, омон қолишимизга интилган бўлсаям, ноҳақ урушлар олиб борганликда айбладилар.

– Падре, – деди кимдир, – биз бу ерга Черков ҳақида маъруза эшитгани эмас, энди Вискосга нима бўлишини билгани жамулжам бўлганмиз.

– Вискос сизларни, сизларга қўшиб ерингиз, сурвингиз билан тез орада харитадан йўқ бўлиб кетишини тушунтиришга ҳожат йўқ. Мен черков ҳақида гапирмоқчимасман, лекин шуни айтишим шарт: фақат тавба-тазарру, қурбонлик эвазигагина омон қолишимиз мумкин. Ва мен гапимни бўлгунларига қадар, кимдир ўзини шаҳид келтириши биз учун ҳаводек зарурлиги, тавбагина шаҳарни қутқариб қолишини гапирдим.

– Эртага буларнинг қиммати бир пул бўлиши мумкин, – деди кимдир оломон ичидан.

– Эртага Мусофир бизга олтинни кўрсатади, – деди ҳоким. – Прим хоним биргина ўзи жавобгар бўлишни хоҳламагани учун, меҳмонхона соҳибаси Мусофирни олтинларни олиб келишга кўндирган. Кафолатсиз бошимизни қашиб қўймаймиз.

Ҳоким сўз олиб, шаҳарни кутаётган афсонавий ўзгаришлар – ободонлаштириш, болалар хиёбони, солиқни камайтириш, осмондан тушган бойликни тақсимлаш ҳақида сўзлай кетди.

– Ҳаммага тенг бўлинсин, – деб кимдир қичқирди.

Ҳоким ўзи унчалик суймайдиган гапни айтиш вақти келганди, бироқ ҳамманинг кўзи унда бўлиб, майдондаги одамлар гўё энди уйқудан тургандек эдилар.

– Ҳаммага тенг бўлинажак, – деди руҳоний ҳокимни ортда қолдириб. У бошқа йўл қолмаганини яхши тушунарди: ё ҳамма қилинажак иш учун жавобгар бўлиб бир хил улушини олади, ёки кимдир ҳасад ва қасосга берилиб, бу жиноятни керакли жойга бориб чақади. Руҳоний бу сўзларнинг маъзини яхши чаққанди.

– Ким ўлиши керак?

Ҳоким нега алодат юзасидан кампиршо Бертанинг танлаш лозимлигини тушунтириб берди – биринчидан, аёл қариб қолган, марҳум эри доғида куйиб, адо бўлган, кампирнинг яқинлари қолмаган, шунингдек, ақлдан ҳам оғиб қолган, чунки эртадан-кечгача кўча пойлаб ўтиради. Бундан ташқари унинг Вискос учун бирор нафи тегмайди. Ер ёки қўй сотиб олиш ўрнига кампир пулларини банкка фоизли омонат қилиб қўйган, ундан фақат фургондаги нон ташувчи каби шаҳарга ҳафтасига бир марта келиб, молларини сотадиган савдогарларга фойда.

Оломон орасида бирорта ҳам норози одамнинг овози эшитилмади. Ҳоким бундай ҳолат обрўсини янада зиёда қилишидан мамнун бўлди. Бироқ Руҳоний вазиятга қараб, жимликни турлича изоҳлаш мумкинлигини биларди, зеро, доимо «сукут – аломати ризо» бўлавермайди, баъзан у одамларнинг тезда англаб, қарор қабул қилолмаслигини ҳам англатади.



Агар, кимдир норози бўлса, у тез орада «нега жим бўлдим, ахир норози эдим-ку», – дея виждон азобига учрайди, бунинг натижаси эса ёмон бўлиши муқаррар.

– Ҳамма бир фикрда бўлмоғи керак, – деди руҳоний. – Барчангиз овоз чиқариб айтинг – бу қарорга қўшиласизми ё йўқ, токи Парвардигор ўз қўшинида довюррак одамлар борлигини эшитсин, билсин. Агар кимдир Худога ишонмаса, у ҳолда одамлар олдида ё «ҳа», ёки «йўқ» десин, токи ҳамма ким, нимани ўйлаётганини билсин.

Ҳокимга руҳонийнинг ибораси ёқмади: У «керак» деди, тўғрироғи «бизларга керак» ёки «ҳокимга керак», – дейиши лозим эди. Бу машмаша тутагандан сўнг у керакли йўл билан путур етган обрўсини тиклаб олади. Ҳозир эса моҳир сиёсатчидек, Падренинг ўзини кўз-кўз қилишига йўл қуйиб берди.

– Демак, кимлар рози?

Биринчи «мен» сўзини темирчи айтди. Ундан сўнг ҳаммага жасурлигини кўсатиб қўйиш учун ҳоким ўша сўзни баланд овозда қайтарди. Одамлар бақариб бирин-кетин розилигини билдиришди ва бирорта инсон қолмагунча бу ҳолат давом этди. Айримлар тезда уйга кетиш учун ҳам розилигини билдирган бўлса, бошқалари эса олтинни, у туфайли бойиб, Вискосни тарк этишни ўйлаб рози бўлдилар. Бошқа бирлари эса катта шаҳардаги болаларининг дўстлари олдида уялиб қолмаслиги учун уларга пул жўнатишни ўйлаганликларидан рози бўлдилар.

Аслида, йиғилганларнинг бирортаси Вискоснинг аввалги шуҳратини тиклашига ишонмасди, барчаси, гарчи бунга лойиқ бўла туриб, эгалик қилолмаган – бойлик ҳақида ўйлардилар.

Ва ҳеч ким «Мен норозиман», – демади.

– Шаҳримизда 108 хотин ва 173 эркак яшайди, – деди руҳоний. – Овчилик санъати қадрлангани боис, хонадонларда ҳеч бўлмаса биттадан қурол бор. Эрта-

га ҳар бир эркак қуролига ўқ солиб черковга келсин. Қатор қуролларга эга ҳокимимиздан эса мен учун ҳам биттасини қўшиб келишини сўрайман.

– Қуролимизни ҳеч кимга беролмаймиз, – деб оломондан кимдир бақирди. – Қурол – муқаддас нарсa, у – ўжар ва ёт қўлларни ёқтирмайди.

– Гапимни тугатиб олай. Мен отишма қандай бўлишини тушунтириб бераман: одатда бунинг учун етти аскардан иборат яримвзвод тузилади ва ўшалар ўлим жазосини амалга оширадилар. Еттита аскарга еттита қурол берилади, уларнинг олтитаси жанговар ўқ билан, фақат биттаси ичи бўш ўқ билан ўқланади. Порох бир хилда ёниб, бир хилда ўқлар қуролдан учиб чиқади, лекин ичи бўш патронда қурбонни ўлдирадиган қўрғошин каллак бўлмайди.

Аскарларнинг ҳеч бири ким бўш патрон билан отганини билмайди. Ҳар бири аввал кўрмаган, лекин хизмат бурчи юзасидан ўлдириши керак бўлган қурбонга бўш патрон билан отдим деб, бошқасига ўлим жавобгарлигини юклайди.

– Ҳар ким ўзини айбдор ҳисобламайди, – деди ҳалитдан жим турган зодагон.

– Худди шундай. Эртага мен ана шундай йўл тутаман: 87 патрондан қўрғошинни чиқариб, қолганларини шундоқ қолдираман. Ҳамма бирданига ўқ узади, лекин ҳеч ким қуролида қандай патрон бўлганини билмайди. Шундай қилиб бирортангиз ўзингизни айбдор санамайсиз.

Майдондаги одамлар толиқишгани сабаб, руҳонийнинг сўзларидан сўнг ўзларини енгил тортдилар, гўё бу иш фожиавий маъносини йўқотиб, безарар хазина қидириш ишига айлангандек, ҳамма бир силтаниб, тетиклашиб ҳам олди.

Вискоснинг ҳар бир эркаги албатта унга бўш патрон тегиши, биров ўлимида айбдор бўлмаслиги,

фақат она шаҳрини қутқариш учун ўртоқларига кўмак бераётганига ишонарди.

Ва ниҳоят, Вискосда арзирли воқеалар юз бераётганидан одамлар жонланиб кетдилар.

– Ишончингиз комил бўлсин, менинг қуролим чиндан ўқланган бўлади. Ўзимдан яширина олмайман, олтиндан тегажак улушдан бош тортаман, чунки бунинг сабаблари бор, – деди Руҳоний.

Яна ҳокимга нафақат бу сўзларнинг ўзи, балки уларнинг қай оҳангда айтилгани ҳам ёқмади.

Падре Вискос одамларига ўзининг нафақат довжурак ва олижаноб экани, балки шу билан бирга қурбон бўлишга тайёр ва етакчи одамлигини кўрсатиб қўйганди.

Агар майдонда ҳокимнинг хотини бўлганида борми, руҳоний ҳоким бўлишни кўзлаб, кейинги сайловда ўз номзодини қўймоқчи, деган бўларди.

«Ҳечқиси йўқ, душанбагача кутамиз», – деб ўйлади ҳоким. Душанба куни у бир фармойиш чиқармоқчи бўлди. Унга кўра черковга шундай солиқ солинадик, оқибатда руҳоний шаҳарни тарк этишга мажбур бўлади. У бойишни хоҳламас экан – баттар бўлсин.

– Хўш, кимни биз ..., – сўради темирчи.

– Қурбонни ўзим олиб келаман, – деди руҳоний. – Бу иш билан мен шуғулланаман. Фақат учта ёрдамчи керак бўлади.

Кўнгиллилар топилмагач, руҳоний оломондан уч нафар бақувват эркакни танлаб олди. Улардан бири бош тортмоқчи эди, лекин қолганларнинг ўқрайиб қарашидан чўчиб, шу онда рози бўлди.

– Қаерда қурбонлик келтирамиз? – деб руҳонийдан билмоқчи бўлди зодагон.

Ҳоким яшин тезлигида обрўсини йўқотаётганини сезиб, зудлик билан уни тиклашга киришди.

– Бу ерда ишни мен ҳал қиламан, – деди у зодагонга ғазабланиб. – Вискосни қонга белаб бўлмайди. Эртага худди шу пайт Келтлар тоши олдида ўлим жазоси ижро этилади. Қай томонга отишни кўриш учун ўзингиз билан бирга фонус, лампа, машғала олиб келинг.

Йиғилиш тугаганига ишора қилиб, руҳоний курсидан тушди.

Аёллар кўприкдан ўтаётган оёқ товушларини эшитдилар – эркаклар уйларига тарқалишаётганди. Улардан кимдир ичиб ўтирди, баъзилари деразадан ташқарини кузатди, айримлари мадори қуриб, ётиб ухлади. Ҳоким хотини билан кўришганда аёли Бертадан эшитганларини, қандай даҳшатни бошдан кечирганини гапириб берди.

У меҳмонхона соҳибаси билан кампирнинг ҳар бир сўзини элақдан ўтказиб, иккиси Бертанинг ҳеч нимадан шубҳа қилмаётганига амин бўлдилар, лекин бошида улар айбдорлик ҳиссини туйгандилар.

«Буларнинг бари лаънати бўрига ўхшаш – уйдирманинг ўзи», – деб қўшимча қилди ҳокимнинг хотини.

Руҳоний эса черковга қайтиб, у ерда тонггача ибодат қилди.

Шантал қаҳва ичиб, кечаги қотиб қолган нонни чайнаб ўтирди, чунки якшанба куни нон сотувчи келмасди. Ойнадан вискослик эркаклар уйларидан қурол олиб чиқишаётгани кўриниб турарди.

«Одамлар қурбонликка мени танласалар керак», – деб ўйлаган Шантал ўзини ўлимга тайёрлар эди, бироқ эшигини биров тақиллатмади, эркаклар черковга кириб, у ердан бўш қўллари билан қайтиб чиқишарди.

Қиз пастга тушиб, барга кирди. Соҳиба оқшом содир бўлган воқеани, шунингдек, қурбонликка кампир танлангани ва бу борада Руҳоний нималарни айт-



ганини гапириб берди. Аёл жўн, кеки йўқ одамдай гапирди. Вискосдаги вазият Шантал фойдасига ҳал бўлгани кундек равшан бўлди.

\* \* \*

– Шуни айтиб қўяй: қачонлардир Вискос сенинг нима қилганингни тушуниб етади.

– Лекин Мусофир олтинни кўрсатиши керак, – деди қиз.

– Албатта. У бўш қопчиқ билан меҳмонхонадан чиқиб кетди.

Шантал ўрмонга бориш фикридан қайтди, чунки у ерга борадиган йўл Бертанинг уйи ёнидан ўтар, қиз эса кампирнинг кўзларига қарашга ботинолмасди. У уйига қайтди ва яна кўрган тушини эслади.

Арафа кунини қиз ғалати бир туш кўрди – унда Фаришта қизга ўн битта олтин ёмбисини бериб, ўзида олиб қолишини сўрармиш. Қиз Фариштага бунинг учун кимнидир ўлдириш зарурлигини айтибди. Фаришта эса йўқ, билакс, бу ёмбилар олтиннинг йўқлигидан дарак беради, дермиш.

Шу сабаб қиз соҳибадан олтинлар борасида Мусофир билан гаплашиб олишини сўради – унда бир режа пайдо бўлганди.

Шантал бир умр жанглардан наинки мағлуб бўлган экан, бу режасининг ҳам амалга ошишидан шубҳаланди.

Берта қуёшнинг тоғлар чўққиси ортидан ботишини кузатиб ўтираркан, яқинлашиб келаётган руҳоний ва уч эркакни кўриб қолди.

Кампир уч нарсадан афсусланди: вақт-соати тугани аён бўлди, уни юпатиш учун чоли бошқа келмади (балки бўлажак воқеалардан кўрқиб, ожизлик қилаётганини билгандир) ва ниҳоят энди пуллари банк

акциядорларида қолиб кетади, чунки у пулларини қайтариб олиб, ундан гулхан ёқишга улгурмаганди.

Лекин кампир ниҳоят бу дамда Прим хоним буви-си билан сайр қилиб юрган чоли билан учрашажак-лигидан қувонди. Ва яна – ҳаётининг охирги кунни совуқ, лекин чароғон бўлганидан суюнди, чунки ҳаммагаям бундай гўзал хотирани гўрга олиб кетиш насиб қилавермайди.

Руҳоний шерикларига четда туришни ишора қилиб, кампирнинг олдига келди.

– Хайрли оқшом! Қаранг, Парвардигор нақадар буюк, бундай гўзалликни яратган экан, – деди Берта ва ичида: «Сизлар мени олиб кетасиз, лекин бутун олам гуноҳини бошингизга соламан», деб ўйлади.

– Жаннат нақадар гўзаллигини тасаввур ҳам қилолмайсиз, – деди руҳоний, лекин Берта отган ўқи нишонга текканини тушунди, шунинг учун Падре ўзини ниҳоят совуққон тутишга ҳаракат қилди.

– Ҳақсиз, тасаввур қилолмайман. Бундан ҳам баттари – жаннат борлигига ишонмайман. Сиз у ерда бўлганмисиз?

– Ҳозирча бунга имкон бўлмади. Лекин мен, четдан жозибали кўринса-да, жаҳаннамда бўлганман ва унинг даҳшат эканини биламан.

Берта Падре Вискосни назарда тутганини тушунди.

– Янглишяпсиз, Падре. Сиз жаннатда бўлдингиз, фақат буни ҳис қилолмадингиз. Чунончи, кўпчилик ҳам шундай – бахтга нолойиқман деб, энг гўзал гўшаларда ҳам изтироб чекадилар.

– Бу ерда кечган умрингиз зое кетмаган кўринади – сўзларингиздан донолик ҳиди уфуряпти.

– Қўп йиллардан бери ҳеч ким олдимга гаплашгани келмаганди, қизиқ, энди эса ҳамма бирдан мени эслаб қолди. Тасаввур қилинг: кеча оқшом меҳмонхона соҳибаси ва ҳокимнинг хотини ўзларини уринтир-

май ҳузуримга келишди. Бугун эса руҳоний ташриф буюрди. Буни қандай тушунса бўлади? «Кеккайганга керилгин, бошинг кўкка етгунча!»

– Бунга сизда асос бор, – жавоб берди руҳоний. – Вискода сиздан ҳам муҳимроқ кимсанинг ўзи йўқ.

– Нима бало, меросга эга бўлдимми?

– Ўн дона олтин ёмбиси! Ҳали қараб турасиз – авлодлар сиздан миннатдор бўлишади. Шарафингизга ҳайкал ҳам ўрнатишлари мумкин.

– Мен фавворани танлаган бўлардим, чунки у чанқоғингни қондиради, хавотирингни ҳам ювиб кетади.

– Унда соз: сиз учун фаввора қуришади. Сўз бераман.

Берта масхарабозликни бас қилиб, жиддий гапга ўтишга қарор қилди.

– Падре, мен ҳаммасини биламан. Сизлар бегуноҳ, қаршилик кўрсатолмайдиган бир тул кампирни ўлимга маҳкум қилдингиз. Сизга ҳам, шаҳаргаям, унинг одамларигаям лаънатлар бўлсин!

– Ҳақсиз, биз лаънатга учраймиз, – рози бўлди руҳоний, – йигирма йилдан зиёд бу ўлкани эътиқод йўлига етакламоқчи бўлдим, лекин ҳеч ким менга қулоқ солмади. Йигирма йилдан ортиқ одамлар қалбига Эзгуликни жо қилишга уриндим, кейин билсам, Худо чап қўли билан одамлар мойил бўлган Ёвузликни кўрсатиш учун мени танлаган экан. Эҳтимол, бундан сўнг улар Тангридан қўрқиб, имон йўлига қадам қўярлар.

Бертанинг йиғлагиси келди, лекин у ўзини қўлга олди.

– Сўзларингиз тиллодек ярқироқ! Лекин афсус булар – қуруқ. Бу ботиллик ва адоватни оқлашга уриниш, холос.

– Мен бошқалар каби бу ишни пул учун қилаётганим йўқ. Мусофирнинг олтини бизнинг ўлкамиз

каби лаънатланганини ва ҳеч кимга бахт келтир-маслигини биламан. Парвардигор менадан сўрагани учунгина бу ишга қўл урдим. Тўғрироғи, сўрамади, илтижоларимни эшитиб – менга буюрди.

«Беҳуда тортишув», – деб ўйлади кампир. Бу пайт руҳоний чўнтагидан ниманидир чиқарди.

– Ҳеч нарсани сезмай қоласиз, – деди у, – ичкарига киришга рухсат берсангиз.

– Ҳали тирик эканман на сиз, на Вискоснинг бошқа одами остонамни ҳатлай олади. Эҳтимол тонгга қадар бу эшик очиқ қолар, лекин ҳозир эмас.

Руҳоний ишораси билан шерикларидан бири пластик шиша келтирди.

– Мана бу дориларни ичиб олинг. Бир неча соат ухлаб қоласиз, уйғонганингизда эса ўзингизни Арши Аълода, эрингиз ёнида кўрасиз.

– Мен доим эримнинг ёнидаман. Умримда уйқу дорисини ичмаганман, гарчи баъзида уйқусизликдан қийналган бўлсаман.

– Жуда яхши, у ҳолда дорилар сизга тезда таъсир қилади.

Қўёш ботган, зулмат шиддат билан водий, черков, шаҳарни қоплаб борарди.

– Агар ичмасам-чи?

– Ичасиз.

Берта руҳонийнинг ҳамроҳларига қараб, у рост гапираётганини тушунди. У дориларни оғзига солиб, кетидан бутун шишадаги сувни ичиб юборди. Сувнинг на ранги, на ҳиди, на таъми бор, лекин шунга қарамасдан у дунёдаги энг зарур нарса. Шу каби ушбу лаҳзаларда Бертадан ҳам муҳимроқ одам йўқ.

Кампир яна тоғларга боқди, лекин энди улар зулматга чўмганди. У самода биринчи бўлиб порлаган юлдузни кўрди ва яхши ҳаёт кечирганини ўйлади: севган юртида туғилиб – ўлди, лекин бу

юрт уни севмаган бўлса начора! Ҳақиқий муҳаббат – муҳаббат талаб қилмайди, кимки ўз севгисининг рағбатини ўйласа, билингики, у беҳудага вақтини ўтказган бўлади.

Тангри уни ўз марҳаматидан бенасиб қилмади. Берта ҳеч қаерга бормаганди, лекин ҳамма жойларда бўладиган воқеалар Вискосда ҳам бўлишига ишониб яшади. У жонидан ортиқ севган эрини йўқотди, лекин Худо унга бир қувончни ҳадя этди – эри ўлиmidан кейин ҳам унинг ёнида бўлди. У шаҳарнинг гуллаган даврини кўрди, шунингдек, унинг вайронага айланаётганига ҳам гувоҳ бўлди, лекин энди шаҳарнинг мутлақ таназулини кўролмай бу дунёдан кўз юмади.

У одамларнинг яхши-ёмон томонларини биларди, лекин эрининг зоҳир дунёда жанг кетаётганига қасам ичишига қарамасдан, охир-оқибат инсонлар қалбидаги Эзгулик тантана қилишига ишонарди.

Кампирнинг руҳонийга, ҳокимга, Прим хонимга, боринги, бутун Вискос аҳлига раҳми келди, зеро, у Ёвузлик ҳеч қачон ортидан Эзгуликни етаклаб келмаслигини яхши биларди.

Одамлар бу Ҳақиқатни англаб етганларида кеч бўлади.

Берта фақат бир нарсадан армон қилди – у ҳеч қачон денгизни кўрмаганди. Унинг борлигини, улканлигини, бир пайтнинг ўзида ҳам ўжар, ҳам сокин бўлишини эшитган, бироқ унинг соҳилига бориб, денгизнинг шўр сувини туйиш, ялангоёқ қумларни ҳис этиш, буюк Она қучоғига талпинганидек (келтлар шундай иборани севганлари унинг хотирасидан ўчмаган), уммон тўлқинларида чўмилиш насиб қилмади. Денгизни назарга олмаса, бу дунёдаги жами нарса билан видолашув уни маҳзун қилмасди. Лекин ҳаётни шу зайлда тарк этиш ёмон, жудаям ёмон. Кампир ўзини қурбон деб билмади – шубҳасиз

Тангри Бертани шу қисмат учун танлаган, лекин бу руҳонийга насиб қилган савдодан дурустроқ эди.

– Мен сизга Эзгулик ва Ёвузлик ҳақида гапириб бермоқчиман, – руҳонийнинг ушбу сўзларини эшитаркан, Берта оёқ-қўлларини ҳис қилмай қўйди.

– Керакмас. Эзгулик нималигини билмайсиз, Ёвузликдан заҳарлангансиз, энди эса уни бутун оламга тарқатяпсиз. Бизни яксон қилиш мақсадида Вискосга келган Мусофирдан фарқингиз йўқ.

Бертанинг ўзи охириги сўзларини базўр эшитди. Кампир юлдузли осмонга қараб, кўзларини юмди.

Мусофир ваннахонага кириб, ҳар бир олтин ёмбисини яхшилаб ювди ва эскириб кетган кир қопчиғига уларни тахлаб солди. Икки кун аввал у саҳнани тарк этганди, энди эса якуний қисмда парда ортида ҳозир бўлиши лозим.

\* \* \*

Олис ўлкалардаги кам сонли бир шаҳарчани танлашдан тортиб, ишлар чаппасидан кетгудек бўлса, уни ўлимни ташкил қилишда айбламасликлари учун ҳар қандай шубҳадан холи қиладиган шерикни топишга қадар – буларнинг барчаси пухта ўйланган эди.

Диктофон ва мукофот – илк оҳиста қадам, Вискос одамлари билан дўстлашиб олгани – биринчи босқич бўлди. Мусофир режасининг иккинчи босқичи – бу ерларга қўрқув ва саросима уруғини қадагани бўлди. Худо унга нимани раво кўрган бўлса, энди у ҳам одамларни шунга дучор қилади.

Мусофир режасини олдиндан ўйлаб, кутилмаган ишларнинг олдини олганди, лекин бир нарсани назардан қочирган экан – бу ҳам бўлса режасининг амалга оширилиши эди.

У одамларнинг қарор қилиши керак бўлган пайтда кимдир бу жинойтга қарши чиқиб, «йўқ» дейишини

умид қилганди, зеро, бу режа моҳиятни ўзгартириб, ҳали ҳаётдан умид борлигини англаган бўларди. Бордию бир одам шаҳарни қутқариб қолса, демак, у дунёни қутқариб қолган бўлади: бу эса – умиднинг сўнмагани, Эзгулик устунроқ экани, террорчилар қандай ёвуз куч эканликларини билишмагани, кечирим туфқа этилиб, изтироблар ўрнини ёруғ, ғамгин хотиралар эгаллашини англаган бўларди.

Унинг эшитишга зор бўлган ўша биргина «йўқ» сўзи учун, Шантал билан баҳс бойланганига қарамасдан, Вискос аҳли ўша ўнта олтин ёмбисини олган бўларди.

Лекин унинг режаси барбод бўлди. Энди эса кеч – у кўзлаган мақсадни ўзгартиролмайдди.

Эшик тақиллади.

– Тезроқ юринг, – меҳмонхона соҳибасининг овози эшитилди. – Вақт бўлди.

– Кетяпман.

У камзулини кийиб, барга тушди ва соҳибага деди:

– Олтинлар менда. Лекин тушунмовчилик бўлмаслиги учун, сизни огоҳлантириб қўймоқчиман – қаерда эканимни билишларидан хабардор бўлсангиз керак. Агар бошқа одамни қурбон қилмоқчи бўлсангиз, ишонинг, полиция айнан шу ерга келади. Телефонда неча марта қўнғироқ қилганимни ўзингиз кўрдингиз, шундаймасми?

Меҳмонхона соҳибаси жимгина бошини силкитди.

Келтлар Тошига қадар ярим соат пиёда юриш зарур эди. Асрлар давомида уни одамлар чақмоқ зарбидан қоядан узилиб тушган улкан тош бўлаги деб ўйлаганлар. Ахав бу ерда шаҳар кенгашини ўтказган, зеро, улкан Тош табиат қўли билан очиқ ҳавода қўйилган минбарни эслатарди.

\* \* \*

Ҳукумат томонидан келтлар меросини ўрганиш учун юборилган илмий экспедиция иштирокчиларидан бири бу тошга эътибор бермагунига қадар, одамлар бу Тош ҳақида шундай фикрда юра берганлар.

Ўшанда бир гуруҳ археологлар Тошни ўлчаб, кавлаб, ҳисоб-китоб қилиб, турли баҳс-мунозаралар уюштиришганди. Ниҳоят олимлар бу жойни қайсидир келт қабиласи муқаддас санаган, деган тўхтамга келдилар. Лекин бу ерда қандай маросимлар ўтказилгани номаълумлигича қолди. Айрим олимлар бу ерда фалакиёт расадхонаси бўлган десалар, бошқалари бу Тош олдида келт коҳинлари ҳосилдорлик Маъбуди шарафига бокира қизлар билан зинолар уюштиришганини исботладилар. Мунозара бир ҳафта давом этди ва олимлар бирор фикр келолмай, бошқа сирлироқ жойни ўрганишга кетганлар.

Вискос шаҳри ҳокими сайлангандан сўнг, бу ерга сайёҳларни жалб қилиш мақсадида маҳаллий газетага буюртма бериб, келтлар меросига оид мақолалар чоп эттирди. Бу ерга элтувчи сўқмоқлардан юриш мушкуллиги, лекин бунгаям қарамай улкан Тош олдида чиқишга довланадиган кимса топилиб қолса, Вискос ҳокими унга ўша ерда ётган тош парчаларинигина соврин сифатида тортиқ қила оларди, ҳолбуки бошқа шаҳар ва қишлоқларда бу мақсадда қадим ёзувлар ва турли ашқол-дашқоллар совға қилинарди.

Шундай қилиб, бу каби уринишлар ҳеч қандай натижа бермади, анча вақтдан сўнг улкан Тош мוזийдаги вазифасини ўташга қайтди – вискосликлар ҳар ҳафтада ўтказиладиган зиёфатда ундан улкан стол сифатида фойдалана бошладилар.

Ўша куни Вискоснинг кўпчилик хонадонларида айнан бир масалада баҳслар авжига чиқди: эркаклар



фақат ўзларигина боришга қарор қилган бўлсалар, хотинлари ҳам мазкур маҳфий қурбонликда қатнашиш учун ҳақларини талаб қилдилар. Содир бўлажак жиноят энди шундай аталаётганди.

Эрлари бу тадбир хавфли, ўқотар қуроллардан ҳар балони кутиш мумкин десалар, хотинлари эрларининг манманлик туфайли кўнишмаётганини, дунё аллақачон ўзгариб, энди хотинлар билан ҳам ҳисоблашиш зарурлигини уқтирдилар. Охири эрлари ён босиб, хотинларининг қўли устун келди.

Мана энди қўлларида машғалалар ушлаб олган одамлар улкан Тош томон илон изидай оқиб келишарди. Машғалалар сонидан Вискосда қанча одам яшашини билиб олса бўларди, уларнинг сони 281 та бўлиб, Мусофир ва кампир Берта бундан мустасно эди. Ҳар бир эркак бир қўлида фонус ё лампа, иккинчи қўлида ногаҳон отилиб кетмаслиги учун иккига бўлинган милтиқни ушлаб олганди.

Берта бу ерга ўз оёғи билан бормайдиган ягона одам эди – у икки ёғочсоз кўтариб олган ясама тобутда тинчгина ухлаб борарди. «Яхшиям бу кампирни қайтариб олиб кетишга тўғри келмайди, – деб ўйлади ёғочсозлардан бири. – Унинг баданига шунчалар кўп қўрғошин киритишадикки, оқибатда вазни камида уч ҳиссага ортади».

У чамалаб кўрди: ҳар битга ўқ одатда олтига майда қўрғошин шарчаларидан иборат бўлади. Ҳамма отилган ўқ унинг баданига кирса, у ҳолда кампирнинг танасида 522 та қўрғошинни санаш мумкин, бу унинг қони миқдоридан ҳам кўпроқ дегани.

Шу пайт ёғочсоз ошқозонининг гумбурлаб қолганини сизди ва душанбагача ҳеч нарсани ўйламасликка қарор қилди.

Тоққа кўтарилаётган одамлар йўл давомида чурқ этмадилар, гўё улар тезроқ унутилса яхши бўладиган

даҳшатли туш кўришаётгандек эди. Чарчоқдан эмас, ҳаяжондан ҳаллослаб қолишганди.

Ниҳоят улкан Тошни ярим ой шаклида машъалалар ўраб олди. Ҳоким ишора қилгандан сўнг, ёғочсозлар кампирни амбардан тушириб, Тош устига ётқизиб қўйдилар.

– Йўқ, бу тўғри келмайди, – деди уруш тўғрисидаги киноларда душман ўқидан ўзини ҳимоя қилиш учун ётиб олган аскарларни эслаган Темирчи. – Ётган одамга ўқ билан тегиш қийин.

Шунда ёғочсозлар Бертани ортидаги тошга тираб, ўтқизиб қўйдилар. Ажойиб нишон пайдо бўлди, лекин шу орада бир аёлнинг йиғлагани эшитилди:

– У бизга бақрайиб ўтирибди! Кампир нима қилаётганимизни кўриб турибди.

Турган гап, Берта ҳеч нарсани кўрмасди, лекин тез орада майда қўрғошин парчаларидан тилка-пора бўлажак жилмайиб турган бегуноҳ кампирга қарашга бировнинг юраги дов бермасди.

– Тескари қаратиб ўтқизиб қўйинглар, – деди бу манзарага бефарқ қаролмаган ҳоким.

Ёғочсозлар минғирлашганча кампирни тизза чўктириб қўйдилар. Энди кампир юзини тошга, орқасини одамларга ўгирди. Бироқ бундай алпозда уни ушлаб туриш қийинлиги сабаб, ёғочсозлар кампирнинг тирсакларини арқон билан боғлаб, учларини тошнинг нариги томонидан бириктириб қўйдилар.

Даҳшатли манзара пайдо бўлди – одамлардан юз ўгириб тиз чўккан кампир қўлларини осмонга қаратиб, гўёки кимгадир нимадандир нола қилаётганга ўхшарди. Кимдир бу манзарани кўриб норози бўлди, лекин ҳоким бунга барҳам бериш кераклигини айтди.

Иш қанча эрта тугаса, шунча яхши, нутқ ва ўз ўзини оқлаш ишларини эртага қолдирса ҳам бўлади, чунки шусиз ҳам чўпон ва деҳқонлар бардами, кўча-



дами бари бир бугунги воқеани муҳокама қилишади. Бироқ энди шаҳарнинг учта кўчасининг биридан одамлар юрмаслигига шубҳа қилмаса бўлади, зеро, улар бу кўчада олис тоғларга боқиб, ўзи билан ўзи гаплашиб ўтирадиган Бергани кўришга кўникиб қолгандилар. Яхшиямки, қўлбола зинапоя орқали автоўлга чиқадиган тор йўлак ва шаҳарнинг яна иккита кўчасидан четга чиқиш мумкин.

– Келинлар, бу ишга барҳам берайлик, – деди ҳоким руҳонийнинг жим тургани ва бу билан унинг обрўсига путур етказмаётганидан мамнун бўлиб. – Йўқса водийда бегона кимса бу машъалаларни кўриб, нималар содир бўлаётганига қизиқиб қолиши мумкин. Нишонга ол, ўқ от ва ҳамма уйига!

Бўшашмасдан! Она юртини ҳимоя қилишдек ша- рафли бурчни бажараётган яхши аскар каби! Қалб қийноқларисиз! Буйруқ бор ва уни бажариш лозим!

Шу пайт ҳоким нафақат руҳонийнинг жим турга- нини тушунди, балким қопқонга тушиб қолганини ҳам англаб етди. Бордию, бу воқеа ошкор бўлиб қолса, барча урушлардан сўнг қотиллар ўзларини оқлашга- ни каби одамлар ҳам «биз буйруқни бажардик, холос», деб ўзларини оқлашлари турган гап. Уларнинг қал- беда нималар кечаётгани ҳокимга қоронғу, шундай экан у ҳолда ким у: қотилми ё халоскор?

Қуроллар отишга тайёр турганида бўшашмаслик керак. Ҳоким 174 қуролдан бирданига ўқ узилганда қандай шовқин пайдо бўлишини тасаввур қилди ва ўзини тинчлантирди: биров буни эшитиб бу ерга келгунича одамлар ортга қайтган бўладилар, шу- нингдек, у одамларга қайтиш чоғи машъалаларни ўчириб қўйишни буюрган. Одамлар кўзи юмуқ ҳол- да ҳам уйларини топа олишади, ёруғлик эса фақат отишма пайтида бахтсиз ҳодиса юз бермаслиги учун хизмат қилади.

Эркаклар эллик қадам олдиндаги кампирни нишонга олганларида табиий, аёллар орқага тисландилар. Эркакларнинг болалиқдан овчиликка ўрганишгани, улар югуриб кетаётган ҳайвон ёки учиб юрган қушни бир ўқ билан гумдон қилишини ҳисобга олинса, уларнинг хатога йўл қўйиши мумкин эмасди.

Ҳоким «Ўт оч!» дейишга шайланиб турганда бир аёлнинг овози жаранглади.

– Тўхтанглар!

Бу Прим хоним эди.

– Олтин, олтинларни кўрдингларми?

Эркаклар қуrollларини туширдилар. Аслида олтинни ҳеч ким кўрмаганди.

Барча Мусофирга юзланди. У ўртага чиқиб, қопчиғидан олтин ёмбиларини чиқара бошлади.

– Мана у, – деди у яримой тизимининг четига қайтаркан.

– Бу олтин, – деди қиз, – лекин сизларнинг ҳам бунга амин бўлишингизни истайман. Тўққизта аёл чиқиб, уларнинг ҳар бири олтинни биттадан қўлига олсин.

Ҳоким иккиланиб қолди – қизнинг айтганини қилишса, аёллар ўқ учиш йўналишида бўлади, бирорта эркакнинг қўли қалтираб, тепкини босиб юбориши мумкин. Бироқ тўққиз аёл – унинг хотинини ҳам ҳисоблаганда Прим хонимнинг олдига келиб, унинг айтганини қилди.

– Ҳа, бу – ҳақиқий олтин, – деди ҳокимнинг хотини қўлидагини яхшилаб ўрганиб, тақинчоқлари билан солиштириб кўраркан. – Мана, давлат тамғаси ва ишлаб чиқилган санаси, вазни, рақамини англатувчи сонлар. Бизни алдашмаган.

– У ҳолда қуймаларни ушлаб, гапимни эшитинг.

– Ҳозир нутқ сўзлашнинг мавриди эмас, Прим хоним, – деб ўртага аралашди ҳоким ва аёлларга

деди: – Бу ердан кетинглар, бошлаган ишимизни якунлашга имкон беринг.

– Жим бўл, тентак!

Шантал қичқириб, ҳаммани қўрқитиб юборди. Вискосда кимнингдир ўзини бундай тутиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди.

– Ақлдан озганмисиз?

– Жим бўл! – Шантал бошдан-оёқ қалтираб, ҳо-кимдан нафрат тўла кўзларини узмаган ҳолда янада кучлироқ бақирди.

– Барчамизни тергов, ўлимга маҳкум қилувчи қопқонга тушиб, сен ақлингни йўқотгансан. Аслида сиртмоққа бошини суққан сен бўласан.

Ҳоким Шантал томон бир қадам босди, лекин уни икки эркак тўхтатиб қолди.

– Қиз нима демоқчи, қани эшитамиз! – дея оломон ичидан кимдир қичқирди.

– Ўн дақиқанинг аҳамияти йўқ!

Айни вазиятда ўн эмас, беш дақиқа ҳам муҳим аҳамиятга эга ва Вискоснинг ҳар бир одами бунга биларди.

Дарада турганларни борган сари даҳшат чулғар, айбини чуқурроқ англагани сари, номуси қийнади. Одамлар қалтироқларини босолмай қолгандилар. Улар бирор баҳона топиб, тезроқ бу ишга чек қўйишни хоҳлардилар. Бу ерга келаётиб ҳар бир эркак «қўлимдаги қуролда бўш патрон бор ва бу машмаша бир зумда тугайди», деб ўйлаганди, энди эса ҳақиқий ўқ билан ҳамма жодугар санаган кампирни ўлдиришидан, унинг арвоҳи кечалари безовта қилишидан қўрқарди.

Кимдир оғзидан гуллаб қўйиши ёки руҳоний берган ваъдасида турмай, ҳар бири гуноҳкор бўлиб қолишидан ҳам қўрқдилар.

– Майли, беш дақиқа, – деди ҳоким, гарчи энди ўйин Шантал қўйган қоидалар асосида бурилиб кетган бўлсаям, бу ерда фақат угина буйруқ беришга ҳақли эканини кўрсатиб қўйиш учун.

– Қанча керак бўлса, шунча гапираман, – деди энди ўзини анча қўлга олган ва эгаллаган ҳудудининг бир қаричиниям бой бермасликка қарор қилган қиз. У аниқ ва бурро-бурро қилиб гапирди: – Лекин кўп вақтингизни олмайман. Бўлаётган воқеани кўриб ажабланасан, киши, чунки Ахав замонида қўрғошинни олтинга айлантиришга қодир ғалати кукуни бор машҳур одамлар шаҳримизда яшаганларини ҳаммамиз биламиз. Бу одамлар ўзларини Алкимёгар деб атаганлар. Ахав улардан бирини ўлдиришга қарор қилгандаям у бундан тонмаган ва ҳақиқатни гапирган.

Бугун сизлар ҳам ўша ишни қилмоқчисизлар – қўрғошинни инсон қонига ботириб, уни худди қўлимиздаги каби олтинга айлантиришга ишоняпсизлар. Бир томондан ҳақсиз, лекин иккинчи томонини олсак, қўлингизга осонлик билан кирган олтин, шунча тез ғойиб бўлади.

Мусофир қизнинг нималар деяётганини тушунмаса-да, лекин сўзларини давом эттиришини хоҳлади, зеро, унинг зулматга чўмган қалбининг бир четида яна қандайдир Нур пайдо бўлаётганини ҳис қилди.

– Биз мактабда машҳур шоҳ Мидас ҳақидаги афсонани ўқиганмиз. Кунларнинг бирида у Тангри билан учрашиб қолади. Тангри ундан тила тилагингни, деганида Мидас бадавлат одам бўлса-да, «Қўлим текканки нарса олтинга айлансин!» дейди.

Шундан сўнг нималар бўлганини эслайсизми?

Мидас ўзини ўраб турган – жиҳозларни, саройини олтинга айлантиради. Унинг қўли теккан дарахтлар, зиналар олтинга эврилади. Туш пайтига келиб,

қорни очқаб овқат емоқчи бўлади. Хизматкорлар пишириб келган қўй гўштини қўлга олган заҳоти гўшт олтинга айланади. У ичмоқчи бўлиб қадаҳни лабига олиб келади, лекин қадаҳдаги шароб ҳам олтинга айланади. Фақат шундагина у қанчалар хато қилиб қўйганини тушунади ва хотинидан ёрдам сўрайди. Хотинининг қўлини ушлар экан, у ҳам олтинга айланиб қолади. Буни кўрган хизматкорлар шоҳни ташлаб, қочиб кетадилар.

Бир ҳафта ўтар-ўтмас Мидас гир-атрофи олтинга тўлиб, очлик ва ташналиқдан кўз юмади.

– Бу билан нима демоқчисан? – деди ҳокимнинг хотини. У тезгина олтинни ерга қўйиб, эрининг ёнига қайтди. – Бизга бундай каромат кўрсатадиган Худо Вискосда пайдо бўлганми?

– Нима демоқчиман? Шунини айтмоқчиманки, олтиннинг ўзи аслида ҳеч қандай қийматга эга эмас. Уни еб, ичиб бўлмайдди, унга на ҳайвон, на ер сотиб оласан. Фақат пул қийматга эга, хўш, қайси йўл билан бу олтинларни пулга алмаштирмоқчисиз?

Олдимизда иккита йўл бор. Темирчимиздан олтин қўймаларини эритиб, уларни бир хилдаги икки юз саксон бўлакчаларга бўлишини сўраймиз. Ҳар ким ўз улушини олиб, шаҳарга сотгани боради. Ана шунда шубҳа остида қоламиз, чунки бизнинг водийда олтин конлари йўқ, шунинг учун бирдан вискосликларда олтин бўлакчалари пайдо бўлгани савол туғдиради.

Ҳукумат бу вазиятни текшира бошлайдди.

Биз ўз навбатида келтлар хазинасини топиб олдик, дейишимиз мумкин. Текширув натижалари олтин яқинда қуйилганини, келтларда бундай олтин бўлганида улкан бир бой шаҳар қуришган бўлишини аниқлайди.

– Сен ўта бетаъмиз одам экансан, – деди зодагон.  
– Биз қўймаларни шундоқлигича – тамғаси, сифати

ва ҳоказоси билан банкка топширамиз ва уни пулга алмаштириб, тенг бўлишиб оламиз.

– Бу иккинчи йўли. Ҳоким ўнта олтин ёмбисини олиб банкка боради, улар учун пул сўрайди. Турган гап, биз борсак, банк ходимида саволлар туғилиши мумкин, лекин у бундай саволларни ҳокимга бермайди, зеро, ҳоким – шаҳар ҳокимияти вакили. Ундан фақат бир нарсани – бу олтинларга эгалик гувоҳномасини сўрашади. Ҳоким ҳужжат йўқлигини айтиб, унинг хотини таъкидлаганидек, улардаги тамға, рақамларга ишора қилади, олтинларнинг ҳақиқий эканини айтади: мана ишлаб чиқилган санаси, рақамлари бор, дейди.

Бу пайтга келиб азиз Мусофиримиз бу ерлардан олисларга кетишга улгуради.

Банк ходими ҳокимни яхши танигани, унинг ҳаққонийлигига шубҳа қилмаслигини айтиб, банкнинг бундай катта суммада ҳақ тўлаши учун рухсат кераклигини айтади. Гап орасида банк ходими бу олтинлар қаердан келганини сўрайди. Ҳокимимиз анойилардан эмас, сўз қидириб қўлини чўнтакка солмайди: у бир мусофир совға қилганини айтади.

Ходим бу ҳақда мудирга хабар беради. Мудир ҳам, йўқ, йўқ, у ҳеч кимдан шубҳа қилмайди, фақат қуруқ маошга ишлаши ва калласини ғалвага тиқмаслик учун, эҳтиёт чора – банк бошқаруви кенгашини чақиради. Кенгаш аъзоларининг бирортаси ҳокимни танимайди, гарчи катта сумма борасида гап кетаётган экан, олтиннинг қаердан келиб чиқишини билиш мақсадида ҳокимдан икки кун кутиб туришини сўрайдилар.

Хўш, бу орада нима аниқланади? Олтинлар – ўғирланган ёки гиёҳвандликка алоқадор кимсалар томонидан сотиб олинган!

Шантал жим бўлди. У биринчи бор ёмбини қўлга олганда пайдо бўлган қўрқув ҳисси энди ҳамшаҳар-



ларини қамраб олганди. Бир одамнинг кечмиши – бутун одамзот кечмишидир.

– Ахир ҳар бир олтин ёмбисига рақам ва ишлаб чиқилган сана муҳр этилган, унинг қаердан келиб чиқишини бир зумда аниқлаш мумкин.

Барчанинг нигоҳи ўзини сокин тутиб турган Мусофирга тушди.

– Ундан сўрашнинг ҳожати йўқ, – деди Шантал, – у жавоб беради, биз эса буни ҳақиқат деб биламиз. Бировларни жиноятга тақаган инсон ишончга арзимамайди.

– Олтинлар нақд пулга алмашгунга қадар уни шу ерда ушлаб турсак бўлади-ку, – деди темирчи.

Мусофир меҳмонхона соҳибасига ишора қилди.

– Унинг нозик жойидан ушлолмайсиз, – деди соҳиба. – Мусофиримизнинг бақувват дўстлари борлиги аниқ. У менинг олдимда бир неча бор қўнғироқ қилиб, аллакимлар билан гаплашди, чипта буюрди. Бордию, у йўқолиб қолса, Мусофирнинг ўғирлангани аниқ бўлади, ана ўшанда Вискосни полиция босиб кетади.

Шантал қўлидаги олтинни ерга қўйиб, отишма йўналишини тарк этди. Қолган аёллар ҳам шундай қилдилар.

– Хоҳласангиз – отинглар. Лекин мен бу Мусофир томонидан қўйилган тузоқлигини яхши биламан, шунинг учун жиноятга шерик бўлмайман.

– Сен ҳеч нарсани билмайсан! – дея зодагон бақирди.

– Агар ҳақ бўлиб чиқсам, ҳоким тез орада қамоққа тушади, ҳукумат вакиллари олтинлар кимдан ўғирланганини аниқлаш учун Вискосга ташриф буюрадилар. Кимнингдир буни тушунтириб беришига тўғри келади, фақат менинг эмас. Мен фақат жим бўлишни ваъда қиламан: бу ерда нима бўлганини билмайман, дейман, холос. Эртага Вискосни мутлақ тарк этувчи Мусофирга қараганда ҳокимимизни яхши биламиз.

Балки ҳоким олтинларни Мусофирдан ўғирлаганига иқрор бўлиб, бор айбни ўз бўйнига олар? У ҳолда уни ҳаммангиз қаҳрамонга чиқарасиз, жиноят очилмай қолади, биз аввал қандай яшаган бўлсак, бундан кейин ҳам шундай яшайверамиз, фақат – олтинларсиз.

– Мен бу ишни қиламан! – деди ҳоким қизни ақлдан озган ҳисоблаб.

Шунда кимдир милтиғини ерга қўйганининг овози эшитилди.

– Менга ишонинг, – деб бақирди ҳоким. – Мен буни бўйнимга оламан, таваккал қилиб кўраман!


Бунга жавобан одамлар бирин-кетин милтиқларини ерга қўя бошладилар – қачонгача сиёсатчилар ваъдаларига ишониш мумкин?!

Фақат ҳоким ва руҳонийгина милтиқларини нишонга тўғрилаб турардилар: улардан бири Прим хонимни, иккинчиси Бертани нишонда ушлаб туришди. Бироқ шу пайт кампир баданига қанча қўрғошин киришини сарҳисоб қилган ёғочсоз нималар бўлаётганини кўриб, иккисига ташланди ва қуролларини тортиб олди. Ҳоким ҳали қасос учун жиноят қилишгача ақлини йўқотмаганди, руҳоний эса қурол отишни билмас, отган тақдирида ҳам нишонга теккизолмасди.

Прим хоним ҳақ эди: бировга ишониш жуда хавфли! Бирдан барча одамлар ушбу ҳақиқатни англагандай бўлдилар, чунки дастлаб катталар, улар кетидан ёшлар бу ерни аста тарк эта бошлашди.

Улар жимгина ортга қайтар эканлар, об-ҳаво, қўйлар жунини қирқиш, шудгорлаш керак бўлган далалар, бошланаётган ов мавсумини ўйлаб, ўзларини чалғитмоқчи бўлдилар.

Аслида бу ерда ҳеч нарса бўлгани йўқ, бўлолмасди ҳам, чунки Вискос Вақт уммонига фарқ бўлиб кетган, унда ўтаётган кунлар бир-биридан фарқ қилмасди.



Одамлар уч кун ичида содир бўлган воқеаларни шунчаки тушда кўрдик, деб ўзларини ишонтирмоқчи бўлдилар.

Дарҳақиқат бу – туш эди. Даҳшатли туш.

Дарада уч нарс қолди – улардан бири тошга бойланган ҳолда ухлаб ётар, қолгани одамлар ташлаб кетган иккита фонус эди.

\* \* \*

– Мана олтинлар, бундан кейин у Вискосга тегишли, – деди Мусофир Шанталга. – Мен эса олтинсиз, саволимга жавобсиз қоладиган бўлдим.

– У Вискосга эмас, менга тегишли. Сен эса мен билан бирга бориб, уларни нақд пулга алмаштиришга ёрдам берасан, чунки бирорта сўзингга ишонмайман.

– Бу ишни қилмаслигимни яхши биласан. Менга қаратилган нафратингга келсак: ўзингдан нафратлансанг тўғри бўларди. Ўтган воқеалардан миннатдор бўлишинг керак, зеро, сенга олтинларни кўрсатиб, бойиб кетишдан ҳам муҳимроқ нарсани англатдим: сени ҳаракат қилишга мажбур қилдим. Мен туфайли бу ўткинчи дунёга ҳасрат қилишдан воз кечиб, ўз йўлингни аниқлаб олдинг.

– Ўта олижаноблик, – киноя қилди Шантал. – Мен биринчи учрашувимизданоқ инсон табиатига доир фикримни айтишим мумкин эди; Вискос таназулга юз тутган, бироқ унинг тарихи шараф ва доноликка тўла бўлган. Сен бир умр қидириб юрган жавобни мен беришим мумкин эди.

Шантал улкан Тошга келиб, у ерда тирсакларидан бойланган Бертани ечиб олди. Қиз кампирнинг пешанасидаги қонли ярани кўрди, балки кампирни тошга қадаганларида пайдо бўлгандир, деб ўйлади. Лекин жароҳат арзимас эканига қиз амин бўлди. Энг ёмони Бертанинг уйғонишини кутиб, тонггача шу ерда қолишга тўғри келарди.

– Сен ҳозир ҳам жавобини айта оласанми? – деб Мусофир қиздан сўради.

– Сенга авлиё Савиний ва Ахавнинг учрашуви ҳақида гапириб бергандим, эсингдами?

– Ҳа, албатта. Руҳоний унинг олдига келиб, бироз суҳбатлашади, кейин араб авлиё жасоратига тан бериб, имон йўлини танлайди.

– Худди шундай. Сен фақат дарвеш ухлашдан олдин Ахав билан суҳбатлашганини эслаб ўтмадинг. Савиний унинг остонасини ҳатлаб ўтганда, Ахав пичоғини қайраб ўтирганди. Бутун дунёни ўзига ўхшатган қароқчи руҳонийни синаш мақсадида сўрайди:

– Бордию, ҳозир олдимизга шаҳарнинг энг гўзал бузуқ аёли кириб келса, унинг гўзаллиги ва жозибасини ўйламай тура олармидинг?

– Йўқ. Лекин нафсимни тийиб тура олардим, – деб жавоб берибди Руҳоний.

– Агар сенга кўплаб олтин тангаларни бериб, ўзлигингдан кеч ва бизга қўшил десам, олтинларни оддий тошдек қабул қилармидинг?

– Йўқ. Лекин нафсимни тийишга ҳаракат қилардим.

– Бордию, олдинга бири сендан нафрат қиладиган, иккинчиси сени авлиё деб тавоф қиладиган ака-укалар кириб келса, уларни тенг деб кўрармидинг?

– Мен бундан азоб чеккан бўлардим, лекин азоб ичра ҳам ўзимни қўлга олиб, уларни бир-биридан фарқламаган бўлардим.

Шантал жим бўлди, кейин қўшимча қилди:

– Айтишларича, Ахавнинг имон йўлини танлашга айнан мана шу қисқа суҳбат сабаб бўлган экан.

Мусофир қизнинг изоҳларига муҳтож эмасди – Савиний ва Ахавга айнан бир хил куч таъсир қилганини унинг ўзи ҳам биларди: Эзгулик ва Ёвузлик уларнинг, қолган барча инсоният қалбидан муқим жой эгаллаш учун жанг қилган. Ахав Савинийнинг ўзига тенг кела олишини тушунганда, унинг ўзи ҳам

Савинийга тенглаша олиши мумкинлигини англаб етган. Алал-оқибат буларнинг бари – ўзликни англаш ва йўл танлаш масаласидир.

Бошқа ҳеч нарса эмас.

Шантал болалигида бу ердаги булоқ сувларининг, майсаларнинг, бутун вилоятдаги энг яхши узум навидан тайёрланган ва сайёҳлардан сир тutilган хонаки шаробларнинг таъмини татиб сайр қилган водийни, тоғларни, ўрмонни охирги марта кўздан кечирди.

Гап шундаки, бу ерларда шароб кам тайёрланган, шунинг учун одамлар уни Вискосдан четга чиқармаганлар, катта пул кетидан қувиб, анъаналарини бузмаганлар.

\* \* \*

У Берта билан видолашиш учунгина яна Вискосга қайтиб келди, катта шаҳарга қилган қисқа саёҳати уни бой-бадавлат аёлга айлантирганини ҳеч ким сезмаслиги учун одатда кийиб юрган эски кўйлагини кийиб олди: Мусофир барча юмушларни ўз зиммасига олиб, олтинларни пуллашга зарур бўлган ҳужжатларни имзолади, пуллар эса Прим хоним номига очилган ҳисоб рақамига ўтказилди. Қиз ва Мусофирга керагидан ортиқ мулозамат қилган банк ходими бирорта ҳам ортиқча савол бермади. Бироқ Шантал бу қартайиб бораётган банкир ўзининг ёш жазманига ҳисоб рақами очаётганига амин эди.

«Қандай ҳузурбахш дамлар бўлди!» – деб ўша воқеани эслади қиз. Эҳтимол, банк ходими қизнинг бундай катта пул туришини кўриб, ётоқда ҳам чакки бўлмаса керак, деб ўйлагандир?!

Шантал йўлда ҳамшаҳарларидан айримларини учратди: қизнинг Вискосни тарк этишини ҳеч ким билмагани боис одамлар ҳеч нарса бўлмагандай, шаҳарга Иблис ташриф қилмагандек қизга «салом»,

дедилар. Шантал ҳам жавобан бу кун ҳаётининг бошқа дамларидан фарқ қилмаслигини билдирди.

Қиз бошланган янги ҳаётининг қандай бўлиши, уни нақадар ўзгартириб юборишини ҳали англамасди – лекин буни тушуниб етишга вақти етарли эди.

Берта шаҳарни қўриқлаш учун эмас, шунчаки бошқа ишга ярамаслиги туфайли уйининг олдида ўтирарди.

– Одамлар менинг шарафимга фаввора қурадиган бўлдилар, – деди кампир. – Жим бўлишимни шунга нархладим. Биламан, у узоқ турмайди ва кўпчилик чанқоғини босолмайди, чунки Вискос бари бир маҳкум этилган. Шаҳримизни бу ерда пайдо бўлган Иблис эмас, бизлар яшаётган Давр вайрон қилади.

Шантал фаввора қандай бўлишини сўради; Берта ўзи ўйлаб топган лойиҳани гапириб берди: Қуёшдан сув отилиб чиқиб, тўғри оғзини очиб турган бақага қуйилади. Берта – Қуёшни, руҳоний – Бақани англатади.

– Мен фаввора тургунга қадар унинг зиёга бўлган ташналигини қондириб тураман.

Ҳоким бу лойиҳа шаҳар ғазнасига катта зиён келтиришини айтиб, қаршилик ҳам қилиб кўрди, лекин Берта буларга қулоқ солмади ва ҳокимият кўнишга мажбур бўлди – келаси ҳафта фаввора қурилиши бошланиши керак.

– Қизим, охири мен айтган нарсани бажарасанми? Мен бир нарсани тўлиқ ишонч билан айтишим мумкин: инсон умрининг узун ёки қисқа бўлиши, унинг қандай яшашига боғлиқ.

Шантал қулиб, кампирнинг юзларидан ўпди ва Вискосга орқа ўгирди – бир умрга.

Берта ҳақ: у вақтини бой бермаслиги керак, гарчи ҳаёти узун кечишидан умидвор бўлса ҳам.

## МУНДАРИЖА

«Ўз тақдиримиз» ўз қўлимизда* .....	3
Алкимёгар .....	7
Сўз боши .....	8
Муқаддима .....	13
Хотима.....	180
Пауло Коэльо ва «Алкимёгар» ( <i>Таржимондан</i> ).....	182
Иблис ва Прим хоним .....	189

*Адабий-бадий нашр*

ПАУЛО КОЭЛЬО

**АЛКИМЁГАР  
ИБЛИС ВА ПРИМ ХОНИМ**

*Романлар*

Муҳаррир  
Феруза ҚУВОНОВА

Мусаҳҳиҳ  
Мадина МАҲМУДОВА

Бадий муҳаррир  
Зилола ТЎЛАГАНОВА

Саҳифаловчи  
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир  
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АИ № 252. 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 03.05.2017 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табағи 11,0. Шартли босма табағи 18,48.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.

Адади 10000 нусха. Буюртма № 125.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММ да тайёрланди ва чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

***Мурожаат учун телефонлар:***

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-71;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87

факс –273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru